



**МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРИХИ  
ВА НАЗАРИЯСИ**

*Ўқув-услубий кўлашма*

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ  
МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕСИТЕТИ

**Ш.Тўраев, О.Муҳаммадиева**

## **МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ**

**Ўқув-услубий қўлланма**

*(Олий таълим муассасалари бакалаврлари  
учун услубий қўлланма)*

«Sano-standart» нашриёти  
Тошкент – 2016

УЎК: 316.75(072)

КБК: 63.3(5Ў)

T97

**Миллий ғоя тарихи ва назарияси / Ш.Тўраев, О.Муҳаммадиева.**  
– Т.: «Sano-standart» нашриёти, 2016 йил, 272 бет

Мазкур ўқув-услубий қўлланма “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” ўқув дастури талабларига мувофиқ бажарилган бўлиб, олий таълим – “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ” бакалаврият таълим йўналиши талабаларига миллий ғоянинг шаклланиши, унинг тарихий илдизлари ва негизларининг халқимиз ҳаётида тугган ўрни ва ролини ўргатиш, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда миллий ғоя ва мафкуранинг аҳамиятини очиб бериш мақсадида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси томонидан тақдим этилган “Миллий ғоянинг инновацион тарғибот технологиялари ва ёшларни ахборот-психологик хуружларидан химоя қилишнинг замонавий усуллари” И-2015-01-5 инновацион лойиҳаси асосида тайёрланди.

Қўлланма олий таълим муассасаларида “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” фанидан дарс бераётган профессор – ўқитувчилар учун зарур бўлган назарий билим маърузалари ва амалий машғулот матнларидан иборат. Унда миллий ғоянинг шаклланиши, унинг тарихий илдизлари ва негизларининг халқимиз ҳаётидаги роли, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда миллий ғоя ва мафкуранинг аҳамияти, маънавий баркамол инсонни тарбиялаш ғоялари каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур услубий қўлланмани тайёрлашда олимлар ва мутахассисларнинг асарлари ва мақолаларидан фойдаланилди.

*Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг 2016 йил 28 апрелдаги 1-сонли илмий-методик кенгаш баёни билан нашрга тавсия этилган.*

*Ўзбекистон Миллий Университети ижтимоий фанлар факультетининг 2016 йил 24 майдати 10-сонли йиғилишида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.*

**Тузувчлар:**

**ф.ф.н. Ш.Тўраев,**

**ф.ф.н., доц. О.Муҳаммадиева**

**Такризчилар:**

**ф.ф.н., доц. Ф.Жўракулов**

**ф.ф.д., доц. В.Кўчқоров**

**ISBN: 978-9943-4621-1-3**

© Ш.Тўраев

© “Sano-standart” нашриёти, 2016

## КИРИШ

Таълим тўғрисидаги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқиб, ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида ҳам туб ўзгаришлар килинди. Мустақиллик ғоясини ёшларнинг онги ва қалбига сингдириб, Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришни мақсад қилган Миллий ғоямизни ўз мазмунига қамраб олган қатор фанлар таълим тизимидан кенг ўрин олди. **Миллий ғоя тарихи ва назарияси ана шундай ёш фанлардан бирidir. Ушбу фан** – “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ” бакалавриат таълим йўналишида ўқитиладиган мутахассислик фанларидан бири. Ушбу фан эзгу ғоялардан ва соғлом мафқурадан махрум бўлган бирон-бир миллат ва жамият узоққа бора олмаслигини ўргатади, ҳар қандай халқ ва давлат ўз тараққиётининг ғоявий-мафқуравий тамойилларини белгилаб олиши зарурлигини ўқиради, ёшларнинг қалби ва онгига Ватанга муҳаббат, миллий ғояга садоқат руҳини сингдиради. Президентимиз таъкидлаганидек, «Пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасидаги интилишларимизда биз учун рухий-маънавий куч-қувват манбаи, илмий асос – бу миллий ғоя миллий мафқурадир»<sup>1</sup>. Бу эса, келажагимизни яққол тасаввур этиш, жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, ёт ғоялар тажовузига қарши тура олиш, ғоявий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик ва ниҳоят, юртимизнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий ғоянинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш имконини беради.

Миллий ғояни ёшлар онгига сингдириш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун аввало Миллий ғоя тарихини, унинг шаклланиш босқичлари, ривожланиш қонуниятини ва

<sup>1</sup> Каримов И.А. Миллий мафқура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун рухий – маънавий куч-қувват манбаи. 8-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 463-бет.



омилларини илмий асосда ўрганиш вазифаси туради. Миллий ғоямиз бир кунда ёки бир йилда шаклланган ғоя эмас, балки у узок тарихий илдизга эга бўлган, бир қатор ғоявий-мафкуравий курашлардан омон қолган, халқимизнинг азалий қадриятлари, анъаналари ва миллий онгини ўзида сақлаб келган ижтимоий ғоя шаклидир. Ушбу фан миллий ғоянинг моҳият мазмунини чуқур ўрганиш ва шу асосда бугунги мафкуравий жараёнларда ўзлигимизни сақлаб, зарарли ғоялар таъсирига тушиб қолмасликнинг назарий жиҳатларини ўргатувчи илмий билимнинг бир тармоғидир.

Бинбарин, миллий ғоя халқни бирлаштиради, улар олдига буюк мақсадлар қўйишга чақиради. Миллий ғояни ёшлар қалби ва онгига сингдиришда таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усулларидан фойдаланиш билан бирга, унинг назарий жиҳатларини янада такомиллаштириб бориш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Миллий ғоя тарихи ва назарияси курси** бўйича ҳозирга қадар махсус ўқув қўлланма ёки дарслик нашр этилгани йўқ. Ушбу ўқув адабиёти «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» йўналиши бўйича тайёрланди ва биринчи марта нашр этилмоқда.

**1-мавзу: “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” фанининг  
объекти, предмети, мақсади ва вазифалари**

**Р е ж а:**

- 1. “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” фанининг шаклланиши.*
- 2. “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” фанининг объекти ва предмети.*
- 3. “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” фанининг мақсад ва вазифалари.*

**“Миллий ғоя тарихи ва назарияси” фанининг шаклланиши** - Ватанимиз мустақиллигининг миллий-маънавий асосларини мустаҳкамлаш, маънавий мерос, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланган ҳолда келгуси, замонавий бахтли ҳаётимизни ташкил этишда халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиклолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда миллий ғояларимизнинг тарихий асосларини чуқур ўрганишни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишда улардан оқилона фойдаланиш. Улар асосида, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш, буюклардан мерос бу Ватанни асраб-авайлаш, унинг буюк келажагини ташкил этиш каби муқаддас туйғуларни шакллантириш мазкур фан шаклланишининг асосий мақсад-йўналишларидан биридир.

**“Миллий ғоя тарихи ва назарияси” объекти** – халқимизнинг тарихий, миллий-маънавий мероси, кадриятлари, мақсад ва мўлжаллари, демократик принципларини намоён бўлишининг умумий ва миллий хусусиятларини ўрганиш.

Мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини, уларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида тарихий, миллий-маънавий мерос ва кадриятларга бўлган эътиборни кучайтириш.

**Фаннинг предмети** – миллий ғоя ва мафқуранинг тарихий илдизлари, халқимизнинг маънавий мероси ва кадриятларининг шаклланиши, умуминсоний демократик принциплар, миллий мафқуранинг бош ва асосий ғояларининг ўзаро муносабати, уни такозо этувчи умумий ва ўзига хос хусусиятлари.

**Фаннинг мақсади** – миллий ғоянинг шаклланиши, унинг тарихий илдизлари ва негизларининг халқимиз ҳаётида туган ўрни ва ролини ўрганиш, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда миллий ғоя ва мафқуранинг аҳамиятини очиб бериш.

**Фаннинг вазифалари** – миллий ғоянинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи ва назарияси билан боғлиқ асосий тушунча ва тамойиллар асосида ёшлар дунёқарашини шакллантириш, уларнинг миллий ғояга бўлган ишонч ва эътиқодини мустаҳкамлаш, Ватанга садоқат ва халққа ҳурмат руҳини ошириш, ёшларнинг оғохлигини ва сезирлигини кучайтириш ҳамда уларни ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида бирлаштириш ва сафарбар этиш.

**Таянч агама ва иборалар:** Миллий ғоя, миллий ғоя тарихи ва назарияси, мустақилликнинг миллий маънавий асослари, миллий урф одатлар, миллий маънавий мерос, кадриятлар, мақсад ва мўлжаллар.

## Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар

1. «Миллий ғоя» тушунчасига қандай таъриф берилган?
2. «Миллий ғоя тарихи ва назарияси» фанининг предмети нимани ўргатади.
3. «Миллий ғоя тарихи ва назарияси» фанининг вазифасини айтинг.
4. «Миллий ғоя тарихи ва назарияси» фанининг манбаларини айтинг.

## Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту ихболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш – энг олий саодат. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
3. Каримов И.А. Инсон хотираси – боқий, кадр-қиммати улуғ. – Халқ сўзи. 2012 йил 10 май. №91 (5511).
4. Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
5. Буюк ва муқаддасан, мустақил ватан. – Т.: Ўқитувчи, 2011.
6. Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан. – Т.: Маънавият, 2012.
7. Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан. – Т.: Маънавият, 2013.
8. Ягонасан, муқаддас ватаним, севги садокатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним”. – Т.: Маънавият, 2014.
9. Бетакроримсан, ягонасан, она ватаним – Ўзбекистоним. – Т.: Маънавият, 2015.
10. Тўраев Ш.Н. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2015.

## 2-мавзу: Миллий ғоянинг шаклланиш тарихи, унинг намоён бўлиш хусусиятлари

1. *Миллий ғоянинг шаклланиш тарихи.*
2. *Жамиятимизнинг миллий ғоя асосида шаклланишида тарихий мероснинг ўрни.*
3. *Мустақиллик йилларида тарихий меросимизга муносабатнинг ўзгариши.*

Маълумки, ҳар қандай ғоя ва мафкура муайян ижтимоий-тарихий негизларга асосланганда ўз мақсадлари атрофида одамларни уюштиради ва ҳаётда амалга ошади.

“Биз, – деб таъкидлайди Президентимиз Ислоом Каримов “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” маърузасида, – ўз олдимизга қўйган эзгу мақсад-муддаоларга эришишда, барқарорликни таъминлаш ва мамлакатни янгилашга қаратилган кенг кўламли ислохотларни жорий этишда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб улкан ишларни амалга ошириб келаётганимиз барчамизга яхши маълум”.

Шу муносабат билан мамлакатимизнинг тарихан қисқа вақт ичида улкан ютуқларга эришишида улкан аҳамиятга эга бўлган миллий ғоянинг шаклланишида тарихий мероснинг ўрни бекиёс.

Президентимиз Ислоом Каримовнинг тарихий мероснинг аҳамияти ҳақидаги таърифи – куйидаги ибратли фикрлари масаланинг моҳиятини янада ойдинлаштиради:

“Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бутун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ кўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг бекиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир.

Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун бу борада жаҳоннинг санокли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин...”<sup>1</sup> Авесто, Кадимий қўлёмалар, битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналари, улуғ шоир ва мутафаккирларимиз яратган дунёвий ва бадий асарлар, Куръони карим, хадислар, Аҳмад Яссавий ва Боқирғонийлар яратган диний-ахлоқий руҳдаги асарлар, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиблар яратган панд-насихат туридаги асарлар, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандий яратган инсон ички дунёси, руҳиятига қаратилган таълимотлар, Навоийнинг ўлмас бадий ижод хазинаси ва бошқалар бизнинг бой тарихий, маънавий меросимиз ҳисобланади.

Улар инсон ички дунёсини, руҳиятини, инчунун, бутун маънавиятининг сайқал топишига қаратилган. Уларда инсонлар маърифатга, илм олишга, юксак ахлоқ-одобга, олийжаноб фазилатлар, яхшиликка даъват этиб, кишиларни маънан тарбиялайди. Тарихий меросдан фойдаланиш ёшларимизнинг фикрини ўстириш, онги шаклланиши, дунёкарашини кенгайтириши натижаси ўлароқ халқ ундан катта куч-қувват олади. Лекин мамлакатимизнинг узок ва яқин ўтмишидаги босқинчилар ҳукмронлиги зулми остида бўлганида, айниқса, сўнгги мустамлакачилик йилларида маънавий-тарихий меросимизга синфий нуқтаи-назардан ёндашиш оқибатида миллий қадриятимиз ва урф-одатларимиз, анъаналаримиз қораланди, танқид остида олинди, кўпгина тарихий ёдгорликлар бузилди, қаровсиз қолди. Қятоб ва қўлёмалар эътиборсиз қолдирилди, уларни ўрганиш ва сақлаш ман этилди. Президентимиз Ислоҳ Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” рисоласида таъкидлаганидек: “... шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас эди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан

<sup>1</sup> Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998. – Б.2.

иложи борича йироқ сақланарди”. Ана шундай машъум сиёсат туфайли Ватанимизнинг ва халқимизнинг маънавий-ахлоқий юксалишимизга кўмаклашадиган тарихий меросимиздан фойдаланиш имконияти деярли йўқ эди<sup>1</sup>. Фақат мустақиллик йилларида ўтмишда топталган, таҳқирланган тарихий меросимизга муносабат тубдан ўзгарди ҳамда улардан халқимизнинг маънавий ва маърифий юксалиши учун имкониятлари ҳам кенгайди. Бугунги кунда Республикамизда бу йўналишда кенг кўламли тарғибот-ташвиқот тадбирлари олиб борилмоқда.

Президентимиз ўзининг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизига асосланади, - деб кўрсатар экан, унинг биттаси халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш деб алоҳида таъкидлаган эди<sup>2</sup>. “Ўзбекистон саёҳатчиликни ривожлантириш учун катта имкониятларга эга. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон, Қарши каби тарихий обида шаҳарлар бутун дунёга машҳур. Республика ҳудудида тўрт мингдан ортиқ меъморий ёдгорликлар мавжуд. Уларнинг кўпчилиги ЮНЕСКО муҳофазасига олинган... ”.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур ва бошқа кўлаб аجدодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум.

---

<sup>1</sup> Қаранг: С.Отамурадов, С.Хусанов, Ж.Раматов. Маънавият асослари. – Тошкент: 2002. –Б.141-147.

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1993. –Б.74.

Тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши ёш авлодни тарбиялайдиган кадриятларга айланмоғи лозим. Бизнинг маданиятимиз бутун инсониятни ўзига ром этиб келаётган марказ бўлиб колгани тасодифий эмас. Самарқанд, Бухоро, Хива факат олимлар ва санъат ихлосмандлари учунгина эмас, балки тарих ва тарихий кадриятлар билан шугулланувчи барча кишилар учун зиёратгоҳга айланган.

Буларнинг ҳар бири миллий ғоямизнинг моддий ва маънавий негизлари ҳисобланади. Миллий ғоя айнан ана шулардан озука олади ва шаклланиб, ривожланиб боради. Миллий ғоя унинг шаклланиш жараёни қандай ҳолатда намоён бўлади, деган савол туғилиши табиий. Қайси жамият ўз йўлини тўғри танлаб олиб, буюк мақсадларни кўзлаб тараққий этишни хоҳласа, миллий ғоядан кўзланган мақсад умумманфаат йўлида хизмат қилишини англаб етсагина, миллий ғоя умуммақсад сифатида намоён бўлади. Тараққиётнинг асосий тамойили сифатида жамият миллий ғоя атрофида бирлашади ва бу ўз-ўзидан миллий ғоянинг шаклланишига хизмат қилади.

Бизда ана шундай шаклланиш жараёни мустикаллик кўлга киритилгандан кейин юз берди деб айтиш мумкин.

**Таянч агама ва иборалар:** Миллий ғоянинг илдишлари, Авесто, Урхун Энасой битиклари, Халқ оғзаки ижоди, Куръони карим, ҳадис, муҳаддислар, мутафаккирлар, маърифатпарварлик ғоялари, мустамлакачилик мафқураси, умумманфаат, умуммақсад.

### Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар

1. Миллий ғоянинг шаклланиши қандай омилларга боғлиқ?
2. Миллий ғоянинг шаклланишида тарихий мероснинг ўрни қандай?
3. «Авесто» тўғрисида нималарни биласиз?



4. Қандай тарихий меросимиз ва қадриятларимиз ЮНЕСКО муҳофазасига олинган?

5. Зардўшгтийликнинг асосий моҳияти нимада?

6. Моний фалсафасининг мазмун-моҳияти нимада?

7. Маздак таълимотида қандай ғоя илгари сурилади?

8. Тасаввуфда комил инсон ғоясини қандай тушунасиз?

9. Тасаввуфдаги кубравия, яссавия ва нақшбандия тариқатлари тўғрисида нималарни биласиз?

10. Машхур муҳаддислардан кимларни биласиз?

11. «Маънавий меросни билмай туриб, мустақилликнинг мафкурасини яратиб бўлмайди», деган фикрни қандай тушунасиз?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон. 2015.

2. Каримов И.А. Инсон хотираси - боқий, кадр-қиммати улуг / Халқ сўзи. 2012 10 май. №91 (5511).

3. Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. –Б.440.

4. Буюк ва муқаддасан, мустақил ватан. – Т.: Ўқитувчи. 2011.

5. Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан. – Т.: Маънавият. 2012.

6. Кадр-қимматим таянчим ва ифтихоримсан. – Т.: Маънавият, 2013.

7. Ягонасан, муқаддас ватаним, севги садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним. – Т.: Маънавият. 2014.

8. Бетакроримсан, ягонасан, она ватаним – Ўзбекистоним. – Т.: Маънавият. 2015.

9. Алимова Д. Инсоният тарихи ғоя ва мафкуралар тарихидир. – Т.: Янги аср авлоди. 2001.

10. Миллий ғоя: назарий манбалар (Хрестоматия). – Т.: Академия, 2007.
11. Тўраев Ш.Н. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2015.
12. Чориев А, Мансуров А. Ғоя, тарих ва миллий тафаккур. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2000. –Б.210.

### **3-мавзу: Мустақиллик ва миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар концепциясининг ишлаб чиқилиши**

*1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар концепциясининг ишлаб чиқилишидан мақсад.*

*2. Мамлакатимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш.*

*3. Концепциянинг асосий мақсади.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар концепциясига таъриф берар экан: “Халқни буюк келажак ва улғувор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан катъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий кадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишга эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш – миллий истиқлол мафқурасининг бош мақсадидир”, - дейди.

Маълумки, ХХІ аср инсоният тарихида тез суръатлар билан ривожланиш даври, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг мазмунан янги босқичи сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, дунё мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар билан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ҳамкорлик муносабатлари тобора кенгайиб бормоқда.

Мустақиллик туфайли миллий ўзликни англаш, том маънодаги янги давлат ва жамият институтларини барпо этиш имконияти вужудга келди.

Ўтган давр мобайнида юртимизда моҳиятан янги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий муносабатлар тизими таркиб топди. Дунёқараш, маънавияти ва интеллектуал салоҳияти тамомила янгича бўлган янги авлод шаклланди. Бугунги шиддат билан ўзгараётган замон барчадан янгича қараш ва фикрлашни талаб этмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалбига она юртга муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига садоқат туйғуларини чуқур сингдириш борасида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жаҳонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган бугунги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш тобора долзарблашмоқда. Мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осуда ва фаровон турмушимизга хавф туғдириши мумкин бўлган турли хил мафкуравий тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш ва бу борадаги ишларни янада жонлантириш Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг амалий тарғибот йўналишида фаолият олиб борадиган Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда илмий-амалий йўналишда фаолият олиб борадиган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Кенгашга аъзо ташкилотлар, тегишли муассаса ва корхоналар маънавий-маърифий тарғибот фаолиятининг муҳим бўғинига айланмоқда.

Шиддат билан ўзгариб борётган замонда, жамиятимизда, керак бўлса, бутун дунёда рўй бераётган жараёнлардан огоҳ бўлиб боришни талаб этмоқда. Тез суръатларда ўзгариб бораётган замон Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан самарали кураша оладиган жонкуяр тарғиботчиларни тўла сафарбар этишни талаб қилмоқда. Зеро, ҳозирги

интеллектуал-ахборот асри кун тартибига воқеалар ривожидан бир қадам олдинда юриш, ижтимоий ходисаларнинг ўзгариш тенденцияларини илмий башорат қилиб бориш асосида фаолият юритиш, давр билан ҳамнафас яшашни тақозо этмоқда.

Бундай вазиятда Президентимизнинг **“Фақатгина мустақил фикрлайдиган, иймон-этикоди мустаҳкам, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган эзгу қадриятларга садоқатли бўлган инсонгина бундай қутқуларга учмаслиги, тўғри йўлдан адашмаслиги мумкин. Бунинг учун, албатта, биринчи навбатда, фарзандларимизни юксак билим ва маънавий фазилатлар билан қуроллантиришимиз, бизга ёт ва бегона бўлган турли зарарли оқимлардан ҳимояланиш учун халқимизга бу борадаги бор ҳақиқатни етказиш, бундай хавф-хатарлардан одамларни, авваламбор, ёш авлодни ҳақиқат билан ҳимоя қилишимиз зарур”**, деган фикрлари бизлар учун дастуриламал бўлади.

### **Концепциянинг асосий мақсади**

Ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришдан иборат миллий стратегияни амалга ошириш Концепциянинг асосий мақсадни ташкил этади. Мазкур мақсад доирасида қуйидаги йўналишларда кенг кўламдаги ишларни амалга ошириш талаб этилади:

- ўзбек халқининг бой тарихий, илмий, бадиий, маданий-маърифий ва ахлоқий меросини ҳар бир фуқаронинг маънавий мулкига айлантириш, миллий ўзликни англашиш мақсадни устувор йўналиш сифатида амалга ошириш, миллий ғоя ва мафқурани халқимизнинг онги ва қалбига чуқур сингдириш, уни рухий ва маънавий куч-қудрат манбаига айлантириш;

- Ватан озодлиги йўлида жасорат кўрсатган буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаётини кенг тарғиб этиб бориш, сиёсий жараёнларга, мустақиллик йилларида эришишган

ютуқлар тахлили асосида жамиятнинг ҳар бир аъзоси қалбида миллий ғурурни кучайтириш, ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаслик туйғусини камол топтириш;

- аҳолининг барча қатламларида, хусусан, ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, фидойилик ва ватанпарварлик туйғуларини мустақкамлаш, уларда дунё ва мамлакат миқёсидаги сиёсий жараёнларга мустақил ва онгли муносабатда бўлиш хиссини уйғотиш;

- жамиятда ўзаро инсоний муносабатлар, иззат-эҳтиром, меҳр-мурувват, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ғояларини шакллантириш жараёнларини миллий ғоя ва маънавий тамойиллари билан уйғун тарзда тизимли ва узлуксиз тарғиб этиб боришни йўлга қўйиш;

- турли оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларида тарқатилаётган, урф-одатларимиз, миллий менталитетимизга зид, одобсизлик ва ахлоқсизликни тарғиб этувчи вайронкор ғояларнинг ёшларимиз онгига салбий таъсир ўтказишининг олдини олиш;

- ахлоқий, тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ёшларда юксак маънавий ва маданий сифатларни шакллантириш, умуминсоний қадриятлар, миллий ўзликни англаш, ғурур ва ифтихор, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, бой тарихий-маданий меросга асосланган ҳолда мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш, халқимизнинг азалий анъана ва урф-одатларига асосланган ҳолда жамиятда ўз ўрнини топиш, касб-хунар эгаллашга бўлган иштиёқини кучайтириш;

- Олий таълим муассасаларида талабаларнинг етакчилик хусусиятларини намоён қила олишлари ҳамда бошқарув маҳорати малакасини ҳосил қилишларига кенг камровли имкониятлар очиб берилишини таъминлаш;

- ёшларнинг илм-фан соҳасидаги фаоллигини ошириш, илмий-ижодий интилишларини рўёбга чиқариш;

- ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар мазмунини кенг тарғиб этиш орқали уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

- ёшларнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқларини кенг тарғиб этиш ва уларнинг онгида баркамол шахс идеалини шакллантириш орқали замонамиз қаҳрамонларини камол топтириш;

**Таянч атама ва иборалар:** Мустақиллик, концепция, миллий стратегия, миллий менталитет, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат.

### Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар концепциясига қандай таъриф берган?

2. Мустақиллик халқимизга қандай имкониятларни яратди?

3. Мамлакатимиз мустақиллигининг маънавий асосларини нималар ташкил этади?

4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар концепцияси нима мақсадда ишлаб чиқилди?

5. Мамлакатимиз мустақиллигининг маънавий асосларини нималар ташкил этади?

6. Концепциянинг асосий мақсади ҳақида нима биласиз?

7. Мамлакатимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш учун концепцияда қандай вазифалар белгилаб берилган?

### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2001. –Б.211.

2. Миллий истиқлол ғояси. – Т.: Академия, 2005. –Б.312.

3. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (Олий таълим муассасалари учун тажрибавий кўлланма). – Т.: Янги аср авлоди, 2001.

4. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий луғат). – Т.: Янги аср авлоди, 2002.

5. Миллий истиклол ғояси: назария ва амалиёт. – Т.: Янги аср авлоди, 2001. –Б.198.

6. Миллий истиклол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар. – Т.: Академия, 2002. –Б.280.

7. Миллий истиклол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. // Қ.Назаров таҳрири остида. – Т.: Янги аср авлоди, 2001. – Б.38.

8. Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. – Т.: Шарқ, 2001.

9. Жўраев Н. Янгиланишлар концепцияси: яратилиши, эволюцияси ва амалиёти. – Т.: Маънавият, 2002.

10. Тўраев Ш.Н. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2015.



#### 4-мавзу: Миллий ғоя типологияси

1. Ғояларнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ўрни.
2. Ғоянинг ижтимоий моҳияти.
3. Миллий ғоя инсон ва жамият ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар, ғоялар мажмуидир.

Ғоя инсон ва жамият тараққиётида асосий ўрин тутади. Инсон ва жамият ҳаётида муҳим ўзгаришларни амалга оширилишида муайян ғоялар таъсир қилади. Жамият тараққиётининг маълум даврларда тезлашуви ёки секинлашуви, жамият ҳаётида ижобий ёки салбий ҳолатларнинг рўй бериши, қандай ғоялар ҳукмронлик қилиши ва у қандай кучлар томонидан, қандай шароитларда, кимларнинг манфаатларига хизмат қилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ғоя тушунчасининг моҳияти нимадан иборат?

Инсон ўзининг ақл-заковати, иймон-эътиқоди ва ижодий меҳнати билан бошқа барча тирик жонзотлардан фарқ қилади.

Инсон тафаккури воқеликни идрок этиш мобайнида турли фикрлар, қарашлар, ғоялар ва таълимотлар яратади. Демак, биринчидан, ғоя инсон тафаккурининг мақсулидир.

Иккинчидан, ғоя олдин мавжуд бўлмаган ўзида янгиликни ташувчи фикрдир.

Учинчидан, олдин ғоя пайдо бўлади, ундан кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлади.

Илмий-фалсафий адабиётларда «ғоя», «мафкура», «идея» ва «идеология» тушунчалари ишлатилмоқда. Идея ва идеология кўпроқ ғарб давлатларида ҳамда рус тилидаги манбаларда учрайди. Идея ибораси юнон тилидаги «идея» сўзидан олинган, идеология учун ўзак бўлиб ҳисобланади ва тушунча ёхуд фикр маъносини англатади. Идеология (идеа-

ғоя. Тушунча, логос – таълимот) атамаси эса ғоялар тўғрисидаги таълимотни англатади ва икки хил маънода ишлатади:

- ғояларнинг мазмуни, шаклланиши, аҳамияти тўғрисидаги билимларни ифодалайди ва илмий соҳа бўлиб ҳисобланади;

- муайян ғояни амалга ошириш, мақсадга етиш усуллари, воситалари, омиллари тизимини англатади.

Соғлом ва носоғлом, эзгу ҳамда ёвуз бунёдкор ёки бузгунчи ғоялар бўлиши мумкин. ғояларнинг оддий фикрлардан фарқи яна шундаки, булар гарчи тафаккурда пайдо бўлса-да, кенг жамоатчиликнинг мақсадларини ифода этади. Уларнинг ишончи ва эҳтиқодига айланиб, эътироф этилганини билдиради, инсон (ва жамият) руҳиятига, ҳатто туб қатламларига ҳам сингиб боради. Ғоя шундай қувватга эгаки, у одамнинг ички дунёсигача кириб бориб уни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи руҳий – ақлий кучга айланади. Уларни муайян мақсадга йўналтиради, сафарбар этади. Уларни жипслаштиради, ҳамжихат ва ҳамкорликка ундайди.

*Ғоянинг ижтимоий моҳияти.* Ҳар қандай ғоя ижтимоий характерга эга. Муайян ғоялар одатда алоҳида олинган шахс онгида шаклланади. Маълум бир муддатдан кейин эса, жамиятнинг турли қатламларига тарқалади, турли элатлар ва миллатлар орасида ёйилади. Мустақил ҳаётга қадам қўйяётган янги авлод жамиятда мавжуд ғоялар таъсирида тарбияланади. Муайян қарашлар ва ғояларни ўз эътиқодига сингдиради, ўз навбатида, янги ғояларни яратади ва тарғиб қилади.

Ғоянинг энг муҳим хусусияти инсонни ва жамиятни мақсад сари етаклайдиган, уларни ҳаракатга кетирадиган, сафарбар этадиган куч эканидир.

Инсон тафаккурининг маҳсули сифатида ғоя миллий-маданий меросни, умуминсоний қадриятларни, ижтимоий-

маънавий ҳаётни, теварак оламни ўрганиш, билиш жараёнида вужудга келади. Ижтимоий онгинг барча шакллари илм-фан, фалсафа, дин, санъат ва бадний адабиёт, ахлоқ, сиёсат ва ҳуқуқ - муайян бир ғояларни яратади, уларга таянади ва уларни ривожлантиради. Мазмуни ва намоён бўлиш шаклига қараб, ғояларни бир қанча турларга ажратиш мумкин:

- Илмий ғоялар; фалсафий ғоялар; диний ғоялар; бадний ғоялар; ижтимоий-сиёсий ғоялар; миллий ғоялар; умуминсоний ғоялар в.х.

1. *Илмий ғоялар* - фан тараққиётининг самараси, илмий кашфиётларнинг натижаси сифатида пайдо бўладиган, турли фан соҳаларининг асосий тамойиллари, устувор қоидаларини ташкил қиладиган илмий фикрлардир.

Фан тараққиёти узлуксиз ва чексиздир. Бу жараёнда тасдиқланмаган, эскирган қарашлар янги илмий ғоялар билан ўрин алмашаверади.

2. *Фалсафий ғоялар* ҳар бир фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этадиган, олам ва одам тўғрисидаги энг умумий тушунча ва қарашлардир. Улар бизни ўраб турган дунёни билиш жараёнида кишилиқ жамиятининг тараққиёти мобайнида тўплаган билимларни умумлаштириш, инсон ҳаётининг маъно-мазмуни, унинг бахт-саодати каби масалалар устида мулоҳаза юритиш асосида шаклланади<sup>1</sup>.

Инсоният тарихида турли халқларнинг ақл-заковат соҳиблари, доно файласуф ва илоҳиётчилари турфа хил ғоялар яратганлар.

3. *Диний ғоялар* деб, ҳар бир диний таълимот ва оқимнинг асосини диний иймон-ётиқоднинг негизини ташкил этувчи ақидаларга айтилади. Ибтидоий динлар ҳар бир нарсанинг жонли экани, жоннинг абадийлиги, бут ва санамларнинг, табиий жисм ва ҳодисаларнинг илоҳий қувватга эгаллиги

<sup>1</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: Янги аср авлоди. 2001. -Б.27-29.

тўғрисидаги қарашларга асосланган эди. Масалан, ҳиндларнинг диний тасаввурларига кўра, жон кўчиб юради, бу ҳаётда у инсонда бўлса, кейинги ҳаётда бошқа жонзотга ўтиши мумкин. Илоҳларнинг кўплиги ҳақидаги фикрга таянадиган **политеизм** динлари вақти келиб **монотеистик** - яккахудолик ғояси асосидаги динларга ўз ўрнини бўшатиб берган.

Яккахудолик ғояси миллий динларда (масалан, иудаизмда), айниқса, жаҳон динлари - христианлик ва исломда ўз ифодасини яққол топган. Хусусан, ислом динида Аллоҳнинг ягоналиги ғояси асосида унинг барча акидалари, рукнлари, талаб ва мажбуриятлари шаклланган.

4. *Бадиий ғоялар* – адабиёт ва санъат асарининг асосий маъно-мазмунини ташкил этадиган, ундан кўзланган мақсадга хизмат қиладиган етакчи фикрлардир. Улар ҳаётдан олинади, бадиий талқинлар асосида баён этилади, ўқувчида муайян таассурот уйғотади. «қаҳрамон»ларни севиш, уларга эргashiш ҳоллари ҳам шу асосда рўй беради.

5. *Ижтимоий-сиёсий ғоялар* ҳар бир халқ ва умуман, башариятнинг орзу-умидларини, мақсад-муддаоларини ифодалайди, эркин ҳаёт ва адолатли тузумни тараннум этади.

Миллий ғоя – инсон ва жамият ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар, ғоялар мажмуидир. *Озодлик ва мустақиллик, адолат ва ҳақиқат, тинчликсеварлик ва инсонпарварлик ғоялари* шулар жумласидандир. Асрлар мобайнида бундай буюк, ўлмас ғоялар халқларга куч-қувват ва илҳом бағишлаб, уларни ўз эрки учун курашга сафарбар этиб келган.

Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, миллат таракқиётига, унинг юксалишига хизмат қиладиган, халқларни жиқслаштириб, олий мақсадларга сафарбар этадиган ғоялар юксак ғоялардир. Одамлар орасида нифок, халқлар ўртасига низо соладиган, кишиларни турли тарафларга ажратиб, адоват кўзгайдиган тубан фикрлар бузгунчи ғояларга мисол

бўлади. Аслида, бундай қабих ният ва сохта шиорларни ғоя деб аташ ҳам шартлидир. Қайси ижтимоий бирлик ёки қатлам орасида тарқалган, қандай аҳоли гуруҳлари ёки элат-миллатларни ҳаракатга келтираётганига қараб ҳам ғояларни турларга ажратиш мумкин.

Ғояни моддийлаштирувчи, куч ким эканига қараб, синфий ғоя, миллий ғоя, умумхалқ ғояси, умуминсоний ғоялар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Албатта, муайян бир халқ оммасини маълум тарихий шароитда эзгу ҳаракатга ундайдиган ғоя мазмунан умуминсоний бўлиши ҳам ёки тор манфаатларни кўзлайдиган синфий ғоя жамият ва инсон манфаатларига зид, тажовузкор бўлиши ҳам мумкин.

Эзгу ғоя инсон тафаккурида вужудга келадиган, муайян фикрларнинг ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятта кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирадиган, уларни бунёдкор мақсад-муддао сари етаклайдиган улугвор фикрлардир.

**Таянч атама ва иборалар:** Ғоя, мафкура, миллий ғоя, ғоялар тарихи, диний ғоя, илмий ғоя, бадий ғоя, фалсафий ғоя, ижтимоий сиёсий ғоя, синфий ғоя, умуминсоний ғоя, бунёдкор ғоя, вайронкор ғоя, эзгу ғоя, идея, идеология.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид савол ва топшириқлар**

1. Ғоя, идея, идеология тушунчаларининг мазмун моҳиятини тушунтиринг.
2. Ғоянинг намоён бўлишига кўра шаклларини айтиб беринг.
3. Ғоянинг муҳим хусусияти нимада?
4. Ғоянинг ижтимоий моҳияти нимада?
5. Эзгу ва юксак ғоялар ҳақида нима биласиз?
6. Миллий ғоя қандай ғоя?

## Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
2. Миллий истиклол ғояси. – Т.: Академия, 2005.
3. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қиска изоҳли тажрибавий луғат). – Т.: Янги аср авлоди, 2002.
4. Миллий истиклол ғояси: назария ва амалиёт. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
5. Миллий истиклол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
6. Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. – Т.: Шарқ, 2001.
7. Тўраев Ш.Н. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2015.
8. Ғоя, тарих ва миллий тафаккур. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2002. –Б.23.
9. Миллий ғоя: назарий манбалар (Хрестоматия). – Т.: Академия, 2007.
10. Тожиева Г. Ҳозирги ўзбек тилида маънавий-маърифий янгиланишларнинг ифодаланиши. – Т.: Академнашр, 2015.

## 5-мавзу: Миллий ғоя концепциясининг асосий йўналишлари

1. *Миллий ғоя ва мафкуралар тарихи.*
2. *Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш.*
3. *Ўзбекистон тараққиёти ва мафкуравий муаммолар.*
4. *Миллий истиқлол мафкурасини халқимиз қалби онгига сингдириш.*

Инсоният тарихи – ғоялар тарихи.

Ғоялар – инсон тафаккури маҳсули сифатида ижтимоий характерга эга бўлиб, инсон руҳиятига таъсир этувчи, инсон ва жамиятни муайян ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикрлардир. Аммо ҳар қандай фикр ва қараш ҳам ғоя бўла олмайди. Ғоялар гарчи тафаккурда пайдо бўлса-да, инсон ва жамият руҳиятига, одамнинг ички дунёсигача кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи мақсад сари етакловчи руҳий-аклий кучга эга бўлган ижтимоий ҳодисадир.

Мазмун ва намоён бўлиш шаклига қараб, ғояларни бир қанча турларга ажратиш мумкин. Улар: илмий ғоялар, фалсафий ғоялар, диний ғоялар, бадий ғоялар, ижтимоий-сиёсий ғоялар, миллий ғоялар, умуминсоний ғоялар ва ҳоказо.

Ғоялар қайси тарихий даврларда қандай хусусият, қандай таркибга бўлинишидан қатъий назар уларнинг мақсадида ижтимоий фаолият мавжуд бўлиб, улар кишиларни етакловчи, сафарбар этувчи характерга эга.

Ғоя ва мафкураларнинг тарихий шаклларини, мазмун-моҳиятини, азал-азалдан эзулик ва ёвузлик, бунёдкорлик ва вайронкорлик ўртасидаги кураш диалектикаси белгилаб келади. Яъни босқинчилик, бошқалар ҳисобидан бойиш, тажавузкорлик, ақидапарастлик мафкураларига қарама-қарши ўларок, озодлик, мустақиллик ва адолат ғоялари

узлуксиз майдонга чикиб, халкларнинг музаффар байроғига айланган.

Ҳозирги давр дунёда ғоявий қарама-каршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврдир.

Шуни унутмаслик керакки, ҳозирги вақтда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар талайгина. Гегемонизм, тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, иркчилик ва диний экстремизм мафкуралари шулар жумласидандир.

Йигирманчи аср сўнгида рўй берган улкан ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, икки кутбли дунёнинг барҳам топиши натижасида нисбий мувозанатнинг бузилиши жаҳоннинг мафкуравий манзарасини тубдан ўзгартириб юборди. Инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш хилма-хил ғоялар билан қуролланган, турли манбалардан озикланадиган мафкураларнинг асосий мақсадига айланмоқда.

Миллий истиклол мафкураси мамлакатимиз аҳолисининг асрий анъана ва урф-одатларини, ўзлигимизнинг асосий хусусиятларини мужассамлаштириб, жамиятимиз, мамлакатимиз ўз олдига қўйган эзгу муддао ва вазифаларни аниқ-равшан акс эттирмоғи зарур. Токи ҳар бир ватандошимиз биз қандай жамият, қандай давлат, қандай тузум барпо этмоқдамиз, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий асослари нималардан иборат, деган саволларга жавоб топа олсин.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" китобида бу масалаларни чуқур, илмий асосда, атрофлича ёритиб берган.

Бизнинг бош стратегик мақсадимиз бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир. Юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун, миллати, тили ва динидан қатъий назар, муносиб ҳаёт шароитини яратиб



бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби кафолатланлаган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлаш давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳиятини ифодалайди.

Тарихий қонуният шундан далолат берадики, бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиш даврида, жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани сингари, ғоявий-мафкуравий соҳада ҳам муайян муаммоларни ҳал қилиш зарурати юзага келади.

Бундай муаммоларни ҳал этишда улкан имкониятларни ўз ичида ақс эттирган “Тараққиётнинг ўзбек модели”нинг беш тамойили халқимизнинг миллий давлатчилик анъаналари, қадриятлари ва менталитетига таянгани, айни пайтда, жамиятни ислоҳ этиш борасидаги дунё тажрибасининг илғор ютуқларига асослангани билан бизнинг келгуси тараққиётимизга дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон жамиятининг миллий истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истакларни амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизимидир.

У ҳар бир ватандошимизнинг оиласи, жамият, эл-юрт олдидаги бурч ва масъулиятини қай даражада адо этаётганини белгилайдиган маънавий мезондир.

Бу Ўзбекистонда истиқомат қиладиган ва ўз тақдирини шу муқаддас замин билан боғлаган ҳар бир кишининг “Ватаним менга нима” берди деб эмас, балки “Мен Ватаним равнақи учун нима қиляпман” деган масъулият туйғуси билан яшаши демакдир.

Миллий истиқлол мафкурасини халқимиз қалби ва онига сингдириш Ўзбекистон Мустақил тараққиёт стратегиясини, ўзбек халқининг буюк давлат барпо этиш борасидаги мақсад-муддаоларини, миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини

кенг жамоатчиликка ҳар томонлама тушунтириш долзарб вазифалардан биридир.

Истиқлол мафкурасини одамлар қалби ва онгига сингдиришда жамият ҳаётининг барча соҳаларини камраб олиш, таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш тақозо этилади.

**Таянч атама ва иборалар:** Миллий истиқлол ғояси, миллий истиқлол мафкураси, гегемонизм, тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, ирқчилик ва диний экстремизм, мафкуравий полигон.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Миллий ғоя ва мафкуралар тарихи деганда нимани тушунасиз?
2. Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун курашнинг қандай хусусиятлари мавжуд?
3. Ўзбекистон тараққиётига тўсқинлик қилувчи қандай мафкуравий муаммолар бор?
4. Миллий истиқлол мафкураси, деганда нимани тушунасиз?
5. Миллий истиқлол мафкурасини халқимиз қалби онгига сингдиришда қандай усул ва воситалар самарали натижа беради?
6. Қандай вайронкор мафкураларни биласиз?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
2. Миллий истиқлол ғояси. – Т.: Академия, 2005.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий лугат). – Т.: Янги аср авлоди, 2002.

4. Миллий истиқлол ғояси: назария ва амалиёт. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.

5. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.

6. Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. – Т.: Шарк, 2001.

7. Мамашокиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. – Т.: Маънавият, 2007.

8. Миллий ғоя: назарий манбалар (хрестоматия). – Т.: Академия, 2007.

9. Мирхамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. – Т.: Университет, 2003.

10. Тўраев Ш.Н. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2008. –Б.96.

11. Тўраев Ш.Н. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2015.

12. Ғоя, тарих ва миллий тафаккур. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2002.

13. Тожиева Г. Ҳозирги ўзбек тилида маънавий-маърифий янгиланишларнинг ифодаланиши. – Т.: Академнашр, 2015.

## **6-мавзу: Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий ғоя концепцияси билан боғлиқлиги**

- 1. Мустақиллик ва миллий истиқлол мафқураси.*
- 2. Жамият ҳаёти ва демократик ислоҳотлар.*
- 3. Миллий истиқлол ғоясининг Ўзбекистонда демократик жамият қуришидаги ўрни ва аҳамияти.*

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши билан мамлакатимиз тарихида янги давр бошланди. Бугунги кунда республикамызда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб олинди. Шу боис, демократик жамият барпо этиш ва бу жараёнда миллий истиқлол ғоясининг аҳамиятини, уларнинг ўзаро алоқадорликдаги ижтимоий моҳиятини илмий тадқиқ этиш долзарб масалалардан бирига айланди. Зеро, «Ҳеч кимга сир эмас - биз қураётган янги жамият, ҳаётимизга тобора кириб келаётган янгилашиш жараёнлари, ислоҳотларнинг тақдири ва келажаги, аввало, халқимизнинг бу ўзгаришларни қўллаб-қувватлашига, жойларда бу борада одамларимизнинг фаоллиги, уларнинг дунёқараши, онгу тафаккурининг юксалишига боғлиқ»<sup>1</sup>. Шундай экан, бугунги кунда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этиш жараёнида ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган ўзгаришларга миллий мафқурамызда акс этган ғоялар таъсирининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш катта амалий аҳамиятга эгадир.

Жамият ҳаётида кечаётган демократик ислоҳотлар жадал суръатлар билан ривожланишида, муҳим бунёдкорлик ишларини амалга оширишда мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш каби мақсадлар сари интилиш кузатилаётган экан, демократиянинг тақдири ҳам,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш - устувор вазифамиздир. - Т.: Ўзбекистон, 2006. - Б.3.

кучли фукаролик жамиятининг қарор топиши ҳам фукароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ушбу жараёнда фукароларнинг иштироки, уларнинг онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш каби масалаларни ҳал қилишда миллий истиқлол ғоясининг роли алоҳида аҳамиятга моликдир. Дарҳақиқат, Президент Ислоҳ Каримов жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишни амалга оширишда аҳолининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш ҳақида қуйидагиларни таъкидлайди: «Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади - бу демократик давлат, фукаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан огишмай, изчил ва қатъият билан боришдир»<sup>1</sup>.

Бу Ўзбекистонда демократик жамиятни шакллантириш жараёнида эришилган ижобий натижалар миллий истиқлол ғоясининг ҳаётий, илмий ва амалий аҳамиятга эга эканининг ёрқин ифодасидир.

Чунончи, демократик жамиятнинг шаклланиши мавжуд ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг барқарорлиги ва улар ривожланишининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда бу жараённинг изчил, тизимли ва объектив амалга оширилишида давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, ҳаракатларнинг пировард максадларини ифодалайдиган мафкуравий жараёнлар ҳам муайян ўрин эгаллайди.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги демократик жараёнларда миллий истиқлол ғоясининг салоҳияти ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам, миллий ғоянинг Ўзбекистонда демократик жамият қуришдаги ўрни ва аҳамиятини, унинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч ҳачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б.177.

юртимизда шаклланаётган демократик жамиятнинг устувор йўналишлари, тенденциялари ва тамойилларини аниқлаш, уларни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг аниқ йўллари белгилаш имконини беради. Бу эса:

Биринчидан, илмий манбалардаги мавжуд фикрларга таянган ҳолда “демократик жамият”, “миллий истиқлол ғояси”, “миллий ғоя” ва “шарқона демократия” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини аниқлаш, уларнинг ўзаро алоқаси ва ижтимоий-фалсафий таърифларини бериш, методологик аҳамиятини янада чуқурроқ таҳлил этишда кўринади.

Иккинчидан, Ўзбекистонда демократик жараён шаклланиши борасидаги ёндашувларни киёслаш асосида бугунги кунда амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнининг устувор йўналишларини белгилаб олиш долзарб аҳамият касб этаётганини кўрсатади.

Учинчидан, Ўзбекистондаги демократик жамиятнинг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаш, жамият ривожланишида универсал моделларнинг мавжуд бўла олмаслигини назарий асосда турли далиллар ва мисоллар орқали кўрсатишда ўз ифодасини топади.

Тўртинчидан, «Тараккиётнинг ўзбек модели» концепциясининг Ўзбекистонда демократик жамият шаклланишидаги ўрни бекиёсдир. Шу маънода, улар ўртасидаги узвий боғлиқликни нафақат назарий, балки амалий аҳамиятини таҳлил этиш ниҳоятда муҳим.

Шу маънода, демократик жамиятни шакллантиришнинг миллий ғоя ривожини билан ўзаро алоқадорлигини англаш ва уни мустахкамлаш, ниҳоятда, муҳим аҳамиятга эгадир.

**Таянч атама ва иборалар:** Демократия, жамиятни демократлаштириш, “Ўзбек модели”, демократик ислохотлар, жамоат ташкилотлари.

1. Ўзбекистон мустақиллиги ва миллий истиқлол мафқурасининг шаклланиш жараёни ҳақида нима биласиз?
2. Миллий истиқлол ғоясининг ҳаётий, илмий ва амалий асослари нималарда кўзга ташланади?
3. Жамият ҳаётини демократиклаштириш деганда нимани тушунасиз?
4. Миллий истиқлол ғоясининг Ўзбекистонда демократик жамият қуришдаги ўрни қандай?
5. Тараққиётнинг “Ўзбек модели” ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида нима биласиз?

### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Миллий истиқлол ғояси. – Т.: Академия, 2005.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қиска изоҳли тажрибавий лугат). – Т.: Янги аср авлоди, 2002.
3. Миллий истиқлол ғояси: назария ва амалиёт. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
4. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
5. Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. – Т.: Шарқ, 2001.
6. Мамашוקиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафқуравий масалалари. – Т.: Маънавият, 2007.
7. Миллий ғоя: назарий манбалар (Хрестоматия). – Т.: Академия, 2007.
8. Мирхамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. – Т.: Университет, 2003.
9. Тўраев Ш.Н. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2008. –Б.96.

10. Тўраев Ш.Н. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият 2015.

11. Ғоя, тарих ва миллий тафаккур. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2002.

12. Эргашев И. Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этиш йўлида. Монография (хаммуаллиф) – Т.: Академия, 2005.

13. Тожиева Г. Ҳозирги ўзбек тилида маънавий-маърифий янгиланишларнинг ифодаланиши. – Т.: Академнашр, 2015.



## 7-мавзу: Миллий ғоянинг жамият ҳаёти соҳалари билан боғлиқлиги

1. *Жамиятнинг ижтимоий ҳаёти.*

2. *Жамият ҳаёти соҳалари.*

Юртбошимиз Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида мамлакатимизнинг ўзига хос ривожланиши ҳақида шундай фикрларни айтади: “...биз бугунги кунда бугун дунёда ўзбек модели деб тан олинган тараққиёт моделини ишлаб чиқдик. Бу моделнинг асосий тамойиллари – яъни иқтисоднинг сиёсатдан холи экани, давлатнинг бош ислохотчи бўлиши, қонун устиворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислохотларни тадрижий асосда босқичма-босқич амалга ошириш принциплари барчамизга яхши аён.

Таъкидлаш жоизки, бугун ҳаётда ўзини тўлиқ оқлаган бу моделнинг негизида авваламбор ҳаётга реалистик қараш, прагматик ёндашув мужассам, десак, айтиш ҳақиқат бўлади”.

Бинобарин, Ўзбекистонда демократик жамият шаклланиши жараёнида, истиқболда унинг қандай йўлдан бориши масаласи кун тартибида турган энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса қуйидаги икки жиҳатга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ эканини кўрсатади. Улардан энг муҳими объектив сабаблардир; яъни а) жаҳонда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланишнинг барча давлатларга мос ва хос бўлган яққою-яғона андозасининг инсоният тарихида мавжуд бўлмагани ва истиқболда бўла олмаслиги бўлса, б) маъмурий буйруқбозликка асосланган тоталитар тузумга хос бўлган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатлар, яққо мафқуранинг истибдоди руҳида тайёрланган “Мутлақ ҳақиқатлар” мажмуидан иборат қондалар мамлакатимизда шаклланаётган ижтимоий муносабатлар, бозор муносабатларининг ижтимоий бошқариладиган шакли-

нинг қарор топиши демократик жамият, ҳукукий давлат манфаатларига мос келмаслигидир.

Бу эса ўз-ўзидан икки жабҳани биринчидан мамлакат тараққиётини шакллантиришда асосий хусусиятларидан бири бўлган иқтисодий омилнинг ва худди шундай аҳамиятга эга бўлган маънавий омилнинг уйғунлигини таъминлаш заруратини кўрсатади.

Ижтимоий воқеликда кечаётган объектив жараёнларнинг негизида демократик ислохотлар ётади. Бу жараён эса узоқ давом этадиган ва зиддиятли бўлади. Демак, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш маълум бир муддатни талаб қилади. Мустақилликнинг қўлга киритилиши эса, мамлакатимизда демократик жамиятни шакллантиришнинг зарур объектив шарт-шароити мавжуд дейишимизга тўла асос бўлади.

Республикаимиз Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида сўзлаган маърузасида мамлакатимизда демократик жамиятни шакллантиришнинг зарур объектив шарт-шароитини ҳисобга олган ҳолда, яратилган тараққиётнинг ўзбек модели ҳақида гапириб шундай дейди: “Биз аниқ вазиятга, ўзбек халқининг руҳияти, турмуш тарзи ва анъаналарига асосланиб, ўз ислохотларимизнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқдик”<sup>1</sup>.

Демократик жамият шаклланиш жараёнини объектив сабаблар билан боғлаб тушунтириш, мазкур масалага бир ёқлама ёндашувга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам, субъектив омилларнинг Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамиятнинг таркибий қисми эканини эътироф этмоқ лозим. Умуман олганда, тарихий жараёнларда субъектив сабаблар баъзан ҳал қилувчи омилга айланиши ҳам мумкин. Шу маънода, демократик жамият шаклланиши сиёсий етакчининг фаолияти билан узвий боғлиқ бўлади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузаси. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б.50-51.

Тарихдан бизга маълумки, шахс жамият таракқиётига жиддий таъсир этиши мумкин. Шахс демократик жамият шаклланишида муҳим омиллардан бири. Айниқса, Ўзбекистонда ижтимоий муносабатларни модернизациялаш демократик тамойилларни ижтимоий воқеликка жорий этиш, маънавиятни юксалтириш, Ўзбекистоннинг ўзи танлаган йўлдан боришида масаланинг куйидаги жиҳатларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, шахс мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг фақатгина объекти эмас, балки субъектига айланмоқда.

Иккинчидан, шахснинг сиёсий жараёнларда демократик ислохотларнинг амалга ошишида сиёсий фаолиги хилма-хил шаклларда намоён бўлмоқда.

Учинчидан, Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда сиёсий етакчининг салоҳияти, унинг раҳбар сифатидаги фаолиятида ўз ифодасини топмоқда.

Шу маънода айтиш мумкинки, Ислом Каримов Ўзбекистон давлатининг раҳбари сифатида демократик жараёнларни одил-лона бошқаришнинг мураккаб тарихий шароитида демократияга асосланган миллий давлатчиликни шакллантиришнинг назарий ва амалий заминини яратган сиёсий етакчи ҳисобланади. Бугунги кунда Ислом Каримов томонидан тайёрланган, жаҳон тан олган таракқиётнинг “Ўзбек модели” Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг асосий омили ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистонда демократик ислохотларни амалга ошишида кучли ҳокимиятни шакллантирилгани ва сиёсий тизим масалалари билан ҳам боғлиқ бўлади. Ўзбекистон Республикаси МДХ давлатлари тизимида, таракқиётнинг ўзбек модели асосида энг барқарор ривожланаётган давлатлардан бири сифатида халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Демократик сиёсий тизим шароитида ҳокимият ўзига хос мазмун касб этади. Бу ўзига хосликнинг асосида ҳокимиятнинг ваколатлар мажмуасидан иборат бўлган яхлит тизим ётади. Ана шундай ваколатларнинг ибтидосини миллий ғояга асосланган сиёсий тизим ташкил этади.

Бу жараёнда миллий хусусиятларимиз ҳамда миллий тарихий маънавиятимиз етакчи мавқега эга бўлади. Жамиятимиздаги фуқаровий бирлик сиёсий, иктисодий, ижтимоий ва маънавий тараққиёт бевосита сиёсий тизимнинг халқчилик асослари билан қурилганлигига бориб тақалади. Шу ўринда, масаланинг яна бир муҳим томони ҳақида фикр билдириш лозим. Демократик тараққиётнинг жамиятдаги ички потенциали ижтимоий имкониятларининг реал ижтимоий амалиётда намоён бўлиши табиийки, ўз-ўзидан механик тарзда амалга ошмайди. Эски қарашларни бартараф этиш ҳозиргача сақланиб қолган бундай тафаккур тарзи, тасаввурларга барҳам бериш жамият янгилигининг энг самарали йўлларида бири бўлиши билан бирга, айтиш пайтда амалга оширилаётган институционал ўзгаришларнинг гаровидир.

Шу маънода, ўзбек модели дастурини амалга оширишда давлат бош ислохотчи сифатида, бу жараёнда, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишни асосий масалалардан бири қилиб қўйди. Бинобарин Юртбошимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида таъкидлаганидек, **“бозор муносабатларига ўтиш даврида жамият аъзоларининг ўз салоҳияти ва истеъдодини руёбга чиқариши учун уларга биринчи галда тенг имконият ва эркинлик муҳитини, ҳам қонуний, ҳам амалий шарт-шароитларни яратиб бериш зарур”<sup>1</sup>** Бу эса ўз-ўзидан бошқариладиган бозор муносабатларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Халқимизнинг туб манфаатларига жавоб берадиган тараққиётнинг ўзбек моделида белгилаб берилган бозор

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б.68.

муносабатларига ўтиш муҳим зарурий эҳтиёж. Аммо бу масалани бир томонлама тушунмаслик лозим, гап фақат бозорни ташкил этиш уни ривожлантиришда эмас. Бозор иктисодига ўтиш муқаррар. Бу – давр талаби, объектив реалликдир. “Бозор иктисодиётини барпо этиш – шунчаки мақсад эмас. Барча иктисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг пировард мақсадларининг ўзи, бу энг аввало, инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдир”<sup>1</sup>, – деб таъриф беради Республикамиз Президенти Ислам Каримов. Умуман, мамлакатимизда олиб борилаётган иктисодий ислохотларнинг мақсади – халқ фаровонлиги демократик жамият тараққиётига эришишдир.

“Ўзбекистонда демократик жамият” тушунчаси “Ўзбек модели” тушунчаси орқали ўзининг янада бой ва конкрет мазмунига эга бўлди, аниқроғи, “демократия мамлакатимиз миқёсида назариядан амалиётга ёки мавҳумликдан “Ўзбекистон модели”га айланди”<sup>2</sup>. Мазкур масалага атрофлича тўхталишдан олдин, унинг ижтимоий-фалсафий ва назарий таҳлили, назария ва амалиёт бирлиги натижасида келиб чиқиши зарурлигини таъкидлаш керак бўлади.

Кейинги йилларда олиб борилаётган тадқиқотларга эътиборни қаратадиган бўлсак, бу тадқиқотларда аксарият ҳолларда унинг умумий жиҳатлари қайд этилади ёки аксинча ўзбек моделининг ижтимоий ҳаётнинг турли йўналишларида, хусусан, иктисодиётда, мафкуравий-маданий соҳаларда намоён бўлишига эътибор берилмоқда. Бу ходисани ижобий баҳолаган ҳолда, таъкидлаш лозимки, “Ўзбек модели” нафақат жамият тараққиётининг алоҳида бир йўналишини ифодалайди, балки Ўзбекистонда шаклланаётган демократик

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иктисодий сиёсатининг устивор йўналишлари. Биздан овоз ва обод ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.14.

<sup>2</sup> Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти. – Т.: Наврўз, 2005. –Б.74.

жамиятни ибтидоси бўлиб, ижтимоий фалсафа фанининг асосий категорияларидан биридир.

Ўзбек модели тушунчасининг мохияти шундаки, ижтимоий борлиқни фақат шарқона демократик тамойиллари асосида эмас, балки жаҳон тажрибаси, мамлакат ва жамиятни янгилаш, модернизациялашнинг мураккаб йўлини босиб ўтган мамлакатлар тўплаган энг яхши жаҳатларини ўзида мужассам этади.

Жамиятнинг барча бўғинларида янги типдаги иқтисодий тафаккурни шакллантириш, янги замонавий иқтисодчилар, инжениерлар, талбиркорлар гуруҳини вужудга келтириш, уларга барча имкониятларни яратиш бериш вазифаларини ҳал этишни ҳам ўз ичига олган тараққиётнинг ўзбек модели ижтимоий ҳодисаларни зарурият салтанатига эмас, балки жипслаштирувчи, ҳаракатлантирувчи ғоя, мафкура сифатида фуқароларнинг эркинлиги, манфаати билан боғлаб талкин этишни тақозо этади.

Маълумки, маънавият жамият ҳаётида иқтисодиёт билан бирга шаклланиши лозим. Бинобарин Юртбошимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида таъкидлаганидек, моддий ва маънавий ҳаёт тамойиллари бир-бирини инкор этмайди, аксинча, ўзаро боғланиб, бир-бирини тўлдиради. Юксак тараққиётга эришишни орзу қиладиган ҳар бир инсон ва жамият ўз ҳаётини айнан ана шундай диалектик ва узвий боғлиқлик асосида қурган ва ривожлантирган тақдирдагина ижобий натижаларга эриша олади<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланиш жараёнилари маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан уйғун ҳолатда олиб борилмоқда. Бинобарин инсонда ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва аломатлар мавжуд. Мана шундай қараш ва фикрларни умумлаштириб, Юртбошимиз: «**Инсонга хос**

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б.68-69.

орзу интилишларни руёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қийёсласак, ўйлайманки ўришли бўлади<sup>1</sup>», – дейди.

Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб халқимизнинг асрлар давомида интилиб келган орзу мақсадлари ва замон талабларини, дунёвий тараққиёт мезонларини ҳисобга олган ҳолда, жамиятимиз ҳаётида ана шу икки омилнинг уйғун тарзда ривожланишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда<sup>2</sup>.

Ижтимоий воқеликни ўзига хос бир шакли сифатида ўзбек модели иқтисодий ривожланиш билан бирга, маънавий, маърифий, мафкуравий ривожланиш омилларини ҳам ўзида қамраб олганлиги билан бошқа моделлардан фарқ қилади. Унинг асосий фарқларидан бири, биз юқорида таъкидлаганимиздек, миллий маънавиятимиз, қадриятларимиздан келиб чиқиб, давлатчилигимизнинг демократик тамойиллар асосида шакллантирувчи миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан биридир. Шу маънода, ўзбек модели фақатгина иқтисодий ривожланиш модели эмас, балки миллий тикланиш ва ижтимоий тараққиёт моделидир.

Маълумки, демократик жамиятга ўтиш ҳар доим ҳам силлик кечавермайди. Чунки, демократик жамиятга ўтишда сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги истеъмолда бўлган бошқарув механизмлари барҳам топиб, уларнинг ўрнига шаклланаётган демократик жамият фуқароларининг маънавияти, манфаатлари, ҳуқуқи ва эркинлигига мос келадиган, уларни тўла-тўқис таъминлай оладиган тараққиётнинг ўзбек моделида асосланган қуйидаги кучли ижтимоий сиёсий механизмлар шакллантириб борилади:

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б.67.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўша жойда.

Биринчидан, иқтисодий фаолият ижтимоий ҳаётнинг бирламчи асоси эканидан килиб чикиб, биринчи навбатда, давлат сиёсатини эмас, жамият, халқ манфаатларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий барқарорликни таъминлаш назарда тутилади;

Иккинчидан, миллий тараққиётимизда шошма-шошарликка йўл қўймаслик мақсадида, эртанги кунда катта ижтимоий иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, давлат бош ислохотчи сифатида, халқимиз ва Ватанимиз асрий тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган, шунингдек, умумжаҳон тараққиёти ижобий хусусиятларини назарда тутган ҳолда фаолият олиб боришда кўринади;

Учинчидан, демократик жамиятни барпо этишнинг ўзига хос хусусияти – бозор иқтисодиётини қонунчилик асосида ташкил этишдир. Шу маънода, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда халқимиз фаровонлигини оширишнинг муҳим омили бўлган қонун устуворлигига эришиш кўзда тутилади;

Тўртинчидан, миллий сиёсат олиб боришда қўл миллатлилик, ягона Ватан туйғуси, ҳамжихатлик ғояларини, мақсадлар бирлигини инобатга олган ҳолда миллати, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан катъий назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросининг манфаатларини ҳимоя қиладиган кучли ижтимоий сиёсат олиб боришда намоён бўлади;

Бешинчидан, бозор муносабатларига ўтишда, республиканинг ўзига хос шарт-шароитларини, халқнинг турмуш тарзи, урф-одат, анъаналарини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, бозор иқтисодига шошма-шошарликсиз, босқичма-босқич ўтиш, ҳар бир босқичда кишилар онгини тайёрлаб, олиб борилаётган ислохотларнинг нечоғли тўғри эканига ишонтириш ва амалий фаолиятини таъминлашда кўринади.

Маънавий ҳаётда эса, қомил инсонни тарбиялаш, унинг кадр-қимматини, эрки ва иродасини юксак қадрият



даражасига кўтариш имконияти пайдо бўлади. Бу жараёнлар жамиятни юксак интеллектуал куч асосида ривожланишини реалликка айлантириши тараққиётнинг ўзбек моделида тамоёйллар асосида белгилаб берилганидек, Юртбошимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида ҳам демократик тараққиётнинг иқтисодий ва маънавий омилга бирдек боғлиқ экани асослаб берилган.

**Таянч атама ва иборалар:** Жамият, жамият ҳаёти, моддий ҳаёт, ижтимоий соҳа, маънавий ҳаёт, иқтисодий соҳа, барқарорлик, беқарорлик, ижтимоий муносабат.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид савол ва топшириқлар**

1. Иқтисодий тикланиш деганда нимани тушунасиз?
2. Жамиятнинг моддий соҳасига нималар қиради?
3. Жамият ҳаётининг маънавий соҳаси қайси жиҳатлари билан ажралиб туради?
4. Жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини тушунтириб беринг.
5. Жамият ҳаётида беқарорлик ва барқарорлик ҳолатлари нималарга боғлиқ?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Миллий истиқлол ғояси. – Т.: Академия, 2005.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий луғат). – Т.: Янги аср авлоди, 2002.
3. Миллий истиқлол ғояси: назария ва амалиёт. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
4. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.

5. Мустақил Ўзбекистон таракқиётининг ғоявий асослари. – Т.: Шарк, 2001.
6. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабон лугат. – Т.: 2006.
7. Мамашоқиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафқуравий масалалари. – Т.: Маънавият, 2007.
8. Миллий ғоя: назарий манбалар (Хрестоматия). – Т.: Академия, 2007.
9. Мирхамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. – Т.: Университет, 2003.
10. Тўраев Ш.Н. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2008. –Б.96.
11. Тўраев Ш. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2015.
12. Ғоя, тарих ва миллий тафаккур. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2002.
13. Эргашев И. Ўзбекистон жамиятини демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш йўлида. Монография (ҳаммуаллиф) – Т.: Академия, 2005.

## 8-мавзу: Миллий ғояда инсон – энг олий кадрият

1. *Инсон манфаати ҳар нарсадан улуг.*
2. *Инсоннинг маънавий ва жисмоний такомилли.*
3. *Инсон манфаатлари устуворлиги.*

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойилларидан бир “Халқ фаровонлиги” ғоясидир. Давлатимизда халқ фаровонлиги йўлида оламшумул ишлар олиб борилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

“Инсон манфаати ҳар нарсадан улуг”. “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият”. “Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун”. “Ҳамма нарса – инсон учун, унинг келажаги учун”. “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон”...

Президентимиз Ислоҳ Каримов мамлакатимиз давлат мустақиллигини кўлга киритиши арафасида ва истиқлол йилларида изчиллик билан илгари сурган ҳамда ҳаётимизга чуқур татбиқ этиб келинаётган бундай эзгу даъватлар ва ҳаётбахш ғоялар замирида инсон омилига юксак эътибор энг олий мезон сифатида ўз ифодасини топган. “Инсонпарварлик – бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир”, – деб таъкидлайди Президентимиз “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобида.

Мустақилликка эришиш йўлида 1989-1991 йиллар мобайнида юртимизда олиб борилган ўта оғир ва машаққатли курашлар тарихига доир мазкур ноёб фундаментал асар кенг жамоатчилик томонидан катта кизиқиш билан кутиб олинди. Бунинг сабаби: ушбу китобдан жой олган маъруза ва нутқларда мустақилликка эришиш арафасидаги оғир ва суронли йилларда ҳам инсон, унинг эҳтиёж ва талаблари, жисмоний ва маънавий юксалиши республикамизда истиқболда амалга ошириладиган

ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг марказида бўлиши шарт, деган талаб кун тартибига қўйилган ва бугун бу ўзининг ҳаётий ифодасини топмоқда.

Бошқача айтганда, Президентимиз ўша кезлардаёқ халқни маънавий юксалтириш, инсоннинг маънавий ва жисмоний такомилли – давлат ва жамиятнинг муҳим вазифаларидан бири эканини белгилаб берди. “Инсон ҳаётининг бу нозик ва мураккаб томонлари билан, хазиначиларга тўла миллий-тарихий анъаналар билан, умуминсоний маънавий бойликлар билан ҳисоблашмаслик жамиятимизга қанчадан-қанча зарар келтирди. Бинобарин, бу камчиликларни тузатиш учун жуда катта меҳнат қилишимиз керак”, – деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари.

Бугунги эркин ва озод, тинч ва осуда ҳаётимиз кадрини, мустақиллик берган имкониятларни чуқур англашда, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларнинг бош мақсадидир.

Мустақиллик йилларида, мамлакатимиз раҳбарининг интервьюсида таъкидланганидек, одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзгарди, бугунги замондошларимиз ўтган асрнинг 90-йилларидаги одамлар эмас. Юртдошларимизнинг маънавий дунёси юксалиб, ижтимоий фаоллиги ўсиб, дахлдорлик туйғуси кундан-кун кучайиб бормоқда. Бинобарин, юксак маънавиятли шахсни ҳеч ким енга олмайди, юксак маънавият қарор топган жамият эса ҳаргиз таназзулга юз тутмайди.

Инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг моддий бойликлари билан эмас, балки юксак маънавий қиёфаси билан белгиланади. Маънавият – аждодларни авлодларга, тарихни бугунга, бугунни келажакка боғловчи кўприк. У ота-боболаримиз тўплаган жамики ноёб фазилатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг мажмуи, қолаверса, улар тўплаган тарихий-ижтимоий тажриба ва барча қарашларни ўзида мужассам этади.

Ислохот аввало одамлар онгидаги ўзгаришдир. Дунёда энг қийин иш инсонни тарбиялаш, унинг онгу тафаккурини

шакллантириш, деган гап бор. Масаланинг яна бир жихати борки, биз кўпинча ён-атрофимизда юз бераётган янгиликларни сезмаймиз, уларга бепарво қараймиз. Мўъжизаларни четдан кутишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, уларни четдан излаш шарт эмас, улар шундоқ кўз ўнгимизда юз бермоқда: янги-янги мактаб, лицей ва коллежлар, улардаги замонавий жиҳозлар, энг муҳими, кўзларида қувонч ва ҳайрат учкунлари порлаб турган болаларимиз – дунёда бундан ортиқ мўъжиза борми?!

Истиқлол йилларида мамлакатимизга қанчадан-қанча замонавий техника-технология кириб келмоқда, ишлаб чиқаришнинг энг илғор соҳалари бўйича янгидан-янги қувватлар ишга туширилмоқда. Мисол учун, Навоий вилоятининг бир пайтлар қуш учса қаноти қуядиган бепоён чўл ҳудудидаги 564 гектар майдонда ҳозир “Навоий” эркин индустриал-иктисодий зонаси ташкил этилган. Бу ерда хорижлик шериклар билан ҳамкорликда тузилган ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ўнлаб турдаги рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Вилоятнинг яна бир иктисодий гиганти – Халқаро интермодал логистика марказидан дунёнинг ўнлаб йирик шаҳарларига ҳафтасига ўттиздан зиёд рейслар амалга оширилмоқда.

Бу ерда ишлайдиганларнинг аксарияти мамлакатимиздаги коллеж битирувчилари бўлган навоийлик ёшлардир. Президентимизнинг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ғоят муҳим ҳужжат бўлди. Унда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, касб тайёргарлигига эга, замонавий фикрловчи кадрларни танлаш ва улар билан таъминлаш тизимини

тубдан яхшилашга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Ҳа, биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам! Ёшлар, қайси соҳада бўлмасин, замонавий билимларни эгаллашга, илм чўққиларини забт этишга, энг илғор техника ва технологияларни жиловлашга бел боғлар экан, аввало, ана шу даъватга таяниб иш кўриши айни муддаодир. Биз шавкатли аجدодларимизга муносиб бўлмоғимиз зарур.

**Таянч атама ва иборалар:** ислоҳот, маънавият, инсон қадри, инсоннинг маънавий тақомили, инсоннинг жисмоний тақомили, инсон ҳар нарсадан улуғ.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид савол ва топшириқлар**

1. Ислоҳотларнинг туб моҳияти нимада?
2. “Ислоҳот ислоҳот учун эмас - инсон учун” ғоясининг мазмунини тушунтиринг.
3. Инсон ҳар нарсадан улуғ тушунчаси Миллий ғояда қандай ўз ифодасини топган?
4. Инсоннинг маънавий ва жисмоний тақомилига таъсир этувчи омилларга нималар қиради?
5. Инсон манфаатлари миллий ғояда қандай аке этган?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.

3. Каримов И.А. Инсон хотираси – боқий, кадр-қиммати улуг. // Халқ сўзи. 2012 йил 10 май. №91 (5511).
4. Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
5. Буюк ва муқаддасан, мустақил ватан. – Т.: Ўқитувчи, 2011.
6. Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан. – Т.: Маънавият, 2012.
7. Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан. – Т.: Маънавият, 2013.
8. Ягонасан, муқаддас ватаним, севги, садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним”. – Т.: Маънавият, 2014.
9. Бетакроримсан, ягонасан, она ватаним – Ўзбекистоним. – Т.: Маънавият, 2015.
10. Тўраев Ш.Н. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2015.
11. Мамашокиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. – Т.: Маънавият, 2007.
12. Мирхамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. – Т.: Университет, 2003.
13. Тўраев Ш.Н. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2008. – 96 б.
14. Тўраев Ш. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2015.
15. Эргашев И. Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш йўлида. Монография (хаммуаллиф) – Т.: Академия, 2005.

## 9-мавзу: Инсон эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатларининг миллий ғояда акс тиши

1. *Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги.*
2. *Ислоҳотлар марказида инсон.*
3. *Инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши.*

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий-демократик давлатни куриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш борасида улкан ютуқлар қўлга киритилди. Мазкур жараёнда инсонга олий кадрият сифатида муносабатда бўлиш алоҳида аҳамият касб этди. Президент Ислам Каримов алоҳида таъкидлаганидек: “Аслида, ҳар қандай ислоҳотнинг энг муҳим самараси аввало халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади. Биз амалга ошираётган ислоҳотларимизда ана шундай натижаларга эришиш учун барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатларини кўйдик. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ана шу жараёнларнинг моҳиятида ислоҳот - ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак, деган мақсад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда кўриш, кузатиш қийин эмас”<sup>1</sup>.

Маълумки, ҳар бир халқ эркин, фаровон яшаш ҳуқуқига эга ва буни азиз деб билади. Жумладан, ҳар бир инсон ҳам бундай ҳуқуққа эга. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлик ва бурчлари кафолатлари белгилаб берилган.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. –Б.105.



Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлигидан келиб чиқадиган, халқаро миқёсда қабул қилинган янги юридик тамойил ва талабларга асосланган кенг ҳуқуқий муҳит вужудга келтирилди. Мустабид тузумнинг тазйик ва зўравонлигидан жаҳон андозаларига мос келадиган ҳуқуқий меъёрлар сари кескин бурилиш ясалди. Маълумки, БМТ томонидан 70 га яқин, Европа Кенгаши Бош ассамблеяси томонидан 160дан зиёд, ЮНЕСКО томонидан 70дан ортиқ, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти томонидан 30дан кўпроқ инсон ҳуқуқларига тааллуқли халқаро конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинди. Ҳозирги пайтда инсон ҳуқуқлари бўйича 400га яқин халқаро ҳужжат мавжуд. Мамлакатимиз қонунларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мазкур меъёр ва андозаларга мувофиқлаштириш, бу соҳада миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган муассасаларнинг яхлит тизимини барпо этиш, инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар ва ҳужжатларга қўшилишда давом этиб, улар бўйича мажбуриятларни бажаришнинг механизми яратилди.

Умуман олганда, ислоҳотлар марказида инсоннинг олий қадрият сифатида баҳоланиши мамлакатимиз стратегик вазифаларига ҳамроҳандир. Хусусан, бу борадаги барча ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти ҳам инсон ва унинг қадриятлари экани билан ҳамроҳандир. Ҳолбуки, ушбу қадриятлар асосида шаклланган жамият моҳиятига кўра, халқаро талабларга, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги тамойилларига мос келади, уларнинг миллий даражада намоён бўлиши учун имкон яратади. Шу билан бирга, у мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат, ҳар бир шахс ва умуман, инсон ҳамда ва турли қатлам вакилларининг умумий мақсад-муддаоларини ифодалайди. бу эса давлатимиз сиёсатининг жаҳондаги демократик жараёнлар, тинчлик ва барқарорлик, инсон ҳуқуқлари ва виждон эркинлиги каби умумбашарий қадриятлар мазмунига мослигини кўрсатади.

Жамият ҳаётида қонунийлик мезонларининг тўлиқ жорий этиб борилиши уларнинг давлат фаолиятида ўз аксини топиши ва доимо мустақамланиб борилишини тақозо этади. Айнан шу мақсадларга мос ҳолда ҳокимиятни бўлиниш тамойилини амалга оширишни таъминлаш, жамиятни сиёсий тизимида парламентни ривожлантириш, суд ҳокимиятининг ролини ошириш каби масалалар Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга оширишнинг, инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг муҳим йўналишлари сифатида белгилаб олинди. Бу йўлда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари” ғояси асосида ижобий натижаларга эришилиб келинмоқда. Президентимиз шу учта йўналишдаги ислоҳотлар юзасидан куйидаги фикрни билдиради: “Мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари аниқ ифодалаб берилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланди”<sup>1</sup>, “Давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар натижасида мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентга айлантирилди”<sup>2</sup>, “Судларни жазоловчи ва фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органдан қонун устуворлигини ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи органга айлантиришга қаратилган яхлит суд ҳокимияти тизимини шакллантириш вазифаси қўйилди ва муваффақиятли ҳал этилди”<sup>3</sup>. Шунинг учун ҳам, 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Конституциясида ҳокимиятнинг конституциявий асосда бўлиниши тамойили мустақамлаб қўйилди. Жумладан, Асосий Қонуннинг 11-моддасида “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон, 2007. -Б.8-10.

<sup>2</sup> Ўша манба. -Б.31.

<sup>3</sup> Ўша манба. -Б.12.

тизими, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади”, деган койдада акс эттирилган.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бошқарув тизимида демократик давлатлар тажрибасида синалган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасида барқарор мувозанат, бир-бирининг фаолияти устидан назорат қилиш ва ўзаро чегаралаб туришни таъминловчи механизмлар шакллантирилди. Буларнинг ҳаммаси инсон ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон дунёдаги оз сонли кучли ижтимоий сиёсат юритаётган ва шу аснода аҳоли фаровонлигини ошириш йўллари устида фаолият олиб бораётган мамлакатлар сирасига киради. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, умуман, аҳолига муносиб турмуш шароитини яратишдан тортиб, аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари барчанинг манфаатли ишига айланиши мамлакатдаги ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши бўлиб қолмоқда.

**Таянч атама ва иборалар:** инсон ҳуқуқлари, демократик ислохотлар, инсон қадр қиммати, фуқаролик жамияти, халқаро ташкилотлар, халқаро ҳуқуқ нормалари.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид савол ва топшириқлар**

1. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги нималарда ўз ифодасини топган?
2. Мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг инсон қадр қимматини юксалтиришдаги роли қандай?
3. Инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш бўйича қандай ишлар амалга оширилган?
4. “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” ғоясининг мазмунини тушунтиринг.

## Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
3. Каримов И.А. Инсон хотираси - боқий, кадр-қиммати улуг. // Халқ сўзи. 2012 йил 10 май. №91 (5511).
4. Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
5. Буюк ва муқаддасан, мустақил ватан. – Т.: Ўқитувчи, 2011.
6. Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан. – Т.: Маънавият, 2012.
7. Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан. – Т.: Маънавият, 2013.
8. Ягонасан, муқаддас ватаним, севги садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним. – Т.: Маънавият, 2014.
9. Бетакроримсан, ягонасан, она ватаним – Ўзбекистоним. – Т.: Маънавият, 2015.
10. Мамашокиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. – Т.: Маънавият, 2007.
11. Мирхамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. – Т.: Университет, 2003.
12. Тўраев Ш.Н. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2008. –Б.96.
13. Тўраев Ш.Н. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2015.
14. Эргашев И. Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилан, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш йўлида. Монография (хаммуаллиф). – Т.: Академия, 2005.

## 10-мавзу: Миллий гояда сиёсий институтлар ва мафкуралар хилма-хиллиги тамойили

*1. Сиёсий институтларда ва сиёсий жараёнларда турли хил фикрларнинг эркин ифода қилиниши.*

*2. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг қарор топиши.*

*3. Мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги шаклланиши.*

Бугунги кунда Ўзбекистонда кечаётган фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизациялаш жараёнлари сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, мустақил суд тизимини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришни талаб этмоқда. Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтиш бу даврнинг асосий хусусиятидир.

Икки палатали парламентнинг шаклланиши, Президент ваколатларининг бир қисмини юқори палата – Сенатга ўтказилиши, Бош вазир ҳуқуқ ва ваколатларининг кучайтирилиши “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши билан янада амалий тусга кирди.

Сиёсий партиялар роли ва аҳамиятининг кучайиши ҳозирги шароитда уларнинг фуқаролар сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг, айниқса, сайлов жараёнларида хоҳиш иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситасига айланиши орқали кечишини аңглатади. Парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги муҳолифат мақомини қонуний тарзда белгилаш, сиёсий

партиялар фракциялари раҳбарларини конунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилиши бу йўналишдаги ўзгаришларни аниқ намоён қилмоқда.

Сиёсий партияларнинг мамлакат парламенти фаолиятини ташкил этишда, шунингдек, вакиллик ва ижро ҳокимияти органларини шакллантириш, уларнинг фаолиятини назорат қилишидаги роли ва аҳамиятини тубдан кучайтирилиши, айниқса, Бош вазир лавозимига номзод бўйича сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашиш тартиби, унинг парламент томонидан тасдиқланишининг қатъий белгиланган тартиб ва механизмининг жорий этилгани давлат қурилиши соҳасида демократик ислохотларнинг чуқурлашганини кўрсатади.

Фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бири давлатнинг сиёсий институтларда ва сиёсий жараёнларда турли хил фикрларнинг эркин ифода қилинишига ҳуқуқий асослар яратиб бериш, шунингдек, ҳуқуқий давлат фуқаролари – плюралистик сиёсий маданиятга эга бўлган шахсларни шакллантиришдир. Мамлакатимиз фуқаролик жамияти томон одимлар экан, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва ғоялар, эркин қарашлар, ҳар қандай тоифа ва гуруҳларнинг интилиш ва умидлари, ҳар қандай инсон эътиқоди ва дунёқараши ошқор, эркин изҳор этилади. Сиёсий партиялар эса демократик жараённинг муҳим институти сифатида аҳолининг кенгрок камрови ифодалаётган ғояларни мужассам этиш, улар атрофида аҳолини бирлаштиришга интилади. Ҳар бир сиёсий партия мазкур ғояларни ҳаётга тадбиқ этишда муайян ижтимоий табақага таянгани боис, уларнинг амалга ошириш йўллари бир-биридан фарқ қилади. Шунга қарамай, турли партиялар томонидан илгари сурилаётган ғоялар мазкур жамиятни жипслаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилганлиги билан умумийлик касб этади. Шу

боис, демократик жараёилар фаоллашгани саря, ҳар бир сиёсий партия фаолиятида миллий ғоя тарғиботига талаб кучаяверади.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Конституциясининг II боб, 12-моддасида: «*Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас*»<sup>1</sup>, деб белгиланди. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг қарор топишида 1996 йил 25 декабрда Олий Мажлис қабул қилган «*Сиёсий партиялар тўғрисида*»ги қонуннинг аҳамияти муҳим бўлди. Қонун 17 та моддадан иборат бўлиб, унда сиёсий партияларнинг демократик қондалар асосида фаолият юритишлари учун етакчи ва илғор мамлакатлар мезонлари талабларидаги ҳуқуқий асослар яратилди. Қонуннинг 5-моддасига биноан, «*давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради*»<sup>2</sup>.

Мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги шаклланишининг қонуний асослари билан бир вақтда сиёсий партияларда ўз ғояларини тарғиб этиш имконияти ҳам кенгайди. «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасига биноан бошқа ваколатлар билан бир қаторда ўз мафкураларини тарғиб ва тадбиқ этиш борасида «Сиёсий партиялар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз ғоялари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб қилиш:

- сайлаб қўйиладиган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш:...

<sup>1</sup> Ўзбекистонда сиёсий партиялар. –Т.: Академия, 2007. –Б.197.

<sup>2</sup> Ўзбекистонда сиёсий партиялар. –Т.: Академия, 2007. –Б.201.

- партия фаолияти билан боғлиқ йиғилишлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;...”<sup>1</sup>.

“Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида “**Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги** асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир”<sup>2</sup>, деб кўрсатилган. Қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги эса – ғоя, мафкура демакдир. Демак партия мафкурасини **миллий мафкуранинг бир бўлаги, ташкил этувчи қисми** сифатида талқин этилса унинг моҳияти чуқурлашади. Бинобарин партия – кишиларнинг мафкуравий бирлашмасидир.

Демак сиёсий партиялар миллий ғоя тарғиботи ва тадбиқида қуйидаги функцияларни бажаради:

- жамоатчиликни ғоя атрофида бирлаштириш ва сафарбар этиш;
- жамоатчилик фикрини тарбиялаш;
- миллатнинг ҳаётий манфаатларини ифодаловчи жамоатчилик фикрини шакллантириш;
- миллий ғоя ва мафкурани бойитиш;
- мафкуравий иммунитетни шакллантириш;
- ишлаб чиқилаётган қонунларга миллий ғояни сингдириб, унинг амалиётга тадбиқи юзасидан мониторинг олиб бориш;
- миллий ғоя ва мафкурани такомиллаштириш;

<sup>1</sup> Ўзбекистонда сиёсий партиялар. –Т.: Академия, 2007. –Б.205.

<sup>2</sup> Ўзбекистонда сиёсий партиялар. –Т.: Академия, 2007. –Б.200.



• миллий ғоя ва мафкуранинг хаётга тадбиқи жараёнидаги тўсиқларни (тахдидни) олдини олиш ва бартараф этиш.

Республикамизда мавжуд тўртта сиёсий партия учун бу каби фаолиятни олиб бориш учун барча ҳуқуқий шароитлар мавжуд.

**Таянч атама ва иборалар:** сиёсий институт, сиёсий жараён, сиёсий партия, кўшпартиявийлик, мафкуравий плюрализм.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Сиёсий институт тушунчаси нима?
2. Сиёсий институтларга нималар киради?
3. Сиёсий жараёнлар ва уларда фикрлар эркинлигини қандай тушунасиш?
4. Кўшпартиявийлик нима ва бу тизимнинг Ўзбекистонда қарор топиши ҳақида нима биласиз?
5. Мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини қандай тушунасиш?
6. Ўзбекистонда қандай сиёсий партиялар фаолият кўрсатмоқда?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Миллий истиқлол ғояси. – Т.: Академия, 2005.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий луғат). – Т.: Янги аср авлоди, 2002.
3. Миллий истиқлол ғояси: назария ва амалиёт. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
4. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
5. Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари – Т.: Шарқ, 2001.
6. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: 2006.

7. Мамашокиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт кури-  
лишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. – Т.: Маънавият,  
2007.

8. Миллий ғоя: назарий манбалар (хрестоматия). – Т.:  
Академия, 2007.

9. Мирхамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳукуқий  
давлат ва фуқаролик жамияти куриш йўлида. – Т.:  
Университет, 2003 йил.

10. Тўраев Ш.Н. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. –  
Т.: Маънавият, 2008. –Б.96.

11. Тўраев Ш.Н. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.:  
Маънавият, 2015.

12. Ғоя, тарих ва миллий тафаккур. – Т.: Ўзбекистон  
файласуфлари миллий жамияти, 2002.

13. Эргашев И. Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш  
ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш  
йўлида. Монография (хаммуаллиф) – Т.: Академия, 2005.

14. Мадаева Ш.О. Миллий менталитет ва демократик  
тафаккур: (XX аср сабоқлари ва XXI аср истикболлари). – Т.:  
Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2007, –Б.127.

15. Маънавий-ахлоқий кадриятлар ва уларнинг ёшлар  
тарбиясидаги ўрни. – Т.: 2004. –Б.42.

16. Ўзбекистонда сиёсий партиялар. – Т.: Академия, 2007.

11-мавзу: Миллий ғоя негизларини асраб-авайлаш,  
уни химоя қилиш шарт-шароитлари ва омиллари

1. *Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамият асосларининг энг қадимги илдизлари.*

2. *Марказий Осиёда мустақил давлатчилик тизимининг шакллантирилиши.*

3. *Ислом дини миллий ғояларимизнинг асосий негизларидан бири.*

Ҳар қандай ғоя сингари миллий ғоя ҳам ўзининг туб илдизларига эга. Шу маънода унга куч бериб, ривожланиши учун асос вазифасини ўтайдиган Миллий ғоя негизларини асраб-авайлаш, уни химоя қилиш шарт-шароитларини яратиш билан бирга, унинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиш юртнинг бахтли келажагини ўйлаган ҳар бир фуқаро учун масъулиятдир.

Миллий ғоя тамойиллари асосида Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамият асосларининг энг қадимги илдизларидан бири “Авесто”дир. У милoddан аввалги 7-6-асрларда ҳозирги Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти ҳудудида яратилган илк давлатчилик тўғрисидаги ижтимоий-фалсафий, диний таълимот ҳисобланади. “Авесто”ни “Ҳаёт йўриқномаси”, “Қонунлар тўплами”, “Билимлар мажмуаси” деб бежиз аташмаган. Зеро, ҳозирги адолатпарвар демократик жамият асосларини яратишга қаратилган миллий ғоя билан ҳамоҳанг ижтимоий-фалсафий фикр унда мавжудлиги яққол кўзга ташланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, манбаларда ёзилишича, маҳаллий халқни ўз асоратида тутиб туриш учун босқинчилар мустаҳкам ўрнашиб олиш мақсадида “Маҳаллий халқ устидан ўз ҳукмини янада мустаҳкамлаш, улар устидан назоратни кучайтиришнинг зарурлиги натижаси ўларок, бошқарув аппарати, бошқарув маркази мунтазам қуроли кучлар, назорат органлари ташкил

этила бошланди. Давлат ана шу тартибда таркиб топа бошлади”<sup>1</sup>. Ана шундай тарихий шароитда маҳаллий халқни бирлаштириш объектив заруриятга айланиб борди. Файласуф олим Тоҳир Каримнинг эътироф этишича, “Чўл билан воҳа халқини келгинди билан ўтроқ халқларнинг манфаатларига бундай мос келмайдиган зиддиятларни бартараф эта оладиган қудратли мафкура зарур эди. Ана шундай мафкура бўлиб Зардўшт таълимоти вужудга келди”<sup>2</sup>.

“Авесто”да давлат бошқаруви тизимига жамият тарихи ва уни ривожланишига оид маълумотлар ўз ифодасини топганлигининг эътиборли жиҳати шундаки, унда аввало инсон ҳақ-ҳуқуқи, манфаати, эрки, унинг руҳий, маънавий қомиллиги, фалсафаси устувор йўналиш ҳисобланади.

Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” рисола-сида жамиятни бошқариш тизими ҳақидаги илмий-назарий қонуниятни яратди. Форобийнинг демократик жамият ҳақидаги таълимоти асосида адолат ва ахлоқ, қонунчилик ғояси ётади. “Маданий жамият ва маданий шаҳар (яъни мамлакат) шундай бўладики, – деб таъкидлайди Форобий, – шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-хунарда озод, ҳамма баробар бўлади, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ва ўзи танлаган касб-хунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Одамларнинг тинчлик ва эркинликларига халақит берувчи султон бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади”<sup>3</sup>.

Одил – демократик жамият барпо этиш ҳақида гап борар экан, Амир Темур ва темурийлар даврига алоҳида тўхталмоқ лозим. Чунки, бу даврда демократик жамият назарияси эмас, балки унинг реал воқеликда намоён бўлиши билан боғлиқ муҳим илмий-фалсафий ғояларни учратишимиз мумкин.

<sup>1</sup> Тоҳир Карим. Муқаддас “Авесто” изидан. –Т.: Чўлпон 2000. –Б.122.

<sup>2</sup> Ўша манба. –Б.124.

<sup>3</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: Наврўз, 1993. –Б.196.

Маълумки, XII-XIII асрларда Марказий Осиё минтақасини мўғуллар томонидан босиб олинishi шаклланаётган миллий давлатчилик тамойиллари ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Айниқса, маънавий ҳаётда, иқтисодиётнинг изчил ривожланишида ва ижтимоий муносабатларда бу таъсир яққол намоён бўлган эди. Марказий Осиё халқларининг қаттиқ жабр-зулм остига олинishi, меҳнатқаш маҳаллий аҳолининг қаттиқ эзилиши, уларга нисбатан зўравонлик сиёсати тарихдан бизга маълум. Энг аянчлиси шундаки, минг йиллар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маданий мерослар, моддий меросларимиз бўлган илм-фан масканлари, мадрасалар ва кироатхоналар яқсон қилинади. Ана шундай бир мураккаб даврда Амир Темурнинг тарих саҳнасига чиқиши ва Марказий Осиёда мустақил давлатчилик тизимини шакллантириши мамлакатда ички низоларни, маҳаллий халққа нисбатан адолатсизликни бартараф этишга олиб келди.

Амир Темурнинг Марказий Осиё халқлари тарихида адолатли давлат барпо этишда тутган ўрни алоҳида аҳамиятга моликдир. У марказлашган йирик давлатга асос солган буюк сиймодир.

Эътиборли жиҳати шундаки, мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шарият ақидалари ва ислом дини илмлари: тавсиф, ҳадис, фикҳдан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилганлиги соҳибқироннинг демократик тизимни ижтимоий ҳаётга жорий этиш учун маънавият, мафкура ва ғоянинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратганини кўрсатади. Ижтимоий қатламлар ва гуруҳларга таянган ҳолда фаолият юритиш ҳамда уларнинг манфаатларини химоя қилиш ўша давр бошқаруви-нинг ўзига хос жиҳатларидан бири эди. Темур эса, давлатни бошқаришда алоҳида ижтимоий гуруҳлар, синфлар манфаатларини химоя қилмасдан, давлат тизимининг қатламларига, ҳар бир фуқарога таянади. "Миллатнинг дардларига дармон

бўлмоқ вазифангиздир... Адолат ва озодлик – дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин”<sup>1</sup>, – дейди Амир Темура.

Марказий Осиёда демократик жамият барпо этиш ва бу жараёнда маънавият, мафкура ва миллий ғоянинг нақадар муҳимлиги ҳақидаги таълимотлар, ҳозирги даврда ҳам нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга молик назариялардан ҳисобланади.

Ана шундай йирик мутафаккирлардан Алишер Навоий ўз фаолиятида амалиёт билан назариянинг бирлигини мужассам этган сиймолардан бири ҳисобланади.

Алишер Навоий назариётчи ва амалиётчи сифатида халқ ҳокимияти ва давлат сиёсатининг адолатга асосланганлигини ва унинг мафкуравий мезонларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Унинг фикрича, адолатсизлик, фуқароларнинг фикрини инобатга олмаслик давлат бошқарув тизими таназзулига сабаб бўлади ва пировард натижада демократик жамият эмас, балки жамиятни жаҳолатга олиб келади.

Алишер Навоий ўзининг шоҳ асарларидан бири бўлган “Маҳбуб ул – кулуб” номли асарида, “Гоҳ амирлик ўрнида ўтирдим ва ҳукумат маҳкамасида халқнинг арзу додини сўрдим ва гоҳ подшоҳ ёнида вазирлик қилдим ва менга умидвор назар билан қараб турган элга мурувват кўрсатдим”<sup>2</sup>, – дейди. Алишер Навоийнинг ижтимоий-фалсафий таълимотининг асосида адолатли жамият ғояси ётади. Адолатли жамият эса, кишиларнинг жамият ҳаётидаги тенглигини таъминлай олади. Бундай жамиятга эришишда, нафақат подшоҳнинг адолатлилиги, балки кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг юксак маънавият ва мафкура асосида соғлом бўлиши лозимлигига эътиборни қаратади.

Юртимизга ислом дини кириб келиши билан адолатли жамият ҳақидаги тарихий маълумотларнинг барча кўриниш-

<sup>1</sup> Амир Темура ўнгилари. –Т.: Наврўз, 1992. –Б.61.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб-ул-кулуб. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. –Б.12.

ларида ислом фалсафаси, фикҳ илми арконларининг қарашлари ўз ифодасини топган.

Бинобарин, ислом дини жамиятда инсонпарварлик, адолатпарварлик ғояларини кенг тарғиб-ташвиқ қилади. Унда, бировларнинг ҳақиқага кўз олайтириш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ўғрилиқ каби қабих ишлар билан шуғулланиш, фоҳишабозлик, порахўрлик каттиқ қораланади. Одамларни ҳаром-ҳариш йўллардан узоқ юришга, инсофли-диёнатли бўлишга, ўзидан яхши из қолдиришга ундайди. Президентимиз томонидан, “Кўҳна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, дин ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан холос бўлишга чорлаган. Ҳар бир алоҳида инсонга, оила, жамоа, минтақа, бир сўз билан айтганда, умумхалққа раҳнамо бўлган. Уни оғир-оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, ишонтирган. Бундай даъват, ўз навбатида, одамларга куч-қувват бағишлаган, иродасини мустаҳкам қилган, бир-бирига меҳру оқибатини оширган... Асрлар давомида дин одамларни энг улуг мақсадлар йўлида бирлашишга, ҳамжиҳат бўлишга ундаган”<sup>1</sup>, деб таъкидланиши исломнинг одил жамият қуришда ўрни бекиёс эканини кўрсатиб турибди.

Ижтимоий воқеликнинг турли шароитларида Ўзбекистонда одил жамият, демократик жамият ҳақидаги назариялар ва таълимотлар тарихига оид мисолларнинг гоҳ униси, гоҳ буниси ўз моҳиятини, аҳамиятини кўпроқ намоён қилиши мумкин. Аммо бизнинг назаримизда, юқорида кўриб чиққан жиҳатлар бугунги кунда Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамиятнинг тарихий-назарий асослари десак, муболага бўлмайди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек:

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1995. –Б.54-55.

“Бугун Ўзбекистон халқи улуғ аجدодларининг анъаналарини, урф-одатларини давом эттириб, тақдирини ўз қўлига олиб, қаддини ростлаб, эл-юртимизда осойишталик, барқарорликни, миллатлараро аҳиллик ва фуқаролар тотувлигини авайлаб-асраб, янги тарихий шароитда келажагини қурмоқда, миллий давлатчиликни тикламоқда”<sup>1</sup>.

Шу ўринда, улуғ аجدодларимиз яратган бой ранг-баранг ижтимоий-фалсафий, маънавий-маданий, меросларининг тикланиб бориши ва халқимиз ҳаётига кириб боришини алоҳида таъкидламоқ керак. Айниқса, жаҳон илм фани ва тафаккури тараққиёти тарихида муҳим ўрин эгалловчи илмий-фалсафий мерос, турли тарихий даврларда, хусусан, йиллар мобайнида яратилган маънавий мерос билан бирга, моддий маданиятимизнинг нодир намуналари ҳам, ўзимизга хос бўлган демократик жамиятнинг шаклланишида ўз ўрнига эгадир. Шундай экан, уларни асраб-авайлашимиз, келгуси авлодларга соғ-омон етказишимиз бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Келажаги буюк давлатни барпо этиш жараёнида ўзининг туб негизларига асосланган миллий ғояларимиз Ўзбекистонда демократик жамиятни барпо этиш, миллий ўзликни англаш, миллий гуруҳ, қобилият негизида, ўз кучи ва имкониятларини ишга солиб, миллат тараққиёти йўлида жиҳслашиб, бир мақсад сари ҳаракат қилишга замин бўлиб хизмат қилади.

**Таянч атама ва иборалар:** Авесто, ислом дини ғоялари, Қуръони карим, ҳадис, ўрта аср мутафаккирлари таълимоти, Амир Темурнинг давлатчилик сиёсати, одил жамият, маънавий-маданий мерос, миллий ўзликни англаш.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2003. –Б.92.



## Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар

1. Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамият асосларининг энг қадимги илдизларига нималар киради?
2. «Авесто»да давлат бошқаруви тизими, жамият тарихига оид қандай фикрлар баён этилган?
3. Ислом динида қандай инсонпарвар ғоялар илгарича сурилади?
4. Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари таълимотининг Миллий ғояни шакллантиришдаги роли қанай?
5. Амир Темур марказлашган давлат тузишда қандай ғояга асосланади?
6. Марказий Осиёда мустақил давлатчилик тизимининг шакллантирилишида Амир Темурнинг тугган ўрни қандай?
7. Алишер Навоий ижодида қандай ғоя устувор туради?

### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. II-жилд.
3. Тохир Карим Муқаддас “Авесто” изидан. – Т.: Чўлпон 2000.
4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Наврўз, 1993.
5. Амир Темур ўғитлари. – Т.: Наврўз, 1992.
6. Алишер Навоий Махбуб ул-қулуб. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
7. Миллий ғоя: назарий манбалар (хрестоматия). – Т.: Академия, 2007.
8. Бетакроримсан, яғонасан, она ватаним – Ўзбекистоним. – Т.: Маънавият, 2015.

9. Мамашокиров С., Тогаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. – Т.: Маънавият, 2007.

10. Мирхамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. – Т.: Университет, 2003.

11. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2008. –Б.96.

12. Тўраев Ш. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2015.

## 12-мавзу: Миллий ғоянинг умуммафқуравий жараёнлар билан боғлиқлиги

*1. Мафқуравий жараёнларнинг моҳияти.*

*2. Мустақил Ўзбекистонда мафқуравий жараёнлар  
ривожси.*

*3. Дунёнинг мафқуравий манзараси.*

Инсоният тарихи кўплаб мафқура шаклларининг тарих сахнига чиқишига гувоҳ бўлган. Бугунги кунда ҳам унинг турли кўринишлари мавжуд. Масалан, субъектига кўра, яъни қандай ижтимоий кучлар манфаатини ифода этишига кўра синфий мафқуранинг турли шакллари фарқланади. Чунончи, ишчилар, деҳқонлар, тадбиркорлар, зиёлилар каби ижтимоий катламларнинг бир-биридан фарқ қилувчи эҳтиёж ва манфаатлари, мақсад ва муддаоларининг муайян ғоялар тизимида инъикос этиши табиий. Тарих бундай мафқураларнинг кўплаб марта сиёсат сахнига чикқанидан далолат беради. Афсуски, бундай мафқуралар ўзига хос манфаатларни мутлақлаштиришга асосланганда жамиятда низо ва зиддиятлар кучайишига замин яратган.

Мафқура шакллари ҳақида гап кетар экан, уларда илгари сурилаётган ғоялар, мақсадларнинг тўғри ёки нотўғрилигига қараб, илмий ва ноилмий, жамият тараққиётига ижобий ёки салбий таъсир қилишидан келиб чиқиб эса, прогрессив ва реакцион мафқуралар фарқланади.

Мафқураларда кўзланган мақсадларнинг рўёбга чиқишининг эҳтимоллик даражасига таяниб уларнинг реал ва хаёлий (утолик), жамиятдаги мавжуд ижтимоий муносабатлар, турмуш тарзини сақлаб қолиш ёки уни ислох қилишга йўналтирилганига қараб эса консерватив ва либерал кўринишлари ажратилади.

**Мафқуравий жараёнларнинг моҳияти.** Энг умумий маънода “мафқуравий жараён” тушунчаси муайян ғоявий

қарашлар тизимининг шаклланиши, ривожланиши ва тарқалиши билан боғлиқ босқичларнинг узвий бирлигини ифодалайди.

Мафкура тизимидаги билимлар тўғри ёки нотўғри, прогрессив ёки реакцион характерга эга бўлиши мумкин. Мазкур билимларнинг характери ўз навбатида улар асосида шаклланадиган баҳоларнинг тўғри ёки нотўғрилигига замин яратади. Шаклланадиган баҳоларда эса реал ёки кутилаётган ҳодиса, жараёнларга мавжуд эҳтиёжлар, манфаатлардан келиб чиқиб, ўзига хос муносабат ифодаланади.

Мафкуравий жараёнларда мақсадларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ғоявий қарашлар доирасида белгилаб олинган мақсадларни баён этишда истикболга, эртанги кунга ишонч туйғусини шакллантириш ҳам кўзланади. Албатта, бундай ишонч ўз моҳиятига кўра сароб бўлиши ҳам мумкин. Аммо у чуқур илмий асос ва гуманистик моҳиятга эга бўлган ҳамда жамият тараққиёти қонуниятлари билан ҳамоҳанглик касб этганда кишилар хулқи ва фаолиятининг муҳим регулятори бўлиб хизмат қилади. Зеро, бундай пайтда ишонч кишилар қарашларидаги барқарорликни белгиловчи халқа сифатида чиқади. Айни пайтда, мавжуд ёки юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлардан чўчимасликка, уларга қарши тура олиш ва бартараф этишнинг оқилона йўллариини излашга хизмат қилади ва шу туфайли хулқдаги собитлик, изчиллик ва амалиётдаги фаолликни таъминлашга йўл очади.

**“Мафкуравий кураш” тушунчаси.** Кўпгина тушунчалар каби “мафкуравий кураш” тушунчаси ҳам серкирра мазмунга эга. Энг аввало, у турли ғоявий қарашлар ўртасида юзага келадиган ва қарама-қаршилиқка асосланган муносабатни ифодалашини таъкидлаш зарур. У янги, шаклланаётган ғоялар билан ўз «вазифасини» бажариб бўлган мафкура, ёки унинг қолдиқлари ўртасидаги муносабат шаклида ҳам содир бўлиши мумкин.

Мафкуравий кураш муайян ғояларни сингдириш жараёнини ҳам англатади.

Мафкуравий курашни мухалиф мафкуравий қарашларнинг ҳар қандай кўринишини йўқ қилишга, ғоявий плюрализмни бартараф қилишга қаратилган ҳаракатлардан фарқлаш керак. Мазкур сифатий ҳолатни характерлаш учун мафкуравий конфронтация (французча - қарама-қарши кўйиш) терминини қўллаш ўринлидир.

Мафкуравий содда қилиб айтганда, мафкуравий беқарорлик вазиятининг ҳосиласи ҳисобланади. Бундай беқарорлик ҳолати кескин ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, хусусан, бир тузумдан бошқасига ўтиш даври, муайян ҳолларда ташқи таъсир, масалан, халқаро майдонда яққаланиб қолиши ёки ҳарбий ҳаракатлар, ўзаро урушларда енгилиш натижасида юзага келган ижтимоий-сиёсий вазият натижаси бўлиши ҳам мумкин. Бир сўз билан айтганда, мафкуравий беқарорлик жамиятдаги мавжуд мафкуравий мувозанат бузилган, аммо янғиси қарор топмаган вазиятдаги ғоявий ўзгарувчан ҳолат ҳисобланади.

**Мустақил Ўзбекистонда мафкуравий жараёнлар ривож.** Мустақиллик ва Ўзбекистондаги мафкуравий жараёнлар ривож ҳақида гап кетар экан, энг аввало у истиклолнинг қўлга киритилиши туфайли юзага келган янги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ҳосиласи эканини таъкидлаш зарур.

**Геосиёсат ва мафкуравий полигонлар:** Геостратегик мақсадларни амалга оширишда мафкуранинг ўрни. Қандай шаклда чиқмасин манфаатлар ҳаминша мафкура билан боғлиқ бўлади. Айнан мафкура манфаатларнинг имкониятдан воқеликка айланишига йўл очади.

**Дунёнинг мафкуравий манзараси.** Дунёнинг мафкуравий манзараси деганда, жамият тараққиёти қонунилари, унинг ривожланиш тенденцияларини муайян ижтимоий гуруҳ, этник бирликлар, сиёсий кучларнинг ўзига хос манфаатларидан келиб чиқиб талқин қилиш ва унга асосланган ҳолда

инсоният истиқболини белгилашга қаратилган мафкуравий тизимлар мажмуи тушунилади.

Кишилик жамияти тараққиётининг ҳозирги даврида “турли хил эски ва янги мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда, - деб ёзади Президентимиз. - Ранг-баранг, баъзан бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб тўкнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда, одамлар бошига беҳисоб қайғу-кулфатлар солмоқда”.

Дунёнинг мафкуравий манзарасига хос моҳиятни чуқурроқ ва теранроқ англаш инсон онги ва қалби учун олиб борилаётган тинимсиз курашнинг асл мақсадларини тўғри тушуниб етишга, мамлакатимиздаги мавжуд ижтимоий ҳамкорлик, миллий бирлик ва ҳамжиҳатлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликка таҳдид солувчи ғояларнинг олдини олишга қаратилган тегишли маърифий ишларни изчил ва тизимли ташкил этишга хизмат қилади.

**Дунёнинг мафкуравий манзараси ривожланишининг истиқболлари.** Бугун кечанинг, эрта бугуннинг давоми бўлганидек, яқин истиқболда дунёнинг мафкуравий манзараси қандай бўлишини ҳозирги кунда жаҳон мафкура сахнида кечаётган айрим жараёнларда ҳам кўриш мумкин. Хусусан, баъзи ҳолларда юқорида қайд этилган вайронкор мафкураларнинг ўзига хос омухталашуви кузатиш мумкин. Бу, бир томондан, миллатчилик ва иркчилик, бошқа томондан, ашаддий миллатчиликнинг диний ақидапарастлик билан қўшилиб кетаётганида яққол кўринмоқда. Бунинг оқибати ўлароқ омухталашган ғоявий қарашлар билан курулланган кучлар ўз мақсадлари йўлида қўшлаб фожиаларни келтириб чиқараётган террорчилик ҳаракатларини содир этмоқдалар. Натижада миллий озодлик ва диний қадриятлар тушунчасининг ўзи обрўсизлантирилмоқда, жаҳон афкор

оммасида салбий стереотип ва қарашларнинг шаклланишига олиб келмоқда.

**Мафкуравий жараёнлар глобаллашувига хос хусусиятлар.** Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида содир бўлаётган ўзгаришлар мафкура жабҳасидаги глобаллашувни ҳам келтириб чиқармоқда.

**Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви** деганда, ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши, услуб ва воситаларининг такомиллашуви, янги техник ва технологик тизимларнинг юзага келиши натижасида унга Ер юзининг барча минтақалари тортилганини, ғоявий таъсир ўтказиш ва мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этгани тушунилади.

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашувида бири-биридан тубдан фарқ қиладиган икки йўналиш, тенденция намоён бўлмоқда. Биринчидан, муайян ҳудудда юзага келган, умуминсоний мазмунга эга кадриятлар, маънавий-маърифий неъматлар ўзи шаклланган тарихий макон доирасидан чиқиб байналминаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Иккинчидан, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланиш даражасидаги турфа хиллик, этник, маданий, конфессионал, синфий, ирқий, ҳудудий, минтақавий ёки бошқа шакллардаги ўзига хосликларни мутлақлаштириш инсоният истиқболига жиддий хавф туғдирадиган салбий ходисаларнинг мафкуралашган ҳолда глобаллашувига олиб келмоқда. Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, бирон бир ҳудуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда. Натижада, одамзот маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларига хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли мафкуравий марказларнинг босимини доимий равишда сезиб яшамоқда. Бу жараённинг яна бири муҳим хусусияти ғоявий курашнинг ғараз



мақсадлар ва иқтисодий манфаатлар билан чирмашиб кетаётганидир.

Муайян гуруҳ, халқ, жамиятни мафкуравий таъсир доирасига тортишга уринишлар ҳамма вақт бўлган. Тарихга назар ташласак, бу жараён жамият ривожлана бориши билан бирга чуқурлашиб, кенг қамровлилик касб этиб борганини кўрамыз. Хусусан, ҳозирги даврда мафкуравий таъсир ўтказиш ўзининг бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туришини кўриш мумкин.

**Таянч атама ва иборалар:** Мафкуравий жараён, мафкуравий кураш, мафкуравий жараёнларнинг глобаллашув, дунёнинг мафкуравий манзараси, геосиёсат, мафкуравий полигон.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид савол ва топшириқлар**

1. “Мафкуравий жараён” тушунчасининг мазмун-моҳиятини тушунтиринг.

2. Ўзбекистон мустикаллиги қўлга киритилгандан кейин мамлакатда қандай мафкуравий вазият юзага келди?

3. “Дунёнинг мафкуравий манзараси” тушунчасининг мазмун-моҳиятини тушунтиринг.

4. Инсон онги ва қалби учун кураш қандай воситалар орқали амалга оширилмоқда?

5. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви қандай содир бўлади?

6. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашувида қандай йўналиш, тенденциялар кўзга ташланади?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари. Ватан саждағоҳ каби мукаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1995.



2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд.

3. Миллий ғоя: назарий манбалар (хрестоматия). – Т.: Академия, 2007.

4. Бетакроримсан, ягонасан, она ватаним – Ўзбекистоним. – Т.: Маънавият 2015.

5. Мамашокиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафқуравий масалалари. – Т.: Маънавият, 2007.

6. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: 2006.

7. Зикруллаев А. Ғоялар қураши. – Т.: Мовароуннаҳр, 2000.

8. Очилдиев А.С. Бугунги дунёнинг мафқуравий манзараси. Т.: Ижод дунёси нашриёт уйи, 2002.

9. Очилдиев А.С. Глобаллашув ва мафқуравий жараёнлар. – Т.: Мухаррир, 2009.

### **13-мавзу: Миллий ғоянинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш механизмлари ва воситалари**

*1. Демократик жамият шаклланишида миллий ғоя муҳим аҳамиятга эга.*

*2. Миллий ғоя тамойилларининг ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, ислоҳотлар билан уйғунлиги.*

*3. Ўзбекистонда ўзига хос шарқона демократик жамиятнинг шаклланиши.*

Миллий ғоя аввало миллий онг маҳсулидир. Қачонки, миллий ғоя одамларнинг эътиқодига айланар экан, у миллий онгни янада ривожланишига олиб келади. Миллий онг миллатни эътиқодий, маънавий омиллар асосида бирлаштириб, миллий манфаатларни англаш, уларни амалга оширишга асос бўладиган мўътадил руҳий омиллар. Миллий онг ҳам ўз навбатида, миллий ғоялар такомиллашиб, ривожланиб боришга таъсир этади.

Миллий онг, биринчи навбатда, миллий ўзликни англашдир. Миллий онг мазмун жаҳатидан миллий ғоядан кенгроқ бўлсада, миллий ғоя унинг асосий, умумий моҳиятини ифодалайди. Миллий онги муштарак бўлган этник бирлик муайян миллий ғоя атрофида бирлашади, фаолият кўрсатади.

Миллий ғоя миллий онгнинг миллий бурч ва масъулият билан бевосита боғланган ҳолдаги кўринишидир. Миллий онги заиф бўлган, миллий ўзлигини англамаган халқда етук миллий ғоя ҳам бўлмайди. Миллатнинг етуқлиги даражаси бевосита вазифа тариқасида кун тартибида турган муҳим, муштарак умуминсоний манфаатлар ва мақсадлар, ғоялар нисбати тизимида ўз ифодасини топади.

Миллий ғоя кишиларнинг онгидаги ўзгаришларнинг асосий мезони ва кўрсаткичига айлангандагина ўзининг асосий ижтимоий функцияларини бажара олиши мумкин.

Бунда бир томондан миллий ғоянинг умумий қарашлар, хулосалар тарзида намоён бўлиши жараёни босқичларидан ўтиши, иккинчи томондан демократик жамиятнинг барча соҳаларида фаолият юргизаётган шахслар ғоявий камолот даражаларига эга бўлиши зарур бўлади. Демократик жамият шаклланишида маънавий-маърифий ва мафкуравий жараёнлар муҳим рол ўйнаши билан бир каторда, ижтимоий онг шакллари, айниқса, мафкура, ғоя, кишиларнинг турмуш тарзи, тафаккури сифатида бу жараённи босқичма-босқич амалга оширишга кўмак беради.

Миллий ғоя Ўзбекистоннинг умумий ва ягона Ватан эканини тушуниш, давлат тилини ўрганиш, ҳурмат қилиш ҳиссининг уйғунлиги, истиқлолга содиқлик, мустақилликни мустаҳкамлаш ва миллий мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишига интилиш қабиларнинг моҳияти ва мазмунини ташкил этадиган жиҳатларини ўзида акс эттиради. Шу билан бирга, унда кишиларнинг маданий-миллий меросни асраб авайлаш, жамиятнинг маданий-иқтисодий камолотига интилиш, миллатпарастлик ва миллатчиликка қарши кураш, этник муносабатларда умуминсонийликнинг устуворлиги каби тўғу ва мақсадлар ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бундан ташқари, миллий манфаатлар, эҳтиёжларнинг умумий мақсадларга бўйсундирилганлиги, миллий ғурур, миллий ўзликни англаш жараёнларининг мамлакатнинг пировард мақсадларга хизмат қилишга йўналтирилганлиги, сиёсий институтлар, партиялар, жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги, диний қавмларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги миллий ғоянинг ривожини ва кўзланган мақсадларга эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Миллий ғоя тамойиллари ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, ислохотлар билан ҳамоҳанг уйғунлиги, кишилар онгида ижтимоий ўзгаришларнинг объектив инъикоси тарзида вужудга келиши, аҳолининг мутлақ кўпчилиги

учун зарурий иқтисодий маънавий эҳтиёжга айланиши, ижтимоий онг, яъни психологик ва мафкуравий тўғуларнинг уйғунлиги сифатида намоён бўлади.

Бу тамойиллар жамият қаршисида кўндаланг бўлиб қолган муаммоларнинг ечимларини ўзида акс эттиради ҳамда уларни ҳал этиш учун жамият аъзоларини бирлаштиришга хизмат қилади. Мустақилликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий барқарорликнинг муттасилилиги ҳамда давомийлигини таъминлаш учун, жамиятнинг барча қатламларини умумманфаат учун жиқслаштиради. Фуқароларнинг ҳамкорлигини янги даражага кўтариш омилига айланади ҳамда миллий-этник бирликлар ва диний қавмларнинг сиёсий ҳаётда муайян партия вакили тарзида эмас, балки мамлакатнинг Конституциясида белгилаб қўйилган тенглик тамойили асосида, фуқаро сифатида иштирок этиши учун маънавий шарт-шароитларнинг вужудга келишига ёрдам беради.

Миллий ғоя ривожлантиришнинг асосий механизми сифатида намоён бўладиган демократик жамият қуриш тамойиллари давлат, мамлакат ҳамда фуқароларни келажакка даъват қиладиган маънавий эҳтиёж, тараққиётга ундайдиган омиллардан бири тарзида юзага келади, кишиларни бошқариш вазифасини бажараётган сиёсий партиялар, раҳбар шахслар ақл-заковати ҳамда салоҳиятини ўзида ифодалайди. Шу билан бирга, Республикамизнинг турли минтақаларида яшайдиган аҳоли ўртасида маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик каби субъектив ҳиссиётларнинг устувор бўлиб кетмаслигига, хилма-хил интилиш ҳамда ҳаракатларни умумхалқ ва ягона ватан манфаатлари йўлида уйғунлаштиришга имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 сентябрда қабул қилинган “Маҳалла” хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони эълон қилиниши, айни пайтда жамиятимизни миллий ғоя атрофида жиқслаштиришда зарур бўлган жабҳани ҳаётга тадбиқ этиш бўлди.

Бивобарин, бугунги кунда ўз-ўзини бошқаришга асосланган маҳалла фуқаролик йиғинлари мустаҳкам уюшма сифатида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Зеро, “оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳалла тинч ва ҳамжихат, агар маҳалла мустаҳкам бўлса, давлат осойишта ва барқарор бўлади”<sup>1</sup>.

Жамиятда олиб борилаётган ислохотлар ва ўзгаришларнинг асосий мақсади бўлган демократик давлат, ҳуқуқий жамият, қонуннинг устуворлигини таъминлаш учун хизмат қилади. Шунга кўра, халқимиз ва мамлакатимизнинг бугунги ва келгуси тараққиётини таъминлашда мустақиллик йиллари шаклланиб, ривожланаётган миллий ғоя муҳим ўрин тутади.

Миллий ғоя тамойиллари демократик жамият қуриш тамойиллари билан уйғунликда мамлакатнинг ички ҳаётини бошқаришнинг асосий мезонларидан бири бўлиш билан бирга, ташқи сиёсатда давлатнинг салоҳиятини кўрсатадиган, унинг жаҳон ҳамжамияти ва халқаро майдондаги обрў-эътиборини намоён қиладиган маънавий кадрият мезонларини, инсон ҳуқуқлари, фуқароларнинг имкониятлари умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш истикболлари қай тарзда амалиётга айланаётганлигини билдирадиган омил бўлиб хизмат қила олиши мумкин.

Албатта, бу тамойиллар, ўз навбатида хилма-хил тарзда, турли шаклларда намоён бўлади. Ижтимоий жараёнларнинг талаби ва йўналишига кўра, уларнинг бири муайян муддатга ўз аҳамиятини яққолроқ намоён қилиши ҳам мумкин. Аммо, уларнинг уйғунлиги, уйғонишлар жараёнидаги серқирралигини умумлаштириш эҳтиёжи доимо сақланиб қолади.

Инсоният тарихининг кўп асрлик тажрибаси эзгу ғоялардан ва соғлом мафкурадан маҳрум бирон бир жамиятнинг ривожлана олмаслигини кўрсатди. Шу нуқтай назардан, ижтимоий зарурият сифатида юзага келган миллий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Оила фарофонлиги-миллат фаровонлиги Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд -Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б.400.

ғояда озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, ривожланган мамлакатлар каторидан ўрин олиш, демократик жамият қуриш каби эзгу мақсадлар акс этган.

Бу эса, келажакни яққол тасаввур этиш, барпо этилаётган ҳуқуқий демократик жамиятнинг ижтимоий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, ёт мафқуралар тажовузига қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш ва ниҳоят юртнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий мафқурани шакллантириш эҳтиёжини юзага келтирди.

Яъни мустақилликка эришиши билан республикамиздаги собиқ иттифоқ ҳаётининг сўнгги йилларида бўлиниб кетган ижтимоий кучлар, гуруҳлар, этник ва бошқа бирликларнинг ҳамжихатлигини таъминлаш зарурияти пайдо бўлди. Чунки масала фақатгина мустақилликка эришишдан иборат эмас эди. Бунда ҳаётнинг ҳамма соҳаларида туб ислохотлар ва ўзгаришларни амалга ошириш ниҳоятда муҳим вазифа ҳамда давр эҳтиёжига айланди. Ана шу сабабдан ҳам, Ўзбекистон мустақиллик эълон қилинганининг энг бошиданок ижтимоий масалаларни қамраб олувчи чуқур ўзгаришларни амалга ошириш, ривожланган мамлакатлар каторидан ўрин олиш, демократик жамият қуриш каби эзгу мақсадларни қўйдики, бу эса жамиятимизнинг ижтимоий маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, таъкидлаб ўтганимиздек, ёт мафқуралар тажовузига қарши тура оладиган, жамият аъзоларида мустаҳкам эътиқодни шакллантириб, уларни янада жипслаштириб, мамлакат фуқароларининг ўзаро тотув, дўст ва иноқ бўлиб яшашига, ўз манфаатларини Ватан манфаатлари билан уйғунлаштиришга чорлайдиган, ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш, ғоявий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик ва ниҳоят, юртнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий ғояни шакллантириш эҳтиёжини юзага келтирди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейинги йилларда ўзига хос шарқона демократик жамиятни шакллантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олди. Ана шундай йўналишлардан бири бу, комил инсонни тарбиялаб етиштириш, унинг маънавий-маърифий ва ахлоқий фазилатларини шакллантиришдир. Зеро, етук шахслар, комил инсон мамлакатимизда шаклланаётган демократик жамиятнинг такомилли демакдир. Бунинг учун эса, аввало, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, ёш авлод қалби ва онгига она юртига муҳаббат, истиқлолга садоқат тўйгуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда<sup>1</sup>. Демак, Ўзбекистонда юзага келган демократик жараёнлар, халқаро мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда юртдошларимизнинг мазкур жараёнга маъсулият билан онгли муносабатини шакллантириш, тинч-осойишта кечаётган демократик ислохотларга тўсиқ бўлаётган ва унга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш учун миллий ғояларимизни кишилар қолиб ва онгига сингдириш, мафкуравий иммунитетни шакллантириш давр тақозосидир.

Бинобарин, демократик жамият барпо этиш жараёни миллий ғоянинг шаклланиши билан узвий боғлиқлиги ҳамда, диалектик алоқадорлиги намоён бўлади. Ҳар қандай даврнинг ўз ғояси бўлгани каби, миллий ғоя шу даврнинг асосий вазифаси ва мақсадини акс эттиради. Агар демократик жамиятни барпо этишда миллий ғоя иккинчи даражали мақсад ва вазифалар тарзида тарғиб этилса, бу асосий жараёнларга нафақат ҳалақит беради, балки ўзгаришларнинг тўғри амалга оширилишига олиб келади.

---

<sup>1</sup> “Халқ сўзи”. 2006. 26 август



**Таянч атама ва иборалар:** Миллий ғоя, миллий онг, миллий ўзликни англаш, миллий бирдамлик, Миллий ғоянинг хусусиятлари, Миллий ғоя тамойиллари, демократик жамият, шарқона демократия,

### Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар

1. Миллий ғоя ва миллий онг деганда нимани тушунаасиз?
2. Миллий ғоянинг муҳим жиҳатлари нималарда акс этади?
3. Миллий ғоя қандай мақсадларни амалга оширади?
4. Миллий ғоя қандай тамойилларга асосланади?
5. Демократик жамият шаклланишида миллий ғоянинг ўрни қандай?
6. Шарқона демократияни қандай тушунаасиз?

### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
2. Каримов И.А. Биз таълаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
3. Бетакроримсан, ягонасан, она ватаним – Ўзбекистоним. – Т.: Маънавият, 2015.
4. Миллий истиқлол ғояси ва мафқураси: фалсафий ва ҳуқуқий жиҳатлар. – Т.: 2001. –Б.211.
5. Миллий истиқлол ғояси. – Т.: Академия, 2005. –Б.312.
6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий луғат). – Т.: Янги аср авлоди, 2002.
8. Миллий истиқлол ғояси: назария ва амалиёт. – Т.: Янги аср авлоди, 2001. –Б.198.



9. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. – Т.: Янги аср авлоди, 2001. –Б.38.

10. Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. – Т.: Шарқ, 2001.

11. Мамашокиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. – Т.: Маънавият, 2007.

12. Мирхамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. – Т.: Университет, 2003.

13. Тўраев Б., Раматов Ж. Миллий истиқлол ғояси: асосий хусусиятлари, фалсафий ва тарихий илдизлари. – Т.: Ижод дунёси, 2002.

14. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2008. –Б.96.

15. Тўраев Ш.Н. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2015.

16. Юсупов Э. Миллий ғоя ва мафкура моҳияти, ижтимоий, тарихий илдизлари, аҳамияти. – Т.: 2000.

17. Юсупов Э. ва б. Миллий истиқлол ғоясининг халқни бирлаштиришдаги ўрни ва роли. – Т.: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2003.

## 14-мавзу: Миллий ғоя – Ўзбекистон халқининг ишонч-этиқоди манбаи

*1. Миллий ғояни халқ ишончи ҳамда этиқодига айлантиришнинг ички вазифалари.*

*2. Миллий ғоянинг халқ ишончи ва этиқодига айлантириш мезонлари.*

*3. Ёшларда Миллий ғояга ишонч ва этиқодни шакллантириш.*

Мустақилликка эришгандан кейин мустабид тизимнинг яқка ҳукмрон бўлган коммунистик мафқурасидан безиб, зада бўлиб қолган ўзининг миллий ғояси негизлари бўлган маданий қадриятлари, урф-одат ва анъаналаридан бегоналаштирилган халқ жамиятнинг барча соҳаларини «мафқурадан ҳоли қилиш»ни қўллаб-қувватлади. Халқни бирлаштириш, мустақилликни мустаҳкамлашнинг муқобили бўлмаган бир йўли - ўзбек халқини уюштирувчи, янги жамият қуришга сафарбар этувчи Миллий ғояни, жамият мафқурасини шакллантириб, халқ ишончи ва этиқодига айлантириш билан боғлиқ эди. Ислом Каримов 1993 йил Олий Кенгашнинг сессиясида сўзлаган нутқида: «Олдимизда турган энг муҳим масала, бу – миллий истиқлол мафқурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этишдир. Бизнинг энг улуг мақсадимиз, энг улуг ғоямиз, энг улуг пиоримиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, истиқлолни мустаҳкамлаб, олға юриш. Мафқурамыз, тутган йўлимиз, бор ғайратимиз ана шу улугвор ниятга йўналтирилиши керак. Халқимизни, барча сиёсий кучларни, жамият ташкилотларини якдил, бир жон, бир тан қиладиган ғоя ҳам аслида шу»<sup>1</sup>, – деган эди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура. Т. 1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.203.

## Миллий ғояни халқ ишончи ҳамда эътиқодига айлантиришнинг ички вазифалари

Президентимиз Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йиллариданок, мамлакатимизда яшаётган барча ижтимоий-сиёсий қатламларни, табақаларни, миллат ва элатларни Ватан равнақи, юрт тинчлиги-осойишталиги, халқ фаровонлиги ғояси атрофида жипслаштиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бу миллий ривожланишнинг истиқболларини кафолатлайди. Бунинг асосий омили, умумий нуктаси - мамлакатимизда яшаётган барча фуқароларни: миллатидан, ирқидан, диний эътиқодидан, иқтисодий ақволидан, сиёсий мавқеидан, қайси партияларга мансублигидан қатъий назар, умуммиллат манфаатларини ифодалайдиган истиқлол ғоялари уларнинг ишонч ва эътиқодидан жой олиши ҳамда шу ғоя асосида бирлаштиришдан иборат. Бу вазифани бажариш, мамлакатимизда демократик, адолатли-ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуришнинг зарурий шарти бўлиб қолмоқда.

Мустақилликка эришгандан кейин миллий кадриятларнинг, муқаддас динимизнинг тикланиши миллий таракқиёт учун маънавий муҳитни яратиб бермоқда. Буюк аждодларимизнинг маънавий мероси ғоявий баркамоллик учун озик бўлмоқда, Лекин шуни ҳам айтиш керакки, бизнинг тарихимизга маклиё бўлиб, келажакни унутишга ҳаққимиз йўқ. Тарихий тажрибалардан сабоқ олиш, ундан хулосалар чиқариш миллий ғояни, жамият мафқураси сифатида халқ ишончи ва эътиқодига айлантириш учун зарур. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов: «Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таҳсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди»<sup>1</sup> – деб таъкидлайди. Бу

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий ҳоғирасиз келажак йўқ. Биз ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамлиқ. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б.153.

ҳақиқатни англаш муҳим. Бу миллий ғояга ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлайдиган негиз – пойдевордир.

### **Миллий ғоянинг халқ ишончи ва эътиқодига айлан-тириш мезонлари**

Миллий ғояни «ташувчиларнинг» эҳтиёжлари ва манфаатлари умумийлигига карамасдан ҳар бирига индивидуал ва дифференциал ёндашган ҳолда, уни халқнинг ишонч ва эътиқодига айлантирилишнинг ўзига хос мезонлари мавжуд. Яъни:

- миллатнинг ўзлигини англаши ва жақон умумий тарихий тараққиёти ҳамда цивилизациясига мансублигини унга қўшган ва қўшаётган ҳиссасини эътироф қилиши ва қилиниши;

- миллатнинг ижтимоий-сиёсий, ғоявий-мафкуравий мустақиллиги ва уни мустаҳкамлаш имкониятларини яратиши, Ватанга садоқати;

- жақон ҳамжамиятидаги мавқеини мустаҳкамланиши, ўзига хос ва мос нуфузга эга бўлиши;

- миллий тараққиётнинг истиқболларини белгилайдиган стратегиясини ишлаб чиқишда ва уни амалга оширишнинг тактикасини белгилашда миллий-маънавий кадриятларига ва умуминсоний маданиятнинг уйғунлигига миллий истиқлол ғоясининг негизлари сифатида қараш заруриятини ҳисобга олиш.

### **Ёшларда Миллий ғояга ишонч ва эътиқодни шакл-лантириш**

Ёшларда миллий ғояга ишонч ва эътиқодни шакллан-тириш ҳамда тарбиялаш жараёнида бир ҳақиқатни ўзимизга яхши англаб олишимиз керакки, миллий мафқурани фақат тепадан туриб яратиш ва ҳаётга жорий этиш бўлмайди. Бунинг устига жақон тажрибасига назар ташласак, миллат-нинг мафқураси бир эмас, балки бир неча авлоднинг умри давомида ишлаб чиқилиши ва такомилга эришувига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Шу нуктаи назардан миллий ғоянинг

муҳим вазифаларидан бири комил инсонни, баркамол шахсни тарбиялашдан иборатдир. Комил инсонни, баркамол шахсни тарбиялашнинг муҳим воситалари бўлган таълим-тарбия, фан ва илмий муассасалар, маданият ва маърифат, адабиёт ва санъат, дин, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларига, фанларнинг мазмунига Миллий истиклол ғояларини сингдириш, алоҳида аҳамиятга эга. Миллий ғояга ишонч ва эътиқодли бўлишда ёшларнинг тарихимизга, миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизга, меросимизга, тарих ҳамда она тилимизга муносабати, уни билиши муҳим роль ўйнайди. Бу йўналишнинг бошқа таълим-тарбия соҳалари билан умумийлиги ва фарқи, ташкилий жиҳатдан олганда, куйидаги хусусиятларга эга:

- ёшларнинг миллий ўзлигини англаши ва хулқ-атворини шакллантирирадиган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий, маъмурий-ҳукукий, назарий-методологик асосларини интеграциялаштириш ва омилларнинг уйғун таъсирини ташкиллаштиришдан иборат.

- миллат ривожланиш манфаатларини, интилишларини мамлакат мафкуравий хавфсизликни таъминлаш мақсадига йўналтириш, унинг самарадорлигини ошириш учун таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида ижтимоий-сиёсий фанларни ўқитишнинг узлуксиз, мувофиқлашган фаолияти талаб қилинади.

- таълим-тарбия тизимида ёшлар онгида Миллий истиклол ғоясини шакллантириш ва ишонч-эътиқодига айлантиришда ижтимоий-гуманитар ва сиёсий фанларнинг нисбатан мустақил: **таълим** ҳамда **тарбия** жараёнида: бир томондан, интеграциялашув, иккинчи томондан эса - дифференциаллашув хусусиятлари ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлаш тақозо қилинади.

Олий таълим тизимида Миллий истиклол ғоясини шакллантиришга йўналтирилган таълим: талабаларнинг миллий онги ва тафаккурини ривожлантиришга, шунга оид

зарур назарий билимларни, семинар кўникмаларни ҳосил этишга; миллий ғоявий тарбия эса – ёшларга она-Ватанни асраб-авайлаш борасидаги маънавий масъулият ҳиссини, фукаролик бурчини, мажбуриятини англаш соҳасида фаол ҳаётий мавқеини шакллантиришга кўмаклашади.

Ижтимоий-сиёсий фанларни ўқитиш жараёнида, таълим-тарбиянинг турли усул ва воситалари мажмуаси ёрдамида, талабалар онгида миллий ғояга доир тушунчалар, тасаввурлар шаклланади.

Бошқача айтганда, Миллий истиқлол ғоясини ёшлар ишончи ва эътиқодига айлантиришга қаратилган таълим-тарбиянинг самарадорлиги - фанларнинг шу мақсад асосида ўзаро муштараклигига боғлиқ. Яъни, турли соҳалардаги билимлар мажмуасининг Миллий истиқлол ғояси доирасида интеграциялашуви ва дифференциаллашуви, муқобиллашуви ва мувофиқлашуви ёшлар билим савиясини, дунёқарашлари мазмунини белгилаб туради.

Миллий истиқлол ғояларини сингдириш - миллий гуруҳ, ифтихор ҳиссини ва маънавий маданиятни шакллантиришнинг пировард натижаларидан биридир. Ёш мутахассис-кадрларнинг, зиёлиларнинг ўқишни тугатгандан кейин, жойларда Миллий истиқлол ғояларини, ижтимоий-сиёсий билимларни, семинар кўникмаларни кенг халқ оmmasига трансформация қилиб, ишонч-эътиқодига айлантиришида, мамлакатимиз мафкуравий хавфсизлигини таъминлашда ғоявий-назарий жиҳатдан билимдон, ташаббускор раҳбарлар, биринчи навбатда, давлатнинг миллий-мафкуравий хавфсизлик сиёсатида масъул шахслардир.

Миллий ғоянинг халқ ишончи ва эътиқодига айланиш мезонлари барча шахс, ижтимоий гуруҳлар учун умумийлиги билан характерланади ҳамда миллий истиқлолнинг Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашдан иборат бош ғоясини амалга ошириш шахс сифатларини қарор топтириш бўлиб, булар куйидагилардан иборат:

- ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ва уни шахс ҳаёт тарзига айлантириш;

- тинчлик учун курашнинг ҳар бир шахс ижтимоий-сиёсий, ҳаётий эҳтиёж мазмунига айланиши;

- эл-юрт фаровонлиги учун фидойиллик хусусиятларининг шаклланиши ва семинар фаолият асосига қўйилиши;

- миллатлараро ва динлараро бағрикенглик хислатларининг вужудга келиши ва семинар фаолият дастурга айланиши;

- шахсий ва ижтимоий гуруҳ манфаатлари тизимида халқ, миллат манфаатлари устуворлигини таъминлаши;

- миллий ғоянинг асосий ва таркибий қисми бўлган, тарихий қадриятларимизни сақлаш ва жамият тараққиётига мос равишда ривожлантириш, уларни халқ ишончи ва эътиқодига айлантиришининг шартлари сифатида намоён бўлади. Миллий ғояга ишонч ва эътиқод фақатгина жозибадор ва мафтункор ғояларда ифодаланмасдан, балки улар амалий фаолият дастурига айлангандагина моҳият-мазмунини намоён қилади.

**Таянч атама ва иборалар:** ишонч, эътиқод, усул, восита, тарбия, миллий ғурур, миллий ифтихор.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид савол ва топшириқлар**

1. Миллий ғояни халқ ишончи ҳамда эътиқодига айлантиришнинг вазифалари нималардан иборат?

2. Миллий ғоянинг халқ ишончи ва эътиқодига айлантиришнинг қандай мезонларини биласиз?

3. Ишонч ва эътиқод тушунчасининг маъно-мазмунини тушунтиринг.

4. Ёшларда Миллий ғояга ишонч ва эътиқодни шакллантиришнинг усул ва воситаларини айтинг.

## Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболнинг асосий тамойиллари. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Биз ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
4. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрят. Т. 14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. –Б.280.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б.528.
6. Бетакроримсан, яғонасан, она ватаним Ўзбекистоним. – Т.: Маънавият, 2015.
7. Миллий истиклол ғояси. – Т.: Академия, 2005.
8. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
9. Миллий истиклол ғояси: назария ва амалиёт. – Т.: Янги аср авлоди, 2001. –Б.198.
10. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати. – Т.: Akademiya, 2007.
11. Мамашокиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафқуравий масалалари. – Т.: Маънавият, 2007.
12. Мирхамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. – Т.: Университет, 2003.
13. Туленова Г. Ёшларда мафқуравий иммунитетни кучайтириш зарурати. – Т.: Ўзбекистон, 2001. –Б.48.



14. Туленова Г. Маънавий стукликдан ижтимоий фаоллик сари. – Т.: Aloqachi, 2008.
15. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2008.
16. Тўраев Ш. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2015.
17. Юсупов Э. Миллий ғоя ва мафкура моҳияти, ижтимоий, тарихий илдизлари, аҳамияти. 2000.
18. Юсупов Э. ва б. Миллий истиқлол ғоясининг халқни бирлаштиришдаги ўрни ва роли. – Т.: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2003.
19. Қодирова М. Ёшлар онгида ғоявий дунёқарашни шакллантириш. – Т.: Янги аср авлоди, 2002.

## 15-мавзу: Миллий ғояда маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги

1. *Мамлакатимизда иқтисодий тикланиш ва маънавий юксалишнинг уйғунлиги.*
2. *Иқтисодий ва маънавий омиллар уйғун бўлмаслигининг салбий оқибатлари.*
3. *Иқтисодий ва маънавий омилларнинг уйғунлиги диалектик зарурат.*

Маълумки, маънавият жамият ҳаётида иқтисодиёт билан бирга шаклланмоғи лозим. Бинобарин Юртбошимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида таъкидлаганидек, моддий ва маънавий ҳаёт тамойиллари бир-бирини инкор этмайди, аксинча, ўзаро боғланиб, бир-бирини тўлдиради. Юксак тараққиётга эришишни орзу қиладиган ҳар бир инсон ва жамият ўз ҳаётини айнан ана шундай деаликтик ва узвий боғлиқлик асосида курган ва ривожлантирган тақдирдагина ижобий натижаларга эриша олади<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланиш жараёнлари маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан уйғун ҳолатда олиб борилмоқда. Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан истиклолнинг дастлабки йилларидан бошлаб халқимизнинг асрлар давомида интилиб келган орзу мақсадлари ва замон талабларини, дунёвий тараққиёт мезонларини ҳисобга олган ҳолда, жамиятимиз ҳаётида ана шу икки омилнинг уйғун тарзда ривожланишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда<sup>2</sup>.

Ижтимоий воқеликни ўзига хос бир шакли сифатида ўзбек модели иқтисодий ривожланиш билан бирга,

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.68-69.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўша жойда

маънавий, маърифий, мафкуравий ривожланиш омилларини ҳам ўзида камраб олганлиги билан бошқа моделлардан фарқ қилади. Унинг асосий фарқларидан бири – биз юқорида таъкидлаганимиздек, миллий маънавиятимиз, кадриятларимиздан келиб чиқиб давлатчилигимизнинг демократик тамойиллар асосида шакллантирувчи миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан биридир. Шу маънода, ўзбек модели фақатгина иқтисодий ривожланиш модели эмас, балки миллий тикланиш ва ижтимоий тараққиёт моделидир.

Бу оламда кечаётган воқеа ва ҳодисалар инсоннинг ақлий имкониятлари, ҳаётий позицияси ва тажрибасини яна бир бор синовдан ўтказмоқда. Кечагина мулақ деб қабул қилинган тушунчаларнинг бугун нисбий экани маълум бўлмоқда. Ёки, йиллар мобайнида аксиома тарзида тушунилган ҳақиқатлар ҳозирги кунда ҳаёлий ғоя бўлиб қолмоқда. Иқтисодий ва маънавий омилларнинг ўзаро уйғунлиги масаласи ҳам худди шундай долзарб муаммолардан бирига айланди.

Бундан йигирма йил муқаддам Президент Ислам Каримов иқтисодий ва маънавий омиллар уйғун бўлиши масаласига диққатини қаратганди. XX асрнинг 90-йилларида Юртбошимиз бу масалани чуқур англаб, унга жамоатчилик эътиборини тортганди. “Бозор иқтисодиёти деб, инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади. Нукул пул ва фойда кетидан кувсак-да, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса – бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўк”.<sup>1</sup> Бу ўтқир ҳақиқатни ўша вақтда кўпчилик етарли даражада идрок қилиб ололмаганди. Ваҳоланки, Юртбошимиз бу билан шундай фикрларни ифодалаган эди: *биринчидан*, иқтисодий ва маънавий омиллар ўзаро уйғун бўлади; *иккинчидан*, иқтисодий ёки маънавий омилнинг бирортаси оқсаса, албатта инсон ва жамият таназзулга юз тугади;

<sup>1</sup> Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. – Т.: Ўзбекистон. 1992. –Б.23.

учинчидан, айникса бозор иқтисодиёти шароитида бу уйғунлик долзарб аҳамият касб этади.

Мисолларга мурожаат этайлик. **Биринчи мисол.** XX асрда собиқ Шўро жамиятида одамларнинг кундалик озиқ-овқат истеъмолини қондиришга алоҳида эътибор қаратилди. Одамларнинг маънавий, рухий дунёси эса ишлаб чиқилган қолиплар воситасида бошқарилди. Натижада қорни тўйиб қолгач, одамлар қолган нонни молларга бера бошлади. Жамиятнинг фикру-зикри истеъмол товарлари ишлаб чиқариш билан банд бўлиб қолди. Оқибати нима бўлди? Аввало одамлар маънавий тубанликка учради, кейин жамият ичдан чирий бошлади. Пировардида қонхўрга айланган тузум ўз-ўзидан қулади. Бирор кимса етмиш йил давомида урхо-ур билан қилинган меҳнатга ачинмади. Нега? Чунки фақат ейиш-ичишга асосланган жамиятнинг ҳеч кимга кераги бўлмай қолганди. **Иккинчи мисол.** Яна XX асрнинг ўзида танганинг у томонида ҳам кизиқ воқеа рўй бераётган эди. Ғарб оламида “аввал бой бўл, кейин миянгни тўлдирасан” принципи амалга оширилаётганди. Одамлар бойлик орттириш учун ҳеч нарсадан тап тортмасди. Инсон маънавияти эса чўлдаги сароб холига тушганди. Оқибати нима бўлди? Ғарб жамиятида наслсизлик, шаҳвоният, кексайиб қолган ота-онани “қариялар уйи”га топшириш, никоҳсиз яшаш удум тусини олди. Натижада, Ғарб жамияти маънавий инқирозга учради ва бу ҳамон давом этмоқда. **Учинчи мисол.** Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Президент Ислам Каримов томонидан иқтисодий ва маънавий омилларнинг уйғунлиги сиёсати қатъий юритила бошлади. XX асрнинг 90-йиллари бошида бу кўпчиликини ажаблантирди. Пана-настқам жойлардан баъзилар “иқтисодиётни аввал тиклаб олиш керак”, дея гап сота бошлашди. Бундайларга караб Юртбошимиз шундай дея қатъий сўзларди: “Юксак маънавий бурчлар кеча ёки бугун ўйлаб топилган эмас. Улар инсониятнинг минг йиллик

тарихи, ота-боболаримизнинг неча-неча авлодлари тажрибаси давомида юзага келган”<sup>1</sup>.

Шу сийсаат шарофати билан мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қуйидаги муваффақиятларга эришилди: *биринчидан*, жамиятда иқтисодий ва маънавий омилни уйғун қабул қилиш имунитети шаклланди; *иккинчидан*, иқтисодий ва маънавий уйғунликдаги мустаҳкам база яратилди; *учинчидан*, инсон ва жамият ҳаётида иқтисодий ва маънавий омилларнинг уйғунлиги зарурат экани миллий тажрибадан ўтди.

Келтирилган мисоллардан маълум бўладики, иқтисодий ва маънавий омилларнинг уйғунлиги диалектик заруратдир. Шу маънода қуйидаги икки жиҳатга диққат қилиш лозим:

**1. Иқтисодий омил устувор бўлиб, маънавий омил иккинчи даражада бўлса:**

- инсоннинг маънавий-рухий дунёси қапишоқланади;
- жамиятда иқтисодий муҳит мувозанати бузилади;
- давлатнинг бюрократик роли ошади;
- халқ онгида бир ёклама фикрлар, қарашлар ва тушунчалар шаклланади;
- истиқболли ривожланиш шубҳа остида қолади ва ҳ.к.

**2. Маънавий омил устувор бўлиб, иқтисодий омил иккинчи даражада бўлса:**

- инсоннинг турмуш фаровонлиги кутилган даражада бўлмайди;
- жамиятда иқтисодий-моддий манфаатдорлик сусаяди;
- давлатнинг қудратига бўлган ишонч йўқолади;
- халқнинг эртанги кунга бўлган ишончи ва орзуси бир ёклама тус олади;
- тадбиркорлик, ташаббускорлик ва оптимистик рух йўқолиб боради ва ҳ.к.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Истиқбол йўли: муаммолар ва режалар. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б.23.

Маълум бўладики, иқтисодий ва маънавий омиллар диалектик бирликка эгадир. Бу масала инсоният тарихида, айниқса, Шарқда қадимдаёқ жуда нозик идрок қилинган. Мисол учун, мазкур масалалар соҳибқирон Амир Темур томонидан уйғун идрок этилиб, усталик билан амалиётга татбиқ этилган. Соҳибқирон кези билан ҳам иқтисодий, ҳам маънавий омилдан ўринли фойдаланган. Бир ўринда истилочи мўғул амирларига қўллаган тадбири ҳақида дейди: "... бу очкўз амирларни молу-дунё билан махлиё қилиб, Мовароуннахрни қатлу ғоратдан қутқариб қолишга қарор қилдим... уларнинг кўзларига ўхшаб кўнгиллари ҳам тор бўлганлигидан, совға-соврин йўсинида уларга берилган ҳар турли тансиқ моллар кўзларига кўп кўринади. Мовароуннахрни қайта босиб олиш ва талон-тарож қилиш ниятидан қайтдилар".<sup>1</sup> Диққат қилинса, иқтисодий омилни устувор билиш истилочиларни очкўзлик, тор кўнгиллик, тубанлик каби маънавий иллатларга дучор қилган. Соҳибқирон буни яхши англаб, уларни енгишнинг осон ва шармандали усулини танлаган.

Шундай қилиб, ҳаёт, воқеа ва ҳодисалар иқтисодий ва маънавий омилнинг ўзаро уйғун характерида сабоқ беради. Буни ҳар бир киши чуқур англаб етмоғи ниҳоятда зарур. Зеро, Юртбошимиз "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида таъкидлаганидек, "Ушбу масалага чуқуррок ва атрофлича назар ташлайдиган бўлсак, аввало шуни айтиш керакки, бу кўхна дунё, биз яшаётган ягона, яхлит бир воқелиқдир. Шундай экан, моддий эҳтиёжларни инсоннинг рухий оламига қарама-қарши қўйиш, уларнинг бирини устун деб билган ҳолда, тирикликнинг асосий мақсади сифатида қабул қилиш қандайдир бир ёқлама қараш ифодаси, деб айтсак, хато бўлмайди"<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Амир Темур Тузуклари. – Т.: Фан ва технология, 2014. –Б.28.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият. 2008. –Б.6

## Инсон ҳаётида иқтисодий ва маънавий омиллар бирлиги

Инсон ўз ҳаёти давомида иқтисодий омил воситасида моддий фаровонлигига эришади, маънавий омил воситасида инсоний табиатини юксалтириб боради. Президент Ислам Каримов мазкур масалага алоҳида диққатни тортиб: “Одамнинг кундалик ҳаёти ва фаолиятида моддий ва маънавий асослар бир-бирига нисбатан қандай йўл тутиши, уларнинг қай бири устуворлик касб этиши ҳақида турли-туман, баъзан эса зиддиятли фикр ва қарашлар бўлгани ва бундай тортишувлар ҳозиргача давом этаётганини кузатиш қийин эмас”.<sup>1</sup> – дейди. Албатта, масалага бундай ёндошиш ҳақиқий йўлни топиш имконини беради. Юртбошимиз мазкур масаланинг ечимини топишга киришар экан, уларни қуйидаги тарзда ҳал қилади:

1. “Моддий эҳтиёжларни инсоннинг руҳий оламига қарама-қарши қўйиш, уларнинг бирини устун деб билган ҳолда, тирикликнинг асосий мақсади сифатида қабул қилиш қандайдир бир ёқлама қараш ифодаси, деб айтсак, хато бўлмайди”.<sup>2</sup> Бизнингча, бу ёндашув энг мақбул қарашлардан биридир.

2. “Инсон ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва аломатларни мужассам этган ноёб хилқат. Яратганининг буюк ва сирли мўъжизасидир”.<sup>3</sup> Ҳақиқатдан ҳам, инсон борлиги иқтисодий ва маънавий омилнинг уйғун эканидан далолат беради ҳамда бу муҳим далилдир. Чунки инсон вужуди моддий элементлар билан, руҳи (маънавияти) эса маънавий-шуурий элементлар билан тирикдир. Шу маънода, бу икки омилнинг бирортаси устун қуйилса ёки заифлашса, инсон борлигининг тириклигига путур етади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. 7-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б.65.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – сизгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. –Б.66-67..

<sup>3</sup> Шу манба. –Б.67.

3. “Инсонга хос орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади”.

Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади<sup>1</sup>.

**Таянч атама ва иборалар:** маънавият, иқтисодиёт, маънавий ҳаёт, моддий ҳаёт, иқтисодий омил, маънавий омил, маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги

### Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар

1. Маънавият тушунчаси ҳақида нималарни биласиз?
2. Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавиятга қандай таъриф берилган?
3. Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида моддий ва маънавий ҳаётнинг уйғунлиги ҳақида қандай концептуал ғояни илгари сурган?
4. Мамлакатимизда иқтисодий тикланиш ва маънавий юксалиш уйғунлиги борасида қандай ишлар амалга оширилди?
5. Иқтисодий ва маънавий омиллар уйғун бўлмаганда қандай оқибатлар келиб чиқади?

### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Истиклол йўли: муаммолар ва режалар. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
3. Каримов И. А. Ўз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурмоқдамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. –Б.67.



4. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
5. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
6. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
7. Каримов И. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
8. Амир Темур Тузуклари. – Т.: Фан ва технология, 2014.
9. Мухаммадиева О. Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари. – Т.: Fan va texnologiyalar, 2010.
10. Фалсафа қомусий лугат. – Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти. Шарк. 2004.
11. Куронов М. Мафқуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. – Т.: Akademiya, 2008.
12. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: Ўзбекистон. 1998.
13. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг гоъвий асоси. – Т.: Tafakkur, 2009.

**16-мавзу: Миллий ғоя - миллатлараро тотувлик ва хамжиҳатлиликини таъминлаш омили**

- 1. Ўзбекистон кўпмиллатли юрт.*
- 2. Ўзбекистонда инсон ҳаёти, эрки, қадр ва қиммати қадрланади.*
- 3. Миллатлараро тотувлик ғояси - умумбашарий қадрият.*

Маълумотларга кўра, 1897 йилда мамлакатимизнинг ҳозирги ҳудудида 70 миллат ва элат вакиллари яшаган бўлса, 1926 йилда уларнинг сони 91 тага, 1959 йилда 113 тага, 1979 йилда 123 тага, 1989 йилда 136 тага етган. Турли миллат вакилларининг мавжудлиги мамлакатимиз ҳаётига ўзига хос ранг-баранглик бахш этмоқда.

Ўзбекистонга этник гуруҳларнинг мамлакат бўйлаб тарқоқ яшашини ифодаладиган кўп миллатлилики билан бир қаторда, муайян миллатлар вакилларининг алоҳида ҳудудларда ғуж (компакт) бўлиб яшаш ҳолатини назарда тутадиган мультимиллатлилики ҳам хосдир. Бу оқилона ташкил этилган миллий сиёсат, миллатлараро тотувлик ғояси устуворлигининг мамлакатимиз учун ҳам муҳим ҳаётий аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Ўзбекистон аҳолиси (1.01.2005 йил ҳолатига кўра ва минг киши ҳисобида) 26006,8 кишини ташкил этган. Аҳолимиз миллий таркибида ўзбеклар 20804,0 (80,0%), бошқа миллатлар вакиллари 5202,8 (20,0%) кишини, шундан қорақалпоқлар 562,8 (2,2%), тожиклар 1302,8 (5,0%), руслар 970,0 (3,8%) қозоқлар 939,5 (3,6%), татарлар 250,6 (0,9%), қирғизлар 241,5 (0,9%), туркманлар 157,8 (0,6%), корейслар 155,9 (0,6%), кишидан иборат

Миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш масалалари Ўзбекистонда титул, давлатга ўз номини берган миллат бўлган ўзбекларга алоҳида масъулият юклайди.

Чунки бу ерда таъкидлаб кўрсатмасак ҳам жаҳонда мамлакатга ўз номини берган миллат вакиллари кам сонли миллат вакилларига тазйиқ ўтказаетган давлатлар хозир ҳам учраб туради. Бундай ҳолат эса бизнинг тарихимиз ва Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойилларимизга бутунлай зиддир.

Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Республика аҳолиси ўртасида кўпчиликни ташкил қиладиган ўзбек миллатининг мукаддас бурчи она тилини, ўз миллий маданияти ва тарихини тиклашдангина иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечирувчи камсонли халқларнинг тақдири учун, уларнинг ўзига хос маданий-маънавий хусусиятларини саклаб қолиш учун, камол топиши ва ўзлигини намоён этиши учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида масъул бўлишдан ҳам иборатдир”.

Давлат ўзини демократик давлат деб эълон қилгани билан миллатлараро муносабатлар билан боғлиқ муаммолар йўқ бўлиб қолмайди. Ҳуқуқларни декларация қилиш билан бир қаторда уни амалга ошириш йўлида конкрет ишлар қилинсагина, тенглик реал характер касб этади.

Ҳар қандай миллат, – дейди Президентимиз, – у нақадар кичик бўлмасин инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзасидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувиغا олиб келади”.

Юртбошимизнинг бу фикри биз ўрганаётган фаннинг бош масалаларидан бири эканини билдиради.

Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллари моҳиятини тушуниш билан боғлиқ асосий методологик масала – бу унинг ижтимоий ғоянинг бошқа шакллари билан фарқланувчи хусусиятларни ажратиш, таърифини ишлаб чиқиш билан боғлиқдир. Мазкур масалада бир қатор ёндашувларни ажратиш мумкин. Хусусан, “Ғоя бир мамлакатнинг ўзига

гааллукли бўлса, уни Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллари дейиш мумкин” ёки “Ватаннинг илғор кишилари томонидан ишлаб чиқиладиган ва ҳеч бўлмаганда, фуқароларнинг кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланадиган ғояларга миллий ёки умуммиллий ғоялар дейилади”, – деган қарашлар шулар жумласидандир.

Сиёсий барқарорликни, халқлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш нуктаи назаридан республика ҳудудида бир фуқаролик ҳуқуқий институтини ўрнатиш ижобий ҳодиса эканини ҳаёт исботлади. Ўзбекистон кўп миллатли давлатдир. Унинг ҳудудида юздан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Конституцияни лойиҳасини муҳокама қилиш пайтида маҳаллий миллатдан ташқари тарихий ватани собиқ СССРнинг турли республикалари бўлган русзабон кишиларга икки фуқаролик ҳуқуқини бериш таклифи ҳам ўртага ташланган эди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов узоқни кўзловчи сиёсий етакчи сифатида бунинг салбий оқибатларини назарда тутиб, «икки давлат фуқаролигига мансублик ачинарли ҳолдир. Бу беватанлик билан баробардир»<sup>1</sup>, – деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, мазкур ҳуқуқий ҳолатнинг ҳаётий эканини, диний, иркий ва миллий зиддиятларнинг олдини олишда фуқаролар ўртасида ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга эканини мамлакатда эришилган тинчлик, ҳамжиҳатлик ва миллатлараро тотувликда кўриш, англаш кийин эмас.

Ўзбекистон умуминсоний кадриятларга асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминловчи давлатдир. Ўзбекистонда инсон ҳаёти, унинг эрки, кадр-қиммати кадрланади.

«Инсон ҳуқуқлари ва демократия сингари умумбашарий кадриятлар, – деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўша асар. – Б.96.

Ислом Каримов, – республикамизнинг миллий давлатчилик манфаатларига тўла мос келади. Инсоннинг энг устувор ва мукаддас ҳуқуқларидан бири – бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш – давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги шу билан белгиланади»<sup>1</sup>.

Ижтимоий ҳамкорлик ва сиёсий барқарорликнинг маънавий-маърифий асослари Ўзбекистонда миллий ўзликни таниш, эътиқод эркинлигини таъминлаш, миллатлараро тотувликни, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик муҳитини яратиш билан боғлиқ.

Ўзбекистон давлати ижтимоий ҳамкорлик ва сиёсий барқарорликни таъминлашда мамлакатда яшовчи барча миллат ва элатларнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олиб иш юритди. Таникли сиёсатшунос Н.Жўраев таъкидлашича, «...давлат фақат адолатга таянсагина, унинг сиёсатида миллий, ирқий, диний мансублигидан катъий назар яхлит мамлакат фуқароси тақдири камраб олинсагина қадриятга айланади»<sup>2</sup>. Муаллифнинг фикрича миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш ўтиш даври учун хос хусусиятдир. Бизнингча, миллатлараро муносабатлар ўта нозик ва қалтис ҳодиса бўлиб, у бирон бир давр билан чекланмайди, миллий ривожланиш концепцияси учун миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш сиёсати мунтазам ва доимий олиб борилиши лозим. Акс ҳолда, 130 дан зиёд миллат ва элат истикқомат қилувчи кўпмиллатли давлат шароитида этник ва миллий зиддият ҳар дақиқада юзага келиши, жамият бирлигини бузиши, ҳатто фуқаролар

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. –Т.: 1996й. –Б.78-79.

<sup>2</sup> Жўраев Н. Тафаккурдаги эврилиш: Истикбол изтироблари ва қувончлари ҳақида мулоҳазалар. – Т.: Шарк, 2001. –Б.83.

урушини келтириб чиқариши мумкин. Миллатлараро муносабатлар мунтазам эътиборни талаб қилади. Сиёсий барқарорлик ва фуқаролик ҳамкорлиги миллий муносабатлар ҳолатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Миллатлараро муносабатларни мўътадил ривожланишида давлат ва миллий тиллар, маҳаллий аҳоли ва тарихий ватани бошқа мамлакатлар билан боғлиқ бўлган миллат ва элатлар ўртасида ўзаро тенглик, толерантлик ва ҳурмат муносабатларини сақланишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу боис мамлакатда 15 дан зиёд диний конфессия ва 70 га яқин миллий-маданий марказларни фаолият кўрсатаётгани нафақат сиёсий барқарорлик, балки фуқаролар ўртасида ижтимоий ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик муносабатларини мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

“Миллатлараро тотувлик ғояси - умумбашарий кадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараккиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади”<sup>1</sup>.

Диний бағрикенглик, мамлакатда яшовчи ҳар бир миллатнинг, ҳоҳ у кўп сонли ва ҳоҳ у кам сонли бўлсин, миллий удумлари, анъаналари, байрамлари ва миллий тилини ҳурмат қилиш, уни камситмаслик - ижтимоий ҳамкорлик ва сиёсий барқарорликни таъминлашда муҳим омилдир. Шу боис миллий ривожланиш ғоясининг асосий принципларидан бири миллатлараро ҳамжиҳатлик, диний ва иркий бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва эҳтиром принциpidир. Мазкур принципга амал қилган ҳолда ижтимоий ҳаётни ташкиллаштириш ва бошқариш келажақда фуқаролик жамияти, ҳуқуқий, демократик давлат қарор топшида зарурий омил бўлади.

---

<sup>1</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. –Б.59.

**Ҳамжихатлик, ижтимоий ҳамкорлик ва сиёсий барқарорлик - миллий ривожланиш ғояси амалга ошувининг асосий омили.** Ҳамжихатлик, ижтимоий ҳамкорлик ва сиёсий барқарорлик гарчи ижтимоий ҳодиса бўлса-да, индивид, конкрет шахс маданияти, маънавияти, эътиқоди ва дунёқарашига боғлиқ. Индивид, шахс фаолияти ижтимоий ҳамкорлик ва сиёсий барқарорликка конкретлик бағишлайди, уларни ижтимоий воқеликда реаллашувини белгилайди.

Миллий ривожланиш ғояси - концептуал омил, фаолият стратегияси бўлса, ижтимоий ҳамкорлик уни амалга ошувини таъминловчи шахсларнинг фаолиятидир. Ижтимоий ҳамкорлик фақат халқнинг, миллатнинг ҳамжихатлиги асосида юзага келади. “Миллатнинг, халқнинг ҳамжихатлиги эса ҳар қандай тараққиётнинг гаровидир”<sup>1</sup>.

Миллий ривожланиш айнан шу ижтимоий ҳамжихатлик, яъни миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, ижтимоий адолат ва қонун устуворлик бор жойда мавжуд бўлади. Миллий ривожланиш ғояси ўз мазмунига кўра серқирра ва мураккаб бўлиб, у мамлакат халқларини бир мақсад, бир орзу атрофида бирлаштиради, уларга танланган тараққиёт сиёсий йўлини муқаррар юксалиш йўли эканига ишонч туғдиради.

**Таянч атама ва иборалар:** кўлмиллатлилиқ, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, бағрикенглик, толерантлик, ҳамжихатлик, ҳамкорлик, ижтимоий ҳамкорлик.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Ўзбекистонда қанча миллат ва элатлар истиқомат қилишади?

---

<sup>1</sup> Ҳаримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқин-халқ, миллатни-миллат қилиши. //Адолатли жамият саря. -Т.: «Ўзбекистон», 1998. -15-б.

2. Кўпмиллатлилиқ мамлакат тараққиётига қандай таъсир кўрсатади.

3. Миллий ғоянинг қайси тамойиллари турли миллат вакилларининг ҳамжиҳатлигини таъминлашга хизмат қилади?

4. “Инсон кадр-қиммати энг олий кадриятдир” тамойилини амалга ошириш йўлида мамлакатимизда қандай ишлар қилинди?

5. Бағрикенглик ва диний бағрикенглик деганда нимани тушунасан?

6. Ижтимоий ҳамкорлик тамойилининг мазмун-моҳияти ва амал қилиш омилларига нималар қиради?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. I-том. – Т.: 1996.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари / Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

4. Каримов И.А. Жамятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилсин. //Адолатли жамят сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.

5. Бу муқаддас ватанда азиздир инсон. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010.

6. Жўраев Н. Тафаккурдаги эврилиш: Истикбол изтироблари ва қувончлари ҳақида мулоҳазалар. – Т.: Шарқ, 2001. – Б.83.

7. Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000.



8. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили. – Т.: Fan va texnologiyalar, 2003.

9. Назаров Қ. Аксиология кадриятлар фалсафаси. – Т.: Маънавият. 1998.

10. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Т.: Ўзбекистон, 2004.

11. Ортиқов Н. Маънавият: Миллий ва умуминсоний кадриятлар. – Т.: Фан. 1994.

12. Тинчлик ва бағрикенглик атамалари изоҳли луғати. – Т.: ЖИДУ, 2005.

13. Туленов Ж., Гофуров З. Миллатлараро ҳамжиҳатлик давлатимиз бойлиги. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

## 17-мавзу: Миллий ғояда миллий ва диний бағрикенглик тамойили

*1. Ўзбекистон истиқлолини авайлаб асраш Марказий Осиё минтақаси халқларининг бирдамлиги билан чамбарчас боғлиқдир.*

*2. Бағрикенглик – ҳар бир фуқаронинг маънавий бурчи.*

*3. Ўзбекистонда давлат барча динларга, барча эътиқод соҳибларига қонуний асосда тенг имкониятлар яратиб берган.*

«Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим»<sup>1</sup>. Бу фикрга мустақилликни мустаҳкамлашнинг энг асосий принципи сифатида қараш лозим. Чунки шу ғояни амалга оширмай, ҳаётга татбиқ этмай туриб, бошқача айтганда, халқ ва ёшлар онгини қайта тарбияламасдан, назарда тутилган буюк мақсадга эришиш мумкин эмас. Бу эса ўзбек бағрикенглигининг асосидир. Умуман олганда, мустақилликни мустаҳкамлаш умумхалқ иши ва вазифаси сифатида мустақилликка ҳос бағрикенгликни ифодалайди. Хусусан, Ўзбекистон истиқлолини авайлаб асраш Марказий Осиё минтақаси халқларининг бирдамлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Худди шу нарсани кўзда тутиб, Ислом Каримов ёзади: «Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг муносиб турмуш кечиришини таъминлаш, беқиёс табиат бойликларини, илм-фан, ишлаб чиқариш кучларини биргаликда ўз манфаатимизга ишлатиш, бир-биримизнинг азалий хусусиятларимизга зиён етказмаган ҳолда бахт-саодат учун куч-ғайратимизни мувофиқлаштириш, саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш ва бундай олижаноб ва улуғ ниятлар,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. –Т.: Ўзбекистон, 1993. –Б.8-9.

мақсадалар шу минтақада яшаётган халқларга мақбул бўлиши шак-шубҳасиздир.

Дўстлик ва бирдамлик, Марказий Осиё халқлари маънафатларининг бирлиги, бу – табиий ва объектив жараёндр. Бу жараёнга қаршилик кўрсатиш сиёсий калтабинликдан бошқа нарса эмас”<sup>3</sup>.

Маълумки, Марказий Осиё халқлари мустақиллик йўлига кириб олишди. Шу йўлни ривожлантириш, мақсад сари дадил, олға бориш уларнинг кўлида. Шу йўлдаги манфаатлари, мақсадлари бир хил. Бу жараёнда улар биргаликда ҳаракат қилишса, бир-бирларига кўл беришса, ҳаминча ҳамкор бўлишса, буюк мақсадга эришиш осон бўлади.

Халқимизда “Мақсадли бўлган йўл топар”, деган ҳикмат бор. Мақсад сари интилиш, бу йўлда заҳмат чекиш туфайлигини киши орзу-ниятларига эришади. Бугунги кунда бағрикенглик йўналишига хос соғлом ва кучли тафаккурга асосланган, эҳтирос билан тарғиб қилинаётган миллий ғоя манфаатлар тизимидаги мақсадга-мустақилликка эришиш бағрикенглик йўналишида ўзга халқ, дин, ҳар бир шахсга мансуб ҳодиса ҳисобланиб, барча халқларга ҳамдардлик билдириш, маълум давлатда инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши ҳолларини аниқлаш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш ёки мамлакатни ижтимоий ривожланиш жараёнида кишилар манфаатларини кўзлаб фаолият юритишдан иборат бўлган бағрикенгликка ижтимоий-ғоявий ҳаётнинг ижобий бир бутун ҳодисаси сифатида қараш зарурлигини талаб этади. Ана шу яхлитликни тушуниш орқали том маънодаги бағрикенгликка эришиш мумкинлигини амалдаги тинчлик ва барқарорлик кўрсатиб турибди.

Бағрикенглик – ҳар бир фуқаронинг маънавий бурчи, сиёсий ҳамда ҳуқуқий эҳтиёжи бўлиб, турли миллатлар манфаатларини ижтимоий-ғоявий ифодалаш орқали инсон индивидуаллигини намоён қилишнинг хилма-хил

<sup>3</sup> Ўша манба. –Б.8-13.

узулларини, миллатлараро ҳамжихатликни ҳурмат қилиш, турли халқлар ва элатлар вакилларини қабул қила билиш, уларга ҳамдард бўлиб, кам таъминлаганларига ёрдам бериш ва ижтимоий-ғоявий ҳаётни тушунишни, ўз манфаатини халқ, давлат манфаатлари билан боғлай билишни англатади. Бу жараён оддий ён бериш ёки бошқаларга хушомад қилиш эмас, балки ҳар бир инсоннинг умумий тарздаги ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олиш асосида шаклланган фаол муносабат, мулоқот жиҳатидан юксак маданият ва юқори даражадаги ахлоқ ҳамдир.

Бағрикентликни намоеън қилиш ижтимоий-ғоявий манфаатлар йўналишида сабр-тоқатли бўлишни, ўз эътиқодидан(динидан) воз кечиб, бошқалар эътиқодига (динига) ён беришни англатмайди, балки ҳар ким диний эътиқодида эркин бўлиб, бошқаларнинг ҳам шундай ҳуқуққа эга эканини, ҳар бир одам ўз алоҳидалигини сақлаб қолишга ҳақлилигини, ўзида мавжуд бўлган тушунчаларни бошқаларда ҳам мавжудлигига ишонч ҳосил қила билишга ҳамда бир кишининг қарашлари бошқаларга мажбуран сингдирилиши мумкин эмаслигини тан олишга қаратилгандир. Лекин ўзида мавжуд бўлган илоҳийликни бошқаларда ҳам кўра билиш билан бирга, дунёвий илмга таянган ҳолда фаолият юрита билиш зарурлигини онгли тушуниб этиш зарур. Чунки бағрикентлик бу ҳар бир инсондаги ўзгача фазилат ва хусусиятларнинг бир бутунлигини англаб олиш билан жамият ривожланишига боғлиқ тушунча ҳисобланиб, ҳар бир шахснинг дунёвий билимларига, тажрибасига асосан жамиятдан кутадиған ижтимоий-ғоявий манфаатларини фикрда ва амалда ифодалай билишдан иборатдир.

Бағрикентликни намоеън қилувчи асосий йўналишлардан бири диний бағрикентлик ғояси хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда буюк ғоя ва

ниятлар йўлида ҳамжиҳат, ҳамкор бўлиб яшашини, фаолиятини англатади.

Дин ижтимоий ҳаётни, воқеликни, унинг ходисаларини ўзига хос тарзда инъикос эттирувчи ижтимоий онг шаклларида бири. У дастлаб инсон ҳаётининг ибтидоий даврида вужудга келган ва ўша замонда яшаган инсонларнинг дунёқарашини ҳам акс эттирган. Дин дунё, инсон ва бошқа мавжудотларнинг яралиши, келиб чиқишини, ҳаётнинг маъно-мазмуни, инсонларнинг яшашдан кўзлаган мақсади каби масалаларга илоҳий нуқтаи назардан жавоб берувчи дунёқараш шаклидир. У бугунги кунда ҳам шу вазифани адо этиб келмоқда. Дин диний дунёқарашни, диний урф-одат, маросимларни, диний ҳис-туйғу, кайфиятни, диний муассаса ва ташкилотларни ўз ичига олади. Ўрта асрларда дин маданиятнинг барча турларини (илм-фан, фалсафа, ҳуқуқ, ахлоқ каби) ўзида мужассамлаштирган ва уларга ўз таъсирини ўтказган, қадим-қадимдан аксарият маънавий қадриятларни ўзида мужассам этиб келган. Миллий қадриятларнинг асрлар оша безавол яшаб келаётганлиги ҳам диннинг шарофатидандир. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов сўзлари билан ифодалганда: «дин бизнинг қон-қонимизга, онгу-шууримизга шу қадар тегар сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди».

Диний эътиқодларнинг моҳияти умумий эканига қарамадан, динларнинг кўриниши хилма хилдир. Дунёда жуда содда, қадимий динлар билан бир қаторда, умумжаҳон аҳамиятига молик, мураккаб, жаҳон динлари ҳам мавжуд. Улар тарихий заруриятга қараб турли даврларда вужудга келган. Жумладан, 2007 йилда буддавийлик дини вужудга келганига 2551 йил, насронийликка 2007 йил, ислом динига эса милодий ҳисоб билан 1428 йил тўлади.

Маълумки дунёдаги барча йирик динлар бу дунёни фоний, ўткинчи ҳисоблайди, савобли ишлар қилиб, боқий

дунё ҳаётига тайёргарлик кўриш, жаннат саодатига сазовор бўлиш, деган гоёни тарғиб этади. Барча динларда инсон ҳаётининг моҳияти, мазмуни кишилар ўртасидаги сиёсий-ҳуқуқий, ахлоқий муносабатларни тенглик ва адолат мезонлари асосида ўрнатиш масаласи озми, кўпми ўз аксини топган. Шу боисдан ҳам ҳар бир ватандошимиз, айниқса, ёшлар, аввало динлар тарихини, уларнинг асл моҳиятини билиши лозим. Шундагина уларнинг ғаразли мақсадларни кўзлаб юрган кучлар тўғри йўлдан чалғита олмайди, улар ижтимоий ҳаёт тасдиқлаган, исботлаган йўлни эътироф этадилар.

Ватанамиз худудида ислом дини қарор топганига қадар зардуштийлик, буддавийлик, монийлик, маздакийлик каби динлар ҳам ўша даврда барчасининг синтези натижасида бетакрор маданият вужудга келган.

Азал-азалдан она юртимизда мусулмонлар, насронийлар, буддавийлар, ва бошқалар ёнма-ён яшаб келган. Асрлар мобайнида йирик шаҳарларда мачит, черков, синагог, ибодатхоналарининг мавжуд бўлиши, турли динга мансуб такводорларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир. Тарихимизнинг энг мураккаб оғир давларида ҳам улар орасида диний асосда можаролар бўлмагани халқимизнинг динлараро бағрикенглик борасида улкан тажриба тўплаганидан далолат беради. Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти, дунёвий давлат барпо этилмоқда. Қурилаётган жамиятнинг тамойиллари, ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган ва халқимиз томонидан қўллаб қувватланмоқда. Ўзбекистонда давлат барча динларга, барча эътиқод соҳибларига қонуний асосда тенг имкониятлар яратиб берган. Дин ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 1 майдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига

биноан фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш асосида олиб борилаётгани эътиқод эркинлигини амалда таъминламоқда.

Ўзбекистонда турли динлар ва дин вакиллари ўртасида умуминсоний қадриятлар асосида биродарликни мустаҳкамлашга муҳим эътибор берилмоқда. Республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрида ўтказилган «Жаҳон динлари тинчлик йўлида» халқаро анжумани бунинг исботидир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда масжидлар, мадрасалар, диний йўналишдаги ўрта махсус ва олий ўқув юртлари мавжуд. Уларнинг ўз фаолиятини амалга ошириши ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Бу борада ҳуқуқий асослар юқорида қайд қилинган қонунларда ўз аксини топган. Ана шу асослар мамлакатимиздаги барча дин вакилларининг ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб миллий истиклол мафқурасининг бош ғояси - халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш орзусини амалга ошириш учун мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

**Таянч атама ва иборалар:** Тинчлик, барқарорлик, тенглик, қонун устуворлиги, эътиқод эркинлиги, миллий маданий марказ, виждон эркинлиги.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Мустақилликни авайлаб-асраш нималарга боғлиқ?
2. Марказий Осиё минтақаси халқларининг бирдамлигини таъминловчи омилларга нималар киради?
3. Бағрикенглик қандай тушунча?
4. Ҳар бир фуқаронинг маънавий бурчи нимадан иборат?
5. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари қандай йўлга қўйилган?

6. Ўзбекистонда турли динга эътиқод қилувчиларининг ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилинган?

7. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Миллий маданий марказлар қандай вазифаларни бажаради?

8. Ўзбекистонда Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақидаги қонун қачон қабул қилинган?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. – Т.: 1996.

2. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилсин. //Адолатли жамият сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.

3. Бу муқаддас ватанда азиздир инсон. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010.

4. Жўраев Нарзулла. Тафаккурдаги эврилиш: Истиқбол изтироблари ва қувончлари ҳақида мулоҳазалар. – Т.: Шарқ, 2001. –Б.83.

5. Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: «Ўзбекистон», 2000.

6. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараккиёт омили. – Т.: Fan va texnologialar, 2003.

7. Назаров К. Аксиология кадриятлар фалсафаси. – Т.: Маънавият. 1998.

8. Очиддиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Т.: Ўзбекистон, 2004.

9. Ортиқов Н. Маънавият: Миллий ва умуминсоний кадриятлар. – Т.: Фан. 1994

10. Туленов Ж., Ғофуров З. Миллатлараро ҳамжиҳатлик давлатимиз бойлиги. – Т.: Ўзбекистон, 1999 йил.

11. Тинчлик ва бағрикенглик атамалари изоҳли лугати. – Т.: ЖИДУ, 2005.



## 18-мавзу: Комил инсоннинг шаклланишида миллий ғоянинг ўрни

1. *Комил инсон ғояси – Миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойилларидан бири.*

2. *Комил инсоннинг шакллантирувчи муҳим ҳаётий омил – бу таълим-тарбия.*

3. *Таълим тизимидаги ислоҳотларнинг баркамол авлод тарбиясидаги роли.*

4. *Шарқона фазилатлар гулдастаси.*

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устувор бўлган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш орқали озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо миллий мафкурамининг асосий мақсадидир.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Бу ҳақда Президентимиз Ислам Каримов ўзининг “Ҳушёрликка даъват” асарида шундай дейди: “Миллий ғоя, миллий тафаккурни шакллантирмай, таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш, одамларнинг онгини ўзгартириш, уларни умумбашарий мақсадлар сари йўналтиришдек мураккаб ижтимоий вазифаларни ечиш мумкин эмас<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, кучли фуқаролик жамияти ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки у мамлакатда эски тузумдан қолган иллатлардан қутулишни бунинг учун эса жамият ҳаётининг барча соҳаларида қатор ислоҳотларни ўтказишни тақазо

<sup>1</sup> Ҳушёрликка даъват (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар) VIII жилд. –Б.22-31.

этади. Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият-маърифатли инсоннинг икки қаноти<sup>1</sup>, деган фикрдан Президентимизнинг нақадар узоқни кўра олишига яна бир бор амин бўламиз.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири ҳам Комил инсон ғоясидир. Унда келтирилишича **комил инсон** ҳам **миллий**, ҳам **умумбашарий** моҳиятга эга бўлган, одамзотга ҳос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир.

**Комил инсон ғояси ўзининг амал қилиш тамойилига эга бўлиб, уни қуйидагилар ташкил этади:**

- Жисмоний баркамоллик.
- Ақлий баркамоллик.
- Маънавий баркамоллик.
- Миллий кадриятларга содиқлик.
- Умумбашарий кадриятларни ҳурмат қилиш.

Комил ва баркамол инсонлар миллат, жамият ва давлат тақдирига сезиларли таъсир кўрсатади. Инсон камолотида жисмоний ва маънавий гўзаллик муҳим аҳамият касб этади. Жисмонан бақувват, соғлом бўлиш нафақат шахсий, балки ижтимоий кадриятдир. Комилликнинг яна бир жиҳати ватанга, миллатга, элу юртга садоқат билан хизмат қилишдир.

**Комиллик** инсоний фазилатларнинг уйғунлигини ифодалайди. Кишининг ички ва ташқи дунёси, соғлом фикр ва оқилона сўзи билан амалий фаолияти, тили билан дили бирдай бўлиши комилликнинг мезонларидир

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сўзланган нутқдан, 1995 йил февраль) III жилд. —Б.34-35.

Баркамол инсон ҳақидаги юксак ғоялар Абу Наср Форобий ва Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг асарларида айниқса теран ифода этилган.

Аслида, *комил инсон*, бу – тариқат ва риёзат йўли билан қўлга киритиладиган юксак мартабадир. Воиз Кошифий «Футувватномаи султоний» асарида тасаввуфнинг комилликка дахлдор биноси ўнта асосга қурилгани айтилади: 1) илм; 2) ҳилм; 3) тақво; 4) саҳо; 5) шукр; 6) сидқ; 7) вафо; 8) ризо; 9) сафро; 10) ишқ.

Президентимиз Ислам Каримов фикрича, *Комил инсон* деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, ҳуяқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз»<sup>1</sup>,

Комиллик. Камолот. Баркамол. Мукаммал одам. Комил инсон. Пири комил... Бу сўз, ибораларни кўп эштамиз, айтамиз, ўқиймиз. Луғатларда *Комил* сўзи – тўлик, етук, мукаммал маъноларини, “баркамол” эса етукликка эришган, мукаммал, камол топган, бекаму-кўст маъноларини бериши айтилади. Янада аниқроқ кирсак, бекам – бирор жихатида ками, кемтиги йўқ; беқўст – бирор эгри ёки ортиқча жойи йўқ, бенуқсон дегани.

*Комил инсон* ғояси асрлар давомида халқлар, динларнинг эртақ, дostonларида, миллий кадриятларида, ривояту ҳикоятларида, китобларида, урф-одатларида келаётир. Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Алишер Навоий каби алломаларимиз асарларида, миллий тарбиямизнинг бош ғояси бўлиб келди. Жаҳон сайёҳларини мафтун қилаётган меъморий обидалар, қасрлар, мадрасалар пештоқларидаги ёзувларда, хайкал, деворий суратларда ҳам боболаримизнинг (бугунги тилда айтсак) ғоялари битилган. Уларда ҳам “*Комил инсон*” ғоясининг турли шакл ва тасвирлари бисёр. Шунинг учун ҳақли равишда Ўзбекистон - оламга *комил*

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // Баркамол авлод орзуси. –Т.: Шарк, 1998. –Б.81.

инсон ғоясини берган буюк цивилизация марказларидан бири, дея оламиз.

Комил инсон ғояси биз учун бугун кўтарилган ғоя эмас. Бу ҳақиқат миллий тарбиямизнинг туб негизларидан келаётир. Бунга ер устидаги обидалар ҳам, ер остидаги археологик далиллар ҳам гувоҳлик бермоқда. Уларда боболаримизнинг бармоқ излари қолган.

Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган.

Абагга, таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айна вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни, халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди.

Шу боис бу соҳада юзаки, расмий ёндашувларга, пухта ўйланмаган ишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши Асосий қонунимизда белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб-қувватлашини талаб қиладиган умуммиллий масаладир.

Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш — таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз

керак. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйгун ҳолда олиб боришни талаб этади.

“Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа, – деб таъкидлайди Ислом Каримов, “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида, – ...миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодмизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат”.

### **Ривожланган мамлакатлар ёшлари фазилатлари**

“Комил инсон ким? У қандай бўлиши керак?” Педагогика тарихи жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари юксалиш арафасида шу масалага тез-тез мурожаат қилганини кўрсатади. Улар ёшларни эртанги куннинг юксак талабларига пухта тайёрлаб кириб боришган. Чунки бу рақобатли дунёда эртанинг талаблари янгича, мураккаброк, кийинрок бўлган.

Комил инсон ғоясига амалий, прагматик ёндашган давлатлар тезда назарий коидалардан бугунги ва эртанги кун учун “фойда” чиқариб олди. Экспериментал педагогика ривожланди. Тарбиянинг кўзга кўринмайдиган назарий тушунчаларини кўринадиган нарсаларга – образларга, бихевиор технологияларга айлантиришди. Ҳал қилувчи кучни ошириб, бошқалардан ўтиб кетишди. Ўша синалган фазилатлар янгилари билан бойитилиб, шакллантирилимоқда.

Масалан, АҚШнинг «Америка – 2000: таълимни ривожлантириш стратегияси (1991)» дастурида етук шахсга хос фазилатлар сифатида ростўйлик, максадда собитқадамлик, тўғрилиқ(рўй-ростлик), пухталиқ ва шахсий масъулиятга устуворлик берилди. Шунингдек, ёш америкаликларда жасурлик, фидойилиқ, барқарорлик, қатъийлик, тириш-

қоқлик, ҳамдардлик, бағрикенглик сингари 60 та асосий фазилат шакллантирилмоқда.

**Буюк Британия**нинг таълим бўйича Миллий комиссияси (1993) мактабга: ёшларда ҳақиқатпарварлик, бошқаларга ҳурмат, жамият олдиди бурчга содиқлик, одамларга ғамхўрлик, маданий меросга ҳурматни шакллантириш, демократик эркин жамият фуқаролари бўлиш, бағрикенглик фазилатларини сингдириш, ахлоқан ва маънан кучли шахслар қилиб етиштириш вазифаларини юклади.

**Франция** таълим вазирлиги кўрсатмаларида (1985) масъулиятли, гурурли, ўзгаларни ҳурмат қилувчи, бошқалар билан ҳамкорликка тайёр, ирқчиликка қарши турувчи, мультикультурализмни қабул қилувчи, ўзининг Францияга муҳаббатини Озодлик, Тенглик, Қардошлик ғоялари билан уйғун ривожлантирган демократик жамият кишиси фазилатларига эга шахсни тарбиялаш кўзда тутилган.

**Япония**нинг “Таълим тўғрисида”ги Қонунда мактабга тинчлик ва инсонийлик идеалларига амал қилувчи миллатни шакллантириш миссияси юклатилган. Яъни шахс сифатларини тўлиқ ривожлантириш; тинчликпарвар давлат ва жамият курувчиларини тарбиялаш, ҳақиқатпарварлик ва адолатлилик; шахсий эркинлик; меҳнатсеварлик; масъулиятлилик; мустақил фикрлилик; ўзгалар билан ҳамкорлик, мустақил фикрга эғалик; анъанавийлик билан замонавийликни англаш; халқаро ҳамкорликка тайёрлик; кундалик турмуш малакаларига эғалик; руҳан ва жисмонан кучлилилик; ўзини бахтли ва бошқалар билан уйғун қила олиш фазилатлари шакллантирилмоқда.

Таълим муассасалари учун чиқарилган “Идеал японнинг фазилатлари” деб номланган ҳужжатда япон ёшларида 16та фазилатни шакллантириш белгилаб берилган. 16 фазилат 4та гуруҳга бўлинади. Булар: 1) шахсий сифатлар: эркинлик, ўзига хосликни ривожлантириш, мустақил бўлиш, ўз хоҳишларини идора қила олиш, пиетет (эҳтиром) туйғусига



эгаллик; 2) оила бошлиғига хос сифатлар: ўз уйини меҳр-муҳаббат, ҳаловат ва тарбия масканига айлантира олиш; 3) ижтимоий сифатлар: ўз ишига садоқат, жамият фаровонлиғига ҳисса қўшиш, ижодкорлик, миллий (ижтимоий) кадрларни ҳурмат қилиш; 4) фуқаролик сифатлари: ватанга содиқ бўлиш, давлат рамзларини кадрлаш, ижтимоий фаолилик, энг яхши миллий фазилатлар соҳиби бўлишни ўргатади.

Юксак технологиялар глобал ривожланаётган XXI асрда Президент Ислам Каримов таъкидлаган интеллектуал бойлик етакчилик қилади. Шунинг учун бугуннинг комил инсонларига **Ўзбекистон** қўяётган талаблар бир томондан юксак ривожланган давлатлар билан ҳамоханг эканлиги, иккинчи томондан, маънавият, интеллект устуворлиги билан ажралиб туради. Яъни фарзандларимизда интеллектуал ривожланганлик, замон талабларига мос тайёрлик, юксак маънавият, ахлоқий соғломлик, жисмоний чиниққанлик, мустақиллик идеалларига чексиз садоқат, Ватани ва халқига содиқ, миллий ўзлигимизга ёт ғоя, қарашларга муросасизликни мужассам этиш тақозо этилмоқда.

Мана шу фазилатларнинг бирортаси суэт бўлса, уйғунлик бузилади. Масалан, ахлоқи пок, жисмонан кучли бўлсаю, интеллектуал ривожланмаган бўлса; ёки интеллектуал, жисмонан кучли бўлсаю, мустақиллик идеалларига содиқ бўлмаса, бундай шахсни Комил инсон деб бўладими? Асло. Шунинг учун ҳам: **“Фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим”,** – деб, таъкидлайди **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов.**

**Шарқона фазилатлар гулдастаси.** “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби “комил инсон” устидаги мавҳумлик пардасини олиб ташлади. Энди баркамоллик биз учун фазодаги, тарихдаги ёки келажакдаги марра эмас. Комил

инсонларни “ҳозир ва шу ерда”, маънавий тарбиявий ишларни илмий асосга куриб етиштириш кудратига ва тизимига эгамиз. Бунинг учун шахсни камолатга элтувчи:

- *фазилатлар маъносини англаш;*
- *уларга эга бўлиш;*
- *уларга амал қилиб яшаш*

деган уч методологик мезони асослаб берилди. Зеро: “... мухтасар қилиб айтганда, Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олийжаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чүқүр англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш – одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди”.

Мустақиллик маънавияти фарзандларимизни баркамол этувчи гўзал фазилатлар гулдастасини саралаб берди. Бу гулдаста ажодларимиз ўғитларидан, Президент Ислоҳ Каримовнинг замон талаблари, иқтисод, сиёсат, тараққиёт, миллий тарбия ҳақидаги фикрларидан терилган. Айниқса, “Юксак маънавият – енгилмас куч”дан: “... бизнинг улуғ ажодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли, деб биламан. ...Ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибo ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламыз...”

Юртбошимиз асарларида бугунги замоннинг комил инсонларига хос бўлган 200 дан ортиқ фазилатлар баён қилинган. Биз уларни XXI асрнинг “Шарқона фазилатлар гулдастаси” деб атадик. Мана улар:

- юксак салоҳиятли, маънавий уйғоқ, ор-номусли, уят ва андишали, шарму ҳаёли, ибoли ва иффатли, собитқадам,



шижоатли, диний кадриятларни билувчи, савоб ишларни кўп қиладиган, тарихимиз, маданиятимиз, буюк аждодларимиз меросини чуқур билувчи, ватанга содик, миллий ғурурли, юксак маънавиятли, янгича фикрловчи, Амир Темур бобомизнинг шижоат, азму қарор ва ўқтамлигига эга, фидойи, юксак ҳуқуқий маданиятли, жаҳон тарихи ва маданияти ютуқларини чуқур ўрганган, мард, ташаббускор, эл-юрт ташвишини зиммасига оладиган, дахлдор, иймонли-эътиқодли, ўз ҳақ-ҳуқуқини билиб, ҳимоя қила олувчи, мустақиллигимизни кўз қорачиғидай ҳимояловчи, саҳий, ўз мустақил фикрига эга, меҳр-оқибатли, ғоявий ва мафкуравий таъсирларга қарши тура оладиган, ўтганларни хотирлаб, тирикларни қадрловчи, қисқа фурсатларда эришган ютуқларимизни давом эттиришга қодир, билимли ва истеъдодли, меҳнатсевар, тадбиркор ва янгиликни тез илғайдиган, ғайрат-шижоатли, иродали, қатъиятли, сабот-матонатли, жасур, фаол, замонавий, юксак технологияларни ўзлаштирган, соғлом турмуш тарзига интилувчи, миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида камол топган, огоҳ, ҳушёр, муносиб даромад толувчи, юқори малакали, масъулиятли, етук мутахассис.

**Таянч атама ва иборалар:** комиллик, камолот, баркамол, мукаммал одам, комил инсон, пири комил, баркамол шахс, ахлоқий фазилат, маънавий кадрият, маънавий етуклик, жисмоний баркамоллик, ақлий баркамоллик, маънавий баркамоллик, миллий кадриятларга содиклик, умумбашарий кадриятларни ҳурмат қилиш.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид савол ва топириқлар**

1. Комил инсон ғоясининг илмий методологик асосини нималар ташкил қилади?
2. Комил инсон ғоясининг тарихий илдизларига нималар қиради?

3. Миллий мафкурамизнинг комил инсон ғояси қандай таърифланади?

4. Комил инсон ғоясининг амал қилиш тамойилларини санаб беринг.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 йил 29 август // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: 1997.

2. Таълим тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 йил 29 август // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: 1997.

3. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурмоқдамиз. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан – эркин ва фаровон ҳаёт қуриш пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

6. Каримов И.А. Мустақиллик биз учун – ўзлимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаатлари, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

7. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: Ўзбекистон, 2010.

8. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мақсадидир. 15-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2007.

9. Комилов Н. Комил инсон ҳақида тўрт рисола. – Т.: Маънавият. 1997.

10. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Халқ мероси, 1993.

11. Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақоийқ. Ҳақиқатлар қаймоғи. – Т.: Камалак, 1995.

12. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.

13. Жакбаров М. Комил инсон ғояси: Тарихий-фалсафий таҳлил. – Т.: Абу Али ибн Сино. 2000.

14. Муҳаммадиева О. Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари. – Т.: Fan va texnologiyalar, 2010.

15. Ҳусайн Воиз Кошифий. Фугувватномаи Султоний. – Т.: Халқ мероси. 1994.

16. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: Ўзбекистон. 1998.

17. Юсупов Э. Исмоилов Ф. Одамийлик сабоқлари. – Т.: Комуслар бош таҳририяти. 1997.

## 19-мавзу: Маънавиятга таҳдидларнинг олдини олишда миллий ғояга таъмин зарурати

1. *Маънавий таҳдид – инсоннинг онги, дунёқараши ва ахлоқига дахл қилувчи жиддий хавф.*
2. *Маънавий таҳдидларнинг турлари.*
3. *Маънавий таҳдидларнинг олдини олишда миллий ғоянинг роли.*

Миллий истиқлол ғояси ўзининг мазмун-моҳияти билан мафкуравий тажовуз, маънавий таҳдидларга қарши тура оладиган кишиларни тарбиялашга хизмат қилади. Бу борада барча фуқароларнинг, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг огоҳлиги, фаоллиги, эзгу ғояларга хизмат қилишга тайёрлиги катта аҳамият касб этади.

Чунки маънавий таҳдид инсоннинг онги, дунёқараши ва ахлоқига дахл қилиши билан жиддий хавф ҳисобланади. Бу хавф кўзга кўринмасда, лекин унинг келтирадиган зарари юқумли касалликлардан кам эмас. Шу маънода “тарихий ҳақиқатни англамайдиган ёки англашни истамайдиган чет элдаги баъзи сиёсатчи ва арбоблар нафақат сиёсат ёки иқтисод, балки маънавият бобида ҳам бизга ақл ўргатишга, азалий ҳаёт тарзимиз, рухий дунёмизга ёт бўлган қарашларни мажбуран жорий этишга уринмоқда”<sup>1</sup>. Ҳақиқатан ҳам, бундай уринишлар турли усуллар ва воситалар ёрдамида амалга ошириломоқда. Улар орасида маънавий таҳдидларнинг кўлами пасаймаётгани ташвишлидир.

“Маънавий таҳдид” ибораси икки сўз бирикувидан иборат: маънавий ва таҳдид. “*Маънавий*” деганда инсоннинг ички дунёси, онги ва қалби назарда тутилади.<sup>2</sup> “*Таҳдид*” деганда тажовуз қилиш, йўлдан чиқаришга асосланган хавф-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.11.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Беш жилдлик. 3-жилд. –Т.: Фан, 2008. –Б.91.

хатарлар мажмуи тушунилади.<sup>1</sup> Таҳдид хавф-хатардан дарҳол кўзга ташланмаслиги, узоқни кўзлаши ва хавф-хатарга нисбатан зарари кўплиги билан фарқ қилади. Мазкур сўз 1997 йили Юртбошимиз томонидан илк бор атама даражасида қўлланилган.<sup>2</sup>

*Маънавий таҳдид* ибораси ҳам Юртбошимиз томонидан муомалага киритилган. У киши бу тушунчага қуйидагича таъриф беради: “*Маънавий таҳдид* деганда, аввало тили, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан рухий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, гоъвий ва информацион хуруржларни назарда тутиш лозим...”<sup>3</sup>

Маънавий таҳдидлар фақат инсон томонидан яратилади ва фақат инсонга тажовуз қилиши билан зарарлидир. Шу маънода бу ўринда Президентимиз томонидан таъкидлаб ўтилган маънавий таҳдидларнинг уч турини идрок қилиб олиш лозим бўлади.

**1. Мафкуравий таҳдидлар.** Мафкуравий таҳдидлар “**биз учун мутлақо бегона мафкура ва дунёқарашни аввало беғубор ёшларимизнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилгани билан айниқса хатарлидир**”<sup>4</sup>. Мисол учун, ана шундай бегона *мафкуралардан бири* миллий тараққиёт моделига ишончсизлик билан қарашни тарғиб қилишдир. Унга кўра, инсонда миллий тараққиёт моделига шубҳа билан қараш ҳосил қилинади ва унинг “ёни”да ўзга давлатларнинг тараққиёт моделига ҳавас қилиш уйғотилади. Биз учун бегона *дунёқарашлардан бири* мутаассибликдир. Унга кўра, шахс ўз тушунчаларини мутлақ ҳақиқат деб қабул қилади ва ўзга қарашларни эса асоссиз инкор қилади.

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 4-жилд. –Т.: Фан, 2008. 201-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. –Т.: “Ўзбекистон” 1997.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Юксак маънавийат – енгилмас куч. –Т.: “Маънавийат”. 2008. –Б.13-14.

<sup>4</sup> Шу манба. 14-бет.

**2. Ғоявий таҳдидлар.** Бу турга кирувчи таҳдидлар инсон маънавий оламида ёт ғоялар, қарашлар ва мақсад-муддаоларни шакллантиришга интилади. Бугунги кунда ғоявий таҳдидларнинг қуйидаги кўринишлари номоеън бўлмоқда: ахлоқий бузуклик, зўравонлик, эгоцентризм, индивидуализм, “оммавий маданият”, миллий давлатнинг таракқиёт моделига ишончсизлик уйғотиш, миллий низолар келтириб чиқаришга уриниш, иқтисодий танглик жорий қилиш, кўпни давлатларни бир-бирига қайраш, ёшлар онгини заҳарлаш. Бундан кўзланган мақсад ривожланаётган давлатнинг моддий ва маънавий бойликларига эгалик қилишдир. Чунки ғоявий таҳдидлар охир-оқибатда давлатни инкирозга олиб келади, нега деганда, бунинг натижасида фуқароларда худбинлик, лоқайдлик, манфаатпарастлик, ҳасад, сотқинлик, иродасизлик, бепарволик каби ижтимоий-ахлоқий иллатларнинг таркиб топади.<sup>1</sup>

**3. Информацион таҳдидлар.** Бу турга кирувчи таҳдидлар инсоннинг ижтимоий онгини нотўғри шакллантириш ва бу билан ўзлигига эга бўлмаган оломонни таркиб топтиришни кўзлайди. Бугунги кунда информацион таҳдидлар интернет воситасида четдан туриб уюштирилмоқда ва унинг асосий кўринишлари қуйидагилардир: давлатнинг миллий сиёсатини атайин танқид қилиш, сохта хабарлар тарқатиш, кичик муаммони катта (йирик) муаммо сифатида тасвирлаш, мухолифларни гиж-гижлаш, раҳбарларни золим қилиб кўрсатиш, миллий кадриятларни нотўғри талқин қилиш, ёшларни чалғитиш. Информацион таҳдидлар – баъзида *ахборот хуружи* деб аталади – шахсни иккилантиради, уни муаммолар гирдобига ташлайди. Натижада фуқароларнинг

<sup>1</sup> Яна қаранг: Кучуради И. *Философия перед лицом мировых проблем. // Вопросы философии.* 2004. № 3. –С. 5-11; Ганиев А. Ғарб оламидаги ахлоқий муаммолар. –Т.: Ворис, 2007.

ижтимоий онги захарланиб, жамиятда ижтимоий хасталик таркиб топади.<sup>1</sup>

Кузатишлар шуни кўрсатадики, бутунги кунда жамиятимиз тараққиётга хавф солиб турган маънавий таҳдидларнинг асосий кўринишлари қуйидагилар:

1. Мутаассиблик.
2. “Оммавий маданият”.
3. Гиёҳвандлик.
4. ОИТС иллати.

Бу таҳдидлар хориждан экспорт қилинаётгани билан хавфли ҳисобланади. Улар орасида айниқса мутаассиблик маънавий таҳдиди кенг кўламлиги ва салбий таъсирга эгаллиги билан ўта хавфли ҳисобланади.

Мутаассиблик деганда инсоннинг бирор ғоя, ақида ёки одатларга меъёридан ортик даражада ишониши тушунилади. Мутассиб одам одатда ўзининг тушунчаларини ва қарашларини мутлақ ҳақиқат деб билади. Ўзгалар фикр-мулоҳазаларини эшитишни ҳам истамайди. “Мен ҳақман, менинг билганларим тўғри”, - деб ўзини ишонтиради ва рухий жиҳатдан айнайди.

Мутаассиблик мақсадли ва онгли равишда ғаламис ва ғаразгўй кимсалар, гуруҳлар томонидан тарғиб қилинади. Айниқса, ёшларнинг онгини захарлаб, ўзларининг зарарли мақсадларини амалга ошириш учун фойдаланилади.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт ва ўзига хос ривожланишини кўролмайдиган кимсалар ёшларнинг онгида мутаассибликни шакллантиришга ҳаракат қилмоқда. Чунки мутаассиб одам ота-онаси, яқинлари ва ўзи яшаётган жамият аъзоларининг гап-сўзига қулоқ солмайди, ўзи ишонган сохта ғоялар учун ҳаракатга тайёр туради. Мутаассибликнинг шакл ва кўринишлари жуда кўп.

---

<sup>1</sup> Яна қаранг: Гриния Л.Е., Коротаев А.В. Социальная макроэволюция и исторический процесс. // Философия и общество. 2007. № 2. –С.19-66; Жўраев Т. Миллий давлатчилик ва хавсизлик. –Т.: Академия. 2007.



Масалан, диний ақидапарастлик иймон-этикодни нотўғри талкин қилишдан иборат. Унга кўра, жоҳил кимсалар иймон борасидаги ўз тушунчаларини ёшлар онгига сингдирадilar. Ҳақиқий диний манбаларни ўқитмайдilar. Юртимиздан чиққан мутафаккирлар асарларини ўқима, ота-онанг ёки ёру-биродарларинг гап-сўзига кулоқ солма, дея ўргатишади.

Мутаассибликнинг зарарли оқибатлари моддий зарарлардан ўнлаб баробар устувор туради. Бу зарарли оқибатларнинг энг асосийлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Мутаассиблик шахс ақлини заифлаштиради.

2. Мутаассиблик шахс қарашлари ва фикрларини доғмалаштиради.

Барча замонларда мутаассиблик қораланиб келинган. Атоқли ёзувчи бири Ч.Лайтмагов мутаассиблик охир-оқибатда инсоннинг наслига даҳл қилади, деган фикрга келган (“Қиёмат” асари).

Ғарб маданиятини устувор билиш ақидаси миллий маданиятга беписандликка, онгсизлик ва халқона урф-одатларни рад қилишга асосланади. Очiq-сочiq кийиниш, жамоат жойларида ахлоқсизлик қилиш, Ғарб турмуш-тарзига ҳавас билан қараш каби иллатлар табиий қабул қилинади. Кўр-кўрона тақлид “Санъатда ошқораликни пеш қилиб, телевизор, кино экранларида, матбуот воситаларида бўлмағур лавҳаларни акс эттириш, бемаънилик ва ҳаёсизликни, баъзан эса, ҳатто ахлоқий бузукликни тарғиб қилишлари кўпайиб қолгани”<sup>1</sup> бунга ёрдам бермоқда. Шу сабабли Ғарбга кўр-кўрона тақлидчилик ақидасига қарши курашиш лозим.

“Оммавий маданият” ҳодисаси Ғарб оламида XIX аср ўрталарида пайдо бўлди. Бу ҳодиса миллий маданиятга зид ўлароқ айрим шахслар томонидан ўйлаб топилган ғоялар,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Б.80.



удумлар ва одатлар мажмуини қамраб олади. “Биз юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим . . . Четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак”.<sup>1</sup> Бу энг мақбул таърифдир. Зеро “оммавий маданият” асосини маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатлари ташкил қилади. Масалан, бизнинг миллий маданиятимизда ҳаё, андиша, ибодати каби ёзилмаган, аммо қатъий амал қилинадиган қонуниятлар бор. Лекин, “оммавий маданият” жамоат жойларида йиғит-қизнинг бемалол ўпишиб туришини табиий ҳол деб қабул қилади. Шу сабабли П. Бьюкенен Америка халқига қарата дейди: “1950 – йилларда бошланган “оммавий маданият” ҳаракати 1990 – йилларга келиб миллатимизни наслсизлик балосига дучор қилди”.<sup>2</sup> Шу маънода, “Оммавий маданият” аста-секин инсонни ҳайвонга ҳос хусусиятларини кучайтириб боради.

Бу маънавий ва ахлоқий иллатнинг бир қатор кўринишлари мавжуд. Унинг қуйидаги шакл ва кўринишлари учрамоқда:

1. Жамоат жойларида ўпишиш, шахвоний фильмлар кўриш каби иллатлар пайдо бўлмоқда;
2. Зўравонликни тарғиб қилувчи фильмлар, компьютер ўйинларига одатланиб қолиш;
3. “Ўзим бўлсам бўлди, ўзга билан нима ишим бор” деган “принцип”нинг таркиб топиши;
4. Барча нарсага шахсий манфаат нуқтаи назардан ёндашиш, худбирлик ва ҳ.к.

“Оммавий маданият” санъат ва маданиятимиз сахналарига даҳл қилмаслиги керак. Шу маънода, авваламбор “миллий эстрада” деган иборанинг маъно-мазмунига алоҳида

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Б.117.

<sup>2</sup> Смерть Запада. – М.: 2004.

этибор бершимиз, уни ҳар қандай бегона таъсирдан, айниқса, “оммавий маданият” руҳидаги оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишимиз табиий”<sup>1</sup>, “Оммавий маданият” ёшларнинг маданий онгининг тўғри шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Унинг реал зарарли оқибатларини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

1. Шахс маданий онгини нотўғри шакллантиради.
2. Миллий маданиятни бузади.
3. Умуминсоний маданий кадриятларни шубҳа остида қолдиради.

“Оммавий маданият” таҳдидининг олдини олиш учун миллий ғояга асосланиш муҳим аҳамиятга эга. Бундан айниқса мазкур ғоямизнинг Комил Инсон бўлиш тамойилига суяниш кутилган самарани беради. Шу маънода “Оммавий маданият”нинг зарарли таъсирларидан фарзандларимизнинг онгу тафаккурини ҳимоя қилишда илму фан ва маданият, ижод аҳлининг ўрни катта”<sup>2</sup>. Негаки “Биз учун ахлоқий жиҳатдан номаълум, миллий кадрият ва қарашларимизга ёт бўлган, лекин ҳозирги вақтда ҳаётимизга кириб келаётган “оммавий маданият” кўринишларини бамисоли юқумли касаллик деб қабул қилишимиз лозим. Ва айти шу асосда бундай хуружларнинг ўта хавфли ҳолат эканини англашимиз зарур”. Англаш билан бирга уларни олдини олиш чора тадбирларини кечиктирмай амалга оширишимиз лозим.

Гиёҳвандлик деганда инсон онгини ва физиологик қувватларини сархуш ҳолатга солувчи моддаларни қабул қилиш тушунилади. Гиёҳвандлик инсонни маънавий айнаувчи восита сифатида ғаламис кучлар томонидан тарқатилаётган ижтимоий иллатдир. Турли психотроп воситалар (ўсимликнинг кучайтирилган заҳарли унсурлари) ёрдамида инсонга руҳий-маънавий ва жисмоний салбий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Б.141-142.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Б.133

таъсир кўрсатишга уринилмоқда. Бундай хатти-ҳаракат четдан туриб онгли равишда амалга оширилмоқда.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, гиёҳвандлик балосига кўпроқ 13-16 ёшлар оралиғидаги ўсмирларни тортишга ҳаракат қилинади. Чунки бу ёшда киши қизиқувчан, ҳаёт неъматларини тортиб кўришга интилувчан ва салбий оқибатларни ўйлашга улгура олмайдиган босқичда бўлади. Натижада, бор-йўғи икки марта гиёҳванд модда қабул қилган ўсмир унга одатланиб қолади.

Гиёҳвандлик иллатининг мазмуни икки хусусиятдан иборат: 1) инсонни рухий-маънавий фалажга айлантириш; 2) инсонни жисмоний жиҳатдан нотўғри шакллантириш. Бу икки хусусият миллат саломатлигига даҳл қилиш билан кишини ҳушёр торттиради. Бинобарин, гиёҳвандлик иллатининг шакл ва турлари бало-қазодек кўпайиб бораётганлиги соғлом фикрли кишиларни ташвишга солмоқда.

Гиёҳвандликнинг турли шакл ва кўринишлари қандай хусусиятга эга бўлишидан қатъий назар инсон, жамият ва миллат учун хавфлидир. Бу балога қарши курашиш ҳар бир кишининг виждоний бурчи бўлиши керак.

Ўзбекистон бугун жаҳон аҳлини ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этишда ҳам фаол иштирок этмоқда. Шулардан бири ОИВ/ОИТС касаллигининг тарқалишига қарши кенг қўламли курашдир. Бугунги кунда илм-фаннинг барчаси соҳасида бу касалликнинг инсоният учун хавфли эканлиги тўғрисида бонг урилмоқда ва кенг жамоатчилик унинг зарарли оқибатлари ҳақида хабардорликка эга. Бунда давлат миқёсида олиб борилаётган ишларнинг салмоғи аҳамиятли бўлмоқда.

ОИТС тарқалишини олдини олиш ва унга қарши курашнинг мафкуравий усул ва воситалари ҳам ишлаб чиқилиши керак. Ҳозирча бу борада амалга оширилаётган ишлар етарли эмас. Чунки бу масалада аниқ мафкуравий усул ва воситалар керак. Бундай усул ва воситаларни ишлаб

чиқиш касалликни даволашга эмас, унинг олдини олишга хизмат қилади. Мана шу жиҳати билан ОИТСга қарши курашнинг мафкуравий усул ва воситалари катта аҳамиятга эга. Масала қанчалик долзарб бўлса, унинг ечимини топиш шунчалик сермеҳнат ишдир. Шундай экан, вақтни кечиктирмай ишга киришиш лозим бўлади. Қуйида таклиф қилинаётган усул ва воситалар устоз – педагоглар учун фойдали.

ОИТСга қарши курашишнинг мафкуравий усул ва воситаларини тушунтириш фикр уйғотиш ва кўникма ҳосил қилиш характерида бўлиш керак. Бунда қуйидагича йўл тутиш мақсадга мувофиқдир.

**Тушунтириш.** ОИТСнинг зарарли моҳиятини машғулотлар, учрашувлар, семинар-тренинглар ва матбуот материаллари воситасида кенг жамоатчиликка тушунтириб бориш керак бўлади. Бу усулнинг мафкуравий жиҳати шундаки, ОИТС билимсизлик, ахлоқсизлик натижасида юқади ва унинг оқибати ўлим билан тугашидадир. Шу сабабли ОИТСнинг зарарли моҳияти ҳақидаги маълумотларни одамларнинг ёш хусусиятини ҳисобга олиб тақдим қилиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, мактаб ўқувчиларига 5-4 – синфларда оддийроқ, академик лицей ва коллеж ўқувчиларига кенгроқ, олий таълим муассасалари талабаларига илмийроқ ва катта ёшдагиларга умумийроқ машғулот бериш қутилган самарани бериш мумкин. Бундан мақсад аҳолининг кенг қатламига ОИТС балоси тўғрисида билим беришдир. Бу ҳақда ёшларнинг маълумотга эга бўлиши нажот қалъаларидан бири ҳисобланади.

Бошқа балолардан фарқли ўлароқ ОИТС касаллиги ахлоқсизлик туфайли юқади. Мазкур масалани жамоатчиликка аниқ тушунтира олишимиз керак. Шу маънода ОИТС балосига гирифтор қилаётган фоҳишабозлик, ичкиликбозлик, таксоманлик ва гигиен қоидаларига риоя қилмаслик ахлоқсизлик кўринишларидир. Шуниси борки, бу

ахлоқсизлик кўринишлари баъзан тўқликка шўхлик ёки айрим ғаламис кимсаларнинг ҳаракатлари натижасида танланмоқда. Бу икки иллатни мудом фош қилиб, боришимиз керак.

ОИТС касаллигининг оқибати ўлимдир. Бу ҳақиқатни аниқ идрок этиб олиш керак. Ҳаётни севиш унга иштиёқмандлик, ўлим сабабларини ортга суриши аниқ. Шу маънода инсон иродали бўлиши керак. Фақат ва фақат ирода одам боласини ғолибликка олиб чиқади.

Маънавий таҳдидларнинг олдини олишда бир неча йўналишлар, усуллар ва асослар мавжуд. Уларни амалга ошириш эса бир ёки икки ташкилотнинг эмас, балки бутун бир давлат ва жамиятнинг ишидир. Давлатнинг вазифаларини давлат ташкилотлари, жамиятнинг вазифаларини жамоат ташкилотлари бажарадилар. Тарбия, маънавият ва мафкура масаласида, турли хил маънавий ва мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш борасида ташкилотларнинг юридик мақоми катта аҳамиятга эга эмас. Энг асосийси, мақсадга эришиш. Яъни давлат ташкилотлари бу ишни бажаради-ю, бунисини бажармайди, ёки жамоат ташкилотларига мана бундай вазифаларни амалга ошириш юклатилади-ю, бошқасини бажариш мумкин эмас, деган қатъий тақиқлар йўқ. Ҳар бир ташкилот ўзининг низоми ва дастурида кўрсатилган функционал вазифаларидан келиб чиқиб иш олиб бораверади. Чунки бу – юртимиз тинчлиги, Ватанимиз равнақи, халқимизнинг фаровонлиги масаласи ҳаммамиз учун бирдек қадрли ва муҳим вазифадир.

Маънавий таҳдидларни бартараф қилиб боришга доир бир қатор қарашлар тизими мавжуд. Албатта, ижтимоий-фалсафий ва илмий адабиётларда *маънавий таҳдидлар* тушунчаси давр тақозоси ва тарихийлик нуктаи назардан “таҳдид”, “хавф-хатар”, “кўркув” каби бир неча атамалар билан тилга олинган. Буни эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Бу ўринда маънавий

тахдидларни бартараф қилишга доир энг муҳим қарашларни таҳлил қилиш билан чекланамиз.

Маънавий таҳдидларни бартараф қилиш муаммоси Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. У кишининг концепциясига кўра, маънавий таҳдидларни “фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя ва жаҳолатга қарши маърифат билан” бартараф қилиш мумкин.<sup>1</sup> Бу муҳим қараш бўлиб, ҳозирги маънавий-мафкуравий фоллятимизда методология вазифасини ўтамоқда.

**1. Фикрга қарши фикр.** Ҳар бир кишида ҳаққоний ва асосли мустақил фикр ҳамда дунёқарашни шакллантириш керак. Бунинг учун унинг билим ва малумотдорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Инсон интернет хабарларини ўқиш, DVD, CD кўриш билан билимли ва замонавий маданиятли бўлиб қолмайди. Аксинча, илмий-назарий билимларни эгаллаш инсонни шарафлайди. Шу сабабли қадимий обидамиз “Авесто”да “Билим – кўзнинг чироғи,” деб уқтирилган.<sup>2</sup> Бунинг маъноси шуки, фақат билим воситасида инсоннинг кўзи очилиши, яъни мустақил фикр ва дунёқарашга эга бўлиши мумкин. Шу маънода мустақил фикрга ва дунёқарашга эга одам бирёклама, ғаразли ва зарарли фикрларни фарқлай олади. Бу “фикрга қарши фикр” тамойилининг мазмунидир.

**2. Ғояга қарши ғоя.** Инсон онгида унинг ўзи ва ўзгаларга манфаат келтирадиган тушунчалар таркиб топиши керак. Бирор шахс инсонда эзуликка нисбатан ёвузликнинг устувор бўлишини исботлаб беролган эмас. Аксинча, инсоннинг бегубор болалик даврини бошдан кечириши унинг онгида эзгулик устувор эканлигини кўрсатади. Шу маънода инсон онги ёвуз ва жоҳил ғоялардан химоя қилиниши керак. Жамиятимизда бу иш миллий ғоя асосида амалга

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. –Б.119.

<sup>2</sup> Изведать дороги и пути праведных. Пехлевские назидательные тексты. Под ред. О.М. Чунковой. –М.: Наука. 1991. –С.21.



оширилмоқда. Демак, миллий ғоя асосида инсон онгида эзгулик, адолат, ҳақиқат ва масъулият ғояларини шакллантириш билан уни ёвузлик, жаҳолат, нодонлик ва бефарқлик каби иллатлардан ҳимоя қилиш мумкин. Миллий ғояга эга инсон ёвуз ғояларни фарқлай олади, бу “ғояга қарши ғоя” тамойилининг мазмунидир.

**3. Жаҳолатга қарши маърифат.** Инсон бу дунёнинг сир-асрорларини ўзига етарли даражада англаши, ўзининг ким эканини билиши ва ҳаёт мазмунини тушуниши керак. Бугунги кунда бунинг ягона йўли профессионал шахс сифатида вояга етиш бўлиб қолди. Профессional шахс бўлиш учун ўз нафсини тия билиш, касб маҳоратини эгаллаш ва одам бўлиб яшаш кўникмасини ҳосил қилиш керак. Буларнинг барчаси бир сўз – **билмоқ** (маърифат) замирида жо бўлган. Шу маънода билган киши жаҳолат, нодонлик ва ёвузликка қўл уролмайди. Бу “жаҳолатга қарши маърифат” тамойилининг мазмунидир.

Зеро, Ислом Каримов маънавий таҳдидларни асосли Фикр, Ғоя ва Маърифат билан бартараф этиш масаласини илгари суради. Чунки Фикр, Ғоя ва Маърифат ҳар қандай шахсни, жамиятни ҳимоя қила олади. Шу сабабли Президент **маънавий қадриятлар** масаласига алоҳида диққатни қаратади. Унга кўра, маънавий қадриятларга таяниб миллий ўзликни сақлаб қолиш мумкин.<sup>1</sup> Негаки “бирон бир жамият маънавий имкониятларни, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қондаларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди”.<sup>2</sup> Воқеан, халқимиз маънавий ва ахлоқий қадриятларида ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий ифтихор, бағрикенглик каби хусусиятлар устувордир. Уларни изчил тарғиб қилиб бориш билан маънавий таҳдидларга ғоявий зарба бериш мумкин.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б.137.

<sup>2</sup> Шу жойда.

Чунки “Ўзбек халқи Рухининг тикланиши, миллат маънавий-ахлокий идеалларининг шаклланиши чуқур миллийлик билан умуминсонийлик чамбарчас боғлиқ бўлган ҳодисадир. Ўзбекистонда яшаётган халқлар ўзига хосликни йўқотмаган ҳолда, умумий рухиятга, хулқ-атвор фалсафасига эга бўлмоқдалар”.<sup>1</sup>

Президентимизнинг 2014 йилда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригида бугунги куннинг биз билган ва билмаган мураккабликлари яққол очиб, тушунтириб берилди. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарорида ҳам бу масалага алоҳида урғу берилиб, “бугун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали ва қалтис замонда, ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг қатта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек сақлаш, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжихатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо хушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга”лиги алоҳида уқтирилди. Маданий-маърифий тадбирларда ана шу масалани чуқур акс эттириш вазифаси юклатилди. Демак, мана шу замон ва шароит Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: “Адолат ва озодлик дастурингиз ва раҳбарингиз бўлсин. Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир”, – деган даъвати айнан ҳозир айтилишини такозо қилмоқда. Бу даъват бугун нафақат журналистларга, балки ҳар бир зиёлига, ҳар бир боғча тарбиячисига, мактаб, коллеж, институт, университетнинг профессор-ўқитувчисига, “Қамолот” етакчисига, маҳалла маслаҳатчисига, фаолига, интернет провайдерига, санъат-

<sup>1</sup> Шу манба . 143-бет.



корга, нуронийга, ҳар бир ота-онага – барча дахлдорларга қаратилган.

**Таянч атама ва иборалар:** таҳдид, ғоявий таҳдид, мафкуравий таҳдид, информацион таҳдид, “оммавий маданият”, маънавий таҳдид, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид савол ва топшириқлар**

1. Таҳдид, ғоявий таҳдид, мафкуравий таҳдид тушунчаларининг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг

2. Маънавий таҳдид деганда нимани тушунасиш?

3. Инсоннинг онги, дунёқараши ва ахлоқиға дахл қилувчи қандай таҳдидлар мавжуд?

4. Қандай сабаблар кўра маънавий таҳдидлар юзага келади?

5. Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат орқали маънавий таҳдидга қарши курашиш мумкинлигини тушунтириб беринг.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.

3. Каримов И.А. Юксақ маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.

5. Аббосхўжаев О., Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишувлар. – Т.: Akademiya, 2007.
6. Мухаммад Амин Яхё. Интернетдаги таҳдидлардан химоя. – Т.: Мовароуннахр, 2016.
7. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкурафий жараёнлар. – Т.: 2009.
8. Туленова Г. Ёшларда мафкуравий иммунитетни кучайтириш зарурати. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
9. Туленова Г. Маънавий етукликдан ижтимоий фаоллик сари. – Т.: Aloqachi, 2008.
10. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. –Т: Маънавият, 2008.
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. 3-жилд. – Т.: Фан. 2008.
12. Ғаниев А. Ғарб оламидаги ахлоқий муаммолар. – Т.: Ворис. 2007.

**20-мавзу: Ёт ва зарарли ғояларнинг кўринишлари,  
уларнинг олдини олишда миллий ғоянинг ўрни ва  
аҳамияти**

*1. Глобаллашув ва миллий ғоя.*

*2. Эгоцентризм, космополитизм, бузуқлик ва беҳаёлик-  
ни эркинлик ва демократия ниқоби остида тарқатиш.*

*3. Вайронкор ғояларга қарши барқарор мафкуравий  
иммунитетни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти.*

Глобаллашув жараёнининг муҳим хусусиятларидан бири кишилар онги ва калбини эгаллаш учун курашнинг кучайганидир. Муайян мамлакат ёки минтақада ҳукмронликни таъминлашга хизмат қилган ҳарбий юришлар, иқтисодий исканжа каби ҳаракатлар шакллари ўрнини эндиликда кўпроқ ижтимоий онги мафкуравий-маънавий жиҳатдан забт этиш мақсадида муайян бир жамият учун ёт ва зарарли ғояларни тарқатиш, уларни кишилар онгига сингдириш авж олмақда.

Бундай ғоялар бугунги кунда шунчаки кишиларни йўлдан урадиган ғоялар сифатида эмас, балки бутун бошли миллатлар, жамиятлар ва давлатлар ҳаётини издан чиқарувчи мафкуравий таҳдид сифатида намоён бўлмоқда.

Ана шундай кўринишдаги мафкуравий таҳдидлар ғаразли кучларнинг стратегик мақсадларидан келиб чиққан бўлиб, турли геосиёсий “ўйин”ларни уюштиришда кучли қурол бўлиб хизмат қилмоқда. Стратегик мақсадларни рўёбга чиқаришга йўналтирилган кучли инфраструктурага ва коммуникация воситаларига эга бўлган сиёсий марказларнинг ташкил топиши уларнинг кўлами кенгайишига замин яратмоқда. Айниқса, XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида, жумладан, постсовет маконида юзага келган мустақил давлатлар худудини ғоявий-мафкуравий “қайта тақсимлаш” сиёсати мафкуравий таҳдидларнинг ноқлассик йўналиши-

ларини вужудга келтирмоқда. Шунингдек, мафкуравий таҳдидлар гегемон давлатларнинг сиёсий корпорациясини шакллантириш билан характерланмоқда. Бу мафкуравий таҳдидларнинг ижтимоий илдизлари, сабабларини ўрганиш, таҳлил қилиш уларнинг ғоявий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа асослари ҳамда омиллари билан боғлиқ масалалар фалсафий тадқиқотларнинг энг муҳим ва устувор вазифаси эканини кўрсатади.

Эгоцентризм, космополитизм, бузуқлик ва зўравонлик ғояларини тарғиб қилиш, ахлоқсизлик ва беҳаёликни эркинлик ва демократия тамойиллари ниқоби остида тарқатишга уринишлар маънавиятга зиддир. Ғаразли кучлар томонидан уюштирилаётган бундай мафкуравий босимлар асосан аҳолининг ёшлар қатламига қаратилгани билан ажралиб туради. Айни пайтда, онги, дунёқараши, мустақил фуқаровий позицияси тўлиқ шаклланиб улгурмаган ёшларга нисбатан бундай муносабат нафақат конкрет миллат, жамиятнинг асрлар давомида шаклланган анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий асослари ва илдизларига, балки, инсоният истиқболига қаратилган таҳдид сифатида намоён бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, “оммавий маданият” эскаляциясини мафкуравий таҳдидларнинг янги йўналиши сифатида баҳолаш мумкин. Бу ўз навбатида “оммавий маданият” хавфини бартараф қилиш мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишда устувор аҳамиятга эгаллигини кўрсатади. Бундай таҳдидларнинг хатарли жиҳати “намуна”, “эталон” сифатида тақдим этилаётган хулқ нормаларини тарғиб қилишга қаратилган “асарлар” уларнинг ижодкорлари ва хомийларига улкан моддий манфаат келтираётгани ва тўпланаётган маблағлар оммавий маданият кўринишидаги бузғунчиликнинг янги шакллари юзага келтириши билан ҳам белгиланади.

Глобаллашув шароитида зарарли мафкуравий таъсирларга қарши кураш миллий ғоянинг бунёдкор мазмун-

моҳиятини кишиларимиз, айниқса, ёшларимиз орасида мақсадга мувофиқ тарзда тарғиб ва ташвиқ этишни такозо этади. Зеро, ўтмишимиз ва келажагимиз учун кудрат бағишлайдиган миллий ифтихор туйғуси билан биз янги авлодларни тарбиялашимиз, ўз миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлаб боришимиз лозим. Бу жараёнда миллий ва умуминсоний кадриятларни ёш авлодга етказишнинг инфраструктураси ва технологиясини такомиллаштириш масаласи зарарли ва ёғ ғояларни, мафкуравий таҳдидларни бартараф қилишнинг муҳим омили эканини ҳаётий тажрибанинг ўзи исботламоқда.

Бугунги кунда ён атрофимизда содир бўлаётган воқеаларни таҳлил қилар эканмиз, жаҳолатга қарши маърифат билан курашни энг оқилона тамойил эканини кўришимиз мумкин. Айниқса, таълим ва тарбияда кизиқувчанлиги, ташаббускорлиги, фаоллиги, билимдонлиги билан бошқаларга ўрناк бўлаётган ёшлар зарарли таҳдидларнинг таъсирига қарши мафкуравий иммунитетни намоён қилмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, ёшларда маърифатга бўлган иштиёкни кучайтириш, таълим олишларини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги оила, маҳалла ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш даврнинг муҳим талабларидан бири ҳисобланади. Зеро, мафкуравий таҳдидларга қарши курашнинг институтчионал тизимини ташкил қилган структуравий элементлар интеграцияси муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир структуравий элементларнинг функционал йўналишларини конкретлаштириш, объектга дифференциал ёндашиш тамойили асосида педагогик-дидактик фаолиятини ташкиллаштириш ва бошқариш кўзланган мақсадларга эришишга мустаҳкам замин яратади.

**Умуман олганда, ҳозирги даврда мафкуравий таҳдидлар намоён бўлишнинг хусусиятлари таҳлили қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:**

Биринчидан, мафкуравий таҳдидлар моҳият эътибори билан шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат ва жамиятнинг эркинлиги, барқарор тараққиётига қарши қаратилган бўлиб, ғаразли сиёсий ва геосиёсий манфаатларнинг инъикоси ҳисобланади. Вайронкор характерга эга бўлган бундай таҳдидлар субъект онги ва қалбига йўналтирилганлиги, мазмун ва шакл жиҳатидан хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Иккинчидан, мафкуравий таҳдидлар глобал характер касб этмоқда. Бу бир томондан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ана шундай таҳдидлар остида қолаётгани, иккинчи томондан, стратегик мақсадларни, тактик вазифаларни амалга оширадиган ва пухта ишлаб чиқилган халқаро институционал тизим шаклланаётганида ҳам яққол кўринади.

Учинчидан, мафкуравий таҳдидларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш юксак маънавиятни шакллантириш, ғоявий-мафкуравий жараёнлар моҳиятига кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиш зарурлигини кўрсатади. Бу объектив воқеликка айланган глобал мафкуравий таҳдидларнинг ижтимоий жараёнлар субъектига қарши қаратилгани ва уларнинг олдини олиш шу субъектларнинг фаоллигини оширишининг, содир бўлаётган жараёнларга дахлдорлик ва актив ақс муносабатини шакллантиришининг ҳаётий-амалий аҳамиятга эгаллиги билан белгиланади.

Тўртинчидан, миллий мафқуранинг моҳиятини ифодаловчи ғоялар жамиятдаги барча ижтимоий қатламлар, демографик гуруҳлар манфаатини ақс эттиради. Шундан келиб чиққан ҳолда, уларнинг тўғри англаниши, чуқур ўзлаштирилиши ва фаолият мотивига айланиши дифференциал ёндашувни тақозо қилади ва ғоявий тарғибот-ташвиқотнинг самарадорлигини белгилайди.

Бешинчидан, ёшлар ўзига хос эҳтиёж ва манфаатлар, кизиқиш ва интилишларга эга ижтимоий қатлам ҳисобланади. Мамлакатнинг истиқболи уларнинг маънавий етуқлиги ва камолотига боғлиқ экан, бу уларни бунёдкор

ғоялар билан бир қаторда вайронкор мафкураларнинг моҳияти, келтириб чиқарадиган таҳдидлари, уларнинг олдини олиш йўллари, воситалари ва механизмларини ўз ичига олган ғоявий дастурлар билан куроллантириш давлатнинг ёшларга доир сиёсатининг устувор стратегик вазифасига айланиши зарурлигини кўрсатади.

Олтинчидан, ёшларнинг мустақил дунёқарашини, юксак маънавиятини шакллантириш уларда вайронкор ғояларга қарши барқарор мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти, соғлом оилавий муҳит эса камол топаётган ёш авлод онги ва қалбига эзгу ғоялар, миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдиришнинг муҳим институционал асосидир.

Еттинчидан, мафкуравий таҳдидлар аниқ макон ва замон характеристикасига эга. Бу ғоявий курашда маҳалла ва оила институти ҳамда таълим-тарбия тизимининг имкониятларидан оқилона фойдаланиш зарурлигини кўрсатади. Маҳалла ғоявий тарғибот-ташвиқотни конкрет шароит ва вазиятдан, аҳолининг ижтимоий аҳволдан, таълим тизими ёшларнинг билим, кўникма ва малакасига ҳос хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш, халқимизга ҳос жамоавийлик ва жамоавий таъсир кўрсатиш механизмларидан фойдаланиш учун замин яратади.

**Таянч атама ва иборалар:** глобаллашув, эгоцентризм, космополитизм, бузуқлик, беҳаёликни, эркинлик ва демократия.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар**

1. Глобаллашув ва унга бўлган қарашлар ҳақида нима биласиз?
2. Эркинлик ва демократия ниқоби остида ёшлар онгига қандай салбий иллатлар тарқатилмоқда?
3. Мафкуравий таҳдидлар қандай хусусиятларда намоён бўлмоқда?

4. Вайронкор ғояларга қарши курашда қандай усул ва воситалар самарали натижа беради?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъул-миз. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
4. Аббосхўжаев О., Умарова Н., Кўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишувлар. – Т.: Akademiya, 2007.
5. Муҳаммад Амин Яҳё. Интернетдаги таҳдидлардан химоя. – Т.: Мовароуннаҳр, 2016.
6. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкурафий жараёнлар. – Т.: 2009.
7. Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. – Т.: Академия, 2008.
8. Туленова Г. Ёшларда мафкуравий иммунитетни кучайтириш зарурати. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
9. Туленова Г. Маънавий етукликдан ижтимоий фаоллик сари. – Т.: Aloqachi, 2008.
10. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2008.
11. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2005.
12. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. 3-жилд. – Т.: Фан. 2008.
13. Ғаниев А. Ғарб оламидаги ахлоқий муаммолар. – Т.: Ворис, 2007.



## **21-мавзу: “Оммавий маданият”нинг миллий ғояга зидлиги, унинг олдини олиш шарт-шароитлари, омиллари**

- 1. “Оммавий маданият”нинг миллий ғояга зидлиги.*
- 2. Ғарзли мақсадларни кўзлаган кучлар учун таъсирчан восита.*
- 3. “Оммавий маданият” ёшлар маданий онгининг тўғри шаклланишига салбий таъсир кўрсатади.*

Бугунги кунда глобаллашув таъсирида маънавий эҳтиёжларни қондиришда ҳам стандартлашув қарор топа бошлади. Бу жараён бутун рок ва поп мусиқа, видео ҳамда турли жанрлардаги арзон-ғаров фильмлар, сериаллар, ранг-баранг кўнгилочар шоу-томошалар, ўйинларни қамраб олмоқда. Оммавий маданият никобидаги аксилмаданият пайдо бўлиб, тобора кенг ёйилиб бормоқда.

Президентимиз бу борада катта ташвиш билан огоҳлантириши бежиз эмас: “Табиийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқ ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик ортириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўноришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди<sup>1</sup>.

Ушбу фикрдан келиб чиқадиган хулоса шуки, оммавий маданиятни ниқоб қилиб олиб бузуқлик ва зўравонлик сингари инсон шахсини руҳан емирадиган ғояларни тарғиб этадиган асарларнинг ҳақиқий маданиятга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Маълумки, маданият “Элита маданият” хос маданият ва оммавий маданиятга бўлинади. Ўтмишда оммавий маданият халқ бахшилари куйлайдиган дostonлар, сайлларда, тўйларда

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т., Маънавият, 2008. –Б.117.

оммага кўрсатиладиган томошалар – дорбозлик, аскиябозлик ва масхарабозлик, халқ ашулалари каби кўринишларда мавжуд бўлган. Шу боис у ўзининг халқчиллиги, эзгулик ва инсонпарварлик руҳи билан ажралиб турган. Лекин бугун унга оммавий маданиятнинг таркибий қисми эмас, балки фольклор ёки анъанавий халқ маданияти деб қаралмоқда. Фарбда уни кундалик ҳаётдан этнографик музейлар ёки аҳён-аҳёнда ўтказиладиган халқ сайллари ва фестиваллари томон сикиб чиқаришга уриниш кучли. Замонавий оммавий маданият эса XX-XXI асрлар цивилизацияси маҳсули ўлароқ, стандартлашган истеъмол маҳсулотлари ва “эркин” хулқ-атвор намуналари йиғиндиси сифатида тор мазмунда тушунилаётир.

XX асрда маиший техниканинг ривожланиши оммавий маданият шакллари бийитди. Дастлаб потефон ва грампластинкалар, магнитофонлар, ихтисослашган эстрада жанрлари, ансамбллари сингари янгиликлар пайдо бўлди.

Кейинчалик турмуш фаровонлиги ўсиши билан истеъмолчилик психологиясининг янада кучайиши адабиётда кўнгилочар, мазмунан саёз саргузашт ва детектив асарларнинг “эркин муҳаббат” мавзуидаги китоблар, кино ва телевидениеда “бемаза опера” деб аталмиш сериаллар, турли аудио ва видео дисклар, шоу тадбирларнинг, уларни оммавий тарзда ишлаб чиқарадиган индустриянинг вужудга келишига сабаб бўлди. Табиийки бундай “маҳсулотлар”да халқчиллик, миллийлик ниҳоятда заиф, улар фақат декорация ва маҳаллий колорит сифатидагина қўлланади. Лекин, афсуски, қаттиқ рақобат шароитида баъзи корчалонлар мўмай даромад илинжида инсонда тубан хирсларни қўзғайдиган мавзуларни кўпайтириб, аста-секин замонавий аксилмаданиятни яратди.

Оммавий маданиятни ниқоб қилиб олган аксилмаданиятга, унинг дидсизлиги ва ахлоқсизлигига, инсонни ҳақоратловчи, тубанлаштирувчи маҳсулотларга қарши курашини керак.

“Оммавий маданият”нинг жозибаси нимада? Нега унга интилиш кучли? Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳатто бир халққа мансуб ёшлар ҳам, улар ҳар хил ижтимоий қатламдан бўлишига қарамай, “оммавий маданият”га бирдай мойиллик кўрсатади. Бу ҳолат биринчи навбатда урбанизация ва глобаллашув шароитида турли халқлар турмуш тарзининг, ҳаётий қараш ва мезонларининг яқинлашуви, ҳордиқ ва истеъмолнинг стандартлашуви оқибатидир.

Бунинг яна бир сабаби, оммавий маданият сари интилишга инсон зотиغا хос бўлган азалий иштиёқлар, унинг шуурида асрлар оша яшаб келаётган табиий-ижтимоий тенглик майллари, шунингдек, жамоавийлик психологияси билан боғлиқ архитеплар ҳам сабаб бўлади. Улар миллати, тили, дини ва маданиятидан қатъий назар, барча одамларнинг ижобий ёки салбий нарсаларга инстинктив интилишини маълум даражада белгилайди.

Оммавий маданиятга шаклан ва мазмунан оддийликнинг хослиги гўёки унга эгалитар (тенглик, текисчилик) ва демократик тус берганидек бўлади. Масалан, классик услубда кийиниш (костюм ва галастук) ўрнига жинси ва футболка ёки свитир ва красовка кийиш бамисоли камтарлик, либераллик ифодаси бўлиб кўринади. Бундай ҳолат тимсолида гўёки адолатли тенглик (эгалитаризм) намоён бўлади.

Булар оммавий маданиятнинг тарқалишига таъсир кўрсатган психологик сабабдир.

Оммавий маданият тарқалишининг асосий ижтимоий сабаби эса Ғарбдаги анъанавий кадрят ва маънавиятнинг инқироз сари юз тутишидир.

XX асрда содир бўлган жаҳон урушлари ғарб кадрятлари тизимида парокандаликни кучайтирди. Шу тариқа икки-юзламушчиликка асосланган ғарб ахлоқий меъёрлари ҳам ёш авлодни қаноатлантирмай қўйди. Улар “сексуал инқилоб”, турмуш ҳамда мулоқот эркинлиги ва шу каби бошқа

хуқуқларни талаб қилиб чиқди. Натижада, ўтган асрнинг 60-йиллари иккинчи ярмида Ғарб давлатларида ёшларнинг оммавий норозиликлари юз бера бошлади. Ғарбда ахлоқий қадриятлар маълум даражада қайта баҳоланди. Беҳаёликни очиқ тасвирлайдиган санъат асарларига нисбатан тақиқлар анча юмшади.

Бундай ўзгаришлар натижасида Германия ва Италия каби давлатларда ёшларнинг “қизил бригадалари” деб аталмиш террорчилик тўдалари, Ғарбнинг деярли барча мамлакатларида ўзларини “Хиппи” деб атайдиган гуруҳлар пайдо бўлди. Хиппилар очиқчасига анъанавий одоб-ахлоқ қоидаларини инкор қилиб, эркин жинсий алоқаларни ёқлаб чиқди. Улар яхши кийинишни, айниқса, безакларни, шунингдек, оилавий турмуш қоидаларини шахснинг табиий интилишини чеклайдиган иккиюзламачи буржуа ахлоқининг сарқитлари, деб эълон қилди.

70-йилларнинг иккинчи ярми ва 80-йилларда хиппилар ўрнида “панк”лар ҳаракати пайдо бўлди. Панклар-аксилмаданият руҳида тарбия кўрган ёшларнинг люмпен тубанлашган қатламидир. Улар аксилмаданиятнинг асосий таянчи, истеъмолчиси ва тарғиботчисига айланди. Тан олиш керакки, қисқа муддат давом этган хиппи ва панклар ҳаракати оммавий тус олмади. Аммо 60-70 – йиллардаги ёшлар ҳаракати Ғарб дунёсида жамиятнинг маданий ҳаётида сезиларли салбий из қолдирди, аксилмаданиятни қонунийлаштирди, оммавий маданиятнинг саёзлашувига катта ҳисса қўшди.

Оммавий маданиятнинг тарқалиши сабаблари орасида баъзи ижтимоий қатламларнинг ривожланмаган дидига мазмунан саёз, сийқа ва жўн маҳсулотларнинг мос келиши мавжудлигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Оммавий маданиятнинг тарқалишига туртки бўлган яна бир сабаб шундаки, у баъзи жиҳатлари билан компенсаторлик вазифасини бажаради, одамларни турмуш муаммоларидан, турли қийинчиликлардан, шахсий номукамаллик

туйгусидан вақтинчалик халос қилади. Одамлар хаёлан ўзларини эрмак телесериаллар қахрамонига ўхшатади, тўқис ҳаётга реал дунёда етиша олмаган киши фильмлар ва сериаллар орқали виртуал (хаёлан) тарзда фаровонликдан, гўзал турмушдан гўёки бахраманд бўлади. Оммавий маданиятнинг айнан шундай компенсаторлик хусусияти уни авомга жозибатор қилиб кўрсатади. Бундай асарлар оддий одамга хуш кайфият бағишласа, унинг компьютер ўйинлари каби энг замонавий шакллари кишини мониторга, аниқроғи ундаги ўйинга руҳан тобе қилиб қўймоқда.

Ўтмишда компенсаторлик вазифасини диний панднасихатлар бажарган бўлса, эндиликда оммавий маданият бажармоқда.

“Оммавий маданият” миллий ғояга зид ҳолатда – ахлоқсизликнинг тарғиботи билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлмоқда. Янги ҳаёт асослари барпо этилаётган бизнинг юртимизда бу муаммо алоҳида аҳамиятга эга. Чунки собиқ тузум барбод бўлиши оқибатида вужудга келган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, моҳиятини маънавий ва ахлоқий тубанлик ташкил этган “оммавий маданият” миллий маданиятимизга жиддий хавф солмоқда.

Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик саркити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараккиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмақда”<sup>1</sup>.

“Миллий истиқлол ғояси” дарслиги муаллифлари талабалар тушунадиган даражада содда мисоллар билан ушбу жараённи ёритиб берганлар: “Шундай ғоялар борки, улар очик чехра билан эшигимизни тақиллатиб кириб келади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.116-117.

Шундай ғоялар ҳам борки, улар “ўғри” каби туйнук кидиради. Эшик қоқиб келаётган ғоялар миллий маънавиятни бойитишга, ривожлантиришга хизмат қилади. Бу умуминсоний эзгу ғоялардир”<sup>1</sup>.

Албатта, миллий маънавиятлар ўзаро таъсир жараёнида ривожланади. Ҳар қандай халқ маънавияти ривожига назар ташланса, унинг бошқа халқлар удум ва анъаналарини қанчалик ўзлаштириб ва ривожлантириб борганини кўриш мумкин.

Умуман олганда, глобаллашув туфайли пайдо бўлган қулайликлар ғаразли мақсадларни кўзлаган кучлар учун таъсирчан восита сифатида чиқмоқда. Бундай воситалардан улар иқтисодий салоҳият, техника ва технология соҳасидаги илғорликдан сўнг, маънавий соҳада ҳам устунликни қўлга киритиш ҳамда ўз фалсафаси, ижтимоий таракқиёт меъёр ва мезонларини сунъий равишда “жаҳон стандарти” даражасига кўтариш йўлида кенг фойдаланмоқда.

Албатта, бундай йўл тутишдан мафкуравий, сиёсий соҳаларда гегемонлик илинжида бўлган айрим кучлар манфаатдор эмас. Шунинг учун улар маънавиятни пасайтириш, маънавий таназзулга олиб борадиган усуллардан фойдаланишни кўзлайдилар. Бугунги кунда ғоявий рақибларимиз томонидан “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқсизликни - “шахс эркинлиги”, беҳаёликни - “демократия тантанаси” деб, тарғиб этмоқдалар. Ўзлигини, маънавияти ва миллий ғурурини сақлаб қолишга бўлган табиий интилишлар эса эскиликка қайтиш, озодликни бўғиш, демократия тақчиллиги сифатида талқин қилинади.

“Биз юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим ... Четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият”

<sup>1</sup> Миллий истиқлол ғояси. – Тошкент: Академия, 2005. – Б.84.

ёспирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак”<sup>1</sup>. Демак, “оммавий маданият” асосини маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатлари ташкил қилади.

Бу маънавий ва ахлоқий иллатнинг бир қатор кўринишлари мавжуд. Юртимизга унинг қуйидаги шакл ва кўринишлари учрамоқда:

1. Ахлоқий бузуклик. Жамоат жойларида ўпишиш, шаҳвоний фильмлар кўриш каби иллатлар пайдо бўлмоқда.

2. Зўравонлик. Зўравонликни тарғиб қилувчи фильмлар, компьютер ўйинларига одатланиб қолиш.

3. Индивидуализм. „Ўзим бўлсам бўлди, ўзга билан нима ишим бор” деган “принцип”нинг таркиб топиши.

4. Эгоцентризм. Барча нарсага шахсий манфаат нуқтаи назардан ёндошиш ва ҳ.к.

„Оммавий маданият” ёшларнинг маданий онгининг тўғри шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Уларни худбин ва худкуш қилиб вояга етказди. Шу маънода „айрим ёш ижрочи ва ижодий гуруҳларнинг жамоатчилик эътиборига тақдим этаётган „асар”лари санъатнинг ҳеч қандай талаб ва мезонларига жавоб бермайди. Нафақат мавзу, мусиқа ва ижро усуллари, балки сахна ҳаркатларида ҳам очикдан-очик ажнабий „оммавий маданият” кўринишларига тақлид қилиш, „юлдузлик” касалига чалиниш ҳолатлари тез-тез учраб тураётган чинакам санъат мухлисларини ранжитмасдан қолмайди”<sup>2</sup>. Бундай салбий ҳолатлар ёшлар маданий онгининг нотўғри шаклланишига олиб келади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, „бизнинг миллий мутлақо тўғри келмайдиган клишлар, турли тиллардаги сўзларни қориштириб ёки талаффузни атайлаб бузиб айтиш каби номуносиб ҳаракатларни айрим ёш ижрочилар ўзи учун қандайдир янгича услуб деб билаётгани санъатни, унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунмасликдан бошқа нарса эмас”.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: 2008. –Б.117

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: 2008. –Б.142

Зеро, “оммавий маданият”нинг реал зарарли оқибатларини куйидагича тасаввур қилиш мумкин:

1. Шахс маданий онгини нотўғри шакллантиради.
2. Миллий маданиятни бузади.
3. Умуминсоний маданий қадриятларни шубҳа остида қолдиради.

**“Оммавий маданият”ни олдини олиш йўллари.**

“Оммавий маданият” таҳдидининг олдини олиш учун миллий ғояга асосланиш муҳим аҳамиятга эга. Бундан айниқса мазкур ғоямизнинг Комил Инсон бўлиш тамойилига суяниш қутилган самарани беради. Шу маънода „Оммавий маданият”нинг зарарли таъсирларидан фарзандларимизнинг онгу тафаккурини ҳимоя қилишда илму-фан ва маданият, ижод аҳлининг ўрни катта”<sup>1</sup>. Бу борада айниқса қўшиқчилик санъати вакилларининг ўрни бекиёсдир. Санъаткорларимиз куйидагиларга эътибор беришлари керак:

1. Қўшиқларда Ватан, Меҳнат ва пок инсоний туйғуларни куйлаш.
2. Клипларни менталитетимиз ва одоб-ахлоқ қоидаларига мос равишда ишлаш.
3. Мусиқада миллий оҳанг ва оригиналликка диққат қилиш.

Негаки “биз учун ахлоқий жиҳатдан номаълум, миллий қадрият ва қарашларимизга ёт бўлган, лекин ҳозирги вақтда ҳаётимизга кириб келаётган „оммавий маданият” кўринишларини бамисоли юқумли касаллик деб қабул қилишимиз лозим. Айни шу асосда бундай хуружларнинг ўта хавфли ҳолат эканини англашимиз зарур”.<sup>2</sup>

Сирасини айтганда, мураккаб мафкуравий жараёнлар, маънавий таҳдидларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш учун уларнинг устувор йўналишларини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: 2008. – Б.133

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: 2008. – Б.143.



таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғояларнинг моҳиятини очиқ бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш каби алоҳида аҳамиятга эга вазифаларни самарали бажариш объектив заруриятдир.

**Таянч атама ва иборалар:** маданият, элита маданияти, омма маданияти, “Қизил бригада”, “Хиппи”, “Панклар”, “оммавий маданият”, ахлокий бузуклик, зўравонлик, худбинлик.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид савол ва топшириқлар**

1. Оммавий маданият”ни юзага келиш сабабларини тушунтириб беринг.

2. Оммавий маданият таъсирида юзага келаётган миллий ғояга зид қандай ижтимоий иллатларни биласиз?

3. Ғаразли мақсадларни кўзлаган кучлар қандай воситалардан фойдаланмоқда?

4. Ёшларни “Оммавий маданият” таъсиридан ҳимоя қилишнинг қандай усул ва воситаларини биласиз?

5. “Оммавий маданият” ёшларнинг маданий онгининг тўғри шаклланишига қандай салбий таъсир кўрсатади?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд, – Т.: Ўзбекистон, 2001.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

4. Мухаммад Амин Яхё. Интернетдаги тахдидлардан химоя. – Т.: Мовароуннахр, 2016.
5. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкурафий жараёнлар. – Т.: Мухаррир, 2009.
6. Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. – Т.: Академия, 2008.
7. Туленова Г. Ёшларда мафкуравий иммунитетни кучайтириш зарурати. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
8. Туленова Г. Маънавий стукликдан ижтимоий фаоллик сари. – Т.: Aloqachi, 2008.
9. Ганиев А. Гарб оламидаги ахлокий муаммолар. – Т.: Ворис. 2007.
10. Тожиева Г. Ҳозирги ўзбек тилида маънавий-маърифий янгиланишларнинг ифодаланиши. – Т.: Академнашр, 2015.

## 22-мавзу: Ўзбекистондаги мафкуравий жараёнлар ва миллий ғояга эҳтиёж

*1. Марказий Осиё минтақасида юзага келган мафкуравий жараёнлар ва уларнинг Ўзбекистонга таъсири*

*2. Муайян мақсадларни амалга оширишда миллий ғоя ва мафкуранинг ўрни.*

*3. Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари.*

XX асрнинг охирида собиқ иттифоқнинг парчаланиши, унинг ҳукмрон мафкурасининг барбод бўлиши ва республикаларнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши минтақамизда нафақат ижтимоий-сиёсий жиҳатдан, балки янги мафкуравий вазиятни ҳам вужудга келтиради. Ушбу вазиятнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, собиқ шўролар ҳукмронлиги шароитида коммунистик мафкура, минтақа халқлари азалдан қон-қардош бўлишларига қарамасдан, уларни зўрма-зўраки “бирлаштириб” турган эди. У минтақа халқлари онгига зўравонлик билан “СССР – ягона Ватан” ва Совет халқи – янги тарихий “бирлик” деган тушунчаларни сингдиришга зўр бериб уринар эди. Минтақа халқлари бундан қанчалик норози бўлмасин, ўзларининг тарихий ва маънавий яқинлигига интилмасин, аммо бу интилишларга нисбатан мафкуравий тазйик бениҳоя кучли эди.

Минтақадаги собиқ иттифоқдош республикалар ўзларининг мустақиллигини қўлга киритиши билан бу мафкура барбод бўлди. Уларнинг ҳар бири олдидан ўзларининг ички ҳаёти ва истиқлолини мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлаш ва ўзлари учун мақбул бўлган тараққиёт йўлини белгилаб олишдек жуда мураккаб вазифалар юзага келди. Бу жараённинг минтақа мамлакатларининг ўзаро муносабатларини уйғунлаштириб туришга хизмат қиладиган маънавий-

мафкуравий омиллар шаклланишига таъсир ўтказиши табиийдир.

**Иккинчидан**, минтақадаги мамлакатлар ўз мустақиллигини қўлга киритган бўлишига қарамасдан, 1991 йил ўрталаригача собиқ марказ ҳали ўз ҳукмронлигини қайтадан тиклашга мойил эди. Шунинг учун ҳам, у минтақа мамлакатларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш, миллатлараро зиддиятларни келтириб чиқариш каби сиёсатни давом эттирди. Бу, ўз навбатида, ўша даврда, маълум даражада, минтақа халқларининг ўзаро муносабатларига ҳам муайян таъсир кўрсатди.

**Учинчидан**, мустақилликни қўлга киритган минтақамиз мамлакатларини ўз таъсир доирасига ўтказиш учун яна бошқа бир қатор мамлакатлар ҳам ҳаракатни бошлаб юбордилар. Уларнинг кўпчилиги ташқаридан бегараз ёрдам кўрсатаётгандай бўлиб кўринсалар-да, аслида, ҳар бир кўрсатаётган “ёрдамлари” эвазига минтақада ўз мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилдилар. Аслида, бундай ҳаракатларнинг бўлиши табиий ҳолдек кўринади. Аммо уларда ҳам минтақа давлатлари ва халқларини бир-бирига қарама-қарши қўйишга интилишлар йўқ эмас. Демак, ана шу интилишлар ҳам минтақа мамлакатларининг мустақиллик шароитида юзага келган муаммоларни ўзаро яқдиллик билан ҳал қилишга хизмат қиладиган умумий омилнинг юзага келишига ўзининг таъсирини ўтказди.

**Тўртинчидан**, минтақада юзага келган муаммоларни ҳал этишга хизмат қилувчи янги маънавий-мафкуравий муҳитни шакллантириш эҳтиёжи ҳам ошиб борди. Бу борада узоқ вақт мустамлака сифатида яшаган республикалар, зўравонлик билан ўтказиб келинган умумий тамойиллардан воз кечиб, ўзига хос тараққиёт йўлига ўтиб олдилар. Бу жараёнда Афғонистонда уруш алангаси ўчмагани фақат бизнинг мамлакатимиз учунгина эмас, балки бутун минтақадаги барча мамлакатлар учун ҳам катта хавф-хатарни вужудга келтирди.

**Бешинчидан,** Ўзбекистон ўзининг иқтисодий салоҳияти, хом-ашё ресурсларга бойлиги, ишчи кучи ва демократик имкониятлари, кўп жihatдан геополитик жойлашувига кўра ҳам, минтақада етакчи ўринда турганлиги билан ажралиб туради. Бинобарин Ўзбекистонга нисбатан бўладиган ҳар қандай хавф-хатар, албатта, бутун минтақага таъсир қилади. Шу маънода ҳам турли сиёсий кучлар ва ҳаракатлар Афғонистондаги уруш оловини кучайтириш ва минтақадаги вазиятни мураккаблаштириш ҳамда минтақа давлатларини унга жалб қилишнинг турли йўллари ва услубларини ишга солди. Аслида, бу уринишларга минтақа мамлакатлари ва халқлари ўртасида мавжуд бўлган азалий дўстликка путур етказишга қаратилган мафкуравий ҳаракатлар деб баҳо бериши мумкин.

Инсоният цивилизациясининг ривожланиш тарихи, айниқса, ҳар жihatдан бир-бирига боғлиқ бўлиб қолган ҳозирги дунё воқелиги шундан далолат бериб турибдики, алоҳида олинган бир давлатдаги ҳеч бир можаро узоқ вақт давомида миллий чегаралар доирасида қолиб кетмайди. Бир қанча сабабларга кўра бундай можаро назорат қилиб бўлмайдиган даражада ёйилиб кетиши муқаррар. Бу эса эртами-кечми кўшни давлатлар олдига барча салбий оқибатлари билан бирга қатор муаммоларни кўндаланг қилиб кўяди. Ҳагто минтақадаги вазиятни беқарорлаштириш даражасига бориб етади. Шу нуқтаи назардан қараганда, можаронинг яширин ва ошқора тарзда байналмилаллашуви тангликни чуқурлаштиради. Чунки турли мақсадларни кўзлайдиган ва танглик мавжуд бўлган ҳудудда ўз манфаатларини таъминлашга интиладиган ташқи кучлар ҳамма вақт шай туради.

Марказий Осиё мамлакатлари ўз мустақиллигини қўлга киритиб, тараққиёт сари кадам ташлаган шароитда жаҳондаги маълум бир сиёсий кучлар, мафкуравий полигонлар улкан иқтисодий салоҳият ва қўлай геополитик мавқега эга бўлган бу

минтақани ўз манфаатлари доирасига тортиш ҳаракатларидан тўхтагани йўқ. Улар ўз мақсадларига эришиш учун таъсир ва босим ўтказишнинг барча шаклларини қўлламоқдалар. Жумладан, Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро муносабатлари жараёнига тўсқинлик қилиш, уларда турли сабабларга кўра (масалан, трансчегаравий дарёлар туфайли) бир-бирларидан норозилик кайфиятини уйғотиш каби мафкуравий таъсир ўтказиш ҳолатлари содир бўлаётганлигини таъкидлаш мумкин. Бу мақсадда минтақада тарихан шаклланган ижтимоий-иқтисодий, маданий, маърифий алоқаларни издан чиқариш, дўст ва биродар давлатлар, халқлар ва миллатлар ўртасига низо солиш, кескинлик ўчоқларини келтириб чиқариш учун турли ғоявий, диний ва мафкуравий воситалар ишга солинмоқда. Айниқса, халқларимиз дунёқараши ва маънавиятида ислом динининг мустаҳкам ўрин эгаллаганидан фойдаланиб, уларга исломий “сабоқ” бериш, исломни қайта тиклаш байроғи остида минтақада диний экстремизм ва фундаментализмни кенг тарқатиш борасида олиб борилаётган кўпуровчилик ҳаракатлари содир этилмоқда.

Диний экстремизм ва фундаментализмнинг минтақамиз, хусусан, мамлакатимиз тараққиётига хавф туғдираётганини Президентимиз теран англаб, бу қандай даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан ҳаммамизни огоҳ қилган эди. Тошкентда февраль фожеалари содир этилмасдан икки йил олдин Президент Исом Каримов ўзининг Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли фундаментал асарида шундай ёзган эди: “Кўплаб сиёсатчилар, олимлар, журналистлар XX аср охирида юз берган “Исом уйғониши”, “қайта исломланиш”, “ислом феномени” ва бошқа турли-туман номлар билан аталган ҳодисанинг сабабларини тушунтириб беришга ҳаракат қилдилар. Бу тушунчалар ҳақида мунозарага киришмаган

холда, эътиборни жаҳон ҳамжамияти ҳаётида ислом қадриятларини тиклаш байроғи остида рўй бераётган ҳодисалар ғоят хилма-хил, кўп қиррали, баъзан зиддиятли ва ҳагто қарама-қарши қутбли эканига қаратмоқчиман. Шу билан бирга аниқ-равшанки, жаҳон жамоатчилиги бу жараёнларга жуда катта қизиқиш билан қарабгина қолмаяпти. Унинг диний экстремизм ва фундаментализм каби кескин ҳодисалар муносабати билан безовталанаётгани, баъзан эса, ҳагто хавфсираётгани ҳам кўзга ташланмоқда. Афсуски, ҳозирги замон шароитида ана шу ўта кескин кўринишлар жиддий можароларни, зиддиятларни келтириб чиқариши, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлигини инсониятни чўчитяпти. Шундан дарак берувчи фикрлар анча-мунча тўпланиб қолган. Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги нуқтаи назардан қараганда, бу ҳодисалар бизда ҳам жиддий таъвиш туғдирмоқда”<sup>1</sup>. Бу фикр ҳақиқат бўлиб чиқди. Экстремистлар 1999 йилнинг 16 феввалида ўзларининг қора ниятларига эришиш мақсадида Тошкентда кўпоровчиликни амалга оширдилар. Бу кўпоровчилик ҳаракатлари орқасида катта кучлар борлиги аён бўлиб, уларнинг мақсади, – Президентимиз таъкидлаганидек, – халқимизнинг тинчлигини бузиш, кўрқитиш, юрагига ваҳима солиш, юритаётган сиёсатимизга ишончни сўндириш, амалга ошираётган улкан ишларга зарба беришдан иборат эди.

Хўш, нима учун бу фожеалар Ўзбекистонда содир этилди, унинг Марказий Осиёдаги бошқа давлатларга таъсири бўлиши мумкинми? Унинг Тошкентда содир этилишига асосий сабаб шуки, юртимизда олиб борилаётган сиёсатнинг ютуқлари жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда. Нисбатан қисқа давр ичида Ўзбекистон

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққёт қафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б.34.

ижтимоий-сиёсий жиҳатдан барқарор, умуминсоний кадриятлар устувор бўлган, маънавий меросни ва диний кадриятларни тиклаб, инсон ҳуқуқларини устувор соҳа даражасига кўтара олган мамлакатдир. Халқининг Президентга, давлатга ишончи ниҳоятда мустаҳкам бўлган Ўзбекистон Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш ва минтақа давлатларининг ўзаро интеграциялашуви жараёнида етакчилик қилмоқда. Худди мана шу ўта катта аҳамиятга эга бўлган омиллар, асосланган истиқболдаги ютуқлар халқимиз ва малакатимиз тараққиётининг душманларини ваҳимага солмоқда.

Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликнинг нақадар зарурлиги, умуминтақавий мафкуравий тамойилларга эҳтиёж Ўзбекистоннинг бу жараёндаги ўрни ва роли нақадар катта эканлиги яқинда Қирғизистонда, унинг жанубида, Ўш ва Жалолобод ҳудудларида рўй берган можаролар мисолида янада яққол намоён бўлди. Турли муаммолар ва можаролар исканжасига тушган бу жойлардан ҳаёти хавф остида қолган 150 мингдан ортиқ қочоқлар мамлакатимиздан ўз юрғларига қайтиб кетганларига қадар бошпана топдилар. Марказий Осиёни “ёқиб” юбриш мумкин бўлган уруш хавфининг олди олинди, мамлакатимиз аҳолиси ҳаётида устувор бўлган Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва Халқ фаровонлиги гоյлари устувор бўлган миллий истиқлол мафкурасининг кадри ва аҳамияти намоён бўлди. Агар минтақада душманларимиз мўлжаллаган мақсадлар амалга ошса, бу нафақат бизда, балки бутун минтақа давлатларида ҳам жуда катта ўзгаришларнинг содир бўлишига сабаб бўлиши, минтақавий интеграция жараёнларига ўзининг улкан салбий таъсирини ўтказиши мумкин эди. Ғанимларнинг амалга оширган ҳаракатлари кўзлаган мақсадига етмади ва етолмайди ҳам.

Умуман, Марказий Осиё халқлари мустаҳкам дўстлигининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки,



минтақа туб халқларининг маънавий илдизлари бир, руҳи, турмуш тарзи яқин, улар ана шу бой манбадан бирдек баҳра оладилар. Шу маънода ҳам, улар бирлигини мустаҳкамлаш умумминтақавий маънавий юксалишимизга ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб тураверади. Бу жараёнга қарши қаратилган ҳар қандай мафкуравий таъсир ёки террористик ҳаракатлар умумминтақавий қаршиликка учрамоғи ва барбод бўлмоғи лозим.

Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар тизимида Афғонистонда давом этаётган уруш ҳам алоҳида ўрин эгаллаб турибди. Ўттиз йилдан буён давом этиб келаётган ҳарбий можаролар оқибатида умуминсоний цивилизациядан узилиб қолган Афғонистон ҳудуди халқаро террорчилик ва диний экстремизм, қурол-яроғ ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ўчоғи бўлиб қолди. Бу эса турли зарарли ғояларнинг террорчилик, таҳдид ва таҳлика йўли билан бутун минтақага ёйилиш хавфини тугдирмоқда. Мустақил тараққиёт, эркин ва фаровон ҳаётга бўлган ишонч - эътиқодни мустаҳкамлаш йўлида хавф-хатарларнинг олдини олиш учун муттасил огоҳ бўлиб яшаш, биргаликда кураш олиб бориш минтақа халқлари учун ҳаётий заруриятга айланиб қолди.

Умуман, мафкуранинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги хусусиятларини тўғри тушуниш мафкуравий жараёнларнинг моҳиятини теранрок англаш имконини беради. Мафкуравий жараёнлар фикр ва ғоялар намоён бўлишининг амалий тизими сифатида инсон онига йўналтирилганлиги, ўзига хос мақсадлари борлиги билан характерланади. Улар кўпглаб одамлар қалби ва онгини эгаллаб олиш орқали ўзига хос таъсир кўрсатиш майдонини яратади. Бу майдон ичида турли халқлар, инсонлар фаолияти мужассамлашади.

Энг умумий маънода “мафкуравий жараён” тушунчаси муайян ғоявий қарашлар тизимининг шаклланиши, ривожла-

ниши ва тарқалиши билан боғлиқ босқичларнинг узвий бирлигини ифодалайди.

Мафкура тизимидаги билимлар тўғри ёки нотўғри, прогрессив ёки реакцион характерга эга бўлиши мумкин. Мазкур билимларнинг характери ўз навбатида улар асосида шаклланидиган баҳоларнинг тўғри ёки нотўғрилигига замин яратади. Шаклланидиган баҳоларда эса реал ёки қутилаётган ҳодиса, жараёнларга мавжуд эҳтиёжлар, манфаатлардан келиб чиқиб, ўзига хос муносабат ифодаланади.

Билимлар қанчалик чуқур бўлса, ҳосил қилинган баҳо-ларга ишонч шунчалик юқори бўлади. Шу маънода шаклланган баҳолар – кадриятлар кишиларда ишонч, эътиқоднинг шаклланишига хизмат қилади. Шу билан бирга, эришилган билимлар, уларга асосланган баҳоларнинг мутлақ тўғрилигига ишонч догматизмга айланиб кетишини, бу мафкуравий турғунликни юзага келтиришини ҳам унутмаслик зарур.

Мафкуравий билимлар ва баҳолар тегишли мақсадларнинг шаклланишига замин яратади.

“Мақсадсиз фаолият йўқ, манфаатсиз мақсад йўқ, фаолиятсиз эса ҳаёт йўқ”, – деб ёзган эди В.Г.Белинский. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўз моҳиятига кўра идеал ҳодиса ҳисобланган, кўзланаётган натижалар ва унга эришиш усуллариининг лойиҳаси сифатида чиқадиган мақсад инсон ҳаётига маъно-мазмун бағишлайди. Айнан мақсад фаолият изчиллигини таъминлашнинг муҳим замини асоси ҳисобланади. Мақсадга хос хусусиятлар ҳақида гап кетар экан, у ҳамisha мавжуд воқелик билан кишиларнинг реал интилишлари ўртасидаги номувофиқлик натижаси сифатида ўзлигини намоён қилишини ёдда тутиш лозим.

Мақсадга эришиш муайян воситалар билан боғлиқ бўлади. Аммо бу мақсадга эришиш учун ҳар қандай восита ўринли эканини билдирмайди. Кишилиқ жамияти тараққиёти давомида ўз мазмунига кўра ғайриинсоний мазмун касб этган “мақсад воситани оклайди” деган тамойилга амал

килингани натижасида кўплаб фожиалар келиб чиққани ҳам бундай ёндашувнинг ўринли эканини тасдиқлайди.

Одатда, мақсадларнинг индивидуал ва ижтимоий, стратегик ва тактик турлари фаркланади. Мафкуравий жараёнларда мазкур мақсадларни шакллантиришга алоҳида эътибор берилишини қайд этиш зарур.

Ҳоявий қарашлар доирасида белгилаб олинган мақсадларни баён этишда истиқболга, эртанги кунга ишонч туйғусини шакллантириш ҳам кўзланади. Албатта, бундай ишонч ўз моҳиятига кўра сароб бўлиши ҳам мумкин. Аммо у чуқур илмий асос ва гуманистик моҳиятга эга бўлган ҳамда жамият таракқиёти қонуниятлари билан ҳамоҳанглик касб этганда кишилар хулқи ва фаолиятининг муҳим регулятори бўлиб хизмат қилади. Зеро, бундай пайтда ишонч кишилар қарашларидаги барқарорликни белгиловчи халқа сифатида чиқади. Айни пайтда, мавжуд ёки юзага келиши мумкин бўлган кийинчиликлардан чўчимасликка, уларга қарши тура олиш ва баргараф этишнинг оқилона йўллариини излашга хизмат қилади ва шу туфайли хулқдаги собитлик, изчиллик ва амалиётдаги фаолликни таъминлашга йўл очади.

Мафкуравий жараённинг юқорида таҳлил этилган асосий хусусиятлари моҳиятини чуқурроқ тасаввур қилиш ва тушуниш учун мамлакатимизда миллий истиқлол мафкураси концепциясининг ишлаб чиқилиши билан боғлиқ тарихга мурожаат қилиш мумкин. Мазкур жараён кам деганда куйидаги босқичларни ўз ичига камраб олганини таъкидлаш зарур.

Энг аввало, мустақилликнинг дастлабки йилларида коммунистик мафкурадан қутилиш мақсадида деидеологизация жараёни олиб борилди. Мазкур жараёнда сароб бўлсада, социалистик мафкура кишиларга муайян ҳаётий мўлжалларни бериб келгани маълум бўлди, унинг барбод бўлиши эса жамиятда, кишилар онгида бўшликнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу бўшликнинг хавфи уни эски

мафкура ва тузумни “янгиланган” шаклда тиклаш, диний-экстремистик кучларнинг кишилар онгини эгаллашга уринишларида яққол намоён бўла бошлади. Дастлаб якка-якка ҳодисалар, фактлар кўринишида бўлган бундай уринишлар тобора тизимли характер касб эта борди.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш зарур эди. Ана шундай вазиятда Президентимиз томонидан ушбу муаммони ечиш йўли сифатида жамиятни ижтимоий мўлжаллар билан қуроллантирадиган, кишиларни келажакка ишонч руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган миллий ғояни шакллантириш масаласи кун тартибига қўйилди. **“Олдимизда турган энг муҳим масала, - деб ёзган эди Ислом Каримов, - бу – миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этишдир”**.

Ана шундан сўнг чуқур ва тизимли асосланган миллий истиқлол ғоясининг яхлит концепцияси яратилди.

Шу ўринда миллий мафкурада баён этилган қоидалар, тамойиллар, дастурий кўрсатмаларнинг конкрет тарихий шароит ва вазият билан боғлиқ ҳолда такомиллашиб бориши ҳамда миллий мафкуранинг ғоявий-назарий қарашлар тизими сифатида шаклланишидек икки бир-биридан фарқланувчи жараёни айнанлаштирмаслик зарурлигини қайд этиш лозим. Масалан, миллий истиқлол мафкурасининг Ватан равнақи, юрт тинчлиги, комил инсон ва шу каби асосий ғоялари яқин ва узоқ келажакда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаслиги табиий. Фақат уларни рўёбга чиқаришда асосий эътибор қаратилиши керак бўлган жиҳатлар ўзгариб бориши мумкин, холос.

Айни пайтда, миллий истиқлол мафкураси тарихи билан у таяниши, озикланиши мумкин бўлган мероснинг тарихини айнанлаштиришни ҳам тўғри деб бўлмайд.

“Мафкуравий жараён” тушунчаси мафкуравий қарашлар – билимлар, баҳолар, мақсадларнинг шаклланиши ҳамда мафкуравий қарашларнинг тарқалиши, ғоявий тарбиянинг

амалга оширилиши билан боғлиқ сифатий ҳолатни ифодалаш учун ҳам ишлатилади. Бундай ёндашувга кўра мафкуравий қарашларнинг тарқалиши, мафкуравий тарбиянинг амалга оширилиши маъносида талқин қилишга асосланади. Унга кўра мафкуравий қарашларни тарқатиш тизими, механизмлари, усул ва воситалари доимий такомиллашиб боради ва ҳар бир даврда конкрет характер касб этади.

“Одамзод бахти учун ҳамма нарсадан воз кечишга ўргатадиган ажиб ғояларни кишиларга сингдириш буюк санъатдир”, – деб ёзган эди буюк француз ёзувчиси Стендаль. Шу нуқтаи назардан қараганда, юқоридаги ёндашувга кўра, мафкуравий жараён ғоявий тарбияни ўзгарувчан воқелик ва ижтимоий гуруҳларга хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда доимий такомиллаштириб боришни англатади.

Илмий адабиётларда кенг тарқалган ва “мафкуравий жараён” тушунчаси мазмунини талқин этишнинг юқорида қайд этилган икки шаклини моҳият эътибори билан битта ходисанинг икки томонига алоҳида урғу беришнинг натижаси сифатида баҳолаш мумкин. Зеро, муайян мафкуравий қарашларнинг ишлаб чиқилишининг ўзи унинг кишилар фаолиятини белгилаб берувчи, унга таъсир кўрсатувчи ҳодисага айланиши учун етарли эмас. Бунинг учун у кишилар орасида тарқалиши, одамлар ана шу ғоялар руҳида тарбияланиши лозим. Акс ҳолда, ҳар қандай мафкура у қанчалик тўғи ва жозибадор бўлмасин муайян маърифий ҳодиса сифатида тарих ҳазинасида қолиб кетади. Айни пайтда, ҳар қандай мафкуравий қарашлар тарқалиши учун энг аввало улар ишлаб чиқилиши зарур. Мафкуравий тарбия эса ҳамisha шаклланган ғоявий қарашлар, баҳолар ва мақсадлар тизимини кишиларга етказиш, уларнинг онгига сингдиришни ифодалашини унутмаслик лозим.

**Таянч атама ва иборалар:** мафкура, мафкуравий жараёнлар, Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар, Ўзбекистондаги мафкуравий жараёнлар. Мафкуравий тарбия, мафкуравий таъсир, мафкуравий вазият.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид савол ва топшириқлар**

1. Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнларни Президентимиз қандай изоҳлаб беради?
2. Мафкура ва мафкуравий жараёнларнинг моҳиятини тушунтириб беринг.
3. Мафкуравий жараёнлар қандай хусусиятларга эга?
4. Муайян мақсадларни амалга оширишда миллий ғоя ва мафкуранинг роли қандай?
5. Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғоясининг мафкуравий жараёнларга ижобий таъсирини изоҳлаб беринг.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. Аббосқўжаев О., Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишувлар. – Т.: Akademiya, 2007.
4. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005.
5. Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар. – Т.: Маънавият, 2001.
6. Муҳаммад Амин Яхё. Интернетдаги таҳдидлардан химоя. – Т.: Мовароуннаҳр, 2016.

7. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкурафий жараёнлар. – Т.: Муҳаррир, 2009.
8. Туленова Г. Маънавий етукликдан ижтимоий фаоллик сари. – Т.: Aloqachi, 2008.
9. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2008.
10. Камилова С.С. Диний эътиқод, ақидапарастлик, сиёсат. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
11. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005.
12. Отамуродов С. ва б. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. – Т.: Ijod dunyosi, 2001.
13. Равшанов Ф. Маънавий тараққиётга таҳдидлар. – Т.: Муҳаррир, 1998.

## 23-мавзу: Дунёдаги мафкуравий курашлар шароитида миллий ғоянинг зарурлиги

1. *Дунёнинг мафкуравий манзараси.*
2. *Мафкуравий курашларнинг ўзига хос кўриниши.*
3. *Инсониятнинг маънавий заифлашуви.*
4. *Ижтимоий муаммоларнинг кўпайиши.*

Дунёнинг мафкуравий манзараси турли хил мақсадлар, турли хил манфаатлар, қарашлар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлган ва бўлиб қолмоқда. Бу эзгу ғоялар билан бирга ёвуз ғояларнинг ҳам яшовчанлигини, “дунёда мафкура соҳасида курашнинг” давом этиб келаётганининг асосида ётган ўзига хос жиҳатидир. Ҳозирги давр – дунё ғоявий қарама-қаршилиқлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврдир. Бутун Ер юзи одамзод учун ягона макон бўлиб ҳисобланади. Аммо тарихда мавжуд чегараларни ўзгартириш, муайян ҳудудларни босиб олиш учун сон-санноксиз урушлар бўлган. Бу жараёнда эса уруш қуролилари мунтазам такомиллашиб борган. Мазкур урушлар то XX асргача асосан кўпроқ бир ё икки давлат ёҳуж минтақа ўртасида бўлган. XX асрда рўй берган иккита жаҳон урушида ўнлаб давлатлар, бир неча китъа мамлакатлари иштирок этган. Хуллас, уруш қуролилари такомиллашиб бораверди. Бугунги кунда улар бошқа ҳудудни босиб олиш у ёқда турсин, балки бутун Ер сайёрасидаги ҳаётни бир неча марта йўқ қилиб ташлашга етади. Инсоният XX аср охирига келиб бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий қашшоқлик, нарқобизнес, терроризм каби муаммолар ана шулар жумласидандир. XXI аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро таъсир шу қадар кучайиб кетдики, бу жараёндан тўла ихоталаниб олган бирорта ҳам давлат йўқ. Глобаллашувнинг турли



мамлакатларга ўтказаетган таъсири ҳам турлича. Бу ҳол дунё мамлакатларининг иқтисодий, ахборот, маънавий салоҳиятлари ва сиёсати қандай экани билан боғлиқ.

**Дунёнинг мафкуравий манзараси ҳақида Президент Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» асарида қуйидаги хулосага келади:**

Илгари икки система – СССР ва АҚШ етакчи бўлган ва бир-бирига мафкуравий жиҳатдан зид икки тизим, икки блок мавжуд эди. Дунё хавфсизлик тизими ҳам худди шу икки блокнинг ўзаро муҳолифлик мувозанатига асосланган эди.

Собиқ совет тузуми пароканда бўлгач, янги – ғоят мураккаб ва қалтис бир давр юзага келдики, унинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

**Биринчи.** Давлатлараро муносабатлар тизимидаги мувозанат бузилди. Жаҳонда сиёсий-иқтисодий бўлиниш рўй берди. Кучлар маркази илгари икки жойда бўлса, эндиликда бундай аҳвол ва вазият ўзгарди.

**Иккинчи.** Жаҳонда мулкӣ тенгсизлик - саноати ривожланган мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги тафовут ва зиддиятлар кучаймоқда.

Бу ҳолат жаҳон ресурсларини тақсимлашда яққол кўринади. Яъни, табиат ресурслари аслида ривожланаётган мамлакатларнинг асосий бойлиги ҳисобланса ҳам, саноати юксак ривожланган мамлакатлар бу бойликларни назорат қилишни ўз қўлларига олишга интиломоқдалар. Қолаверса, илмӣ ва техникавий билимлар, шунингдек, илғор технологиялар соҳасида, эркин сармомояни тўплаш ва жойлаштириш соҳасида ҳам жуда катта тафовутлар мавжуд.

**Учинчи.** Дунёда инсоннинг биологик тур сифатида яшашига бевосита хавф-хатар мавжуд. Яъни ялпи ядро уруши хавфи анча камайган бўлса ҳам, экологик танглик хавфи, биогенетик бузилишлар хавфи ҳамон таҳликалий ҳолатда сақланиб қолмоқда.

**Тўртинчи.** Жаҳон миқёсидаги умумий тараққиёт, одамлар дунёқарашининг ўзгариши, коммуникациялар юксалиши, халқаро муносабатларнинг ривожланиши ва унинг одамзод ҳаётига таъсири давлатлар ва халқлар ўртасида ўзаро бирлашишга интилишни кучайтирмоқда. Айни вақтда миллий хусусиятлар ва анъаналарни, сиёсий ва маънавий меросни сақлаб қолиш тамойиллари ҳам яққол сезилмоқда.

Турли давлатлараро ва ҳукуматга дахли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг аҳамияти ошмоқда. Ва, айни замонда, дунё янги тизимга ўтиши даврида уларнинг фаолиятини қайта қуриш ва ислоҳ этиш зарурати туғилмоқда.

Бугунги аҳвол халқаро ташкилотлардан энг йирик муаммоларга аҳамият беришни ва, биринчи навбатда, барчага нисбатан одилona ва холисона муносабатда бўлишини талаб этади. Халқаро ташкилотлар ҳозирги воқеликни тўғри акс эттириш ва жаҳон ҳамжамияти аъзоларининг эҳтиёжларига самарали хизмат қилиши зарур.

**Бешинчи.** Бугунги дунёда ҳар қандай мамлакатнинг нуфузи, аввало, унинг энг янги технологияларни қабул қилиш ва фойдаланиш қобилиятига қараб белгиланади.

Бугунги кунда аксарият давлатларнинг мафқураси «умуминсоний кадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги, миллий ва диний тотувлик ғоялари устувордир. Шундай бўлсада, инсоният истиқболини белгилашда универсиалликка даъвогарлик қилаётган ва трансмиллий характерга эга ғоявий қарашлар дунёнинг мафқуравий манзараси мазмунини белгилаб беришда усутуворликка интилаётганини ҳам таъкидлаш зарур.

Бугунги кунда қурол-яроғ кучи билан зўравонлик қилишлар ўрнида энди халқларни, мамлакатларни, дунёни забт этиш учун жуда катта мафқуравий қудратга, ғоявий асосга эга бўлиш кераклигини ҳаёт кўрсатмоқда. XX аср

цивилизацияси дунёни ақл-идрок билан забт этиш тамойилини келтириб чиқарди. Шунинг учун ҳам бугун давлатлар қудрати, мамлакатлар салоҳияти ядровий полигонлар билан эмас, ғоявий, мафкуравий полигонлардаги салоҳияти билан ўлчанади. Буни Президент Ислом Каримов: «Ҳозирги вақтда қудратли давлатлар ва муайян сиёсий марказлар ўз мақсадларига эришиш учун, аввало, забт этмоқчи, ўз таъсир доирасига олмоқчи бўлган мамлакатларнинг аҳолиси онгини ўзига қарам қилишга интилади»<sup>1</sup>, — деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат, жаҳон сиёсатида мафкуравий таъсир ўтказиш орқали халқларни, мамлакатларни забт этиш тамойили кучаймоқда. Ғоявий тазйикнинг бундай шакли турли-туман.

Юртбошимизнинг «Бугунги кунда ғояни тақиқ билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан баҳсга киришиш, олишиши мумкин»<sup>2</sup>, деган фикрлари бугунги кунда ҳар бир ватандошимиз учун дастуруламалдир.

Ҳозирги инсоният тараққиётининг юксак босқичида яшамоқда. Техник-технологиянинг такомиллашуви натижасида анча қулайликларга эришилди. Айниқса, Интернет технологиясининг кашф этилиши инсониятнинг ҳаёт тарзини тезлаштирди. Бу жараёнда, дунёнинг мафкуравий манзараси ўзига хос кўриниш олди. Кейинги пайтлардаги геосиёсий тус олган гегемон давлатларинингочикдан-очик дунёга ҳукмронлик қилиш кайфиятидаги ҳаракатлари дунёда мафкуравий курашларнинг авж олишга хизмат қилмоқда. Бу эса бугунги глобаллашув жараёнларининг, биринчидан, тезлашувига, иккинчидан, улар имкониятларининг чегараланишига олиб келмоқда.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси- халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. —Т.: Ўзбекистон, 2000. —Б.7.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин. —Т.: Ўзбекистон, 1998, —Б.10.

Техник-технологиянинг юксак даражада ривожланиши Президентимиз Ислам Каримов “Юксак маънавият – энгилмас куч” китобида қайд этганидек, глобаллашувнинг икки кўринишини юзага келтирди. **Биринчиси** ижобий хусусият бўлиб, инсониятнинг ўзаро ахборот, технология алмашуви тезлашди ва халқлар яқинлашмоқда. **Иккинчиси** салбий бўлиб, унга кўра, муайян халқ манфаатлари, кадриятлари устувор қўйилмоқда ва миллий анъаналар, маданиятлар инкор қилинмоқда. Табиийки бундай жамиятда дунёнинг мафкуравий манзараси ҳам ўзгарди ва глобаллашув жараёнида муаммолар чуқурлашиб бормоқда. Негаки “Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати”да таъкидланганидек, глобаллашув – бу аввало, дунёда янги тартиботнинг юзага келишидир. Шу маънода бутунги дунёда мафкуравий манзара қуйидаги ўзига хос курашлар билан **боғлиқ хусусиятларга** эга бўлиб, у глобаллашув жараёнига таъсир кўрсатмоқда.

**Демократик кадриятлар устуворлиги.** Бутун дунёда ҳозирги кунда демократик кадриятларга асосланган жамият қуриш олий мақсад ҳисобланади. Бу – ижобий ҳодиса. Айни пайтда, демократияни тушуниш ва талқин қилишда ягона ёндашув йўқ. Натижада, миллий демократик жараёнлар тан олинмаяпти. Муайян Ғарб мамлакатларида мавжуд демократия шаклини мутлақ деб билиш кадрияти юзага келди. Натижада, глобаллашув воситасида халқларнинг ўзаро яқинлашувида муаммолар пайдо бўлди. Ғарб мамлакатлари амал қилаётган ва бутун дунёга тақдим қилишга уринаётган демократия шакли кўп халқларнинг менталитетига мос келмайди. Мисол учун, бу демократия шаклига мос бўлган эркин муҳаббат ғояси Шарқ халқлари турмуш тарзига ётдир.

**Дунёда зўравонликнинг мавжудлиги.** Ҳозирги дунёда муаммоларни ҳал этиш учун куч ишлатиш тенденциясидан ҳамон воз кечилгани йўқ. Бир гуруҳ ғаразгўй кимсалар томонидан ўйлаб топилаётган муаммолар давлатлараро

муносабатлар даражасига чикиб кетмоқда. Натижада, жаҳонда уруш ўчоқлари ўчмаяпти ва уларнинг янгилари пайдо бўлмоқда. Катта саккизлик давлатларининг кўпчилиги бу урушларда қатнашиб, қурол-яроғларини синовдан ўтказиб олмоқда. Бунинг оқибатида дунёда қашшоқлик, иқтисодий инқироз ва ижтимоий муаммолар барҳам топмаяпти. Глобаллашувнинг ижобий имкониятлари шубҳа остида қолмоқда.

**Минтақада етакчиликка интилиш.** Бу мафкуравий жараён бугунги кунда дунёнинг барча минтақаларини камраб олди. Унга кўра, муайян давлатлар ўз муаммоларини ҳал этиш, иқтисодий фаровонликка эришиш учун кўшни давлатлар ва ўзга халқларнинг манфаатларини ҳисобга олмаяпти. Натижада, трансмиллий мажоралар кучайиб, глобаллашув жараёнларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур жараён аслида “бўлиб ташла-ҳукмронлик қил” иллатининг ҳосиласи эканлиги англаб олинмаяпти.

**Инсониятнинг маънавий заифлашуви.** Мазкур мафкуравий ҳодиса энг ташвишлисидир. Чунки инсон ўз кашфиётларига махлиё бўлиб, дунёқараш, ахлоқ ва фаолият жиҳатидан заифлашиб бормоқда. Терроризм, диний экстеризм ва “демократияни олға силжитиш” ҳаракатлари шунинг натижасидир. Бу ҳаракатлар миллий бирлик, биродарлик ва ҳамкорликка раҳна солмоқда.

Инсониятнинг маънавий заифлашуви унинг ўзига зарар келтирмоқда. Билим олиш, келажакни ўйлаш ва ижтимоий ахлоқ қоидаларига риоя қилиш ўрнига нафсга берилиш, шахват домига тушиш ва бугунги кун билан яшаш эгаллаб бормоқда. Бу глобаллашув жараёнларини тўхтатишга кодир омилдир.

**Ижтимоий муаммоларнинг кўнайиши.** Инсоният техник-технологик тараққиётга эришсада, ижтимоий муаммолар камайгани йўқ. Табиатга нооқилона муносабатда бўлиш натижасида глобал исиниш, молиявий-иқтисодий

инкироз, ОИТС ва ракка қарши курашиш йўллари топил-  
маяпти. Натижада ҳар бир халқ ўз ижтимоий муаммосини  
ўзи ҳал этишга ўралашиб бормоқда. Инсониятни  
фалокатлардан қутқариш хисси унутиб қўйилмоқда.

Зеро, бугунги дунёнинг мазкур мафкуравий манзараси  
глобаллашувнинг имкониятларини чеклайди. Чунки  
инсоният глобаллашувдан бутун башариятга хос бўлган  
муаммоларни биргаликда ҳал этиш, давлатларнинг  
алоқаларини кенгайтириш ва Ер юзида бир жон-бир тан  
бўлиб яшаш йўлида фойдаланиш эди. Агарки дунёда  
мафкуравий тартушувларга барҳам берилса, бу орзу рўёбга  
чикиши мумкин.

Бу орзуларни рўёбга чикиши учун таклиф қилинаётган  
ғоя – бизнинг миллий ғоямизда акс этган кишилар онгида  
**маънавиятни шакллантириш масаласидир.** Негаки маънавият  
инсониятга фақат фойда келтирувчи мақсад-муддаолар,  
идеаллар, ғоялар ва тамойилларни тақдим қилади.

**Таянч атама ва иборалар:** дунёнинг мафкуравий  
манзараси, мафкуравий кураш, мафкуравий полигон,  
маънавийзаифлашув, ижтимоий муаммо.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид савол ва топшириқлар**

1. Дунёнинг мафкуравий манзарасидеганда нимани  
тушунасиз?
2. Ислом Каримов дунёнинг мафкуравий манзараси  
хақида қандай фикрларни билдирганлар?
3. Мафкуравий кураш ва уларнинг ўзига хос  
кўринишини тушунтириб беринг.
4. Инсониятнинг маънавий заифлашуви қандай оқибат-  
ларни келтириб чиқармоқда?
5. Ижтимоий муаммоларнинг кўпайиш сабабларини  
тушунтириб беринг.

## Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Миллий истиклол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. Жамятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин, – Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
5. Аббосхўжаев О., Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафқура полигонларидаги олишувлар. – Т.: Akademiya, 2007.
6. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2005.
7. Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар. – Т.: Маънавият, 2001.
8. Очилдиев А.С. Бугунги дунёнинг мафқуравий манзараси: монография. – Т.: Ижод дунёси нашриёт уйи, 2002. –Б.32.
9. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафқурафий жараёнлар. – Т.: Мухаррир, 2009.
10. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2008.
11. Равшанов Ф. Маънавий тараққиётга таҳдидлар. – Т.: Мухаррир, 1998.

## 24-мавзу: Ёшларда мафкуравий иммунитетни мустахкамлашда миллий ғоянинг аҳамияти

1. *Мафкуравий профилактика ва мафкуравий иммунитет тушунчаларининг мазмун-моҳияти.*
2. *Юртимизда баркамол авлодга қаратилаётган эътибор.*
3. *Маънавият – ёшларга қанот.*
4. *Миллий ғоянинг таълим тизимига киритилиши – ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг асосий омили.*

**Мафкуравий профилактика** ижтимоий институтлар томонидан амалга оширилаётган турли шакллардаги ғоявий – тарбиявий, маънавий-мафкуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб олади. Мафкуравий профилактика бўшлиқни тугатиш, мафкуравий парокандаликни олдини олиш ёки бирор-бир ҳудуд, қатлам, гуруҳни ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан ҳалос қилиш мақсадида амалга оширилади. Бунда ғоявий таъсирнинг турли хил усул ва йўлларидан фойдаланилади, турли воситалар қўлланилади. Мафкуравий профилактика тезкор ва қиска суръатларда ёки аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин. Биринчи ҳолатда зудлик билан чора-тадбирлар қўллаш лозим бўлса, иккинчи ҳолатда доимий ва собитқадамлик билан иш олиб бориш кўпроқ натижа беради. Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда ҳам мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. Зеро, у моҳиятан ёт ғояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирларга таянади. Таълим-тарбия ва тарғибот ташвиқот тизими мафкуравий профилактикани амалга оширишга ёрдам беради. Соғлом мафкурани халқ қалби ва онгига сингдиришга хизмат қиладиган ижтимоий тузилмалар, оила, мактаб, маҳалла, давлат ва жамоат



ташкилотлари ҳам унда ўз ўрнига эга. Шунингдек, Ватан, халқ манфаатларини, дўстлик ва биродарликни, ўзаро ҳурмат ва бағрикентликни тарғиб-ташвиқ этувчи маънавий маърифий тадбирлар мафкуравий профилактикани амалга ошириш шакллариدير.

Президентимиз Ислом Каримовнинг “Fidokor” газетаси мухбири саволарига жавобларида илк марта “**Мафкуравий иммунитет**” тушунчасини қўллайди. Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало киши организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида Она Ватанга, бой тарихимизга, ота боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур. Токи улар миллий илдизлари бақувват, дунёни чуқур англайдиган, замон таракқиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсинлар. деган фикрни илгари суради юртбошимиз<sup>1</sup>. **Мафкуравий иммунитет** – шахс ижтимоий гуруҳ, миллат, жамятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан химоя қилишга хизмат қиладиган ғоявий-назарий қарашлар ва қадриятлар тизими.

Иммунитет (лот. – озод бўлиш, қутулиш) тиббий тушунча бўлиб, организмни доимий ички муайянлигини сақлаши, ўзини турли таъсирлардан, ташқи инфекциялар кириб келишидан химоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуи тушунилади. Содда қилиб айтганда иммунитет – киши организмнинг турли касалликлардан химоя қила олиш қобилиятидир. Юқоридагилардан фарқли ўларок, инсоннинг умумий иммунитет тизими туғма бўлса, мафкуравий иммунитетни шакллантириб бориш зарур. У ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга. Иммунитет тизими

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишонадир. “Fidokor” газетаси мухбири саволарига жавоблар. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2000. –Б.494.

шакллангандагина жамиятда мафкуравий дахлсизликни таъминлаш мумкин. Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи элементи – билим. Аммо билимларнинг тури кўп. Буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафакураси тарафдорлари ҳам муайян “билим”ларга таянадилар, албатта. Шундай экан, мафкуравий иммунитет тизимидаги билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятини бойитиши ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Улар ўз моҳият эътиборига кўра, Ватан ва миллат манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак. Мафкуравий иммунитетнинг иккинчи асосий элементи илғор билимлар замирида шаклланадиган баҳолар, кадриятлар тизимидир. Зеро, билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган кадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Кадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва зарарли ғоялар йўлида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилади. Аммо, билимлар ва кадриятлар тизими мавжудлигининг ўзи мафкуравий иммунитетнинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Зеро, бу икки элемент мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим элементи, яъни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги мақсадлар тизими бўлмас экан, инсон, миллат ёки жамият гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона мафкуравий тазйикларга дучор бўлаверади.

Халқимизни турли ғоявий ва мафкуравий таҳдидлардан асраш, жамиятда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш учун уни, аввало, тараққиёт қонунларини чуқур акс эттирадиган соғлом, инсонпарвар ғоя ва мафкура билан куроллантириш керак. Ўзлигимизни, одоб-ахлоқимизни, меросимиз, кадриятларимиз ва миллий руҳимизни зарарли ғоялар ва мафкуралар таъсиридан авайлаб-асраш, уларга қарши фуқароларимиз ва ёшларимиз қалбида мафкуравий иммунитетни шакллан-

тириш орқалигина милатни асраш мумкин. Мафкуравий иммунитет мафкуравий тарбия орқали амалга оширилади.

**Мафкуравий тарбия** - инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан куrolлантиришга йўналтирилган жараён.

Мамлакатимизда истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб кўпгина энг муҳим ва устувор масалалар қатори ёшлар тарбиясига, хусусан, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Халқимиз, жамиятимиз олдига умуммиллий вазифа сифатида кўйилган ва изчил амалга ошириб борилаётган бу масала Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва бутун дунёда ўзбек модели деб тан олинган, юртимизда бозор муносабатларига ўтиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш ва янги ҳаёт асосларини барпо этишга қаратилган ўзига хос тараққиёт йўлининг узвий бир қисмини ташкил этади.

Ўз навбатида, халқ маънавиятини юксалтиришда ёшларнинг қалби ва онгини миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш, уларни замонавий билим ва ҳунарларни эгаллаган, ҳар томонлама ақлли, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди.

Шунинг учун ҳам, ўтган давр мобайнида ана шу эзгу мақсадларни амалга ошириш учун республикамизда соғлом авлод, соғлом бола – соғлом она, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мақтаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури каби бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди ва ҳаётга изчил тадбиқ этилмоқда. Шунингдек, ёшларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлайдиган мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари ишлаб чиқилиб, таълимнинг барча босқичларида ва таълимдан ташқаридаги аҳоли

Ўртасида маънавият ва маърифат асосларини ўргатадиган, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар, оммавий китоблар, тарғибот воситалари нашр қилинди, педагог кадрлар тайёрланди.

Бундан ташқари, ўтган даврда ижтимоий ҳаётда ёшларга ҳақиқий таянч ва суянч бўладиган, уларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқаришга кўмаклашадиган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва унинг турли бўғиндаги тузилмалари, “Соғлом авлод учун”, Зулфия номидаги, “Ниҳол” каби мукофотлар, ташкил этилди. Буларнинг барчаси замирида бир эзгу мақсад мамлакатимиз ёшларини ҳар томонлама камол топтириш, уларни келажагимизнинг ҳақиқий эгаларига айлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар тургани табиий, албатта.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, баркамол инсон тарбиясида бошқа кўпгина омил ва мезонлар қатори маънавий омиллар алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам, Юртбошимиз ёш авлод ҳақида, унинг келажаги ҳақида гапирганда, маънавият масалаларини ҳам алоҳида тилга олади. Чунки бутунги мураккаб замонда маънавий комил инсонни тарбияламасдан туриб, ҳеч қайси жамият ўз олдига қўйган мақсадларга эришолмайди.

Чунки маънавият – бу инсоннинг қалби ва онгидаги туйғу ва тушунчалар, унинг дунёқараши ва эътиқоди, ўз халқи ва Ватанига муҳаббати, ўзининг кимлиги, қандай буюк инсонларнинг авлоди эканини чуқур англаган ҳолда, ҳар қандай шароитда ҳам уларнинг шаъну шавкатига муносиб бўлиб яшаши демакдир. Маънавият эзгулик қонуниятлари асосида эзгуликни ҳимоя қилиб яшаш демакдир. Бу дунёда эзгулик туйғусини бой берган одамдан яхшилик кутиб бўлмайди. Эзгулик туйғусини йўқотган одамнинг ҳайвондан фарқи қолмайди.

Бинобарин, ёшларни юксак маънавиятли қилиб тарбиялаш уларни эзгулик руҳида тарбиялаш демакдир. Бундай инсонлар эса ён-атрофида бўладиган ишларга бефарқ қараб туrolмайди: яхши ишларга кўшилишга, ёмон ишларга эса қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилади. Бинобарин мафкуравий иммунитет мустаҳкамланишининг асосий кўринишларидан бири бу кишиларда юксак маънавиятнинг шаклланишидир

**Маънавият – ёшларга қанот.** Бугунги кунда ёшлар маънавияти, маънавий тарбия хақида сўз борганда, бу борадаги қарашларимизни шакллантириш, навқирон авлодни янгича дунёқараш асосида камол топтиришда муҳим ўрин тутадиган миллий ғоямизни унутмаслигимиз лозим. Чунки ҳозирги тараққиёт босқичида нафақат ёшлар, балки жамиятимизнинг барча аъзолари орасида миллий ғоя, миллий руҳ, шу асосда ватанпарварлик, она юртга муҳаббат ва садоқат туйғулари тобора кучайиб бормоқдаки, ўз навбатида, буларнинг барчаси маънавиятни юксалтирадиган, мафкуравий иммунитетни шакллантирадиган асослар ҳисобланади. Энг муҳими, бундай муқаддас тушунчалар одамлар тафаккурига республикамызда турли соҳаларда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишлар билан биргаликда сингиб бормоқда. Айниқса, маънавий-мафкуравий ишларнинг ягона тизим асосида, аниқ мақсадга қаратилган ҳолда олиб борилаётганини таъкидлаш лозим.

Бу йўналишдаги ишларни аниқ мақсад асосида йўлга қўйишда Президентимизнинг 2001 йил 18 январда имзоланган “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида”ги фармойиши дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Чунки айнан ана шу фармойишга кўра, умумий ўрта таълим мактаблари учун “Одобнома” (1-4-синфлар), “Ватан туйғуси” (5-6-синфлар), “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”

(7-, 8-, 9-синфлар) дарслик ва ўқув қўлланмалари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” дарслиги, олий ўқув юртлари учун миллий истиқлол ғояси бўйича маъруза матнлари, турли ўқув дастурлари, методик тавсиялар, плакат ва кўргазмали куроллар, электрон дарслик ва қўлланмалар ишлаб чиқилди ва таълим тизимига жорий этилди.

Шунингдек, миллий ғояни кенг тарғиб этиш, унинг асосий тушунча ва тамойилларини кенг халқ оmmasи онгига сингдириш мақсадида кўплаб илмий ва илмий-оммабоп нашрлар, луғат ва рисоалар, маъруза матнлари, воизлар учун махсус қўлланмалар ва кўргазмали воситалар тайёрланди. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларида маънавий-маърифий ҳаётимиздаги ўзгариш ва янгиликлар, бу борада кўпчиликни ўйлантираётган масалалар мунтазам равишда ёритиб борилмоқда.

Айни пайтда “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўқитишда таълимнинг интерактив усуллари, илғор педагогик технологияларни ҳамда компьютер ва мультимедиа воситаларини, электрон версияларини жорий этиш, уни кўргазмали куроллар, тарқатма материаллар, кўшимча адабиётлар билан тўлдириш бўйича ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Шунингдек, юртимизда аҳолининг таълимдан ташқаридаги қатламлари орасида маънавий-мафкуравий ишларни олиб бориш тизими ҳам шаклланди.

Президентимиз ўзининг кўшгина чиқишларида ҳозирги дунё микёсида ақл-заковат ва фикр мусобакаси кетаётган шиддатли бир даврда фақат мустақил фикрига эга бўлган, ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини чуқур англаб етган, ён-атрофидаги воқеаларга дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган ҳар томонлама билимли ва баркамол ёшларгина ўз халқи ва Ватани шухратини дунёга ёйишга қодир бўлиши ҳақида гапиради. Чиндан ҳам, бугунги даврда мафкуравий иммунитетнинг асосий мезони бўлган

юксак тафаккур ва маънавият ҳар қандай ютук ва ғалабанинг асосий шарти ва гаровига айланиб бормоқда. Негаки, маънавиятсиз одам фикран бошқаларга қарам, муте бўлади. У фақат топшириқни бажаришдан бошқа нарсага ярамайди. Ҳозирги юқори замонавий технологиялар замонида эса берилган топшириқларни техника воситалари ҳам қойилмаком қилиб бажариши мумкин.

Шунинг учун ҳам маънавият ёшларнинг парвозини таъминлайдиган, уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшадиган қанот эканини унутмаган ҳолда, ёшлар ўртасида фаол маънавий-маърифий иш олиб бориш, уларнинг Ватанга муҳаббат, истиқлол ишига садоқат руҳида тарбия топтириш долзарб вазифага айланмоқда.

Айни пайтда инсоннинг иккинчи бир қаноти, бу – моддий тараққиёт эканини ҳам унутмаслигимиз лозим. Бу ҳақиқатни Юртбошимиз ўз асарларида атрофлича исботлаб бергани барчамизга яхши маълум. Яъни, моддий ҳаётсиз маънавият, маънавиятсиз моддий ҳаёт бўлмайди. Халқ, жамият ва инсон учун уларнинг ҳар иккаласи ҳам сув билан ҳаводек зарур.

Маънавият аввало ўз халқи ва Ватанига муҳаббат ватанпарварлик туйғусидан бошланади. Бундай туйғудан маҳрум одам ҳеч қачон маънавиятли бўлолмайди. Муқаддас ҳадисларда “Ватанни севмоқ – иймондандир” деб бежиз айтилмаган. Маълумки, иймон-эътиқод инсон маънавиятини шакллантирадиган асосий мезонлардан бири. Чунки бирон нарсага ишонмаса, меҳр қўймаса, инсоннинг қалби ва онгида юксак туйғу ва тушунчалар тизими вужудга келиб, камолга етмайди. Модомики, иймон-эътиқод одамзот маънавиятининг ўзаги ва ўз навбатида иймонли-эътиқодли бўлишнинг шарти Ватанни севиш билан боғлиқ экан, ҳеч шубҳасиз, ватанпарварлик энг юксак фазилатлардан биридир.

Тарихий тараққиёт жараёнида шаклланиб, сайқалланиб келган миллий ғоямизнинг туб негизлари бўлган ҳаётий мисолларга эътибор берайлик. Юртимиз заминида яшаб

ўтган жасур аёл – Тўмарис қудратли душманнинг ҳийла-найранглари олдида ўзини йўқотиб қўймасдан, адолат учун жангга киради. Шу тариха лашкарининг сони жиҳатдан ўзидан анча устун бўлган ёвнинг устидан ғалаба қозонади.

Ёки қўлида на қурол, ёнида на лашкари бўлган оддий чўпон Широқнинг жасоратини олайлик. У ўзининг ёв қўлида ўлишини олдиндан билган бўлса-да, муқаддас Ватани тупроғи душман оёқлари остида топталмаслиги учун онгли равишда жасоратга қўл уради – ёв қўшинини кимсасиз дашти биёбонга олиб бориб, уни ўлимга маҳкум этади, ўзи ҳам ҳалок бўлади. Лекин она юртини босқинчилардан сақлаб қолади. Келгуси авлодлар учун маънавий ибрат бўладиган тенгсиз жасорат намунасини мерос қилиб қолдиради.

Яна бир буюк ватандошимиз – Жалолиддин Мангуберди дунёнинг тенг ярмини ўзига бўйсундирган, аскарлари билан ер юзини мўри малаҳдек босган мўғул қўшинига қарши 12 йил давомида муттасил кураш олиб борган. Ҳолбуки, Жалолиддин Мангубердининг имкониятлари Чингизхонни-кига нисбатан жуда чекланган бўлган – унинг ихтиёрида оз сонли лашкар ва қурол-яроғ бўлган. Шунга қарамай, у қудратли ёвга қарши мардона жанг қилган.

Ёки буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг мўғуллар истилоси остида ётган Туронзаминни озод қилиб, бу ерда улкан салтанат барпо этганини эсга олайлик. Албатта, улуғ аждодимизга халқни душманга қарши оёққа турғизиш, унинг ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш осон бўлмаган. Бунинг учун бочқинчиларга қарши тинимсиз кураш олиб бориш, ўз ҳаётини жиддий хавф-хатарларга қўйишга тўғри келган.

Хўш ана шу аждодларимизга куч-қувват ва жасорат берган, уларни буюк ғалабалар сари илҳомлантирган нарса нима эди? Бу аввало Ватанга бўлган муҳаббат эди.

Ватан туйғуси, Ватан ҳисси шу қадар муқаддас бўлгани учун бизнинг миллий ғоямизнинг асосий тушунчаларидан



бири Ватан тараққиёти деб номланади. Бу эса ватанпарварлик ҳеч қачон эскирмаслиги ва кун тартибидан тушмаслиги, ҳамма замонларда ҳам долзарб бўлиб қолаверишини кўрсатади.

Миллий ғоямизнинг асосида турадиган яна бир муҳим кадриятлардан бири – бу аجدодлар руҳига садоқат, вориийлик туйғусидир. Негаки, ўз аجدодларининг кимлигини яхши билмайдиган, уларнинг меросидан беҳабар бўлган одам руҳан ғариб бўлади. Уни хоҳлаган кўйга солиш, йўлидан оғдириш, ёмон йўлларга бошлаш осон бўлади. Ўз отабоболарининг шонли анъаналарини яхши билган, уларнинг инсоний моҳиятини чуқур тушуниб етган инсонлар эса, бошқалар етаклайдиган йўлдан эмас, балки ана шу аجدодларининг изидан бориш, уларнинг ишини давом эттириш ҳақида ўйлайди, ўз ҳаётини ҳам шу асосга қуради.

Умуман олганда, миллий ғоямизда акс этган Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги каби ғоялар албатта, ёшларда мафкуравий иммунитет шаклланишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

**Таянч атама ва иборалар:** мафкуравий профилактика, иммунитет, мафкуравий иммунитет, мафкуравий тарбия, билим, кадрият, дастур, баркамол авлод.

### Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар

1. Мафкуравий профилактика нима ва у қандай амалга оширилади?
2. Иммунитет ва мафкуравий иммунитет тушунчалари қандай маънони англатади?
3. Юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?
4. Мафкуравий иммунитет тушунчаси ким томонидан илмий муомалага киритилган?

5. Мафкуравий иммунитетни шакллантирувчи омилларга нималар киради?

6. Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда маънавийатнинг роли қандай?

### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажақ йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 йил 29 август // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: 1997.

4. Таълим тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 йил 29 август // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: 1997.

5. Бетакроримсан, ягонасан, она ватаним – Ўзбекистоним. – Т.: Маънавият, 2015.

6. Буюк ва муқаддасан, мустақил ватан. – Т.: Ўқитувчи, 2011.

7. Мухтаров А. Шахс тарбиясида миллий ғоя, эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлиги. – Т.: Янги аср авлоди, 2003.

8. Тақдиримсан бахтимсан эркин ва обод Ватан. – Т.: Маънавият, 2012

9. Тўраев Ш. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2015.

10. Туленова Г. Ёшларда мафкуравий иммунитетни кучайтириш зарурати. – Т.: Ўзбекистон, 2001.

11. Туленова Г. Маънавий етукликдан ижтимоий фаоллик сари. – Т.: Aloqachi, 2008.

12. Қадр-қимматим таянчим ва ифтихоримсан. – Т.: Маънавият, 2013

13. Қодирова М. Ёшлар онгида ғоявий дунёқарашни шакллантириш. – Т.: Янги аср авлоди, 2002.

14. Яғонасан, муқаддас ватаним, севги садокатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним. – Т.: Маънавият, 2014.

## 25-мавзу: Миллий ғоянинг миллий негизлар ва умумдемократик принципларга асосланиши

1. *Миллий ғоя негизлари ва унинг мазмуни ва моҳияти.*
2. *Миллий маънавий мерос ва умуминсоний демократик принциплар.*
3. *Миллий-маънавий негизларга таянган демократиянинг ривожси.*

Миллий истиқлол ғояси мустақилликдан кейин кўқисдан шаклланиб қолгани йўқ. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, миллий истиқлол ғояси руҳида олиб борилган ҳаракатлар халқимизга хос хусусият эканини билиб оламиз ва миллий истиқлол мафкурасининг тарихий илдизларини жуда қадимдан шаклланганига амин бўламиз. Миллий истиқлол ғоясининг тарихий илдизлари сифатида Спитамен мардлиги, Темур Малик ва Жалолиддин Мангубердиларнинг ватанпарварлиги, Амир Темур жасорати, уларнинг ўз ватанига, халқига, оиласига содиқ қолиб истиқлол йўлида фидоийлик кўрсатганликларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Миллий истиқлол ғоясидаги Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик ғоялари халқимизнинг тарихий тараққиёти, маънавий мероси, умуминсоний қадриятларига асосланади. Ўзбекистоннинг бутунги сиёсатида баркамол инсонни тарбиялаш ғояси тарихимизда, ислом негизда шаклланган тасаввуф таълимотидаги фикр ва ғоялардан ҳам озиқланади, уларнинг умуминсоний жиҳатларига таянади.

Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари кишини ахлоқий комилликка, Баҳоуддин Нақшбандийнинг “Дил ба ёру даст ба қор” шиори меҳнатсеварликка чорласа, мўғул босқинчиларига қарши 76 ёшида “ё ватан, ё шарофатли ўлим” шиори остида

чикқан Нажмиддин Кубро мардлиги халқимизнинг ватан-парварликка, жавонмардликка чорлайди.

Рус босқинчилари хонликларнинг ўзаро келишмовчиликларидан фойдаланиб, юртимизга бостириб киришди. Бизнинг халқимиз истқлолчилик ҳаракатларидан тўхтамагач, халқимизни динидан, маънавиятидан, миллий ўзлигидан, маънавий меросидан ажратиш фикрини Скобелев айтиб, шу билан мамлакатни ушлаб турмоқчи бўлади. Бу ғояни биринчи бўлиб, Қадимги хитой файласуф Конфуций айтиб ўтган эди. Руслар бу ғояни қўллаган бўлсалар, халқимиздаги миллий, маънавий меросга бўлган эҳтиёж, интилишни йўқ қила олишмади. Миллий озодлик, маърифатпарварлик ҳаракати илк намоёндаларидан бири бўлган Аҳмад Дониш (1827-1897)нинг ҳам ижодида кўришимиз мумкин. У ўлкани маънавий қоқоқликдан чиқариш учун ўз ғояларини илгари суради. Миллий маънавий меросимизни халқимизга сингдириш ҳар бир кишининг маънавий дунёсини бойитиб мамлакат ҳаётини яхшилашга, маданий юксакликка олиб чиқишга қаратилган ғоялар, кейинчалик жади́дчилик ҳаракати намоёндалари ижодининг асосини ташкил қилган.

**Миллий истқлол мафқураси халқимизнинг ўтмиши ва келажagini бир-бири билан боғлаб, асрий орзу истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизими бўлиб, миллий ва умуминсоний кадриятлар, гуманизм ҳамда демократия тамойилларига асосланади.** Ўзбекистон истқлолга эришгач, мустақиллигимизга раҳна соладиган, халқимизнинг ҳаётининг фаровонлигига, тинчлигига таҳдид туғдирадиган вайронкор ғояларга моддий манфаатдорлик эвазига четдан қилинадиган ҳаракатларнинг тубанликка чорлайдиган таълимотларига қарши ғоявий асос, мафқуравий иммунитет сифатида миллий истқлол мафқураси ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон тарихини ҳаққоний ўрганиш, фуқароларимиз тафаккурида ўзликни англаш, тарихий

хотирага садоқат ҳамда ватанпарварлик туйғусини камол топтиришга хизмат қилади.

Биз жамиятимиз бунданда ривож топиши учун улкан бой тажрибамиз билан дунё тан олган қомусий боболаримиз ва уларнинг ижоди билан фахрланибгина қолмасдан уларнинг давомчилари, ворислари бўлишга ҳаракат қилмоғимиз шартдир.

Миллий истиклол мафқурасида халқимизнинг бой тарихий мероси акс этган бўлиб, у мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиришга хизмат қилиб келмоқда.

Миллий ғоя аввало халқимизнинг ўзлигини англашига, ўзининг миллий кадриятларини, урф-одатларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, авайлаб, эъозлаб, янги ўсиб келаётган авлодга етказиб бериш учун хизмат қилиши керак.

Миллий мафқурамиз халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, ўз миллий кадриятларимиз, халқимизнинг дунёқараши ва тафакқурига асосланиб (биринчи негизи), шу билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний (негизи) ютуқлардан озикланган, уларни ўзига камраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати, унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи лозим.

Мамлакатимизда демократик институтлар ва фуқаролик жамияти асосларининг шаклланиши ҳақида фикр юритар экан, Президент Ислом Каримов жамиятнинг демократиялашувини узок муддатли жараён сифатида баҳолайди, демократия ғояларини шунчаки баён қилиш, юқоридан тушириш билан уни одамларимиз ҳаётига синдириб бўлмаслигини уқтиради. «Демократия, – деб таъкидлайди Ислом Каримов, – жамиятнинг кадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак. Бу эса бир зумда бўладиган иш эмас. Халқнинг маданиятидан жой ололмаган

демократия турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди. Бу тайёргарлик кўриш ва демократия тамойилларини ўзлаштиришдан иборат анча узоқ муддатли жараёндир»<sup>1</sup>.

Демократияни жамиятнинг устувор кадриятига, унинг барқарор тараққиёти омилига айлантириш учун адолатли жамият орзуси йўлида инсоният тўплаган тажриба ва амалиётни муттасил ўзлаштириш зарур. Бунда шарқона демократия тамойиллари таянч бўлиб хизмат қилади.

Аммо, инсон табиати зиддиятлидир. У бошқалар интилишларига тескари бўлган интилишларга эга бўлиши ва шу вақтнинг ўзида ўзгалар билан ҳамкорликка мойил бўлиши мумкин. Инсон табиатига хос ана шу қарама-қаршилиқ унинг жамиятдаги ҳаёти ва ҳатти-ҳаракатларини ҳам белгилайди. Одамлар бир томондан шахсий эркинликка интилсалар, иккинчи томондан ижтимоий тенгликни талаб қилишга мойил бўладилар. Одамлар ўз манфаатларини кўзлашлари билан бирга умумий ижтимоий манфаатларга ҳам интиладилар. Аммо бу қарама-қарши тенденцияларни, шахсий манфаат билан жамият манфаатларини қандай қилиб мувофиқлаштириш мумкин? Жамият бу муаммонинг ечимига демократия механизмларини ишга солиш орқалигина кела олади. Айнан демократия ва умумий манфаатлар вобасталиги ижтимоий муносабатларни мувозанатга келтиришга хизмат қилади. Демократия доимий кутб – «зиддият-келишув-бирдамлик» орқали ўзига йўл очар экан, кишиларнинг ўзаро розилиги, келишувига таянади. Гап шундаки, демократия – бу ёлғиз ўз мақсад ва талабларини амалга ошириш воситаси бўлмай, балки ўзаро муносабатларнинг мақбул қондаларига риоя этишдир. Умуминсоний, хусусан демократик кадриятларга таянган миллий истиқлол

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т. 6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б.160.

ғояси ана шу кутбий интилишларни мувофиқлаштириш орқали умумий манфаатларни ўзида ифода этади.

Миллий ғоя халқимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг туб миллий-маънавий негизларга таяниши ва умумдемократик принципларга асосланиши билан аҳамиятлидир. Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамият асосларининг энг қадимги илдизларидан бири “Авесто”дир. У милоддан аввалги 7-6-асрларда ҳозирги Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти ҳудудида яратилган илк давлатчилик тўғрисидаги ижтимоий-фалсафий, диний таълимот ҳисобланади. “Авесто”ни “Ҳаёт йўриқномаси”, “Қонунлар тўплами”, “Билимлар мажмуаси” деб бежиз аташмаган. Зеро, ҳозирги адолатпарвар демократик жамият асосларини яратишга қаратилган миллий ғоя билан ҳамоҳанг ижтимоий-фалсафий фикр унда мавжудлиги яққол кўзга ташланади. “Авесто”да давлат бошқаруви тизимига жамият тарихи ва уни ривожланишига оид маълумотлар ўз ифодасини топганлигининг эътиборли жиҳати шундаки, унда аввало инсон ҳақ-ҳуқуқи, манфаати, эрки, унинг рухий, маънавий қомиллиги, фалсафаси устувор йўналиш ҳисобланади.

Авестода илгари сурилган ғояларни ўз даврининг ҳалоскор ғояларидан бири дейишимиз мумкин. Чунки, унда инсон, халқ бахт-саодатини таъминловчи яхлит давлат тизимини яратиш ҳақидаги таълимот ўз ифодасини топган.

Маълумки, қадимги Юнонистоннинг кўпгина полисшаҳарларида демократик тамойилларга асосланган тизим қарор топган эди. Бу даврдаги демократик тизим ҳақида ўша даврда етишиб чиққан буюк мутафаккирларидан бири Платон фикрича, идеал давлат деб билган - аристократик давлат тузумининг ҳалокати ер ва турар жойларнинг хусусий мулкка айланишига, бундан эса, норозиликлар келиб чиқиб қарама-қаршилиқлар пайдо бўлиши ва урушлар бошланишига сабаб бўлади. Урушлар хусусий шахслар кўлида қатта миқдорда бойлик тўпланишига олиб келади.



Оқибатда, давлат ҳокимиятини олигархия эгаллайди, камбағаллар бошқарувда иштирок эта олмай қоладилар.

Олигархик давлатда мулксиз аҳолининг бойларга қарши нафрати кучайиб боради, бу эса давлат тўнтаришига олиб келади ва охир оқибат, демократия ўрнатилади.

Умуман, демократияни Платон ёқимли ва ранг-баранг, лекин етарли даражада бошқариб бўлмайдиган тузум сифатида баҳолаган. Бундай давлатларнинг ҳар қайсисида нимаики эзгу иш деб ҳисобланган бўлса (тимократияда-ҳарбий зафарлар, олигархияда-бойликлар, демократияда-эрк), айнан шу нарса давлатнинг ҳалокатига сабаб бўлади<sup>1</sup>.

Платон қарашларини танқид остига олган Аристотель, давлатни пайдо бўлиши ва шаклланишини табиий тараққиёт натижаси деб қарайди. Давлат бошқарувининг тўғри шакли – монархия, нотўғри шакли эса – олигархия ва демократия, деб ҳисоблайди. У қонунга эмас халққа боғлиқ бўлган демократияни танқид қилиб, қонун устуворлигига асосланган демократияни қўллаб-қувватлайди<sup>2</sup>.

Абу Наср Форобий уларнинг демократик жамият ҳақидаги ғояларини янада ривожлантирди. Бу ҳақда немис олими Герман Лей шундай дейди: “Форобий юнон традицияларининг турли хил элементларидан фойдалангани ҳолда давлат ва сиёсатни тушуниш масалаларида Платон фикрларидан узоқлашган, яъни илгарилаб кетган”<sup>3</sup>.

Ўз даврининг йирик мутафаккирларидан бири бўлган Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” рисоласида жамиятни бошқариш тизими ҳақидаги илмий-назарий қонуниятни яратди. Форобийнинг демократик жамият ҳақидаги таълимоти асосида адолат ва ахлоқ, қонунчилик ғояси ётади. “Маданий жамият ва маданий шаҳар (яъни мамлакат) шундай бўладики, -

<sup>1</sup> Қаранг: Муҳиддинова Ф. Слётсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. –Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.253

<sup>2</sup> Ўша асар. –Б.55.

<sup>3</sup> Герман Лей. Очерк истории средневекового материализма. –М.: Наука, 1962. –С.127

деб таъкидлайди Форобий, – шу мамлакатнинг аҳолисида  
бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баробар бўлади,  
кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ва ўзи  
танлаган касб-ҳунар билан пуғуллиланади. Одамлар чин маъноси  
билан озод бўладилар. Одамларнинг тинчлик ва  
эркинликларига халақит берувчи султон бўлмайди. Улар  
орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади”<sup>1</sup>,  
деган қарашлари бугунги кунда ўз аксини топмоқда десак  
муболаға бўлмайди.

Одил – демократик жамият барпо этиш ҳақида гап борар  
экан, А.Темур ва темурийлар даврига алоҳида тўхталмоқ  
лозим. Чунки, бу даврда демократик жамият назарияси эмас,  
балки унинг реал воқеликда намоён бўлиши билан боғлиқ  
муҳим илмий-фалсафий ғояларни учратишимиз мумкин.

Амир Темурнинг Марказий Осиё халқлари тарихида  
адолатли давлат барпо этишда тутган ўрни алоҳида  
аҳамиятга моликдир. У марказлашган йирик давлатга асос  
солган буюк сиймодир.

Марказлашган давлатчиликнинг қисқа тарихий даврда  
мустаҳкамланиши, мавжуд сиёсий кучларни тарқоқлигига  
чек қўйишга ва улар ўртасидаги зиддиятларни бартараф  
этишга олиб келади. Таъкидламоқ керакки, ана шундай  
шарқона демократик жамиятнинг ўзига хос кўринишларидан  
бири бўлган бу тарихий даврда ижтимоий-сиёсий  
ислохотларнинг, шунингдек илм-фан ва маданиятнинг,  
давлат бошқаруви тизимининг ривожланиши учун қулай  
шарт-шароитлар шаклланди.

Буюк сиёсатчи ва давлат арбоби сифатида Темур ўз  
давлатининг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий фалсафий  
тамоийилларини яратди ва идора (яъни бошқарув маъносида)  
шаклини, унинг илк куртаklarини кўрсатди<sup>2</sup>.

11. 10. 2014  
11. 10. 2014

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.: Наврўз, 1993. –Б.196.

<sup>2</sup> Ўша асар. –Б.60.

Марказий Осиёда демократик жамият барпо этиш ва бу жараёнда маънавий, мафкура ва миллий ғоянинг нақадар муҳимлиги ҳақидаги таълимотлар, ҳозирги даврда ҳам нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга молик назариялардан ҳисобланади.

Хуллас, миллий-маънавий негизларга таяниб, ривожланиб бораётган демократик жамият мамлакатимиздаги ислохотлар ва туб ўзгаришлар, ижтимоий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва унинг узлуксизлигини таъминлашда турли миллатлар, диний ташкилотлар, сиёсий партиялар, давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамжиҳатлигига эришиш эҳтиёжи ҳукуқий демократик жамиятни шакллантиришни мамлакатимиз тараққиёти ҳозирги даврининг зарурияти сифатида намоён бўлади. Бу зарурият Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг асарларида ўз ифодасини топмоқда. Уларда ҳукуқий демократик жамият қуришнинг асосий тамойиллари, уни шакллантириш ва мамлакат ривожининг омилларидан бирига айлантириш масалалари асослаб берилган.

Шу маънода, Ўзбекистонда демократик жамият ҳақидаги назариялар ва таълимотлар тарихи миллий ғоямизнинг миллий-маънавий негизлари сифатида қўйидаги тамойилларга эга бўлади:

Биринчидан, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ўзгаришларнинг маънавий-ҳукуқий жиҳатларини уйғунлаштирадиган, муҳим жараён сифатида ўз ифодасини топган.

Иккинчидан, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсади бўлган инсон ҳақ-ҳуқуқларини, унинг камолотини, манфаат ва кадр-қимматини таъминлайдиган маънавий муҳитни шакллантириш вазифаларини амалга оширишдаги мезон сифатида муайян аҳамият касб этади.

Учинчидан, Ўзбекистонда демократик жамиятни барпо этиш жараёнида миллий мафкурани шакллантириш мамлакат

тараққиётининг муҳим омили сифатида улкан ислоҳотларни амалга оширишга асос бўлади.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда демократик жамиятни барпо этиш, миллий ўзликни англаш, миллий ғурур, қобилият негизида, ўз кучи ва имкониятларини ишга солиб, миллат тараққиёти йўлида жипслашиб бир мақсад сари ҳаракат қилишга замин бўлиб хизмат қилади.

**Таянч атама ва иборалар:** Миллий ғоя негизи, умумдемократик принцип, миллий ғурур, адолат, адолатли давлат.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид савол ва топшириқлар**

1. Миллий ғоянинг миллий негизларини нималар ташкил этади?
2. Миллий ғоя негизларида қандай демократик принциплар ўз ифодасини топган?
3. Демократик қрашларнинг туб илдизларини айтиб беринг.
4. Миллий-маънавий негизларга таянган демократия деганда нимани тушунасиз?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
3. Каримов И.А. Инсон хотираси - боқий, кадр-қиммати улуг. Халқ сўзи. 2012 10 май. №91 (5511).

4. Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. –Б.440.
5. Абу Наср Форобий Фозил одамлар шахри. – Т.: Навруз, 1993.
6. Буюк ва муқаддасан, мустақил ватан. – Т.: Ўқитувчи, 2011.
7. Герман Лей. Очерк истории средневекового материализма. –М.: Наука, 1962. –С.127
8. Тақдиримсан бахтимсан эркин ва обод Ватан. – Т.: Маънавият, 2012.
9. Қадр-қимматим таянчим ва ифтихоримсан. – Т.: Маънавият, 2013.
10. Ягонасан, муқаддас ватаним, севги садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним. – Т.: Маънавият 2014.
11. Бетакроримсан, ягонасан, она ватаним – Ўзбекистоним. – Т.: Маънавият, 2015.
12. Алимова Д. Инсоният тарихи – ғоя ва мафқуралар тарихидир. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
13. Искандаров Б. Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан лавҳалар. – Т.: 1993.
14. Миллий ғоя: назарий манбалар (хрестоматия). – Т.: Академия, 2007.
15. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп лугат. – Т.: 2006.
16. Муҳиддинова Ф. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. – Т.: ТДЮИ, 2003.
17. Тўраев Ш. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2015.
18. Чориев А., Мансуров А. Ғоя, тарих ва миллий тафаккур. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2000. –Б.210.
19. Эргашев И. Ўзбекистон жамиятга демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатга модернизация ва ислоҳ этиш йўлида. Монография (ҳаммуаллиф) – Т.: Академия, 2005.

## 26-мавзу: Миллий ғоянинг илмий ўрганиш, ўқитиш ва тарғиб-ташвиқ қилишнинг назарий-методологик асослари

1. *Миллий ғояни илмий ўрганиш зарурати.*
2. *Умуминсоний қадриятларга асосланган янги демократик жамият қуришда миллий ғоянинг роли.*
3. *Миллий ғояга фалсафий ёндашув.*

Ҳозирги даврда ғоявий-мафкуравий ишлар самарадорлигини оширишда янгича технологиялари ва воситалари ҳамда жамоатчилик билан ишлаш усуллари ишлаб чиқиш муҳим методологик аҳамият касб этади. Чунки бугунги кунда ғоя ва мафкура майдонига янги технологияларни тобора такомиллашиб, кириб кетаётганлигини, ундан соғлом ва носоғлом мақсадларда фойдаланишга уринишлар давом этаётганлигини кузатиш мумкин. Бу эса Ўзбекистон олимларини миллий ғоя ва маънавий-маърифий ишларга, унинг самарадорлигини ошириш учун янги усул-ёндашувларларга таяниб иш кўришга ундамоқда. Бундай усул-ёндашувларни ҳисобга олиш муҳим ғоявий-маънавий масалага айланди ҳамда Ўзбекистонни мустакил тарраккиёт йўлидан ривожланишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Айни шу маънода, ғоявий-мафкуравий ишларда илмий усул-ёндашувларни танлашда мамлакатимиз тараккиётига ҳос далилларни тизимлаштириш, халқимиз тарихи, миллий-маънавий ва умуминсоний қадриятларни ҳолисона ёритиш, ўқувчи-талабанинг кўз ўнгида юз берган ва юз бераётган оддий воқеа-ҳодисаларни мантикий изчиллик асосида таҳлил қилиш ижобий натижа беради.

Миллий ғояга фалсафий ёндашув ва тамойиллар тизимининг асослари бевосита амалий фаолият билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам миллий ғояни илмий ўрганиш, ўқитиш ва тарғиб-ташвиқ қилишда турли конкрет вазифаларни ҳал

қилишнинг зарурий шартларидан бири универсал хусусиятга эга бўлган умумий фалсафий ёндашув ва тамойилларга мурожаат қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ёндашув ва тамойиллар ҳақиқатни англашда умумий йўлни кўрсатади. Мазкур ёндашув ва тамойилларга фалсафанинг қонун ва категориялари, кузатиш ва тажриба, таққослаш, анализ, синтез, индукция, дедукция каби тадқиқот усуллари ҳамда мувофиқлик, тўлдирувчанлик, яхлитлик, моделлаштириш ва тарихийлик тамойили ҳамда системали ёндашув ва ҳ.к.лар тааллуқлидир. Агар махсус ёндашув ва тамойиллар миллий ғояни илмий ўрганиш, ўқитиш ва тарғиб-ташвиқ қилиш қонуниятларини ўрганишнинг хусусий усуллари сифатида намоён бўлса, фалсафий ёндашув ва тамойиллар шу объектларда намоён бўладиган, алоҳида хусусиятлардаги ҳаракат, тараққиётнинг энг умумий қонуниятларини ўрганadi. Айнан шу ўринда тажриба ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Ҳар бир ёндашув ва тамойиллар миллий ғояни илмий ўрганиш, ўқитиш ва тарғиб-ташвиқ қилишда уларнинг алоҳида ўзига хос томонини билишга имконият яратади.

Онтология фалсафанинг назарий соҳаси бўлиб, унда "борлиқ нима", "йўқлик нима", "инсон, табиат, жамият борлигининг маъноси нимада", "Моддий ва маънавий борлиқ нима, улар ўзаро қандай боғланган ва қандай ривожланади" каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилади. Асл фалсафа фаннинг ўзигина эмас, балки борлиққа донишманд кўзи билан қарайдиган энг юксак элитар маданият шакли, дунёқарашнинг ўзига хос тарихий типидир. Демак, фалсафа ёшларга фақат билим (информация) берадиган, унинг фикрини бойитиш билангина чекланадиган соҳа эмас, балки уни ҳаётга донишманд кўзи билан қараш сирларидан бохабар этадиган соҳадир.

Миллий ғояни илмий ўрганиш, ўқитиш ва тарғиб-ташвиқ қилишда қўлланиладиган методлар жумласига этнометодология, ижтимоий эксперимент, шакллантирувчи экспери-

мент, идеографик метод, диалог, тушуниш ва оқилона (интенционал) тушунтириш, ҳужжатларни таҳлил қилиш, сўровлар ўтказиш, проектив методлар, тестлаш, биографик ва автобиографик методлар, социометрия методи, ўйин методлари, куматонд, «Case studies», абдукция, эвристика ва бошқаларни киритиш мумкин.

Фалсафий адабиётларда, шу жумладан, фалсафий комуслар ва луғатларда «гносеология» атамаси «билиш назарияси» деб таржима қилинган. «Гносеология» юнонча *gnosis* – билим, илм ва *logos* – таълимот, яъни билиш ҳақидаги таълимот деган маънони англатади. Шу билан бир каторда, айти шу мазмунни ифодалаш учун Ғарб файласуф олимлари асарларида «эпистемология» сўзи ҳам ишлатилади. МДХда чиққан адабиётларда эпистемология асосан илмий билиш назарияси сифатида талкин қилинади. Миллий ғояни илмий ўрганиш, ўқитиш ва тарғиб-ташвиқ қилишда гносеологиянинг ҳам эпистемологиянинг ҳам ўзига хос ўрни мавжуд. Чунки гносеология миллий ғоянинг асл мазмун-моҳиятини рационал билиш, бу борадаги инсон билимларининг чуқурлашуви ва миллий ғояни ўқитиш ва тарғиб-ташвиқ қилишда муҳим методологик аҳамият касб этади. Ҳиссий ва ақлий билиш жараёнининг диалектик бирлиги ҳақиқатга эришишнинг бирдан-бир ягона йўли саналади. Ҳақиқат борлиқни тўла ва чуқур билишнинг олий шаклидир.

Аксиология – (юнон. *axio* – қадрият ва *logos* – фан, таълимот) атамаси илмий билимлар соҳасига ўтган асрнинг иккинчи ярмида немис қадриятшуноси Э.Гартман ва француз олими П.Лаши томонидан киритилган. Қадрият масаласи айнан Сукрот давридан бошлаб алоҳида фалсафий муаммо сифатида ўрганиб келинган бўлсада, айнан аксиологияни соҳа сифатида шакллантирилиши қадриятларни илмий тадқиқ этиш имконини кенгайтди. Шу маънода аксиологияни қадриятлар ҳақидаги фан ёки тўғридан-тўғри “Қадриятшунослик”, деб аташ мумкин. «Қадрият» мазкур фан учун унга ном берган асосий



тушунчадир. Аксеология аксиологик онг, қадрлаш туйғуси, қадриятларни ўрганиш, қадриятли ёндашув ва бошқа масалалар асосида тўпланган қадриятлар тўғрисидаги билимлар тизимидир. У яқингача, муайян фалсафий фан даражасига етган илмий соҳа сифатида, яхлит ҳолатда баён қилинмаган эди. Собиқ иттифокда, хусусан мамлакатимизда ҳам 60-йилларгача, бу соҳада тадқиқотлар олиб борилмади, 90-йилларгача фалсафий қўлланма ва дарсликларда ҳам алоҳида мавзу сифатида ўз ўрнини топмади. Ҳозирги пайтда, республикамизда фалсафий билимлар тизимига умуминсоний қараш вужудга келаётганлиги сабабли, аксиологияга нисбатан ижобий муносабатлар юзага келди. Яъни қадриятлар мавзусига алоҳида эътибор берилмоқда.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, республикада умуминсоний қадриятларга асосланган янги демократик жамият куриш жараёни бу соҳани янада ривожлантириш заруратини юзага келтирди. Айниқса, ўтиш даврида қадриятларни қайта баҳолаш, азалий шарқона қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш ва келажак авлодларга мерос қолдириш, реформа ва ўзгаришларнинг қадриятли мезонларини аниқлаш, муаммоларни ҳал қилишнинг ана шу мезонларга мос усулларини қўллаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани эътиборга моликдир. Уларни ечиш аксиология мавзулари доирасида миллий ғояни илмий ўрганиш, ўқитиш ва тарғиб-ташвиқ қилишни талаб этади. Бу йўналишдаги тадқиқот ва изланишлар мавзунинг янги қирраларини очиб беришга имкон ярагади. Миллий ғояни асосини ташкил этувчи миллий қадриятлар мураккаб ижтимоий-маданий ҳодиса бўлиб, у миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналарини, жамикки моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий, ижтимоий сиёсий ҳаётининг барча томонларини қамраб олади. Чунки ҳар бир руҳан соғлом кишида ўз қадр қимматини сақлаш, ўзини ҳурмат қилиш туйғуси мавжуд. Ҳар бир миллатда ҳам худди шу ҳолатни кўрамиз. Миллатларнинг

Ўз ўзини англаш жараёни такомиллашган сари миллий манфаатлар ҳам, миллий қадриятлар ҳам кучайиб, мустаҳкамланиб бораверади. Бироқ, миллий қадриятларнинг эъзоланиши ва кучайиб бориши зинҳор миллий ҳудбинликка, манманликка олиб келмаслиги керак. Шунинг учун ҳам, бу масалада хушёрлик, назокат, инсоф, диёнат, бағрикенглик саховат талаб қилинади. Зотан, миллий қадриятларнинг ўзи айни пайтда, минтақавий ёки умуминсоний қадриятларнинг узвий қисмидир. Миллий ғоя ҳозир ҳам, келажакда ҳам ҳамжиҳатлик тенглик тенг ҳуқуқликка, ижтимоий адолат ва инсонпарварликка чорловчи ғоя бўлмоғи зарур. Мансабпарастлик, тарафкашлик, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик буларнинг ҳаммаси ижтимоий-иқтисодий, маданий, сиёсий тараққиётимиз, мустақиллигимиз учун ниҳоятда хатарлидир. Булар миллий онги, маданияти, миллий ғурури заиф бўлган кишиларга хос хусусиятдир. Дўстлик, ҳамжиҳатлик, миллий ҳамкорлик бир-бирини қўллаб-қувватлаш, дардига дармон бўлиш – булар ҳар бир халқ ва миллат куч-қудратининг асоси, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиётнинг негизидир. Миллий аҳиллик бўлган жойда тинчлик осойишталик бўлади. Инсон қадр-қиммати, шаъни, туйғулари олий қадрият сифатида айнан миллий ғояда акс этиши ва янада юксак чўккига олиб чиқилиши лозим.

**Праксиология** (юнон. praktikos – фаол) – фалсафанинг инсон фаолиятини ўрганишга бағишланган амалий соҳаси ҳисобланади. Праксиология инсонни ўзини-ўзи бошқариш, ўз фаолиятини аниқ ва тўғри ташкил қилиш қобиляти, ҳар қандай ишга шахсан кириша билиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш каби шахсий хусусиятларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Праксиология инсон борлигининг табиати ва моҳиятини, унинг шахсий имкониятлари, ижтимоий алоқалари ва муносабатларини, инсон маънавий дунёси ва моддий амалиёт жабҳасини теранроқ тушуниш имконини берадиган соҳа ҳисобланади. Инсон фаолияти

Ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, асосан муайян мақсад ва манфаат асосида амалга оширилади. У индивид ва умуман, жамият борлигининг алоҳида усули ҳисобланади. Инсоннинг бу ҳаётда моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқариши, сиёсат ва бошқарув, мулоқот ва билиш, бадиий ижод ва фалсафий мулоҳаза юритиши, ўзини ўзи тарбиялаши – буларнинг барчаси ўзига хос рационал фаолиятни, яъни, инсоннинг дунёга ва ўз-ўзига бўлган муносабатининг универсал шакли, шахс ва жамиятнинг ранг-баранг эҳтиёжларини қондириш жараёнини ифодалайди. Кишилиқ жамияти, инсонлар кундалиқ ҳаётида ва фаолиятида доимо ривожланиб, такомиллашиб, янгиланиб борадиган муайян қарашларни, мақсадли эътиқодни ифодаловчи ғояларга-мақсадга таяниб иш кўради. Бу муайян ижтимоий ғоялар, таълимотлар айнан кишиларнинг амалий фаолияти орқали тасдиқланади ёки инкор этилади. Миллий ғоя тарғиботи таълим тизимидаги фаолиятини такомиллаштириш, уни ривожлантириш йўллари белгилаб беради. Айни шу маънода миллий ғоя тарғиботида интерфаол усуллардан фойдаланиш орқали уни оммалаштириш ва босқичма-босқич сингдириб бориш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Этика (грек тилидан олинган бўлиб, «ахлоқ – одоб, урф – одат» деган маънони англатади) – тадқиқот объекти ахлоқ – одоб ва одоб қоидалари бўлган, фалсафанинг амалий соҳаларидан бири ҳисобланади. Ушбу сўзнинг бошланғич ўзаги – этос, биргалиқдаги истиқомат қилиш жойи ва умумийликда ҳаёт кечириш иборалари асосида вужудга келган, жамиятни жишлаштиришга хизмат қилувчи муайян қоидалар, меъёрлар, индивидуализм ва тажовузкорликка барҳам бериш маъносини англатади. Жамият ривожланиши билан ушбу маъно таркибига виждон, эзгулик ва ёвузликнинг ўрганилиши, ҳамдардлик, дўстлик, ҳаётнинг мазмун – моҳияти, ўз – ўзини бағишлаш ва бошқа шу каби масалалар қўшилган. Шунингдек, ахлоқшунослик (этика)

атамаси айрим ҳолатларда маълум бир аниқ ижтимоий гуруҳларнинг ахлоқ – одоб юзасидан меъёрлар тизимини ифодалаш учун ҳам фойдаланилади. Ахлоқ – инсоф ва адолат, иймонийлик ва ҳалоллик, меҳр ва мурувват, саҳоватпешалик ва бағрикенглик, раҳмдиллик ва мурувватлилик, меҳрибонлик ва ғамхўрлик сингари тушунчаларни инсоннинг маънавий фаолиятида юзага чиқарадиган ижтимоий-маданий ҳодисадир. Шу нуқтаи-назардан қараганда, миллий мафкура бир ёқлама, маҳдуд, ўта сиёсийлаштирилган ғоялар тизими эмас, у ҳам худди ахлоқ каби, ахлоқ билан ёнма-ён туриб, инсонни юксак маънавий парвозларга даъват этувчи ботиний кучдир. Президент Ислон Каримов буни теран мантиқийлик билан шундай ифодалайди: «У инсонга фақат моддий бойликлар ва моддий неъматлар учун эмас, аввало, Аллоҳ таоло ато этган ақл-заковат, иймон-эътиқод туфайли юксак маънавиятга эришиш учун интилиб яшаш лозимлигини англатадиган, бу мураккаб ва таҳликали дунёда унинг тараққиёт йўлини ёритадиган маъқдир»<sup>1</sup>. Инсон жамият ҳаётидаги барча муносабатларга муайян ахлоқий қадриятлар асосида ёндашади. Имонли, инсофли, ҳалол бўлиш, ҳаромдан ҳазар қилиш, бировнинг ҳаққига кўз олайтирмаслик меҳр-мурувватлилик, раҳм-шафқатлилик, оқибатлилик, шарм-ҳаёлилик, дўстлик ижтимоий-ахлоқий қадриятлардир. Улар асрлар давомида ҳаёт синовларидан ўтиб, инсоннинг халқнинг ҳаёт тарзидан, дунёқарашидан, ён-атрофга муносабатларидан жой олган. Яшаш тарзига айланган ахлоқий қадриятлар билан демократик ўзгаришлар бир-биридан йироқ, бир-бирига ёт воқеликдек туюлади. Аслида, ҳар қандай ўзгариш маънавиятни, ахлоқимизни бойитиши билан қадрлидир.

*Эстетика* (немис тилидан олинган бўлиб, «сезги, сезгиларга оид ҳис қилиш» деган маънони англатади) – табиатда ва ҳаётда гўзаллик ва бадиий ижоднинг мазмун – моҳияти ва

<sup>1</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000. –Б.6.

шакллари ҳақидаги фалсафий таълимот ҳисобланиб, санъатнинг ижтимоий онг таркибида алоҳида даражадаги ўзига хос шакл сифатида намоён бўлади. Эстетика (нафосат ва гўзаллик ҳақидаги фалсафий таълимот) – нафосат, гўзаллик ҳақидаги фалсафий фан соҳаси ҳисобланади. Эстетика соҳасида қуйидаги саволларга жавоб изланади: «Гўзаллик ўзи нима?», «Биз қандай қилиб гўзалликни англай олишимиз мумкин?» Миллий ғоя асосида тарбияланган ҳар бир ёш авлод гўзалликни чуқур ҳис этадиган, уни асрайдиган нафис дид эгалари бўлишлари лозим. Шунингдек, ҳақиқий бадиий асар билан савияси паст асарни фарқлай билишлари, “оммавий маданият”, “оммавийчилик санъати”ни чинакам эстетик маданият ва юксак санъатдан фарқлай олишлари керак.

**Таянч атама ва иборалар:** онтология, гносеология, аксиология, праксиология, методология, умумий, хусусий, этика, эстетика.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид савол ва топшириқлар**

1. Миллий ғояни илмий ўрганиш қандай аҳамиятга эга?
2. Умуминсоний кадриятларга асосланган янги демократик жамият қуришда миллий ғоянинг ролини тушунтириб беринг.
3. Миллий ғояни илмий тушунишда онтологик, гносеологик, аксиологик, праксиологик ёндашувларнинг моҳиятини тушунтиринг.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. – Т.: 1996.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари / Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломқда. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
4. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилсин. // Адолатли жамият сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
6. Бетакроримсан, ягонасан, она ватаним Ўзбекистоним. – Т.: Маънавият, 2015.
7. Жўраев Н. Тафаккурдаги эврилиш: Истикбол изтироблари ва қувончлари ҳақида мулоҳазалар. – Т.: Шарк, 2001.
8. Миллий истиқлол ғояси ва мафкураси: фалсафий ва ҳуқуқий жиҳатлар. – Т.: 2001.
9. Миллий истиқлол ғояси. – Т.: Академия, 2005.
10. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
11. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қиска изоҳли тажрибавий лугат). – Т.: Янги аср авлоди, 2002.
12. Миллий истиқлол ғояси: назария ва амалиёт. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
13. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазибалари. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
14. Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. – Т.: Шарк, 2001.
15. Мамашоқиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. – Т.: Маънавият, 2007.
16. Мирхамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. – Т.: Университет, 2003.

## **27-мавзу: Ўзбекистонда гоёвий таълим-тарбия ва тарғибот-таъшиқот институционал тизими**

*1. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалга оширилиши.*

*2. Мустақиллик йилларида мамлакат тараққиёти-нинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий асослари шаклланиши.*

*3. Республика маънавият ва маърифат кенгашининг ташкил қилиниши.*

Истиқлолнинг дастлабки йилларида халқимизнинг кўп асрлик тарихга эга бой маънавий салоҳияти ва умуминсоний қадриятларига ҳамда ҳозирги замон илм-фани, маданияти, техникаси ва технологиясининг сўнгги ютуқларига асосланган мукамал таълим тизимини барпо этиш ниҳоятда долзарб вазифалардан бири эди. Шунинг учун ҳам, Юртбошимиз томонидан таълим-тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Юртбошимиз ёш авлод таълим-тарбияси ҳақида давлатнинг ўрни тўғрисида тўхталар экан: **“Бизнинг асосий бойлигимиз, ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз – инсондир. Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир.**

Бу нарса айниқса ёш авлодга тегишли. Келажаги буюк давлат, энг биринчи навбатда, бўлажак фуқароларнинг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида **ғамхўрлик қилмоғи зарур**”, – деб таъкидлаган эди.

Маълумки, мамлакатимизда 1997-йилдан буён Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу дастур доирасида 12 йиллик мажбурий таълимга, жумладан, 9 йиллик мактаб таълими ва ундан кейинги 3 йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига босқичма-босқич ўтилди.

Ушбу йиллар мобайнида мамлакатимизда деярли барча умумтаълим мактаблари янгидан қурилди, таъмирланди ва



реконструкция килинди, уларнинг умумий сони эса 9860 тага етди. 8 мингдан ортиқ таълим муассасаси капитал таъмирланди, газ ва сув билан таъминланди, марказлаштирилган канализация тармоқларига уланди. Бугунги кунга келиб 9400 дан зиёд умумтаълим мактаби ёки жами мактабларнинг 96%и Ziyo Net электрон ахборот тармоғига уланган<sup>1</sup>.

Таълим тизимидаги ислохотлар ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши натижасида ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими тубдан ўзгарди. Мамлакатимиздаги бир ярим мингдан ортиқ касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини тўлиқ қамраб олиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар амалга оширилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистондаги таълимнинг барча босқичлари учун замона талабларига жавоб берадиган янги давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, шу жумладан, мультимедияли ўқув дастурлари ҳамда миллионлаб нусхада нашр қилинаётган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилган ва жорий этилган. Илғор педагогик технологиялар ва ўқитишнинг интерфаол усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Ҳар бир ўқув муассасасида ўқув адабиётларнинг, шу жумладан, электрон ўқув адабиётларининг катта захираларига эга, ўз ахборот-ресурс марказлари мавжуд.

Мамлакатимизда олий таълим тизимида бакалаврият ва магистратурадан иборат икки босқичли халқаро стандартга ўтиш амалга оширилди. Мустақиллик йилларида олий ўқув юрглари сони 37 тадан 66 тага ўсди. Шунингдек, юртимизда халқаро Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ институти, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, Турин политехника университети, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат

<sup>1</sup> Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараккиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б.15.



университети каби халқаро олий ўқув юртларининг филиаллари фаолият юритмоқда.

Мамлакат олий ўқув юртларида таълим, фан ва ишлаб чиқаришни бирлаштириш жараёни ривожланмоқда. Талабалар илмий тадқиқотларда фаол иштирок этмоқдалар, инновацион фаолият билан, шу жумладан, корхоналар буюртмасига кўра шуғулланмоқда. Талабаларнинг ишлари мамлакатимизнинг янги технологияларини ва фанда кенг қўлланиладиган маҳсулотларни намоён этувчи ҳар йиллик кўргазмаларда мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Айтиш жоизки, таълим тизимини ислоҳ қилиш давр талаби эди. Ислоҳ заминида келажаги буюк давлат яратиш мақсад - муддаси бор. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида” ги Фармони, “Таълим тўғрисида” ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” улкан тарихий аҳамиятга эга.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг таълим соҳасида ўз дастури, концепцияси ва андозалари бўлади. Бу дастур ва концепциялар таълим тизимининг тўла ислоҳ қилиниши ва ўзига хос универсал модел яратиш ёки мукамаллаштириш, мавжуд тизимлардан фойдаланиб, ўз таълим соҳасини ривожлантириш стратегияларини назарда тутишини тушуниш мумкин.

Давлатимизда ишлаб чиқилган дастур, гарчи миллий бўлсада, у умумий ва чегараланмаган таълим тизими, стратегияси ва моделлари, андозалари талабларини ҳисобга олган ҳолда тузилганлиги, чегараланмаган универсал тизим тарзидадир.

Мустақиллик йилларида мамлакат тараққиётининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий асослари шаклланди. Натижада фуқаролик жамиятини барпо қилиш омиллари яратилди. Айни пайтда тараққиётнинг ҳозирги тезкор суръати инсон шахси, онги, дунёқараши, қобилияти ва майлларини тезда камол топтиришни тақазо этаётганлиги ўз-

Ўзидан аниқ. Шунинг учун ҳам янги иқтисодий-ижтимоий ривожланиш талабига мос малакали, етук маънавиятли, фидойи ва ватанпарвар мутахассис кадрлар тайёрлаш долзарб вазифага айланди. Бу вазифанинг муваффақиятини таъминлаш учун махсус Миллий дастур яратиш кун тартибига қўйилди. Миллий дастур асосида таълимни тубдан ислох қилиш учун бутун таълим-тарбия жараёнига истиқлол руҳи, Ватан туйғуси, миллат келажаги, жамият равнақи, комил инсонни вояга етказиш ғоялари сингдирилиб, ақлий-маънавий, ахлокий-руҳий, жисмоний-ижтимоий баркамол авлоднинг ўсиб улғайишини таъминлашга қаратилган илмий-назарий, маърифий-моддий шарт-шароитларни рўёбга чиқариш кутилмоқда. Миллий дастур буюк келажак сари дадил қадам қўйган Ўзбекистонда янги авлодни тарбиялаш, одамларга муносиб фаровон турмуш шароитини яратишга йўналтирилган энг оқилона маънавий-ижтимоий, маърифий-мафкуравий муҳит барпо этиши табиийдир. Демак, кенг камровли ва улуғ мақсадли Миллий дастур ишлаб чиқиш орқали таълим-тарбия тизимлари, мазмуни, педагогик асосларини янгилаш имкониятлари кучаяди.

Айни шу жараёнда давлатимизда фидойи, ишчан, ташкилотчилик салоҳияти баланд малакали кучлар улғайди. Улар сиймоси, фаолиятида миллий маънавиятнинг барқарор мағзи, яратувчан кучи мавжуд.

Таъбир жоиз бўлса, бундай кишиларда миллат тафаккурининг қаймоғи жамланган ва фаолиятида ривож топган бўлади. Шунинг учун ҳам ақлий, шуурий заковати етук, миллий маънавияти камол топган, Ватан ва миллат туйғуси қалбида жўш урган бундай шахслар бошқа маданиятларга рўбарў келганда ўзилигини йўқотмайди, ўзга маданиятлар таъсирига тушиб қолмайди.

Миллий дастурда қабул қилинган атамалардан, таълим тузилмаси тизимларида мавжуд бўлган структура ва терминлардан фойдаланиши зарур бўлган анъанавий усулдир.

Аммо кадрлар тайёрлаш соҳасидаги миллий моделнинг тизимлари ва таркибий қисмлари турличадир. Фақат Ўзбекистоннинг ўзига хос, яъни кадрлар тайёрлашнинг миллий модели таркиби - бу шахс (субъект), давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва иншлаб чиқариш деб конкретлаштирилиши миллий дастурнинг ягоналигидир. Миллий дастурда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги, академик лицей ёки касб-хунар коллежларини танлашнинг ихтиёрийлиги ва уларда бепул, давлат ҳисобидан ўқитиш, билим бериш имкониятларининг яратилганлиги, дастурдаги умумийлик ва миллийлик, таълимнинг ижтимоий тараққиётида устувор деб эълон қилиниши, таълим демократияси, таълим олишнинг мажбурийлиги, истеъдодга берилаётган эътибор диққатга сазовор ҳисобланади.

Маълумки, бугунги кунда юксак маънавиятли кишиларни шакллантириш, нафақат жамият, балки давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири саналади. Бинобарин, юксак маънавиятли авлодни тарбияламасдан туриб буюк келажакни барпо этиш мушкул.

Ана шу нуқтани назардан мамлакатда таълим билан тарбияни биргаликда олиб бориш мақсадида маънавий-маърифий ишларни юксалтиришда тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори, мамлакатимизда тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишда улкан аҳамиятга эга.

Шунингдек, Республика маънавият ва маърифат кенгаши ҳузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига кенгашнинг илмий-амалий йўналишида фаолият олиб борадиган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика “Маънавият ва маърифат” маркази ўрнига Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг амалий

тарғибот йўналишида фаолият олиб борадиган Республика Маънавий тарғибот маркази ташкил этилиб улар фаолиятига жумладан, қўйидаги вазифалар белгиланди:

-миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларини аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш;

-бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш, юртимизга қарши қаратилган ғоявий ва информацион хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, одамларни хушёрликка ва огоҳликка даъват этиш, олимлар, сиёсатчи ва мутахассислар, ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш;

-соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий дастурларни амалга ошириш

-аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказиш<sup>1</sup>.

Бинобарин, ушбу қарорда миллий ғоя ва маънавий маърифий ишларнинг мамлакат тараққиётида ўрни беқиёс

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий ғоя ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори. Маърифат. 68-сон, 2006 й.

эканлиги шунда кўринадики, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раиси *этиб тайинланди.*

Шунингдек, вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси, олий ўқув юртларида маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича проректорлар, ўрта махсус таълим тизими ҳамда халқ таълимида директор ўринбосарлари лавозимларининг ташкил қилиниши ва уларнинг олиб бораётган тарғибот ташвиқот ишлари юзасидан Республика Маънавият ва маърифат кенгашига ҳисобдор қилиб қўйилиши тарғибот-ташвиқотнинг институционал тизими вужудга келганини кўрсатади. Албатта, бу тизим юксак маънавиятли авлодни тарбиялаш ва келажаги буюк давлатни боқпо этишимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Таянч атама ва иборалар:** таълим, тарбия, ғоявий таълим тарбия, тарғибот, ташвиқот, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Маънавият ва маърифат кенгаши, институционал тизим.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид савол ва топшириқлар**

1. Ғоявий тарбия деганда нимани тушунасиш?
2. Тарғибот ва ташвиқот сўзининг маъносини тушунтиринг.
3. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш йўлида қандай ишлар қилинмоқда?
4. Мустақиллик йилларида мамлакат тараққиётининг иктисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий асослари қандай шаклантирилди?
5. Республика маънавият ва маърифат кенгашининг ташкил қилиниши миллий ғоя тарғиботида қандай роль ўйнайди?

### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 йил 29 август // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: 1997.
2. Таълим тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 йил 29 август // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: 1997.
3. Маънавий-ахлоқий кадриятлар ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни. – Т.: 2004.
4. Миллий истиқлол ғояси. – Т.: Академия, 2005.
5. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (Олий таълим муассасалари учун тажрибавий қўлланма). – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий луғат). – Т.: Янги аср авлоди, 2002.
8. Миллий истиқлол ғояси: назария ва амалиёт. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
9. Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар. – Т.: Академия, 2002.
10. Мухтаров А. Шахс тарбиясида миллий ғоя, эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлиги. – Т.: Янги аср авлоди, 2003.
11. Туленова Г. Ёшларда мафкуравий иммунитетни кучайтириш зарурати. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.
12. Туленова Г. Маънавий етукликдан ижтимоий фаоллик сари. – Т.: Aloqachi, 2008.
13. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2008.

## 28-мавзу: Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётида миллий ғояга эҳтиёжнинг ортиши

1. Демократик тараққиёт ва миллий ғоянинг ўзаро алоқадорлиги.

2. Миллий онг, миллий ғоя, ўзига хослик миллатга мансубликни юқори даражада англашдан келиб чиқади.

3. Фуқаролик жамияти қуриш ислохотлари

Демократия ўзининг мазмун-моҳиятига кўра кўп таърифларга эга бўлиб, уни содда қилиб қуйидагича тушуниш мумкин: “Демократия – онгли фикрлаш, ҳар қандай эхтирослардан холи, ақл-идроққа таянган муносабат. Демократия-юксак маънавият ва ички маданиятни ошқор этиш маданияти: демократияни англаш шахснинг барча учун бирдай зарур бўлган қонунларга тўла амал қилиш, аниқ тартиб интизомларга таяниб яшаш салоҳияти, демократия бизга инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, умумхалқ ва умумдавлат манфаатларини ҳимоя қиладиган барчанинг қонунларга бўйсуниб яшашини ўргатади ва талаб қилади.”<sup>1</sup>

Маълумки, инсон то маънавий камолотга етмагунча, демократиянинг мазмуни ва кўлами кутилган натижани бермайди. Ана шундан келиб чиқиб, Президент Ислон Каримов: “...демократия ўз-ўзидан вужудга келмайди. Демократияга тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат қилиб, тер-тўкиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдон тортиб, кейин айтиш мумкинки, ҳатто фожеали тажрибаларни ҳам бошдан ўтказиб, оғир синов ва курашларга мардона бардош берибгина эришиш мумкин”,<sup>2</sup> – деган эди. Демак, ана шу мураккаб жараёнларга ҳар биримиз алоҳида тайёргарлик кўришимиз, ўзимизни демократияга тайёрлаб боришимиз, ички бир маънавий қудрат билан ўзимизни тарбиялаб боришимиз керак. Демократия ҳақида юқорида баён қилинган фикрларни умумлаштириб, Президентимиз таъбири

<sup>1</sup> Абдурахмонов М. Отамуродов С. Маънавий салоҳият. Т.: Академия, 2009. –Б.56.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. – Т.: Ўзбекистон. 1-жилд. –Б.10-11.

билан айтганда: "...демократия авваламбор маънавий мезонлар асосида бошқариладиган, кучли ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти демакдир... ҳуқуқий давлат фуқаролик демократиянинг ўзаро узвий боғлиқ бўлган икки жиҳати, икки қанотидир".<sup>1</sup>

Фуқаролик жамияти – мазкур мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига иқтисодий ва сиёсий турмушини ўз ихтиёри асосида қуришга тўла эркинликни қафолатловчи маълум ижтимоий тизим<sup>2</sup>. Фуқаролик жамиятини инсонлардаги ўз – ўзини англаш, уларнинг объектив равишдаги масъулият ҳиссини сезиш қобилиятининг юксалишига ҳамоҳанг равишда шаклланиб боради. М.Қирғизбоев таъкидлагинидек: "...фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири, унинг институтлари тизимидаги барча – давлат ва нодавлат жамоат ташкилотларига аъзоликнинг ихтиёрий шаклда бўлишидир. Бу қоида, биринчидан, жамиятдаги демократиянинг юқори даражасини намоён қилса, иккинчидан, жамият аъзоларининг ижтимоий онги ва фаолликлари юксаклигини билдиради"<sup>3</sup>. Фуқаролик жамияти тушунчаси фуқаро ва давлат, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларнинг уйғунлигига асосланган ҳуқуқий жамият тизимини ўз ичига қамраб олади.

XX аср охири ва XXI аср бошларида миллий онг ва миллий ўзликни англаш жараёни на фақат бизнинг мамлакатимизда, балки бутун жаҳон миқёсидаги асосий масалалардан бири сифатида эътироф этилди. Бундай ҳолатнинг юзага келиши албатта табиий, чунки ҳар бир миллатнинг муайян тарихий йўли ва этногенези мавжуд бўлиб, улар миллат истикболини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Бундай фаолият жараёни бу йўналишдаги турли мақсадлар билан ҳам ифодаланади. Миллий ўзликни англашнинг асосий мақсадини биз кенг ва тор маъноларда талқин этишимиз ҳам мумкин. Кенг маънода, у ҳар бир

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – снгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.108.

<sup>2</sup> Қаранг: Фалсафа: комусий лугат. –Т.: 2004. –Б.438.

<sup>3</sup> Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. –Т.: Ўзбекистон, 2006. –Б.102.



инсонга муносиб турмуш тарзини юзага келтириш ва жаҳон цивилизациясида ўз ўрнига эга бўлиш каби воқеълик сифатида дунё микёсида аҳамиятга эга бўлса, тор микёсда эса у инсоннинг яшаётган мамлакати, вилояти, тумани, маҳалласи, ўз қариндош-уруғлари олдида ҳам муҳим эътиборга молик бўлган ҳодиса сифатида тушунилади. Шу боис бугунги кунда Ўзбекистон ва унда ўзбек миллати ўз-ўзини англаш жараёнида нималарга эътибор қаратиши, мазкур жараёнда намоён бўлувчи ижобий ва салбий томонларни таҳлил этиш, бу фаолиятни чуқурроқ тушуниб етишдаги савиясининг юқори ёки пастлик даражасини аниқлаш, кейинги авлодларга нималарни мерос қилиб қолдираётганлигини билиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Миллий онг ва ўзликни англаш қул қилинган халқларга ўзининг анъаналарини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, ўзининг одатлари, маданияти ва тили билан ғурурланиш имконини яратди. Миллий ғоянинг заифлиги миллий онг пастлигидан, миллат вакиллари тарихи ва тақдири бир бўлган этник бирликка мансуб эканини англай олмаганидан, кадрламаганидан келиб чиқади. Ғанимларимизнинг халқимиз миллий онгига таъсир кўрсатишдан кўзланган асосий мақсадлари Президентимиз Ислоҳ Каримов хулоса қилганидек: «Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бўзиш, тоборо кучга қираётган давлатимизни ағдариш, танлаган йўлимиздан қайтаришдир. Одамларимизнинг юрагига ваҳима ва қўрқув солиш ҳисобидан уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиш, бир-бирига қарши қўйиш, юртимизда, минтақамизда ўз манфаати, ўз сиёсатини ўтказишдан иборат»<sup>1</sup>.

Миллий онг, миллий ғоя, ўзига хослик миллатга мансубликни юқори даражада англашдан келиб чиқади.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжihatлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. –Т.: 2004. –Б. 9.

Качонки, халк ўз тарихий тараққиёти даврида миллат бўлиб шаклланиб, унга мансубликни орийат, қадр-қиммат ва қадрият даражасида ҳимоя қилишга, асраб аввайлашга интилса, бу айни муддаодир.

Шу маънода, бугунги кунда миллий тарбиявий қадриятларни тиклаш ва замонавийлаштириш умуминсоний, шу билан бирга, долзарб вазифалар ҳисобланади. Шунингдек, ҳозирги даврда мафкуравий мақсадлар асосида турли миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, уларни теран англаш, илмий талқин қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Мустақиллик даврига келиб Ўзбекистонда фуқаролик жамияти куриш ислоҳотлари бошланди. Мустақилликнинг ўтган даври ичида Президент Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек, “фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда”<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда туб ўзгаришлар жараёнларидаги давлатнинг бош ислоҳотчилик ўрни асосан фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёнларида ўзига хос равишда намоён бўлмоқда. Айниқса, Президент Ислом Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да илгари сурилган концептуал мақсадлар юртимизда фуқаролик жамияти куришнинг янги бир даврини бошлаб берди. Мазкур Концепциядаги асосий

<sup>2</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон республикаси олий мажлиси қонунчилик палатаси ва сенативнинг ҳўпма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Т.: Ўзбекистон, 2010. –Б.42.

вазифалардан бири фуқаролик жамияти институтларини давлат ва жамият бошқарувидаги нуфузи ва мақомини ошириш, уларнинг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошира олиш даражасига кўтаришдан иборатдир. Шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш жараёни жамоатчилик ва фуқаролик назорати институтларини жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш билан узвий боғлиқдир. Концепцияга мувофиқ равишда **“Ижтимоий шериклик тўғрисида”**ги, **“Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”**ги **“Экологик назорат тўғрисида”**ги Қонун лойиҳасининг ишлаб чиқиши ва бошқа қатор қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, шунингдек, **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг **“Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”**ги Қонунига ва **“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш натижасида мамлакатда ривожланган мамлакатларга хос бўлган фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратди, мамлакатни жаҳон интеграциясига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида киришига яна бир имкон берди.**

Мамлакатда **“Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари”** тамойили асосида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш ислоҳотларида нафакат давлат бошқарув органларини номарказлаштириш ва демократлаштиришга муҳим эътибор берилмоқда, балки давлат ҳокимияти органларига таъсир этадиган фуқаролик жамияти институтларини давлат ҳокимиятини демократлаштиришдаги ролини оширишга ҳам муҳим эътибор берилмоқда. Бу соҳага доир ислоҳотларнинг навбатдаги босқичини Президент Ислам Каримов куйидаги фикрида ифодалаб

берди: “Ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда”<sup>1</sup>.

Фуқаролик жамияти – бу фуқароларнинг фикр эркинлиги, яъни жамият институтларининг фаоллиги, демокчимизки, Президент Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, тенгҳуқуқлилик, “партияларнинг аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш мақсадида изчил иш олиб боришлари, сиёсий тажриба орттириши” каби муаммолар ҳозир устувор йўналиш бўлиб қолди. Таъкидлаш жоизки, фикр эркинлиги мамлакат Конституциясининг 12-моддасида “Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас”лиги шаклида қатъий белгилаб қўйилиб “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга”, деб кафолатланади. Ушбу имкониятлар фикрлар хилма хиллиги, турли сиёсий партияларнинг вужудга келиши, мансабдор шахслар, давлат органларининг камчиликлари ошқора танқид қилиниши мумкинлиги шароитини яратади.

Фуқаролик жамиятининг қуйидаги устувор йўналишлари ифодаланади:

- фуқаролик жамияти сиёсий институтларни шакллантиради, давлатга ўзи зарур, деб ҳисоблаган меъёрлардаги ваколатларни беради. Давлат ҳокимиятини тақсимлаш асосан

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Т.: Ўзбекистон, 2010. –Б.10.

сайловлар воситасида амалга ошади. Ҳеч ким, ҳеч бир гуруҳ, ҳеч бир сиёсий партия ҳокимиятни на амалда, на ҳуқуқий жиҳатлардан ўз монополиясига айлантиришига йўл қўймайди;

- асосий гуруҳ ва уларнинг вакиллари бўлган сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ўртасида ижтимоий ривожланишнинг асосий ғоялари, идеаллари ва мақсадларига нисбатан аниқ консенсусларнинг мавжуд бўлиши;

- ҳам ҳуқуқий жиҳатдан, ҳам амалиётда шахс эркинлиги таъминланганлиги назарда тутилади.

Миллий ғоя мақсадларининг мамлакатимизда демократик жамият қуриш мақсадлари билан муштарақлиги, уни янада ривожлантириш истикболлари.

Миллий ғоя ўзликни англаш, миллатга ҳурмат, миллий тилга муносабат, халқидан фахрланиш, аجدодларнинг оламшумул буюк ишларидан ғурурланиш даражаларини ўзида камраб олади. Зеро, миллий ғоянинг ҳаётга тадбиқ этилиши ва демократик тамойилларнинг амал қилиши, давлат, жамият, фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийликка асосланади. Бу уч субъектнинг манфаатлари ўзаро мос тушгандагина осойишталик ва барқарорлик, фаровонлик амалга ошади. Ёшларга ана шу хусусиятлар турли йўшлар билан, жумладан, иқтисодий, маънавий, сиёсий билимлар асосида сингдирилиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Бунда миллий ғоя тамойилларидан фойдаланилган ҳолда демократиянинг турли жараёнлари сингдирилиши яхши самара беради. Демократия тизимининг пировард мақсади инсонлар орзу-умидларини руёбга чиқариш экан, миллий ғоя бу мақсадга одамларни эзгулик йўлида бирлаштиришга хизмат қилади. Шундай қилиб, демократия одамларни турли сиёсий қарашлар, мазҳаблар, қизиқишлар, интилишлар, кайфиятлар, этник ўзига хосликлар негизида бирлашиб ҳаракат қилишларини тақозо этса, миллий ғоя алоҳида уюшган фуқароларни ягона мақсад даражасида жамланиб ҳаракатланишига маънавий замин ҳозирлайди.

Миллий ғоя, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад ва муддаоларини ифодаладиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истаклари бўлган эркинлик, демократия, мустақиллик ғоялари билан муштарак бўлиб, унинг методологик жиҳатдан таҳлил этиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Миллий истиклол ғояси фуқароларни мамлакатда демократик, фуқаролик жамияти қурилишига сафарбар этишда ўзига хос маънавий-руҳий куч-қувватга эга. У фуқароларни жинслаштиради ва уюштиради.

**Таянч атама ва иборалар:** демократия, миллий онг, фуқаролик жамияти, ўзликни англаш, миллатга ҳурмат, миллий тилга муносабат, фуқаролик институти.

### **Ўз-ўзини назорат қилишга оид савол ва топшириқлар**

1. Демократик тараққиёт ва миллий ғоянинг ўзаро алоқадорлиги нималарда кўзга ташланади?
2. Миллий онг тушунчаси ва унинг муҳим белгиларини тушунтириб беринг.
3. Миллий ғоя миллий онг маҳсули эканини тушунтиринг.
4. Фуқаролик жамияти қуриш йўлида қандай ислоҳотлар амалга оширилди?
5. Фуқаролик жамияти қандай устувор йўналишлардан иборат?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

3. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.

4. Тақдиримсан бахтимсан эркин ва обод Ватан. – Т.: Маънавият, 2012.

5. Қадр-қимматим таянчим ва ифтихоримсан. – Т.: Маънавият, 2013.

6. Ягонасан, муқаддас ватаним, севги садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним. – Т.: Маънавият, 2014.

7. Бетакроримсан, ягонасан, она ватаним – Ўзбекистоним. – Т.: Маънавият, 2015.

8. Миллий ғоя: назарий манбалар (хрестоматия). – Т.: Академия, 2007.

9. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: 2006.

10. Муҳиддинова Ф. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. – Т.: ТДЮИ, 2003.

11. Тўраев Ш. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2015.

12. Чориев А., Мансуров А. Ғоя, тарих ва миллий тафаккур. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2000. –Б.210.

13. Эргашев И. Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш йўлида. Монография (хаммуаллиф), – Т.: Академия, 2005.

## 29-мавзу: Ўзбекистоннинг халқаро мавқеини мустаҳкамлашда миллий ғоянинг ўрни

1. *Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида шаклланди.*

2. *Ўзбекистонда изъимойий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар жараёни узлуксиз давом этмоқда.*

3. *Мустақиллик юртимизнинг салоҳиятини намойиш қилиш ҳамда чексиз имкониятларини эътироф этишга кенг йўл очди.*

Истиқлол мамлакатимиз учун азалий орзу бўлган жаҳон ҳамжамияти билан тенг даражада ҳамкорлик ҳуқуқини берди. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида шаклланди ва унинг дунё миқёсидаги фаолияти кенгайиб бормоқда. Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисида қилган маърузасида ташки сиёсат – Ўзбекистон ҳукумати фаолиятининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлаган эди. “Мингакамизда ва бугун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда бизнинг зиммамизда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, – деб уқтирди Юртбошимиз, – шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни сақлаш каби бири-биридан масъулиятли ва кенг кўламли бир қатор вазифалар борки, юртимизнинг, жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги куни ана шу масалаларни қанчалик муваффақият билан ҳал этишимизга боғлиқдир”<sup>1</sup>.

Ташки сиёсатнинг устувор мазмун-моҳияти маънавий кадриятлар ва маърифий соҳадаги ривожланиш билан боғлиқ. Давлатимиз ташки сиёсатининг маънавий-маърифий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор максалимиздир. “Халқ сўзи”, 2010 йил 28 январь.



асослари ҳақида ўйлаганда, биз, аввало, мамлакатимиз ва жамиятимиз ривож билан бевосита алоқадор бўлган, кенг қамровли мақсадларни амалга оширишда ҳал қилувчи ўрин эгаллайдиган режа ва вазифаларни ҳисобга олишимиз даркор.

Мустақил давлатнинг ташқи сиёсати ва унинг маънавий омиллари бир қатор тарихий жараёнлар, ҳуқуқий ва фалсафий тушунчалар билан узвий боғланган. Улардан айримларини ташқи сиёсатимизнинг маънавий илдизлари билан таққослашга ҳаракат қилиб кўрамиз.

XX асрнинг сўнги ўн йиллиги мамлакатимиз тарихида кескин ижтимоий-сиёсий ва халқаро тараққиётдаги ўзгаришлар даври эканлиги билан ажралиб туради. 1991 йил 31 августда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинган, сиёсий истиқлолни сақлаб қолиш ва унинг имкониятларини тезроқ ва дадил рўёбга чиқариш мақсадида бир қатор муҳим сиёсий ҳужжатлар қабул қилинди. Бунинг бош омили — мустақиллик, биринчи навбатда, халқ томонидан сиёсий жиҳатдан англамоғи ва қалбдан ҳис этилмоғи керак эди.

Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги тўғрисидаги илк ҳуқуқий ҳужжат 1990 йил 20 июндаёқ қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳужжат “Мустақиллик Декларацияси” деб аталиб, унда ўзбек халқининг давлат қурилиши тарихи, ички ва ташқи сиёсати, тажрибаси, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи эътироф қилиниб, давлат суверенитетининг асосий атрибутлари батафсил баён этилди. Мустақиллигимиз эълон қилинган кунда (1991 йил 31 август) бўлиб ўтган XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари 6-сессиясида “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Ташқи сиёсатнинг маънавий масалалари ҳақида гап кетганда, Асосий Қонунимиз — Конституция ва давлатимиз

рамзларини ҳам эслатиб ўтиш аҳамиятлидир. 1992 йил 8-декабрда қабул қилинган Бош Қомусимизнинг IV боби “Ташқи сиёсат” деб номланган бўлиб, ушбу боб битта моддани, яъни 17-моддани ўз ичига олган. Айнан ушбу моддада ташқи сиёсатимизнинг маънавий-маърифий, инсонпарвар, тинчлик мақсадига қаратилган йўналишлари ўз ифодасини топган: *“Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.*

*Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин”<sup>1</sup>.*

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг маънавий жабҳаларини бойитишда 1991 йил 18 ноябрда давлат байроғи, 1992 йил 2 июлда давлат герби ва 1992 йил 10 декабрь куни давлат мадҳиясининг қабул қилиниши улкан сиёсий воқеалар сирасига киради. Маълумки, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида”ги қонуни илгарирок, 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган эди. Мазкур қонунга бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, ислохотлар – руҳига мослаштирилди.

Ташқи сиёсатимизга ва унинг маънавий илдизларига дахлдор ана шундай ҳуқуқий ҳужжатлар сирасига яна “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги (1996 йил 26 декабрь), “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б.6.

тўғрисида”ги (2000 йил 26 май), “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги (1999 йил 20 август) қонунлари, “Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий Доктринаси” (1995 йил 30 август) каби ҳужжатларни ҳам киритиш мумкин.

Шундай қилиб, мустақил ички ва ташқи сиёсатимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар жараёни узлуксиз давом этмоқда. Бу жараён ташқи сиёсий омилларда ҳам акс этиб, демократик ўзгаришларнинг таркибий қисми ва ўзаги бўлиб қоляпти. Илмий изланишлар ва кўпчилик эътироф қилган асарлар таҳлилидан шуни хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда жамиятни янада демократлаштиришнинг уч шартини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин:

- 1) ислохотларнинг узлуксизлиги ва босқичма-босқичлиги;
- 2) ислохотларни одамларнинг савияси, тафаккурига мос суръатда амалга оширилиши, демократик ўзгаришлар даражасининг халқ руҳиятига, менталитетига мослиги;
- 3) ислохотлар миллий жиҳатларни ўзида жо этиши кераклиги ва бу йўлда тарихий-миллий тажрибага суяниш<sup>1</sup>.

Истиклолга эришганимиздан бери ўтган тарихан қисқа давр ичида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Ўзбекистоннинг дунёдаги обрў-эътибори юксалиб бораётгани, энг аввало, мамлакатимизда демократик ва бозор иқтисодиёти ислохотларини амалга ошириш натижасида қўлга киритилаётган улкан ижобий ўзгаришларда, уларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишида мужассам бўлмоқда. Бу – Ўзбекистонимизнинг дунё аҳлига яхши маълум бўлган, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга, минтақамизни ядро қуролидан холи бўлган ҳудудга айлантириш борасидаги ташаббусларининг амалий самарасида ўз ифодасини топиб келмоқда. Шунингдек, Ўзбекистоннинг

<sup>1</sup> Давлатлар ва халқаро ташкилотлар. – Т.: Академија, 2005. 35-бет.

халқаро сиёсат майдонида (БМТ, ШХТ, ЕХХТ, НАТО, МДХ ва бошқа ташкилотлар) олиб бораётган ҳар томонлама пухта ишланган, чуқур ўйланган ташқи сиёсатининг натижаси сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон раҳбари И.Каримов халқаро анжуманларда, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётидаги йирик тадбирларда ташқи сиёсатнинг бош омилини, таъбир жоиз бўлса маънавий йўналишдаги асосий мақсадни ёрқин ифода этиб келмоқда: “Бугунги кунда мамлакатимиз олиб бораётган ташқи сиёсатининг таг-томирида ҳеч кимга сир бўлмаган бир мақсад турибди – Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаати. Бизнинг бу соҳадаги барча қадам ва ҳаракатларимиз фақат ана шу эзгу мақсадни амалга оширишга қаратилган, десам, айти ҳақиқат бўлади”<sup>1</sup>. Шу тариқа, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ташқи сиёсати ва унинг маънавий олами мамлакат миллий манфаатларига мос келадиган ўзаро фойдали ва фаол дипломатияга, ҳамкорлик йўлига хизмат қилиб келмоқда. Демак, тинчлик ва маънавият ғояси ўзаро уйғун экан, бу эзгу ният жаҳон осойишталигига ҳам катта ҳисса қўшаверади.

Мамлакатимизда қабул қилинган ташқи сиёсат тамойил-ларига содиқ равишда, Ўзбекистон Республикаси ўзининг Жанубий – Шарқий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлигини у ёки бу мамлакатнинг қандай ғояга амал қилишидан қатъий назар, умуминсоний қадриятларнинг устуворлигини тап олиш асосида олиб бормоқда. «Биз, – деб ёзган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов, – ташқи сиёсатимизни шакллантиришда Конституциявий тамойилларга амал қилган ҳолда, аввало, ўз куч-қудратимизга, маънавиятимизга, кўп авлодлар меҳнати билан

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б.24.

яратилган халқимиз салоҳиятига таянамиз»<sup>1</sup>. Ўзбекистон Жанубий – Шарқий Осиё мамлакатлари билан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари бўйича йўлга қўйилган ҳамкорликни ривожлантириб ва мустаҳкамлаб борар экан, мамлакатнинг янгиланиши ва тараққиётини таъминлаган, ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда, сиёсий фаолиятини ўзаро фойдали давлатлараро муносабатларни шакллантиришга қаратмоқда.

Ўзбекистон Жанубий – Шарқий Осиё мамлакатлари билан ўзаро муносабатлари иқтисодиёт, маданият, таълим, хавфсизлик, халқаро терроризмга, диний экстремизмга, гиёҳвандликка қарши кураш ва ҳақозо масалалар юзасидан ҳамкорлик қилиш, ўзаро дўстлик тўғрисидаги Шартномалар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Географик жиҳатдан Жанубий – Шарқий Осиё мамлакатлари Евроосиёнинг жанубий-шарқий қисмида, Ороллар гуруҳига таалуқли Жанубий-Осиё худудида ўз ўрнини тошган. Жумладан, Ҳинди Хитой ва Малакка ярим ороли, Катта ва кичик Зонд, Молукка ва Филиппин ороллари, ҳамда Ҳинд ва Тинч океани акваториясида жойлашган. Умумий ер майдони 4,5 млн.км<sup>2</sup> ташкил қилиб, аҳолиси 510 млн. кишидан иборатдир. Жанубий – Шарқий Осиё мамлакатларида кўплаб фойдали ер ости қазилмалар захиралари мавжуд бўлиб, улардан дунёдаги кўрғошиннинг 60 фоиз захираси, вольфрам 40 фоиз, хром 20 фоиз, табиий каучук 80 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари, нефть, табиий газ, мис, темир, никел, олтин ва қумуш конлари бор. Ушбу худудда жойлашган 10 та давлат «Жанубий – Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси» (АСЕАН) ташкилотига аъзо бўлиб, бу ташкилот 1967 йил август ойида Бангкок (Тайланд)да тузилди. АСЕАНнинг асосий вазифаси, унга аъзо давлатларни иқтисодий жиҳатдан қувватлаб,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биздан Озод ва Обод Ватан қолсин. – Т.: Ўзбекистон. Т. 2. 1996. – Б.100.

жадаллаштириш, ижтимоий, маданий жихатдан ривожлантиришга қаратилгандир. АСЕАН нафақат иқтисодий, балки хавфсизлик ва ижтимоий, маданий соҳаларда ҳам ҳамкорликни амалга оширувчи ташкилотдир. Ушбу ҳамкорлик тараққиётнинг янгича «Осиё йўли»дан бориб, глобал муаммоларни ҳал қилишда, жумладан, терроризмга қарши курашда ҳам қўл келмоқда. «Бугунги кунга келиб, биз ва жамият учун хавф-хатар мавжуд, у ҳам бўлса, халқаро терроризмдир. Терроризм-бутун дунё учун хавф-хатар, ҳар бир давлат учун фожиа келтириши мумкин...»<sup>1</sup>. Кейинги ўн йилликда халқаро майдонда ҳарбий-сиёсий, иқтисодий вазият ўзгарди. АСЕАНнинг Осиё-Тинч океан ҳавзасида, ҳатто сиёсий майдонда ҳам, мавқеи ошиб бормоқда. Эндиликда Ўзбекистон жаҳон сиёсий майдонидан борган сари муносиб ўрин эгалламоқда. Ўзбекистоннинг Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлиги бугунги кунда шу томонлари билан аҳамиятлики, у бевосита халқаро барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш билан биргаликда, ушбу мамлакатлар билан иқтисодиёт, маданият, фан ва техника соҳасидаги ютуқларини айирбошлаш борасида катта ёрдам берувчи муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

1991 йил 31 август. Ўзбекистон мустақиллиги расман эълон қилинган ушбу кун мамлакатимиз учун янги тарихий палла – суверен ривожланиш даврини бошлаб берди. Бу эса, ўз навбатида, юртимизнинг салоҳиятини намойиш қилиш ҳамда чексиз имкониятларини эътироф этишга кенг йўл очди. Ўзбекистон 1992 йил 2 мартда БМТга аъзо бўлди ва ушбу нуфузли халқаро ташкилот билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Республикаимизнинг халқаро ва минтақавий муаммоларни муҳокама қилиш ҳамда ечишда фаол иштирок этиши учун катта имкониятлар очилди. Албатта, 20-25 йил – тарих учун жуда қисқа муддат. Бирок бугунги кескин ўзгаришлар

<sup>1</sup> Mahathir Mohamad. Terrorism and Real Issues. Edited by Hasim Makaruddin. 2003. page-71.



замонида, яъни жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётини тубдан янгилаш зарурати бутун бўй-басти билан намоён бўлиб турган бир пайтда, бу йиллар мамлакатимиз босиб ўтган йўлга назар ташлаш ҳамда ривожланишнинг узок истиқболларига мўлжалланган муҳим ҳаётий вазифаларни белгилаб олиш учун етарли муддатдир.

Инсоният юксак мақсадлар сари интилаётган, тараққиёт йўлидан жадал илдамлаётган бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти олдида глобал муаммоларни ҳал этишдек жиддий вазифа турибди. Ер юзида тинчлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, барқарор тараққиётни таъминлаш борасида самарали фаолият олиб бораётган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бу жараёндаги асосий вазифаси тараққий-парвар кучларни бирлаштириш орқали мазкур муаммоларга ечим топишдан иборат. Дунё давлатларини ўзаро мулоқот, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка чорлаш, уларнинг куч ва имкониятларини ярагувчанлик йўлида бирлаштириш, яъни энг долзарб масалаларни баҳамжиҳат ҳал қилиш ушбу ташкилот томонидан қабул қилинган Мингйиллик ривожланиш мақсадларида ҳам ўз ифодасини топган. Ер юзида тинчликни сақлаш, терроризмга қарши курашиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни ҳимоялаш каби умумбашарий муаммоларни ҳал этишда ушбу халқаро ташкилотнинг ўрни катта. БМТ XXI асрда асосий эътиборини учта устувор йўналиш – қашшоқликка барҳам бериш, дунёда кечаётган низоларни тўхтатиш, демократияни янада жадаллаштиришга қаратган. Умуман, халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, халқларнинг тенг ҳуқуқли-лигини ҳамда ўз тақдирини ўзи белгилаши принципини рўёбга чиқариш, барча миллатлар ўртасида дўстона муносабатни ривожлантириш, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий муаммоларни ҳал этиш мазкур ташкилотнинг бош мақсадидир. Ҳозирги кунга келиб БМТ дунёдаги энг йирик халқаро ташкилотга айланди. У жаҳоннинг 190 дан ортик

давлатини бирлаштириб, салкам етмиш йиллик тарихи давомида катор халқаро муаммоларни ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Тинчликни ўрнатиш, ҳарбий можароларнинг олдини олиш, ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш, табиий офатлардан зарар кўрган давлатларга кўмаклашиш, жаҳон маданиятини ривожлантириш каби хайрли ишлар шулар жумласидандир. Халқаро ҳуқуқ ижодкори сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳон халқлари тақдирига оид кўплаб ҳужжатларни ишлаб чиққан. Бу ташкилот дунё аҳамиятига молик кўпгина тадбирларнинг ҳам ташаббускори ҳисобланади. Жумладан, халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили – қуролсизланиш масаласига БМТ ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданок катта аҳамият бериб келмоқда.

1960 йил 14 декабрда мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик берилиши тўғрисидаги декларациянинг қабул қилиниши Осиё, Африка ва Америкадаги бир катор давлатларда озодлик жараёнларини тезлаштириб юборди. БМТ ташкил топган пайтда ер юзи аҳолисининг учдан бир қисми мустамлака истибдодида эди. Ташкилотнинг саъй-ҳаракатлари туфайли эндиликда 100га яқин давлат мустақилликка эришди.

XX асрнинг иккинчи ярмида инсоният глобал микёсдаги муаммоларга дуч келди. Бу ерда гап табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни камраб олган жараёнлар ва ҳодисалар ҳақида бормоқда. Ўзбекистон Марказий Осиёда барқарорликка путур етказадиган трансмилий хавф-хатарларни бартараф этиш учун халқаро ташкилотлар, энг аввало, БМТ ролини фаоллаштиришни ёқлаб чиқди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг БМТ шафелигида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ тузиш, Афғонистонда тинчлик жараёнларини фаоллаштириш, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни барпо этиш ва бошқа кўпдан-кўп



ташаббус ва таклифлари биргина мақсадни – тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик, минтақа давлатлари ўртасида анъанавий дўстликни таъминлашни кўзлаб илгари сурилган. Афғонистонда ўттиз йилдан бери давом этаётган қарама-қаршиликни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон билдирган таклифлар аҳамиятини таърифлаш ортиқча. Афғон муаммоси нафақат ушбу мамлакат балки бутун дунё ҳамжамиятининг муаммоси бўлиб қолди. Президент Ислом Каримов ўз чиқишларидан бирида қайд этганидек: «Афғонистон, ифодали қилиб айтганда, нафақат минтақа миқёсида, балки бутун халқаро хавфсизлик тизимидаги «бикфорд ипи»га айланиб қолди». Афғонистондаги вазиятнинг мураккаб ва бошқарувдан четдалиги тўғридан-тўғри халқаро терроризм ва экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ тарқатиш, ўзига энг аянчли шакллари сингдириб бораётган ислом радикаллашуви жараёнлари билан боғлиқдир.

Жаҳон ҳамжамияти Афғонистондан келувчи хатарларни бутун бўй-басти билан кўрмаган, уларни тўла тушуниб етмаган кезлардаёқ – 1993 йили БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Ислом Каримов жаҳон ҳамжамияти эътиборини мазкур муаммога қаратди. БМТ Бош Ассамблеясининг 1995 йили бўлиб ўтган 50-сессиясида Ўзбекистон Президенти қатор таклифларни, жумладан, Афғонистонда бир-бири билан курашаётган томонларга қурол-яроғ етказиб беришни қатъий тақиқлаш зарурлиги таклифини илгари сурди. Бундан ташқари, 1995 йил октябрь ойида БМТнинг 50 йиллиги тантаналари муносабати билан Бош Ассамблея мажлисида Президентимиз БМТ тузилмаларини ислоҳ қилиш, жумладан, Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари қаторига дунё сиёсатида етакчи мавқега эга бўлган Германия ва Японияни киритиш, қабул қилинаётган қарорлар ижросини таъминлаш учун Бош қотиб ваколатларини кенгайтириш, жойлардаги тангликнинг

олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида БМТнинг халқаро минтақавий ташкилотлар билан алоқаларини фаоллаштириш ҳамда унинг минтақавий тузилмаларини ривожлантириш каби тақлифларни билдирди.

1997 йили Президентимиз Афғонистон билан қўшни бўлган олти мамлакат, шунингдек, АҚШ ва Россия давлатлари иштирокида мулоқот гуруҳини тузиш ташаббуси билан чиқди. Натижада, бироз муддат ўтгач, «6+2» гуруҳи ташкил этилди. Ўзбекистоннинг ёрқин хизмати ўлароқ, БМТ Хавфсизлик кенгаши томонидан Афғонистон бўйича қатор махсус резолюциялар қабул қилинди.

Бугунги кунда БМТ Ўзбекистонда ўндан ортиқ йўналишда фаолият олиб бормоқда. 1993-2012 йилларда мазкур ташкилотнинг ташаббуси ва иштирокида бир қанча халқаро дастурлар ишлаб чиқилди.

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси таркибида БМТ Тараққиёт дастури, Болалар жамғармаси, гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ваколатхонаси, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Аҳолишунослик жамғармаси сингари ихтисослашган муассасалар фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимиз БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотлари билан турли йўналишларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг барқарорликни мустаҳкамлаш ва давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган изчил сиёсати муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) билан алоқалар кўлами кенг. ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, хусусан, улар орасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, эмлаш, таълим муассасаларида тиббий маданиятни ошириш, санитария-гигиена қондаларига риоя этишни таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шаклланди.

тиришга қаратилган кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. 2011 йил 26 ноябрь куни пойтахтимизда «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзусидаги халқаро симпозиумда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасидаги қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида 20 йил давомида оналар ва гўдақлар ўлими 3 баробардан кўпроққа камайгани таъкидланди. Бундан ташқари, мамлакатимиз 2011 йилда «Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган, 161 давлатни қамраб олган жаҳон рейтингда 9-ўринни эгаллади.

БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ЮНЕСКО Ўзбекистон маданий ҳаётида юз бераётган жараёнларнинг фаол аъзоси. Тошкент шаҳрида жорий йилнинг 16-17 февраль кунлари «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференциянинг ўтказилиши, унда нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, жумладан, БМТ Бош қотиби ўринбосарининг иштирок этиши юртимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича эришилган натижаларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан яна бир бор тан олинishi бўлди. БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил сентябрь ойида ўтган Мингйиллик саммитида давлатимиз раҳбари халқаро террорчилик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашга, минтақавий ҳавфсизликни мустаҳкамлашга, БМТ фаолияти ва унинг таркибий тизимини ислоҳ қилишга доир кўплаб таклифларни илгари сурди. Жаҳон ҳамжамияти эътиборини яна бир бор Орол муаммосига қаратди. Оролдаги вазият нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун ер қуррасининг экологик муаммосидир. Шуни инобатга олган ҳолда, давлатимиз раҳбари Мингйиллик саммитида экологик

хавфсизлик соҳасидаги халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, ушбу хайрли ишларга халқаро ташкилот ва донор мамлакатлардан молиявий воситаларни жалб этиш мақсадида БМТнинг Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича халқаро дастури ҳузурида Орол ва Оролбўйи муаммолари кенгашини тузишни таклиф қилди.

2006 йилнинг сентябрида эса Марказий Осиё давлатлари вакиллари Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисида»ги шартномани имзоладилар. Ўзбекистон раҳбари ғоясининг натижаси бўлган бу шартнома минтақамизда тинчликни мустаҳкамлаш ва оммавий қиргин қуроллари тарқалишининг олдини олишдаги, пировардида дунёда ялли ядровий хавфсизликни таъминлаш йўлидаги ғоят муҳим қадам бўлди.

Мингйиллик ривожланиш мақсадлари ва уларни амалга ошириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олингани барчага маълум. 2010 йил апрель ойида БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун мамлакатимизга ташриф буюриб, юртимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишар экан, уларга юксак баҳо берди. Шунингдек, Бош қотиб Оролбўйи минтақасида бўлиб, у ердаги экологик ҳолатни ҳам кўздан кечирди. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг таклифига биноан 2010 йил 20 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялли мажлисида иштирок этиб, нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида мамлакатимизда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида амалга оширилган ишлар, Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги, Марказий Осиёдаги бугунги жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экология муаммолари, Афғонистон можароси ва уни ҳал этиш йўллари ҳақида алоҳида тўхталди. Президентимиз илгари сурган таклифлар мажлис

иштирокчилари томонидан катта кизиқиш билан қабул қилинди. Алоҳида қайд этиш лозимки, давлатимиз раҳбари нутқида ҳар томонлама асослаб берилган, тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётган масалалар жаҳон жамоатчилигидан биргаликдаги доимий саъй-ҳаракатларни талаб этади. Ўзбекистон БМТнинг фаолиятини ҳаминша қўллаб-қувватлаб, унинг мавқеини юксалтириш учун янада фаоллик кўрсатиши шубҳасиз.

Ўзбекистоннинг давлат ва жамиятни модернизациялаш бўйича эътиборга молик тажрибаси БМТ тизимига қирадиган халқаро институтларда ҳам алоҳида кизиқиш уйғотаяпти. Улар орасида Женевадаги БМТ бўлими, Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), БМТ Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК), Савдо ва ривожланиш бўйича БМТ конференцияси (ЮНКТАД), Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ (WIPO)), Халқаро Меҳнат ташкилоти (ХМТ), Бутунжаҳон Савдо ташкилоти (ЖСТ), БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП), ОИТС билан курашиш бўйича БМТ дастури, Парламентлараро иттифоқ ҳамда бошқа ташкилотлар мавжуд. 2015 йил бошидан буён Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши, нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича мамлакатимиз тажрибаси, 2014 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устуворликлари ҳақидаги ахборот материаллари БМТ Бош Ассамблеяси 69-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасида тарқатилди.

2. Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрўининг юксалишида маданият, спорт, санъат соҳасида эришилган ютуқларнинг аҳамияти. Миллий ғоя руҳидаги санъат асарлари – жаҳон нигоҳида.

Истиклол йилларида маданият ва санъат соҳасига жиддий эътибор қаратилди. Ўзбекистон санъати дунё ҳамжамиятига намойиш этилиб, халқаро эътиборга эришди. Маданият ва санъат соҳасида ижтимоий ислохотлар амалга оширилиб янги мазмун ва шаклдаги Маданият марказлари, мусиқа ва санъат мактаблари, замонавий консерватория, санъат ва маданият институти ва бошқа санъат олий таълим муассасалари барпо этилди. Истиклол йилларида бевосита маданият ва санъат соҳаси бўйича 20 мингдан зиёдроқ олий маълумотли кадрлар тайёрланди. Айниқса, Президентимиз томонидан 2012 йил июнь ойидаги қарори асосида янги ташкил этилган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бу соҳани барқарор ва изчил ривожлантириш, жаҳон стандартлари асосидаги кадрлар тайёрлаш ишларини такомиллаштиришда муҳим кадам бўлди.

Мамлакатимизда илм-фан, маданият ва санъатни изчил ривожлантириш, таълим соҳасини ислоҳ этиш борасидаги эзгу интилишлар замирида ҳам дунёга янгича, теран нигоҳ билан назар ташлайдиган, мустақил фикрига эга бўлган авлодни камол топтириш мақсади мужассам. Ватанимизнинг бой тарихини асл ҳолича, холисона ўрганиш, буюк аجدодларимизнинг ҳаёти, илмий фаолияти, маънавий хазинасини чуқур тадқиқ этиш, маданий меросимиз, ўзига хос анъана ва кадриятларимиз, санъатнинг турли йўналишларига оид мактабларни пухта ўрганишга доир саъй-ҳаракатлар халқ маънавиятини юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда истиклол йилларида маданият, маърифат ва санъатни юксалтириш борасида беқиёс ишлар амалга оширилди. Хусусан, миллий театр санъатини ривожлантириш йўлидаги эзгу ишлар кўлами кенгайиб бормоқда. Дарҳақиқат, театр – маданият, маънавият ва тарбия масканидир. Мазкур соҳа фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш,

истеъдодли, профессионал кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасида юртимиздаги театрлар репертуари бойиб, бадиий етук сахна асарлари яратилмоқда. Ўзбек Миллий академик драма театри, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусикали драма театри, Ўзбекистон Ёшлар театри, Республика ёш томошабинлар театри, Бухоро вилояти кўғирчоқ театри, Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилояти мусикали драма театри ижодкорларининг спектакллари Хиндистон, Миср, Япония, Германия, Малайзия каби давлатларда бўлиб ўтган халқаро театр фестивалларида юксак эътирофга сазовор бўлгани ҳам бунинг ёрқин далилидир. Испаниянинг Коста-Браво шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусиқа танловида ўзбекистонлик Жўраева Фарангиз 1-ўринни қўлга киритди. Скрипка мутахассислиги бўйича ўтказилган танловда Ўзбекистондан ташқари Франция, Испания, Швеция, Финляндия, Япония, Россия, Озарбайжон ва бошқа бир қатор давлатлардан таъриф буюрган ёш ижрочилар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Фарғона шаҳрининг 4-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Фарангиз Жўраеванинг халқаро танловдаги иштироки ҳакамлар ҳайати томонидан юқори баҳоланди ва фахрли 1-ўринга муносиб деб топилди. Унинг скрипкадаги нозик ижроси дунёнинг етакчи санъаткор-ижрочилари олқишларига сазовор бўлди.

Мамлакатимизда навқирон авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамоллигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Дарҳақиқат, спорт тану жонимизни чиниктирадиган, ҳам руҳан, ҳам жисмонан камол топтирадиган, узок умр кўришимизга сабаб бўладиган ижтимоий восита. Халқимиз учун ана шундай мақсадларни кўзлаган Юртбошимизнинг фуқароларимиз, хусусан, мамлакатимиз ёшлари учун янги-янги спорт иншоотлари қурилишига, уларни

замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга, ҳар бир болага етарли шарт-шароитлар яратишга бош-қош бўлаётгани натижасида истиклол йилларида бу борада асрларга татиғулик ишлар амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Соҳага ажратилаётган маблағлар юртимизнинг нафақат катта-катта шаҳарлари, балки узок кишлокларида ҳам кад кўтараётган махсус спорт мактаблари ва комплекслари, ўйингоҳлари учун сарфланганлигини кўриб кўзимиз қувонса, фарзандларимиз эришаётган ютуқлар, халқаро спорт мусобақалари ва олимпиадаларида ўғил-қизларимиз эгаллаётган нуфузли ўринлар, кўлга киритилаётган медаллар кўксимизни ғурур ва ифтихор ҳисси билан тўлдирмоқда. Дарҳақиқат, замонавий билим ва касбунарларни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган янги авлодни тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган улкан ишлар ўз самарасини бермоқда. Шу ўринда айрим ракамларга эътибор қаратсак. Фақат сўнгги 5 йилда мамлакатимизда 278 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 523 спорт иншооти ва 100 дан зиёд сузиш ҳавзалари қурилгани ва реконструкция қилингани, бугунги кунда 2 миллион нафар фарзандимиз, жумладан, 840 мингдан ортик киз спорт билан мунтазам шуғулланаётгани ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, Ватан, халқ юқини елкасида кўтаришга қодир бўлган авлод шаклланаётганини кўрсатмоқда. Зеро, мухтарам Президентимиз таъбири билан айтганда: "Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга эришишда ҳам муҳим омилдир. У иродани тоблайди, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида ғалабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди". Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида бўлиб ўтган XVII ёзги Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари спортнинг 31 турида иштирок этиб,



9 олтин, 14 кумуш ва 21 бронза, жами 44 медални кўлга киритди. Жамоавий баҳслар ҳисобга олинганда, мамлакатимиз спортчилари жами 61 медалга (12 олтин, 14 кумуш ва 35 бронза медалъ) сазовор бўлди.

2011 йил Ўзбекистон спортининг ҳар томонлама юксалиш ва ривожланиш йили бўлди. Халқаро майдонларда кўлга киритган муваффақиятларимиз салмоғи сезиларли даражада юксалди. 2011 йил давомида юртимиз спортчилари 253 марта халқаро спорт мусобақаларида ватанимиз шарафини ҳимоя қилишди, 235 та олтин, 229 та кумуш ва 325 та бронза, жами 789 та медалларни кўлга киритишди. Ушбу кўрсаткичларни 2010 йилдаги натижалар билан солиштирсак, медаллар сони 23 тага кўпайганини кўришимиз мумкин. Ўтган йилда Ришод Собиров (дзюдо) ва Вадим Меньков (байдарка ва каноэда эшкак эшиш) каби спортчиларимизни жаҳоннинг энг яхши спортчилари деб эълон қилиниши, Қаршининг “Насаф” жамоасининг Осиё футбол конфедерацияси кубогини кўлга киритиши, футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоамизни Жаҳон чемпионатида кучли саккизликдан ўрин эгаллаши, дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Андрей Штурбабин “Жаҳоннинг энг яхши мураббийи” унвонига сазовор бўлиши, шунингдек, Лондонда ўтказиладиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларига жами 46 та йўлланманинг кўлга киритилгани Ўзбекистон спортининг дадиллик билан тараққий этиб бораётганидан далолат бермоқда. Бугун ёшларимизнинг таълим-тарбия олиши, касб-хунар эгаллаши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз иқтидор ҳамда салоҳиятини юзага чиқариши учун яратилган кенг имкониятлар пировардида ўғил-қизларимизнинг эришаётган натижалари халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон ёшлари катта малака ва тажрибага эга устозларидан олган билимлари билан бугун дунёдаги

тенгдошлари сафидан муносиб ўрин эгаллашди. 2012 йили Қозоғистон пойтахти Астанада ўтказилган кимё фани бўйича 46-халқаро Менделеев олимпиадасида ўқувчиларимиз 1 олтин, 2 кумуш, 3 бронза медалини қўлга киритди. Ўзбекистонда ўтган 47-халқаро Менделеев олимпиадасида эса дунёнинг 17 давлатидан келган 117 нафар иқтидорли ўқувчилари билан билим кучини синашган йигит-қизларимиз 2 олтин, 5 кумуш ва 8 бронза медалларига эга бўлишди. Яна бир мисол, 2013 йил май ойига қадар 40 нафар истеълодли ёшларимиз Франция, Италия, Германия, Буюк Британия, Руминия, Россия, Озарбойжон каби давлатларда ўтказилган турли хил нуфузли халқаро мусиқа танловларда ғолибликни қўлга киритдилар. Шунингдек, давлатимиз мустақилликка эришгандан буён спорт билан шуғулланаётган фарзандларимиз томонидан жами қўлга киритилган медалларимиз сони 4025 та бўлиб, шундан 1279 таси олтин, 1164 таси кумуш ва 1589 таси бронза медалларидир. Дарқақиқат, мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом этиб тарбиялашда спортни янада ривожлантириш, уни кенг тарғиб этиш жараёни муҳим аҳамият касб этади. Энг муҳими, Ўзбекистон бу йўлда ўз тажрибаси ва амалиётига эга. Фарзандларимизни спортга ошно этишда, айниқса, уч босқичли — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт мусобақалари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Минглаб ўғил-қизларимизни қамраб олган бу ноёб тизим, уларнинг жисмонан ва руҳан тетик бўлиб ўсишлари учун хизмат қилаётгани билан ҳам беқиёсдир.

Бинобарин, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида мустақил ташкилотлар гуруҳи ва халқаро экспертлар иштирокида 2015 йилда 158 та давлатда “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” деган мавзуда тадқиқот ўтказилди. Ҳар қайси мамлакатнинг ўз фуқароларини бахтли ҳаёт билан таъминлаш қобилиятини ифода этадиган ушбу

индекс бўйича Ўзбекистон 44-ўринни эгаллади. Айтиш жоизки, юртимиз 2013 йилда бу рейтингда 60-ўринда эди.

Бундай мисолларни ўнлаб, юзлаб келтириш мумкин. Ҳаммасининг замирида давлат раҳбарининг ёшларга қартаётган эътиборидир. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида таъкидлаганидек, Ўтган йили таълим-тарбия соҳасини янада ислоҳ этиш ва такомиллаштириш масаласи ҳам диққат марказимизда бўлди. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10-12 фоизни ташкил этмоқда. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қарийб 2 баробар қўлдир.

2015 йилда бу соҳада 384 та объектнинг моддий-техник базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича қиймати 423 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилди, намунавий лойиҳалар асосида 29 та янги умумтаълим мактаби барпо этилди, 219 та мактаб реконструкция қилиниб, 136 таси капитал таъмирланди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида 2 минг 200 талабага мўлжалланган янги замонавий ўқув корпуси, спорт мажмуаси, шунингдек, ўқув жараёнига жалб этилган хорижлик мутахассислар учун меҳмонхона барпо этилди. Навоий давлат кенчилик институтида янги ўқув биноси қурилиши ниҳоясига етказилди.

Олий таълим соҳасида олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчиларини мунтазам қайта тайёрлаш бўйича мутлақо янги, такомиллаштирилган тизим жорий қилинди. 15 та таянч олий ўқув юртида олий таълим муассасалари

рахбарлари ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш курслари ташкил этилди. Мазкур курсларда олий ўқув юртларининг 2 минг 700 га яқин ўқитувчиси малака оширди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим ва самарали омили бўлган jisмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2015 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан болалар спорти иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича манзилли дастурни амалга ошириш доирасида умумий қиймати 225 миллиард сўмдан ортиқ 35 та намунавий спорт объекти, 12 та сузиш ҳавзаси, 174 та мактаб спорт заллари фойдаланишга топширилди.

2015 йилда Ўзбекистон спортчилари жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро турнирларда 860 дан ортиқ медални қўлга киритишга эришдилар. Шунинг 311 таси олтин, 274 таси кумуш ва 276 таси бронза медалларидир.

Истиклол шарофати билан Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти сафидан муносиб ўрин эгаллади, халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Миллий тараққиётнинг “Ўзбек модели” амалда изчил ва самарали татбиқ этилаётгани туфайли бошқа соҳалар катори илм-фан, таълим, маданият ва маърифат тизимида ҳам халқимизни севинтирадиган, дунёдаги дўсту ҳамкорларимизнинг ҳавасини келтирадиган улкан натижалар қўлга киритилмоқда.

**Таянч атама ва иборалар:** халқаро ҳуқуқ, ислохотлар, ташқи сиёсат, ташқи сиёсатнинг маънавий омиллари, халқаро ташкилотлар.

## Ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар

1. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принциплари нималардан иборат?
2. Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида шаклланишида қайси омилларнинг таъсири катта?
3. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши ҳақида нима биласиз?
4. Сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар жараёнинг мазмун-моҳиятини нималар ташкил этади?
5. Ўзбекистон қандай нуфузли халқаро ташкилотларига аъзо?

### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Каримов И.А. Биздан Озод ва Обод Ватан қолсин. – Т.: Ўзбекистон. Т. 2. 1996.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Биз ўз келажакимизни ўз кўлимиз билан қурамыз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2007.
6. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
7. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т. 14. – Т.: Ўзбекистон, 2006.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

9. Бетакроримсан, ягонасан, она ватаним – Ўзбекистоним. – Т.: Маънавият, 2015.

10. Давлатлар ва халқаро ташкилотлар. – Т.: Akademiya, 2005.

11. Mahathir Mohamad. Terrorism and Real Issues. Edited by Nasim Makaruddin. 2003. page-71.

12. Миллий истиқлол ғояси. – Т.: Академия, 2005.

13. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати. – Т.: Akademiya, 2007.

14. Мамашокиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. – Т.: Маънавият, 2007.

15. Мирхамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. – Т.: Университет, 2003.

16. Туленова Г. Маънавий етукликдан ижтимоий фаоллик сари. – Т.: Aloqachi, 2008.

17. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2008.

18. Тўраев Ш. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2015.

19. Юсупов Э. Миллий ғоя ва мафкура моҳияти, ижтимоий, тарихий илдизлари, аҳамияти. – Т.: 2000.

## ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ – ГЛОССАРИЙ

**Бағрикенглик** (толерантлик) - (лотинча “tolerare” - “сабр-тоқат”, “чидамок”) жамиятдаги турфа маданиятлилиқ, плюрализм, турли-туманлилиқ ва хилма-хиллиқларнинг мавжудлигини тан олиш, қабул қилиш, тўғри тушуниш ва ҳурмат қилишга қаратилган ижобий муносабат. Ўзбек тилида бағрикенглик сабрлилиқ, тоқатлилиқ, бардошлилиқ, чидамлилиқ каби бир қатор синонимларга эга. Бағрикенглик ғояси узоқ тарихга эга бўлиб, ушбу тушунча асрлар давомида шакллана борди ва бу жараён ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Диний соҳада бағрикенглик хилма хил диний эътиқодда бўлган кишиларнинг ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши, кишилиқ жамияти равнақи йўлида хизмат қилишини аниқлатади. Диний бағрикенглик тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан қуришнинг муҳим шартидир.

**Бозор иқтисодиёти** – иқтисодий алоқаларнинг йиғиндиси бўлиб ўз қонунларига эга, яъни, эркин рақобат, эҳтиёж ва ишлаб чиқариш, талаб ва тақлифларнинг миқдори ва таркибини бир-бирига мувофиқлаштириш, хусусий мулкчилиқ шакллариининг хилма-хиллиги, мулкка эгаллик, хўжалиқ юритиш ишларига фақат иқтисодий усуллар билан таъсир кўрсатиш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш каби иқтисодий қонунларга бўйсунди. Бозор иқтисоди халқнинг ижоди ва меҳнат имкониятларини юзага чиқариб, тадбиркорлик ва ишбилармонлик учун кенг йўл очади.

**Бунёдкор ғоя** — жамиятни тараққиёт сари етакловчи, турли гуруҳ ва қатламларни, миллатларни эзгу мақсад йўлида биргалиқда ҳаракат қилишга ундовчи, амалга оширишнинг реал асослари бўлган ғоя.

**Бунёдкор ғоялар** – 1) Ислом Каримов томонидан назарий жиҳатдан асослаб берилган тушунча; 2) жамият ва

одамларни, турли гуруҳ ва қатламлар, миллат ва давлатларни таракқиёт сари етакловчи, халқни эзгу мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи ғоя.

**Вайронкор (бузгунчи) ғоялар** – 1) бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиладиган ғоялар мажмуини ифодалайдиган тушунча; 2) инсонни ва жамиятни тубанликка бошлайдиган, одамларни ғаразли ният ва қабих мақсадларга ундайдиган, халқлар ва давлатларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этадиган ғоялардир.

**Буюк давлатчилик шовинизми** — (Шовинизм - фран. буржуа миллатчилигининг ўта реакцион формаси). Шовинизм сиёсати бошқа миллат ва халқларга нафрат ва душманликни авж олдиришга қаратилган. Шовинизм тўғрисида бўлмаган бошқа миллатлар ва ирқлар устидан ҳукмронлик қилишга даъват этилган бир миллатнинг алоҳидалигини («мумтозлигини») тарғиб этади.

**Буюк ипак йўли** – эраמידан олдинги 122-138 йиллардан то XX асрга қадар Шарқ ва Ғарб ўртасидаги қадимги савдо – сотиқ, тижорат, дипломатик ва маданий – илмий алоқалар йўли. Бу йўл Хитойдан бошланиб, Марказий Осиёга келгач, иккига айрилган. Биринчиси, Каспий денгизининг шимолий қисми орқали Кавказга, ундан жанубга, иккинчиси Каспийнинг жануби орқали Олд Осиёга йўл олган. Марказий Осиё Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент ва Фарғона водийсининг айрим шаҳарларида йирик савдо марказлари ҳисобланган, улар Моворауннахрнинг иқтисодий ва маданий юксалишида катта ўрин тўтган.

**Виждонлилик ва виждон уйғоқлиги** – шахснинг ўз ахлоқини назорат қила олиш, ўз яқинлари ва бошқа одамларнинг ишлари, қилмишларига яхшилик ва ёмонлик мавқеидан баҳо бера олиш лаёқатига эга бўлиш ва ўз виждонига мувофиқ тарзда ҳаётини фаолиятини юритиш



хулқ-атворига эгалигини ифодаловчи ахлоқий фазилят. У бир неча таркибий қисмлардан иборат:

- а) Ватанига садоқатли бўлиш;
- б) умумманфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш;
- в) ҳалоллик;
- г) бировнинг ҳаққини ноҳақ ўзлаштирмаслик.

**Ватан** – кишиларнинг яшаб турган, уларни авлод ва аجدодлари туғилиб ўсган жойи, ҳудуди, ижтимоий муҳити, мамлакати. Ватан бир-бирини тақозо этувчи ташқи муҳит ва ички кечинмалар ҳамда тушунчаларни ўз ичига олади. Ташқи муҳит нуқтаи назаридан Ватан киши ёки авлодлар туғилиб ўсган ва камол топган жой, замин, ўлкадир.

**Ватан туйғуси** – Ватан туйғуси бўлган кишидагина ватанпарварлик жўш уради. Президентимиз Ислом Каримов айтганидек: “Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғусини илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанчалик чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади”.

**Ватан равнақи** – ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир.

**Ватанпарварлик** – кишиларнинг ижтимоий ва маънавий-ахлоқий ҳислатларининг, фазилятларининг юксак намоён бўлиши ҳисобланади. Зеро, улар негизида ота-боболардан мерос қолган заминни севиш, урф-одатларни, қадриятларни сақлаш, эл-юрт равнақи учун чин дилдан меҳнат қилиб, Ватанни душманлардан ҳимоя қилиш, ҳар қандай қарамликдан озод этиш, ҳатто зарур бўлса, унинг озодлиги ва мустақиллиги учун жонини ҳам аямаслик кабилардир.

**Демократия** (يونونча, “демос” – халқ, “кратос” – ҳокимият) – халқ ҳокимияти маъносини англатиб, халқни ҳокимият манбаи, деб билувчи сиёсий тизим шакли.

Демократия инсонни ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун берилган имконият бўлиб, давлат конституциясида озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi тамойили расмий эълон қилинган, ҳамда фуқароларнинг эркинлиги тенг ҳуқуқлиги эътироф этилган. Демократия ҳар бир даврнинг ижтимоий – иқтисодий шароитларига мос шаклланиб, ривожланиб боровчи чегарасиз табиий – тарихий жараёндир.

**Давлат** – бугун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув аппаратига таянадиган, барча учун қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган сиёсий ташкилот.

**Дунёвийлик.** Дунёвийлик – бу давлатда дунёвий нормалар ва асосларга таянган ҳолда сиёсат олиб боришни англатувчи тушунча бўлиб, жамият ва инсонни эзгу мақсадлар сари етаклайдиган соғлом фикрлар мажмуидир. Бу ғоялар мазмун-моҳиятига кўра умуминсоний, илмий, фалсафий каби бир неча турларга бўлинади. Дунёвий ғоялар миллат, давлат, халқ ва жамият эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатларининг ривожланиш йўлини белгилаб олишга доир долзарб ғояларни ташкил этади. Дунёвий ғоялар адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик руҳини, таррақиёт йўлидаги олижаноб мақсадларни ўзида ифода этиб, Ватан равнаки, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун хизмат қилишни назарда тутаяди.

**Диний экстремизм ва терроризмга қарши муросасизлик** – дин байроғи остида пайдо бўлган, ғайриинсоний моҳиятга эга ижтимоий ҳодисаларга нисбатан келишувчиликка йўл қўймайдиган фазилат. У: а) жамиятда қабул қилинган диний қадриятлар ва меъёрларга зид қарашларни илгари суришнинг ногўғри эканини ичдан хис этиш; б) ўта кескин қарашлар ва чора-тадбирларга мойилликни инкор этиш; в) ижтимоий беқарорлик келтириб чиқаришга қаратилган, аҳолининг кенг қатламларида ваҳима ва қўрқув уйғотишга, зўравонликка асосланган ҳар қандай

ҳаракатларни рад этиш; г) бундай ҳодисаларнинг олдини олиш йўлида фаоллик кўрсатишдек хусусиятларни ўзида мужассам этади.

**Идеал** – мутлақ баркамоллик, бундай баркамоллик ҳақидаги тасаввур.

**Интеграция** – бирлашиш, бирикиш, яхлит бир бутуннинг шаклланиши.

**Конфуций** – қадимги Хитой файласуфи (551-479) яшаб ижод қилган. Унинг “Ҳикматлари”, яъни афоризмлари ҳозирги кунгача жуда машҳур ҳисобланади. Конфуций таълимотида умуминсоний кадриятларнинг хитой халқи турмуш тарзида ўзига хос тарзда намоён бўлиши, бу халққа хос маънавий мезонлар ақс этган. Конфуцийнинг таъкидлашича, шахс фақат ўзи учун эмас балки жамият учун ҳам яшаши керак.

**Лао-Цзи** – (VI-V асрлар) қадимги Хитойнинг кўзга кўринган файласуфларидан бири. Унинг таълимотига кўра, олам, жамият ва инсон ҳаёти Дао қонунига бўйсунмоғи лозим. Даосизм таълимоти ана шу тарика шаклланган. Дао қонуни — табиатнинг яшаш қонунидир, ундаги ранг-баранглик кураши ва уйғунлиги абадийлигининг эътироф этилишидир.

**Манқурт** – “манқурт” ўз эли, тарихи, қон-қариндошини, ҳатто ўзи тукқан онасини ҳам унутган, ўз келажагини тасаввур эта олмайдиган кишилар ва халқларнинг мажозий образи.

**Миллатчилик** – ўз миллатининг манфаатларини бошқа миллатлар ҳақ-ҳуқуқларидан юқори қўйиб хал этишига интилувчи сиёсий оқим

**Маърифатлилик** тушунчаси кенг камровли, серқирра фазилат бўлиб, инсоннинг ўқимишлиги, маърифатга интилувчанлиги, билимдонлиги, олийжаноблиги каби хислатларни англатади. Ўз халқининг тарихини, миллий ва диний кадриятларини, тилини, истикбол манфаатларини

билган, кадрлаган, миллий мансублигини англаган, ўз миллатининг истикболи учун қайгурадиган инсонларни маърифатлилик фазилатига эга дея оламиз.

Маърифатлилик тўрт жиҳати билан ажралиб туради: а) ўз ҳақ-хуқуқуни таниш; б) ўз кучи ва имкониятларига таянадиган инсон бўлиш; в) атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олиш; г) шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда фаолият юритиш.

**Миссионерлик ва прозелитизмга муросасизлик** – бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш ҳамда тўғридан-тўғри бирон бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилишга қаратилган назарий қарашлар ва амалий хатти-ҳаракатларни рад этиш, уларга нисбатан фаол ҳаётий позицияни намоён этиш билан боғлиқ фазилат.

Ушбу фазилат: а) миссионерлик ва прозелитизм миллат ва жамиятни диний асосда бўлиб ташлашга қаратилганини теран англаш; б) ўта нозик шаклларда олиб борилаётган миссионерликнинг ғоявий-ақидавий асосларини фош этиш; в) миссионерликнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатларда фаол иштирок этиш; г) кишиларда соғлом эътиқодни шакллантириш йўлида амалий ҳаракатлар олиб боришдек хусусиятларни ўзида мужассам этади.

**Маздак таълимоти** - У эрамининг V-VI асрларида кенг тарқалган эди. Унинг асосчиси Маздак (470-529 йиллар) бўлган. Маздак ва унинг маслакдошлари ўз қарашларида халқ оммасига суянган. Халқнинг озодлик, эркинлик, хурлик йўлида олиб борган ҳаракатларига раҳнамолик қилгани учун тез фурсатда уларнинг маслакдошлари, издошлари кўпайиб кетган. Маздакийлик ижтимоий тенгсизликни бартараф этиш йўлида курашга даъват этувчи мафкура сифатида хизмат қилган.

**Мафкура** (араб. - фикрлар мажмуи) - муайян ижтимоий гуруҳ ё қатламнинг, миллат, жамият ёки давлатнинг манфаатлари, орзу-истак, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоявий-назарий қарашлар ҳамда уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимидир. Унда манфаатлари ифодаланаётган куч ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболи ўз ифодасини топади. Президентимиз Ислам Каримов мафкурага шундай таъриф берган: *«Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажagini кўзлаган ва унинг дунёдиги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги куни ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир гоҳни мен жамият мафкураси деб биламан»<sup>5</sup>.*

**Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви** – мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этганини ифодаловчи тушунча. Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини глобаллашув жараёни қамраб олди. Натижада жамият бир бутун яхлит бўлиб, инсоний муносабатлар макон ва замон чегараларини писанд қилмасдан бутун ер юзидан ягона жараёнга айланди.

**Мафкуравий муаммолар** – мафкура соҳасида ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар мажмуини ифодаловчи тушунча. Ҳар бир давлатда янги пайдо бўлган, ечимини топмаган муаммолар бўлиши мумкин. Ғоявий бекарорликка чек қўйиш, мафкуравий бўшлиқни тўлдириш, мафкуравий таҳдиднинг олдини олиш, мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш каби масалалар мажмуи. Бундай муаммолар жамият ҳаётининг бир тарихий босқичидан

<sup>5</sup> Каримов И. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни жамият қилишга хизмат қилсин. Т.7. -Т.: «Ўзбекистон», 1999. 89-бет.

иккинчисига ўтиш даврида айниқса жиддий аҳамият касб этади.

**Мафкуравий полигон** – одамлар ва халқларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган турли ғояларнинг синов майдони.

**Мафкуравий профилактика** – мафкуравий парокандаликнинг олдини олиш, мафкуравий бўшлиқни тугатиш, бирор-бир ҳудуд, қатлам, ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, маънавий-мафкуравий ишлар мажмуи.

**Мафкуравий сиёсат** – Муайян мафкуравий қарашларни одамлар онгига сингдириш, уларни маълум мақсад атрофида уюштириш, бошқариш учун услуб ва воситалар, уларни ишлаб чиқиш, тартибга солиш билан боғлиқ фаолиятлар мажмуи.

**Мафкуравий тажовуз** – муайян миллат, жамият, давлатнинг танлаган истикбол йўлидан оғишга йўналтирилган, ғаразли мақсадларга эришиш учун фуқаро ва жамият хавфсизлигига, тинчлик ва барқарорлигига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ва унга асосланган амалиёт мажмуи.

**Мафкуравий тарбия** – инсон, ижтимоий қатлам, гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини йўналтирадиган, уларда маълум эътиқодни шакллантирадиган билимлар билан қуроullanтиришга йўналган жараён.

**Монизм** (юнонча – монос, яъни яқка маъносини англатади) - оламнинг асоси яқаю-яқона сабабга, битта асосга эга деб таълим берадиган фалсафий таълимотдир.

**Мустақиллик тафаккури** – ўз ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун зарур бўлган ғоялар билан қуроullanган кишиларнинг мафкураси, эътиқоди, тафаккур услубидир.

**Миллий ифтихор** – миллий ғурурнинг зохири, намоён бўлиш шакли; миллат маънавий камолотининг барча

жиҳатларини, мероси ва бугунги кадриятларини ўз ичига олади. Миллий истиқлол натижасида эришилган ва эришилажак иқтисодий ва маънавий ютуқлар кўпайган сари Ўзбекистон билан фахрланиш ҳисси - миллий ҳис шунчалик кўпайиб бораверади.

**Миллий ғурур** – шахс, ижтимоий гуруҳнинг миллий ўзини англаши асосида шаклланадиган, аجدодлари қолдирган моддий, маънавий меросдан, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, ўша миллатлар олдидаги кадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодаловчи тушунча. Шунга кўра, миллий ғурур ҳар бир кишида, ўзи мансуб халқ - миллат тарихини, ўтмиш аجدодлари томонидан яратилган ва мавжуд юксак миллий кадриятлар, ижобий урф-одаг ва анъаналарни, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъатда ҳамда давлат ва жамият куришда эришилган улкан ютуқларни чуқур билишда, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиб, беҳад кадрлашда, шунингдек, турмушидаги амалий муваффақиятлардан фахрланиш тарзида намоён бўлувчи ўзига хос фаол ва ижобий туйғудир. Айни пайтда, миллий ғурурни фақат миллий муносабатлар жараёнида инсонларда юз берувчи рухий-психологик ҳодиса - миллий ҳис-туйғу тарзидагина эмас, балки, уни кенг маънода, реал ижтимоий макон ва тарихий замондаги мавжуд миллатга тегишли моддий-маънавий бойликларни ҳамда уларга нисбатан ижобий муносабатларни ифодаловчи кўп қиррали ва кенг қамровли ижтимоий-маънавий ҳодиса сифатида таъриф ва талқин этиш мумкин.

**Миллий истиқлол ғояси** – Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-идеалларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида муҷассам этади.



**Миллий мафқуранинг асосий ғоялари** – Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги, Комил инсон, Ижтимоий ҳамкорлик, Миллатлараро тотувлик, Динлараро бағрикенглик.

**Миллий мафқуранинг бош ғояси** – Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш.

**Мафқуравий эътиқод** – жамиятдаги кишилар, турли ижтимоий гуруҳ, бирлик ва тоифалар фаолиятини тартибга солувчи ғояларга қаттиқ ишончдан иборат руҳий-маънавий куч; ғоя(лар)нинг ижтимоий-маънавий ҳаёт тамойилларига айланган ҳолати. У жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳит, ғоявий таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот таъсирида шаклланади. Кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятида ўзига хос руҳий-маънавий ҳаёт тамойили сифатида амал қилади.

Мафқуравий эътиқоднинг шаклланишида ғояларга, ундаги мақсад ва орзу-идеалларга ишонч алоҳида ўрин тутади. Яъни, умуман, ғояларнинг ҳаққонийлигига ва уларнинг руёбга чиқишига бўлган ишонч ҳар қандай мафқуранинг ҳамда у билан боғлиқ барча хусусиятларнинг шаклланишида асосий роль ўйнайди. Шунинг учун жамиятдаги умумий мақсад, орзу-идеалларга ва уларни руёбга чиқариш йўлларига халқ ишончини шакллантириш – миллий мафқурани ривожлантириш ва ундаги ғояларни амалга оширишнинг муҳим шартидир. Шу нуқтан назардан, мафқуравий эътиқодни ижтимоий ҳаётдаги объектив ва субъектив омиллар таъсирида шаклланадиган, кишиларнинг оғи ва калбида маълум ғоялар ҳақидаги билим-тасаввурларга асосланган ҳамда ана шу ғояларни руёбга чиқаришга бўлган мустаҳкам ишончдан иборат руҳий-маънавий ҳодиса сифатида таърифлаш мумкин. Бинобарин, кишилардаги ғоявий билим-тасаввурлар билан руҳий-эмоционал ҳислатларнинг уйғунлиги мафқуравий эътиқоднинг мазмунида муҳим ўрин тутади.



Мафкуравий эътиқодда ғоявий билим эмоционал-руҳий хусусиятлар билан бирлашиб, ижтимоий-маънавий эҳтиёж ва манфаат талабларига мос келадиган ишончга айланади. Ишонч, шу эҳтиёж-манфаат ва амалий тажрибадан келиб чикувчи мақсад, орзу-интилишларга нечоғли мос келишига қараб эътиқодга айланади, ёки аксинча. Айни мана шу ҳол мафкура ва мафкуравий эътиқоднинг шаклланиб, ривожланиши ҳамда ижтимоий ҳаётга ўзига хос таъсир кўрсатишида муҳим ўрин тутади.

**Мафкуравий иммунитет** - лотинча *Immunitatis* сўзидан олинган бўлиб –бирор нарсадан озод этиш маъносини англатади. Шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан химоялашга хизмат қилувчи тизим. У мафкуравий эътиқод билан узвий боғлиқ бўлиб, «маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун шахсни тарбиялашда, ҳар қандай реакцион, бузғунчи характердаги ғоявий тасирларга бардош бера оладиган ёшларни тарбиялашда кўл келади»<sup>6</sup>. «Мафкуравий иммунитет» тушунчасига Президентимиз Ислом Каримов қуйидагича таъриф берган «Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг **мафкуравий иммунитетини** кучайтиришимиз зарур» (Каримов И.А. Асарлар. Т.8. 494-бет).

**Мафкуравий плюрализм** (лот. *Pluralis* - хилма-хиллик, ранг-баранглик) - ижтимоий-сиёсий ҳаётда турли катлам, гуруҳлар манфаатларини ифода этувчи ғоявий ранг-барангликни, қарашлар ва фикрлар хилма-хиллигини ифодалайди. Инсон ва жамият ҳаётида ғоялар ва мафкуралар

<sup>6</sup> Фалсафа: коммунисий луғат. -Т.: Шарқ, 2004. 160-бет.

хилма-хиллигининг намоён бўлиши ижтимоий-маънавий эҳтиёж ифодасидир.

**Миллий менталитет** - ҳар бир миллатнинг айрим вакилига ёки бутун бошли ижтимоий гуруҳга хос бўлган ақлий қобилият даражаси маънавий салоҳиятидир.

**Миллий ўзликни англаш** - ҳар бир миллат ва элатнинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларини ифодаловчи этник бирлик, тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятларга мансублигини, манфаатлар ва эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишни англатувчи фалсафий тушунча

**Миллийлик** - муайян халққа хос бўлган, уни бошқалардан фарқини кўрсатувчи хусусиятлар мажмуи. **Миллийлик** миллатнинг тарихи, қадриятлари, анъаналари, маданияти, яшаш тарзида яққол намоён бўлади.

**Миллат** - тил, маънавият, миллий ўзликнинг англаш, руҳияти, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятлар ягоналиги асосида муаян ҳудудда яшовчи ижтимоий алоқалар билан боғланган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни яратувчи кишиларнинг этник бирлиги.

**Миллий гуруҳ** - шахс, ижтимоий гуруҳнинг миллий ўз-ўзини англаши асосида шаклланадиган, аждодлари қолдирган моддий, маънавий меросдан, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига кўнган ҳиссаси, ўша миллатлар олдидаги қадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодаловчи тушунча.

**Менталитет** - (лотинча «mens» - ақл, идрок) - жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий пароятларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қуввати.

**Маздакийлик** - диний фалсафий таълимот. Асосчиси Маздак (470-529). Маздак халқ оммасининг зардуштийлик

қохинлари ва зодагонларига қарши курашини бошқарган. Маздак таълимотига биноан, оламда буладиган жараёнлар онгли ва бирор мақсадни кўзлаб ҳаракат қилувчи эзгулик, ёруғлик манбаи билан кўр-кўрона ва тасодифий ҳаракатланувчи коронгилик манбаи ўртасидаги курашдан иборат. Бу кураш “яхшилик”нинг “ёмонлик” устидан муқаррар ғалабаси билан тугалланади.

**Прогресс** – лотинча илгариланма ҳаракат, муваффақият демақдир. Қуйидан юқорига, оддийдан мураккабга томон ривожланиш тараққиётни ифодалайди. Прогресс тушунчаси регресс тушунчасининг зиддидир.

**Ривожланиш** – бу муайян системанинг муайян вақт ва фазодаги яхлит, комплекс, орқага қайтмайдиган, илгариланма йўналишга эга бўлган, миқдорий ва сифатий ўзгаришидир.

**Соғлом эътиқодчилик** – инсон фаолияти учун маънавий асос, йўл-йўриқ ва мўлжал бўлиб хизмат қилувчи, ақл, ҳис ва ирода воситасида анланган билим, ғоя ва шу асосда шаклланадиган мақсадлар мажмуининг эл-юрт манфаатлари билан боғлиқ ҳолда шаклланишини ифодаловчи маънавий-рухий ҳодиса, фазилат.

Ушбу фазилат; а) эътиқод билан боғлиқ билимларнинг чуқур ва илмий асосланганлигини; б) шаклланган кадриятларнинг бунёдкорлик ғояларига таянишини; в) носоғлом эътиқодга асосланган қарашларнинг рад этилишини; г) жамиятдаги эътиқодий барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатларнинг доимийлигини англатади.

**Тарихий хотирага содиқлик** – миллатнинг, халқнинг ўз ўтмишини билиш, бу ўтмишни таҳлил қилиш, ўтган воқеалар ва ҳодисаларнинг асл мазмун-моҳияти ва тарихдаги ўрнини асослаб беришни англаш.

Ўз ўтмишини билмаган миллат миллий ғурур ҳиссини яхши билмайди, бошқа миллатлар ва айниқса, ҳозирги

замоннинг йирик халқлари тили, адабиёти, маданиятига қарам бўлиб, шу тариқа миллий ўзлигини йўқотади.

Аждодлар яратган моддий ва маънавий бойликларнинг кишилар онги ва кундалик амалий фаолиятида қайта намоён бўлиши ва қадрланиши ёшларда тарихий хотирага нисбатан содиқлик туйғуларини шакллантиради. Зеро, инсон ўзининг тарихий хотирасига эга бўлмасдан туриб, ҳаётида содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришларнинг моҳиятини тушуниб етолмайди. Шунинг учун ҳам, ҳамма замонларда халқнинг, миллатнинг тарихий хотирасини мустаҳкамлаш ва унга содиқлик фазилатларини шакллантириш юртнинг буюк ашломалари, давлат арбоблари диққат-эътиборида бўлган.

а) тарихий хотирасиз келажак йўқ; б) тарихий хотира ҳар бир миллат, ҳар бир халқ яратган маънавий бойлик; в) мутафаккирлар илмий, маданий ва маънавий меросини билиш; г) тарихий-диний обидаларни зиёрат қилиш маданиятига эга бўлиш.

**Умуминсоний қадриятлар** – инсоният томонидан яратилган, умуминсоний манфаатларга ва халқларнинг ўзаро ҳамжихатликда яшашлари ва ривожланишлари учун хизмат қиладиган умуминсоний ахлоқ, халқаро сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий, фалсафий, диний муносабатлар тажрибаси, малакалари ва ҳ.к.ларни ўзида мужассамлаштирувчи тушунча.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар ўзаро узвий алоқада бўлади.

**Урф-одатлар** – кишилар турмушига сингиб кетган, доим такрорланиб турадиган ҳатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган ҳуқ-атвор қоидалари ва кўникмалар (масалан, ўзбекларда кичикларнинг катталарга салом бериши, эрта туриб уй-ховлини супуриб-сидириш, тартибга келтириб қўйиш, меҳмонларга алоҳида хурматда бўлиш, байрам арафасида бетоб, ожиз ва қийналаганлардан хабар

олиш, ёрдамга мухтожларга хашарга бориш ва шу кабилардир).

**Фикр эркинлиги** – бу жамият аъзоси бўлган ҳар бир шахс табиий ва ижтимоий жараёнларга, фуқаролар билан сиёсий ташкилотларга ва миллий, ирқий, диний, синфий муносабатларга эга бўлган мустақил фикрларини ҳуқуқий, сиёсий диний ва бошқа муассасалар томонидан бўлиши мумкин бўлган турли тазйиклардан муҳофаза қиладиган ижтимоий муҳит.

**Цивилизация** – (лотинча “civilis” – фуқаровий, ижтимоий) – жамиятнинг ўз тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларининг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи. Цивилизация инсоният тараққиётининг маҳсули ва айни вақтда заминидир.

**Этикод** – инсоннинг ўз фикр ва қарашларида дунё ҳодисаларининг муайян турига (масалан: илмий, сиёсий, ахлоқий, диний) маҳкам, собитқадамлик билан ишониши ва унга қатъий амал қилишни англатувчи фалсафий тушунча.

**Шовинизм** – миллатчиликнинг ўзига хос шакли, бошқа миллатларни менсимаслик ва ўз миллатининг уларга нисбатан устунлигини асослашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими ва амалиёти.

**Тамойил** – нарса-ҳодисаларнинг моҳияти ва намоён бўлишига хос устувор хусусиятлар тушунилади. Масалан, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари деганда, миллий ғоямизнинг асосий қонуният ҳамда белгиларини ўзида акс эттирадиган билим ва тасаввурларни, унинг моҳияти ва намоён бўлишига хос устувор хусусиятларни англаймиз.

**Фундаментализм** – маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва шу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин деган фикрни илгари суриш.

**Ички таҳдидлар** – ўз Ватанига, ватандошига, ватандошларига зарар етказишга қаратилган гоё, хатти-ҳаракатлардир.

**Экстремизм** – Ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир-чоралар кўришга тарафдорлик.

**Интеграция** – бирлашиш, бирикиш, яхлит бир бутуннинг шаклланиши. Интеграция – миллий иқтисодиётларнинг сифат жиҳатидан янги шароитларга эга бўлиши ва, мамлакат тараққиёти имкониятларини кенгайтириш мақсадида, ихтиёрий равишда бирлашиши, бир-бирларига ўзаро таъсир этиши жараёни.

**Инсон ҳуқуқлари** – инсоннинг давлатга муносабати бўйича ҳуқуқий мақомини, унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳалардаги имконият ва даъволарини ифодаловчи тушунча. Инсон ҳуқуқларини эркин ва самарали амалга оширилиши фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади.

**Инсон ҳуқуқлари декларацияси** - инсон ҳуқуқлари бўйича энг муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат. БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган. Декларация БМТ Уставига ва унинг халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳурмат қилиш, турмуш аҳволини яхшилаш билан боғлиқ принципларга таянади. Декларацияда эълон қилинган ҳуқуқлар ва эркинликлар миллати, ирки, мулкӣ ва ижтимоий аҳволи, дини, сиёсий қарашлари ҳамда бошқа фарқларидан қатъий назар барча инсонларга тааллуқлидир. Декларация таркибий тузилишига кўра муқаддима ҳамда ўттиз моддани ўз ичига олади. Унда инсоннинг барча асосий сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, эркинликлари батафсил баён этилган. Декларациянинг бир қатор моддалари (23-26 моддалари) меҳнат қилиш, дам олиш, ижтимоий таъминот олиш, таълим олиш, малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқларини назарда тутди. БМТнинг “Инсон



хукуклари умумжаҳон Декларацияси” Ўзбекистон Республикаси томонидан 1991 йил 30 сентябрда ўз давлат мустақиллигининг дастлабки кунларида ратификация қилинган.

**Анъана** – жамият ҳаёти турли соҳаларининг, моддий ва маънавий фаолият шаклларининг, кишилар ўртасидаги алоқалар ва муносабатларнинг авлоддан-авлодга ўтиши, аждодлар ҳаёти, белгилари ва хусусиятларининг такрорланиш тарзи.

**Урф-одат** – кишилар турмушига сингиб кетган, доим такрорланиб турадиган хатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари ва кўникмалар.

**Мустақиллик** – 1) Тазйиқдан, назоратдан холи бўлиш, эркинлик; 2) иқтисодий, сиёсий, маънавий тобе бўлмаслик. Ўзбек тилида Мустақиллик атамаси одатда истиқлол сўзи билан яқин маънода қўлланилади ва узлуксизликни англатувчи чуқур, кенг камровли жараёни акс эттиради.

**Феномен** – (юн. Phainomenon – юз берувчи) – 1) кўзга кўриниб турган ҳол; 2) ноёб, кам учрайдиган ҳол, ёки буюк, ягона бўлган инсон; 3) ҳиссий билиш, тажрибада берилган маълум бир ҳолни англатувчи фалсафий атама.

**Муҳолифат** – (арабча “муҳолафат” – келишмовчилик, тескарилашиш, қарама-каршилиқ, зиддият) – расмий сиёсатга, ҳукмрон қарашларга мос бўлмаган нуқтаи назар, алоҳида сиёсий йўл, демократиянинг муҳим белгиси. Муҳолифат уч хил бўлиши мумкин: а) парламент доирасида; б) ундан ташқарида; ёхуд в) сиёсий партиялар ичида.

**Маърифатпарварлик** – Маърифатнинг луғавий маъноси билиш, таниш, билим демақдир. Бошқача айтганда маърифат билмоқ, кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия жараёнидир.

**Комиллик** – инсоннинг камолотга эришув жараёнидаги баркамоллиги даражасини ифодаловчи тушунча. Комилликнинг ҳар бир даврга хос мезонлари мавжуд.

Нодонга нисбатан оқил, лоқайдга нисбатан сергак, бахилга нисбатан сахий, танбалга нисбатан сергайрат, кўрқокка нисбатан ботирлик каби хислатлар ўзига хос ўлчов воситасини ўтайди.

**Аксиология** – (юн. «axio» – кадрият ва «logos» – фан, таълимот) – кадриятшунослик; кадриятлар ҳақидаги фан.

**Озодлик** – барча демократик эркинликларга эрипишнинг, ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланган ва таъминланган жамиятнинг бош шарти.

**Обод Ватан** – фуқаролари эркин, озод, яратувчилик фаолияти билан банд бўлган, хавфсизлиги таъминланган фаровон ҳаёт куриш макони.

**Ватанпарварлик** – Ватанга нисбатан садоқат, унга хизмат қилиш, юрт тинчлигини асраш, Ватан равнақи учун фаол бўлишга ундайдиган ижтимоий, маънавий-ахлоқий фазилат.

**Демократик институтлар** – жамиятнинг демократик тузумини барпо этишга хизмат қилувчи омил бўлиб, унга қуйидагилар киради. 1) Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар. 2) Юридик макомга эга бўлган муҳолифат. 3) Мулкчилик институти.

**Шарқона демократия** – урф-одат, кадриятларга асосланган ўзига хос демократия.

**Сиёсий демократия** – жамият сиёсий тизимини халққа яқинлаштириш, сиёсий адолатсизликларнинг олдини олиш.

**Ижтимоий демократия** – бугунги даврда демократияни ислохотлар жараёнига айлантириш.

**Ирқчилик** – одамлар ўртасидаги ижтимоий тенгсизлик, босқинчилик, зўравонлик ва урушларни кишиларнинг турли ирқларига мансублиги билан оқлашга хизмат қилувчи ғайримиллий таълимот. Ирқчилар инсонларнинг ижтимоий моҳиятини уларнинг биологик – ирқий (кўзи, сочи ва терисининг ранги, бош ва юз тузилиши каби ташқи, иккинчи



даражали жисмоний) белгилар билан боғлаб, уларни олий ва куйи, бекаму-кўст ва норасо ирқларга ажратадилар.

**Тарғибот** (араб. Қизиқтириш, тарқатиш) – 1) кенг маънода, ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида илмий, бадиий, ижтимоий-сиёсий, миллий ғоя ва қадриятларни тарғиб этишдир. Тарғибот жараёнида фан, санъат, сиёсий ва мафкура ютуқлари кенг оммалаштирилади, бойитилади ва янада ривожлантирилади. 2) тор маънода, мафкура ва сиёсатни тарғиб этишга қаратилган фаолият. Тарғибот илмийлик, конкретлилик, объективлик, ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлик тамойилларига асосланиши, ташкилий жиҳатдан уюшган бўлиши лозим.

Шунингдек, кишида, одамларда у ёки бу нарсага хоҳиш, майл пайдо қилишни англатади. Ўрни тарғиботнинг hozирги талқинини – ички ва ташқи сиёсат, вазият тўғрисидаги қараш ва билимларни оммалаштириш, уқтириш орқали уларда огоҳлик, ғоявий-сиёсий бирлашувга рағбатлантириш деб белгилаш мумкин.

**Тарғибот** – бирор ғоя, таълимот, фикр ва қарашни аҳоли ўртасида кенг ёйиш, кишилар онгига сингдиришга қаратилган, аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган тушунтириш ва даъватни, одамларни муайян бир вазифани ҳал қилиш, маълум бир тартиб-қондалар асосида яшаш, меҳнат қилишга маънавий-руҳий тайёрлаш, ғоявий руҳлантириш, сафарбар қилишни англатади.

**Ташвиқот** – одамларга таъсир ўтказиш мақсадида ёзма ва оғзаки қилинадиган ишлар; ундаш, даъват қилиш, шу асосда уларнинг қалбида завқ-шавқ, муҳаббат ёки нафрат уйғотишни ўз ичига олади. Ташвиқот (лот. Agitation – ҳаракатга келтирмоқ) – маълум бир ижтимоий гуруҳ ёки оммани кўзланган мақсад сари фаолликка ундайдиган тарғибот фаолиятидир. Ташвиқотнинг оғзаки, наприй ва

аудио-визуал турлари мавжуд бўлиб, у ғоят таъсирчан ижтимоий-сиёсий кураш воситаси ҳисобланади.

Шу маънода, ташвиқот - кишини, халқни миллий ғоя атрофида бирлаштиришга шавқлантириш, орзуманд қилиш, кучли майл, истак ҳосил қилиш демакдир. Педагогик-психологик қонуниятлар асосига қурилган ташвиқот ғоя ва шиорларни амалий кучга айлантиради.

Барча замон ва маконларда ҳам ҳар қандай ўз халқи келажагини ўйлаган мамлакатда аҳоли давлат томонидан олиб борилаётган сиёсат, ислоҳотлар, ўзгаришлардан маълум даражада хабардор қилиб борилган. Бу эса жамиятни бирлаштириш, умуммиллий мақсадлар йўлида сафарбарликни таъминлаб, давлат ва жамият бирлигига эришишдек эзгу мақсадларга хизмат қилган.

Одамларни у ёки бу мақсадга йўналтириш, тарбиялаш икки томонлама жараён. Бунда тарғибот субъектлари (тарғиботчилар, ТВ, радио, матбуот) ва тарғибот объектлари (шахс, аҳоли) иштирок этади. Тарғибот ва ташвиқотнинг самарадорлиги халқ, жамоа сиёсий онгида тарғиботгача ва тарғиботдан кейинги даражалар орасидаги фарқда билинади. Жамоа мафкурасидаги ўзгаришлар (фалсафа, сиёсий социология, психология ва педагогиканинг илмий ютуқларига асосланган ҳолда) илмий асосда олиб борилса, тарғибот ва ташвиқот самарасини, ютуқ ва камчиликларини аниқлаш ва такомиллаштириш мумкин бўлади.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
“Миллий ғоя тарихи ва назарияси” фанининг объекти, предмети, мақсади ва вазифалари .....	5
Миллий ғоянинг шаклланиш тарихи, унинг намоён бўлиш хусусиятлари .....	8
Мустақиллик ва миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар концепциясининг ишлаб чиқилиши .....	14
Миллий ғоя типологияси .....	20
Миллий ғоя концепциясининг асосий йўналишлари .....	26
Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий ғоя концепцияси билан боғлиқлиги .....	31
Миллий ғоянинг жамият ҳаёти соҳалари билан боғлиқлиги .....	56
Миллий ғояда инсон – энг олий кадрият .....	46
Инсон эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатларининг миллий ғояда акс этиши .....	51
Миллий ғояда сиёсий институтлар ва мафкуралар хилма хиллиги тамойили .....	56
Миллий ғоя негизларини асраб-авайлаш, уни ҳимоя қилиш шарт-шароитлари ва омиллари .....	62
Миллий ғоянинг умуммафкуравий жараёнлар билан боғлиқлиги .....	70
Миллий ғоянинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш механизмлари ва воситалари .....	77
Миллий ғоя – Ўзбекистон халқининг ишонч-эътиқоди манбан .....	85
Миллий ғояда маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги .....	93
Миллий ғоя - миллатлараро тотувлик ва ҳамжихат-лилиқни таъминлаш омилли .....	101
Миллий ғояда миллий ва диний бағрикенглик тамойили .....	109

Комил инсонни шаклланишида миллий ғоянинг ўрни ....	116
Маънавиятга таҳдидларнинг олдини олишда миллий ғояга таъйиниш зарурати .....	127
Ёт ва зарарли ғояларнинг кўринишлари, уларнинг олдини олишда миллий ғоянинг ўрни ва аҳамияти .....	142
“Оммавий маданият” нинг миллий ғояга зидлиги, унинг олдини олиш шарт-шароитлари, омиллари .....	148
Ўзбекистондаги мафкуравий жараёнлар ва миллий ғояга эҳтиёж .....	158
Дунёдаги мафкуравий курашлар шароитида миллий ғоянинг зарурлиги .....	171
Ёшларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашда миллий ғоянинг аҳамияти .....	179
Миллий ғоянинг миллий негизлар ва умумдемократик принципларга асосланиши .....	191
Миллий ғоянинг илмий ўрганиш, ўқитиш ва тарғиб-ташвиқ қилишнинг назарий-методологик асослари .....	201
Ўзбекистонда ғоявий таълим-тарбия ва тарғиб-ташвиқот институционал тизими .....	210
Ўзбекистон мустақил демократик тараккиётида миллий ғояга эҳтиёжнинг ортиши .....	218
Ўзбекистоннинг халқаро мавқеини мустаҳкамлашда миллий ғоянинг ўрни .....	227
Изоҳли луғат – глоссарий .....	250

**РЕСПУБЛИКА МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

**МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ**

**Ўқув-услубий қўлланма**

*Муҳаррир:*  
**Абдумурод Тилавов**

*Техник муҳаррир:*  
**Иноят Зоҳидова**

Наш.лиц. № А1 245, 02.10.2013.

Теришга 20.06.2016 йилда берилди. Босишга 20.06.2016 йилда рухсат этилди.

Бичими: 60x84<sup>1/16</sup>. Офсет босма. Таймс гарнитураси. Шартли б.т. 15.8

Нашр б.т. 13,0. Адали: 300. Буяортма №27.

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,  
Юнусобод-9, 13-54. Тел/Факс: +998(71) 228-67-73

«Sano-standart» МЧЖ босмахонасида босилди.  
Тошкент шаҳри, Широк кўчаси, 100-уй.  
Телефон: (371) 228-07-94, факс: (371) 228-07-95  
E-mail: sano-standart@mail.ru